



ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ



КЎП ТОМЛИК

Ширин билан
Шакар
Кунтуғмиш
Орзигул



дostonлар

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ

Тошкент — 1975

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

ИБРОҲИМ МЎМИНОВ, **ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ,**
ҲОДИ ЗАРИФ, **МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ, ШОНАЗАР**
ШОАБДУРАҲМОНОВ, **МАНСУР АФЗАЛОВ,**
ТЎРА МИРЗАЕВ

Ширин билан Шакар



Айтувчи

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ УҒЛИ

Нашрга тайёрловчи

М. ШАЙХЗОДА



Қуёнқи шаҳрида¹ Қосимхон деган ўтди. Бу киши бе-фарзанд бўлди. Фарзанд тараддудида хотин олмоқнинг ҳаракатини қилди. Ундан бўлар, бундан бўлар, деб саноқли саксон хотин олди. Саксонидан ҳам фарзанд бўлмади. Юриб, кўп азизларни зиёрат қилди; булардан ҳам ҳеч фойда топмади. Кўп халойиқни йиғиб, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берди. Шу хоннинг Суяжон деган вазири бор эди. Бунинг ҳам боласи йўқ эди. Кўпга тўй бериб, кўпдан дуо олди. «Кўп дуоси кўл», деган гапни шунда билди. Подшонинг Бўтакўз деган хотини ҳомиладор бўлди. Вазирнинг хотини ҳам ҳомиладор бўлди. Ойдан ой ўтиб, кундан кун ўтиб, подшонинг хотини ўғил туғди, эртасига вазирнинг хотини ҳам ўғил туғди. Бундан кейин вазирнинг хотини ўлди, ўғли этак остида қолди. Подшонинг хотини айтди: «Вазирнинг ўғлини ҳам олиб келинглар, мен эмизайин, мен фарзанддан тўйган қул эмасман». Вазирнинг ўғлини ҳам подшонинг хотини эмизди. Буларга от қўйди. Подшонинг ўғлининг отини Шакарбек, вазирнинг ўғлининг отини Ширинбек қўйди. Булар Ширин-Шакар бўлиб юраверди. Билган одам Ширин-вазирнинг ўғли деди, билмаган одам иккови ҳам подшонинг ўғли деб юраверди. Булар бирга-иккига кирди, учга кирди, тилга энгандан² тутиб мактабга берди.

¹ Қуёнқи шаҳри — бу ном остида қайси бир тарихий-жугрофий мавқенинг сақлангани ҳозирча аниқланмади. Хавелий-афсонавий шаҳар бўлиши эҳтимол.

² Тилга эниш — тилга кириш, ўрганиш.

Булар етти ёшга кирди. Бурро, саводхон мулла бўлди.
Энди ҳаракат қилиб, ўқиган ҳужрасидан чиқиб, иккови
маслаҳат қилиб, отамизга ов боши отиб келиб берайик,
деб:

Ширин, Шакар бундай сўзларни айтди,
Тўра бачча овга бормоқ бўлибди.
Иккови таблага бирга келибди,
Ширин, Шакар қилади маслаҳатди.
Эгарлаб минди-ғу бул бедов отни,
Овга қилмоқ бўлди энди юришни.
Белга бойлаб сопи олтин қилични,
Шу замонда олиб анжому ёйди,
Милтиқ-яроқ олиб овга жўнайди.
Овдан келса тилар энаси совға,
Ширин, Шакар энди минди бедовга,
Саркарда амалдор билмай қолади,
Ширин, Шакар овга кетиб боради,
Овга кетганини ҳеч ким билмади,
Беклардан беҳабар энди жўнади.
Қуёнқи шаҳридан чиқиб боради,
Савлат қилиб ўнгу сўлга қаради.
Овга борган беклар шундай бўлади,
Зоғ учмаган чўлга кетиб боради.
Юриб кетди булар анча йўлларни,
Шикор овлаб ўтиб кетди кўлларни,
Қадди шамшод кўринг тоза гулларни,
Кезиб юриб, бунда Зебит чўлларни,
Кўп қаради юриб зову тоғларни,
Сувсаб, очқаб шундай чўлда юради,
Уч кеча-уч кундуз ҳалок бўлади.
Шунча юриб ҳеч бир онгни кўрмади,
Қуруқ келмагини маъқул билмади.
Келолмайин шу чўлларда юради,
Ё парранда, ё бир онгни кўрмади.
Икковида сира тоқат қолмади,
Овга чиққан қандай қуруқ борар деб,
Қуруқ борсак ҳамма биздан кулар деб,
Юришимиз номуносиб бўлар деб,
Билса отам, бизни мазах қилар деб.
Тўқайистон, адир ерлар қолмасин,
Ҳалок бўлдик, тоза излаб кўрайик,
Бир нарса йўлиқса уриб олайик,

Бек отамга ов боши қип борайик,
Ҳалок бўлдик, энди қуруқ бормайик,
Элу халққа бориб кулги бўлмайик.
Бу сўзларни айтиб Ширинбек-Шакар,
Онг излашиб ҳалок бўлди тўралар.
Онг йўлиқмай жуда дилтанг бўлади,
Ҳеч нима йўлиқмай қайтиб жўнади,
Қуёнқи шаҳрига яқин келади.

Қуёнқи шаҳрининг четига келди. Бир сарҳовузнинг бетига юзиб юрган ғозни кўрди. Ғозни кўриб, Шакарбек Ширинбекка бир сўз деди:

Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб кулдингми?
Овга чиқиб жуда дилтанг бўлдингми?
Сўзимни эшитгин, Ширинбек жоним,
Сарҳовузда юзган ғозни кўрдингми?
Худо дейик, яратганга йиғлайик,
Омин деса фариштаи малойик,
Сарҳовузда юзган ғозни урайик,
Бек отамга ов боши қип борайик.
Отиб борсак кулмас бизга халойиқ,
Маслаҳат бер, ёлғиз ғозни урайик.
Қулай келди, энди қуруқ бормайик.
Кўп ерни ахтариб ҳалок бўламиз,
Мана турган ёлғиз ғозни урамиз,
Ширин ука, энди йўлли биламиз.
Овга кетдик, беклар қолди беҳабар,
Хизмат қилар бизга қанча амалдор,
Қуруқ бормай отиб бормоғим даркор.
Овдан борсак, отам кўнгли топилар,
Келгин, Ширин, бирга ғайрат қилайик,
Қимнинг ғозни бўлса, отиб олайик.
Отамнинг кейнидан элда тўрамиз,
Ҳар на қисмат ёзилганин кўрамиз.
Ғозни кўриб, маслаҳат қип турамиз,
Ғозни отиб, бек отамга борамиз,
Отамнинг кўнглини шодмон қиламиз,
Ғамли қулнинг кўзидан ёши сел бўлар,
Шакарбекнинг айтган сўзи шул бўлар.
Ғозни отмай, бундан кетмайди Шакар,
Қанча чўлни кезиб бўлганмиз абгор.
Қараб турмай сен ҳам бергин бир хабар
Укам деди, сендан сўради Шакар.

Бу сўзни эшитиб, Ширинбек Шакарбекка қараб бу сўзни айтиб турган экан:

«Сен эшитгин ночор қулнинг арзини,
Отма сарҳовузнинг юзган ғозини,
Овдан келаётган гулдай тўрасан,
Сарҳовуз ғозини отмоқ бўласан,
Зинҳор отма, ғоздан жабр кўрасан,
Қасофат ғозни отиб нима қиласан?
Қулоқ солиб эшит айтган нолишимга,
Эгам раҳм қилсин қонли ёшимга,
Фалак жабри заҳар қўшиб ошимга,
Шул ёлғиз ғоз етар сенинг бошинга.
Худойим сақлағай бандани омон,
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон.
Сарҳовуз ғозини отма, Шакаржон,
Бошинг қутулмайин бу қайғу-ғамдан.
Отаман, деб зинҳор айтма, Шакаржон,
Отарман, деб хаёлингни бўлмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Ғозни отиб, ака, жабр кўрмагин.
Муни отарман, деб мағрур бўлмагин,
Юравергин ўз йўлингдан қолмагин,
Муни отиб, кўп пушаймон қилмагин.
Бу ғознинг эгаси элда зўровор,
Бекорларга биз бўлмайик гуноҳкор.
Бу ғознинг эгаси, билса, ўлдирар,
Тўғри йўлга юра бергин, бек Шакар!
Бек отамнинг давлатига борайик,
Ҳеч ким билмас, бизлар бориб қўнайик.
Отни бериб, ҳужрамизда турайик,
Сира овга бормагандай бўлайик.
Ғози қурсин, бундан ҳазар қилайик,
Юргин, ака, бирга-бирга жўнайик!
Ғоз деб бир балони сотиб олмайик!»
Бу сўзларни айтди Ширинбек ночор,
Эшитиб, аччиғи келди бек Шакар.
Ғамли кунда тортар эди оҳ-вой,
Шиқирлатиб қўлга олди сари ёй.
Аччиғланиб ёйга ўқни солади,
Шакар ғозни отмоқчи бўп чоқлади.
Боғбон бўлсам, қизил гулни терай деб,
Қўлидан келганин бунинг кўрай деб,

Ушласа эгаси, жавоб берай деб,
Ким тармашса, унга жавоб берай деб,
Ғозни отиб олиб, ўзим жўнай деб,
Не келса қўлидан, уни қўрай деб,
Буни айтиб Шакар бўлиб дарқаҳар,
Ширқиллатиб ёйни тортди муқаррар,
Ёйнинг ўқи бул ғувиллаб кетади,
Шу замонда ғозга яқин етади:
Дум паридан бул оралаб ўтади,
Пари қўрқиб, кўтарилиб кетади.
Отга миниб Ширин, Шакар қаради,
Ярадор ғоз йиқилмайин боради.
Яраси совиса, тайин қўнади,
Қўнган ерда учолмайин қолади,
Шуни ўйлаб Ширин, Шакар боради,
Кўзини айирмайин ғозга қаради.
Ўқи теккан ярадан ақли шошар,
Эт қизувда учиб бир ерга тушар,
Қарамасанг одам бунда адашар.
От чопиб боради Ширинбек, Шакар,
Парвоз қилиб бораётир жонивор,
Қичаб Ширин, Шакар кўнглин хушлади,
Ҳар ерда душманнинг сирин фошлади.
Кўриб қолди орт сиртидан, бек Шакар,
Кенжа ойим ўрдасига ташлади.
Ширин, Шакар буни аниқ билади,
Урданинг оғзига яқин боради,
Бўлак ердан олмоқ қийин, боради,
Кенжа ойим — бул энамиз, бўлади.
Ўрдага кирмоққа одоб сақлади,
Чақириб сўраса, ғозни беради,
Шундай ўйлаб Ширин, Шакар қўнади
Дарвозада отдан қўниб туради.

Кенжа ойимга дарвозада туриб, Шакарбекнинг айтаётган сўзи:

«Хазон бўлиб, боғда гуллар сўлдими,
Ширин, Шакар боланг маҳтал бўлдими?
Арзимни эшитгин, Кенжойим — эна,
Урдангизга ярадор ғоз келдими?
Эна, эшит менинг айтган сўзимни,
Хафа қилма Ширин, Шакар қўзингни.

Чиқариб бер ов бошатган¹ ғозимни,
Ярадор ғозимни, эна, сўрайин,
Бек отамга ов боши қип борайин.
Сен эшитгин менинг айтган ноламни,
Ҳаёллатма бунда икки болангни».
Бу сўзди айтиб турур Ширинбек, Шакар,
Кенжа ойимдан мунда бўлмади хабар.
Дарвозада кўп тургандир тўралар,
Шакарбекка Ширин отни беради,
Ширинни буюриб Шакар туради.
Ширин энди бул ўрдага киради,
Ярадор ғозини қараб боради.
Шу замонда Кенжа ойимни кўради,
Кенжа ойим ғозни ушлаб туради,
Энасида бориб ғозни сўради.
«Эна, қилма ўз жонингга зулмни,
Ҳаёллатдинг биздек икки ўғлингни.
Бизлар отган ғозни, эна, бер энди.
Отиб бизлар жуда ҳалок бўлганмиз,
Бул ярадор ғозни қувиб келганмиз».

Бу ғоз Кенжа ойимнинг отасининг юртидан олиб келган энчи ғози эди. Кундуз куни сарҳовузда юзиб юрар эди. Оқшом келиб, Кенжа ойимнинг кўрпасига кирар эди. Ғозини ярадор кўриб, Кенжа ойим уни қучоқлаб, бу сўзни айтиб турибди:

«Ҳеч ким эшитмади менинг сўзимни,
Бир жувонмарг нобуд қипти ғозимни,
Ўлдирибди менинг билан созимни.
Ғозни отган ғариб шундай ўлсин-да!
Илойим, мулкидан жудо бўлсин-да!
Бўтакўзнинг болалари отибди,
Ўқ тегибди, ёнбош билан ётибди.
Менинг ғозим қизил қонга ботибди,
Эт қизувда жонивор бунда ётибди,
Қони билан бунда келиб қотибди.
Жувонмарглар ўгайликни билдирди,
Душманлик қип бағрим қонга тўлдирди,
Армон билан менинг ғозим ўлдирди».

¹ Ов боши отган.

Бу сўзди айтиб, гул юзли дилбар,
Ғозини бағрига босар муштипар,
Эна деб, етишиб Ширинбек номдор,
Иккови ул ғозни ушлаб тортишар.
Кенжа ойим бермайман деб туради,
Ғозни ушлаб Ширин бермай юради.
Иккови ҳам дилтанг бўлиб юради.
«Устингга кийганинг кимхоб кўкмиди,
Мерган бўлсанг, бундан бошқа йўқмиди?
Энангнинг айтганин сен ҳам қилгансан,
Угайлик қип менинг ғозим ургансан.
Энангнинг айтганин сен ҳам қилгансан,
Душманлик қип, шундай ишни қилгансан.
Жувонмарглар, эшит менинг сўзимни,
Еш тўлдириб менинг наргис кўзимни,
Заъфарондай сарғайтириб юзимни,
Нега отдинг менинг энчи ғозимни?
Отанинг юртидан олиб келганман,
Бу ғозимга меҳрибонлик қилганман,
Ярадор бўп келди, билмай турганман,
Угайлик қип отдинг, энди билганман».
Бу сўзни айтди. Кенжа ойим дилбар...
Қўйинг, эна, деб борди бек Шакар,
Ширин, Шакар бу иккови бирикар.
Кенжа ойимнинг кўнглини бўлади,
Бу мунглиқ Кенжа ойим нима қилади?
Иккови бир бўлиб тортиб олади,
Ғозни олиб, кула-кула жўнади.
Кенжа ойим кучи етмай қолади,
Кенжа ойимга жуда алам қилади.
У югуриб, ўз уйига киради,
Ул токчадан бир пичоқни олади,
Ширин, Шакар дарвозага келганда
Тағин етиб, боз ушлаб қолади.
Кенжа ойим кўнглин билмас ўғлонлар,
Кенжа ойим шундай шумлик бошлади,
Шумлик ўйлаб энди кўнглин хушлади,
Ширин, Шакарнинг этагин ушлади,
Ушлаб шундай ойим пичоқ солади,
Чопонидан улгу¹ кесиб олади.
«Бир туҳмат қилай», деб ойим қолади,

¹ Нусха, нишона.

Ширин, Шакар бу беҳабар боради,
Кенжа ойимнинг шумлигини билмади,
Ёмон гаплар ҳеч кўнглига келмади.
Энамиз бизни қарғаб қолди деб,
Кенжа энам кўп норози бўлди деб,
Буни айтиб Ширин, Шакар жўнади,
Нима бўлса, бўлганича бўлади.
Отасига элтиб ғозни беради,
Ширин, Шакар фарзандини кўради.
Ов бошатган ўғлим, деди суюниб,
Вақти хушлигидан қонди тўй бериб,
Қатта-кичик амалдорни чақириб,
Ширин, Шакар болам овга борибди,
Шукур қилай, ов бош отиб келибди.
Бу сўзни айтиб вақти хушлик қилибди.
Етти ёшда камолига кирибди,
Отам, деди, мени эсга олибди,
Ширин, Шакар ҳужрачага борибди,
Иккови уйқуга машғул бўлибди.
Азаматнинг ишин булар қилибди,
Етти ёшда ов қип ғозни урибди,
Кенжа ойим шумлик ўйлаб турибди:
Бу иш унга жуда ҳам дард қилибди.
Шу вақтда бир тухматни қилай деб,
Пойтахт остига одам борибди.
Тўрам, деб бирон арз қилиб кўрай деб,
Ширин билан Шакарлардан дод қилай деб,
Ё ўлайин, ё қолайин кўрай деб.

Бу сўзни ўйлаб (ўтирик сўзни эпламоқ қийин), нима деб айтарини билмай, пойтахт остида тенгсалиб ўтиб юрибди. Бир пилла Қосимхоннинг кўзи тушди. Кенжа ойимни кўриб: «Нима арзинг бор? Гапира бер!» деди. Шунда Кенжа ойим Қосимхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Шоҳим, эшит менинг айтган сўзимни,
Кўп йиғлатган мендай сарвинозингни,
Тиёлмадинг Ширин, Шакар қўзингни.
Ширин бегинг қўлин солди бўйнима,
Шакар бегинг сўнгра кирди қўйнима,
Говмирилар қўймади ўз таврима,
Эмранганда қонлар кетди бағрима.

Яшамай ўлсинлар иккала ўғлинг,
Арзимни айтаман сендай мардима.
Юролмайман Қуёнқидай юртингда,
Мени бергин бу икки фарзандингда.
Яшамай ўлсин иккала ўғлинг:
Ширин, Шакар менинг кўнглим бўлади,
Кўрмаган кунларни менга солади,
Эл ичида хўп шарманда қилади.
Икки ўғлинг менга бало бўлади,
Овлоқ бўлди, иккови ҳам боради.
Иккови бирикиб, зўрлик қилади,
Аёлман, қўлимдан нима келади?!
Жуда менга қаттиқ савдо солади,
Қандай гап деб, мендай мунглиқ йиғлади.
Мунглиқ-да йиғласа, қандай қилади?
Аёлнинг қўлидан нима келади?
Икки ўғлинг шундай қилди зулмни,
Хабаринг йўқ, сўрамайсан ҳолимни
Ширин, Шакар ҳаромлади танимни.
Тиёлмасанг сен ҳам икки ўғлингни,
Сен ўлдиргин мендай дилбар гулингни.

Қосимхон Кенжа ойимдан бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлиб, Кенжа ойимга қараб, шу сўзни айтиб турган экан:

Кенжа ойим, билмаганинг билдирма!
Угайликман ўғилларим ўлдирма!
Туҳмат қилиб, ўгайлигинг билдирма!
Ҳеч замонда шундай гаплар бўларми,
Энага боласи шундай қиларми?
Ширин, Шакар хиёнатни қиларми,
Армон билан ўғилларим ўлдирма!
Сен эшитгин менинг айтган сўзимни,
Туҳматман ўлдирма икки қўзимни,
Ҳазил билма, Кенжа ойим, сўзимни.
Мендайн шунқорнинг кўнглин бўласан,
Шумлик ўйлаб, пойтахтимга келасан.
Сен эшитгин менинг айтган ноламни!
Вайрон қилма бундай кулба хонамни,
Туҳматман ўлдирма икки боламни.
Сен келибсан бу ерларга сарғайиб,
Оҳ-фиғон қилдинг, сочингни ёйиб.

Ширин, Шакар ўлса, мулким бесоҳиб.
Тухмат қилиб, бу ерларда турибсан,
Фарзандимга бежой тухмат қилибсан,
Уят демай, Кенжа ойим, келибсан,
Хаёлингга неча гапни олибсан,
Фарзандларим ўлдирмоқчи бўлибсан,
Андеша, сақламай, бунда турибсан,
Қуёнқи шаҳрини сабил қилибсан
Кет, Кенжа ойим, ажаб ишни қилибсан!

Бу сўзни эшитиб, Кенжа ойим бир сўз деди:

·Мард йигит майдонга кирса елгиси,
Тўқайда йўлбарснинг изин билгиси,
Бу сўзимга ишонмасанг, пошшойим,
Муни кўргин, Ширин, Шакар ўлгуси.
Ўғилларинг зўрлигин мен кўрганман,
Икковидан белги олиб қолганман.
Ул сабабдан қонлар йиғлаб келганман,
Хор айладим мен ҳам азиз бошимни,
Бошим кесиб дорга тортгин лошимни,
Мен ҳам ўз жонимга қилиб зулмни,
Тиёлмасанг сен шу икки ўғлингни,
Икки ўғлинг ҳаромлаган танимни.
Ундай қилма, улларингга бер энди!
Қандай қилиб бу шаҳарда юраман,
Мундан ўлганимни яхши кўраман.
Ўтиб кетди, шоҳим, сенга келаман,
Кўрганимни сенга айтиб бераман.
Бир мунглиқман, бўлиб қолдим дармонда,
Болангнинг зулмидан бўлдим шарманда.
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Туролмайман ўйнаб-ўсган маконда.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Кўп азоблар берди Ширинман Шакар.
Бу ишлардан сендай хоним беҳабар,
Менинг сенга айтган сўзим шу бўлар!

Бу сўзни эшитиб, Қосимхоннинг кўнгли бузилиб кўзидан ёши тизилиб, жаллодларни чақириб, бир сўз айтиб турган экан:

«Мен йиғлайман яратганга зор-зор,
Ширин, Шакар ўғлим бўлди гуноҳкор.

Ҳаёллама, тезроқ келгин, жаллодлар,
Дод деганман эшитманглар сўзини.
Гуноҳкор айладим икки қўзини,
Ўлдилинглар, Ширин, Шакар ўзини.
Фарзанд энасини шундай қилами,
Мусулмонда шундай гаплар бўлами,
Ширин, Шакар элда тирик юрами?!
Мен йиғлайман, худо дейман мунггайиб,
Тожи тахтим энди бўлди бесоҳиб.
Жаллод, эшит мендай шоҳнинг тилини,
Бориб боғла Ширин, Шакар қўлини,
Хазон қилдим тар очилган гулини.
Ўлдилинглар мендай шоҳнинг улини,
Сабил қилдим Қуёнқининг элини.
Отга солиб арпа билан ийирни,
Қор ёққанда карвон солар чийирни,
Фарзандини ҳукм-кушга буюрди,
Ҳаёлламай тезроқ боринг жаллодлар.
Мендай шоҳнинг айтган сўзи шул бўлар,
Бу сўзларни айтиб қолмас тоқатим,
Кетди тойиб менинг тожи-давлатим,
Жуда ҳам зиёда бўлди ҳасратим,
Ўлиб кетсин Ширин, Шакар фарзандим.
Ҳаёлламай дарров бундан боринглар,
Бошин кесиб, уни дорга илинглар,
Чопонини қонга бўяб келинглар;
Ўт туташди мендай шоҳнинг танига!
Турғизманглар Қуёнқининг шаҳрига,
Қўлин бойлаб ҳайда Мансур дорига!»
Саросима бўлиб турди жаллодлар,
Энасига борган Ширинбек, Шакар,
Қасофати иш қип бўлди гуноҳкор,
Ҳукми кушга тайинлади муҳрдор,
Сўрамоққа ҳадди борми жаллодлар?
Сиёсат қип унинг шоҳи буюрар,
Шоҳнинг амри билан туриб жаллодлар.
Қандай гап, деб бундан жаллод жўнади,
Отланиб аслаҳа-анжом олади,
Ширин, Шакар ётган ерни билади,
Ҳужрасига қараб жаллод жўнади,
Кўрганларнинг ақли шошиб боради,
Жаллодлар юришин бежой билади,
Бу жаллодлар мадрасида **РАШИДОВА** |

Биз билмаймиз кимнинг куни тўлади.
Қосимхоннинг жаллодлари жўнади,
Кўрган одам шундай сўзлаб қолади.

Қосимхон фарзандларини ҳукм-кушга тайин қилиб, бағрини нам ерга бериб, бу ишларни хўп ўйлаб кўриб— ҳеч замонда фарзанд энани шундай қиларми, «тилаб-кусаб олган фарзандлар энди ўлди, ахир оқибат мулким вайрон бўлди»,— деб қолди.

Жаллодлар Ширинман Шакарни ўқиб ётган ҳужрасига бордилар. Ширин-Шакарни кўрди. Улар иккови овда юрган чопонига кириб, маст бўлиб ухлаб ётганда, Ширинман Шакарнинг қўлини боғлади. Подшолик давлатида ўтар жоним деб парвариш қилиб юрган жаллодлар кўз-кўзига, юз-юзига тушса, одам изза бўлади, деб кўзини ҳам боғлади. Ширин ва Шакарнинг бошига қамчи урди. Ширин ва Шакар сочраб ўрнидан турди. Бу аҳволни кўриб жаллодларга қараб шу сўзни айтиб турган экан:

Жаллод, эшит менинг айтган сўзимни,
Сен боғладинг қўлим билан кўзимни,
Гуноҳкор қилибсан менинг ўзимни,
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Ажал етиб паймонаси тўлдими?
Юрт эгаси — Қосим отам ўлдими?
Отам ўлиб, юрти талон бўлдими?
Ул сабабдан биз гуноҳкор қилдимми?
Замон жаллодни ки бўлиб қолдимми?
Не сабабдан қамчи урдинг бошима?
Ҳайрон қолдим, жаллод, қилган ишингга.
Заҳар қўшиб бу кун ичган ошима,
Ҳайрон қолдим, жаллод, қилган ишингга.
Қўлим бойлаб, сен қиёмат қиласан,
Не сабабдан қўлим бойлаб урасан,
Жаллод, бизга қиёматни қиласан,
Бир қабоҳат қаттиқ кунни соласан,
Қонхўр жаллод, бизни банди қиласан.
Пошшо отам бизнинг элда ўлибди,
Ҳар ким ўз бошига бўлиб қолибди,
Юрт эгаси энди фано бўлибди,
Шул сабабдан сендай жаллод келибди,
Мендай беклар бул беҳабар қолибди,

Жаллод келиб бу зулми қилибди.
Қўлин бойлаб аччиқ қамчи урибди.
Ширин, Шакар хўп гуноҳқор бўлибди,
Жаллодлар қўлинда йиғлаб турибди.
Бул ишларга ажаб ҳайрон бўлибди,
Уйқуда билмабди, банди бўлибди,
Ширин, Шакар ҳоли забун бўлибди!

Жаллодлар бу сўзни эшитиб, Ширин ва Шакарга қараб айтиб турган экан:

Йиғлама, тўражон, бўлдинг гуноҳқор,
Боғламоққа ҳадди борми жаллодлар,
Отанг сени ҳар ўлимга буюрар,
Отангнинг амрини тутган жаллодлар,
Отангнинг амриман қўлинг бойланар,
Биз билмаймиз, нега бўлдинг гуноҳқор.
Жаллодлардан, тўрам, кўнглинг қабарар,
Отангнинг фармони сенга шул бўлар,
Отанг сени ҳукми кушга буюрар.
Эсиз унинг хазон бўлди, йиғлайвер!
Меҳрибонинг отанг қилди гуноҳқор,
Ул сабабдан қамчи урар жаллодлар...
Биз билмадик, нега қилди гуноҳқор?
Тошу тахту, мулким вайрон бўлсин деб,
Ширин Шакар — икки болам ўлсин деб,
Юртим менинг бул бесоҳиб қолсин деб,
Отанг сени ҳақ ўлимга буюрди.
Бизлар сени мундан ҳайдаб кетамиз,
Бошинг кесиб сени дорга тортамиз!
Отанг шундай деди, бизлар биламиз.
Сени ўлдирмасак, биз ҳам ўламиз,
Йиғлай беринг, норасида гўдаклар.
Не иш қилдинг, энди бўлдинг гуноҳқор?
Гуноҳқор қип отанг берган ўзингни,
Эшитмоққа ҳаддимиз йўқ сўзингни,
Отанг амри, сенга қамчи чотамиз,
Мансурнинг дорига ҳайдаб кетамиз.

Ширин ва Шакар жаллодлардан бу сўзни эшитиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, шу сўзларни айтиб жаллодларнинг олдига туша берди:

«Ўлимга чоқлаган беклар ўзини,
Эшит, жаллод, гуноҳқорнинг сўзини.

Отам бизни ҳақ ўлимга буюрса,
Тополмайди Ширин, Шакар изини.
Гуноҳкор қип фарзандини ўлдирар,
Вайрон бўлар бунда қолган кирдикор,
Отам бўлар ахир биздай хору-зор.
Бировнинг сўзига отам киргандир,
Бир лаънати бизни чақиб келгандир,
Бир ёмоннинг сўзига қул бўлгандир,
Ёлгон сўзни хўп муқаррар қилгандир.
Рост сўз билиб қулоғига олгандир,
Ўғилларин у гуноҳкор қилгандир.
Ҳайдайбер гуноҳкор бўлган ўғлонни,
Ширин, Шакар тақдиридан кўргандир.
Раҳм қилмай, ҳайдай бергин, жаллодлар.
Оҳ торгганда кўзда ёшим сел бўлар,
Етти ёшда кўрган куним шул бўлар,
Бу шаҳарда бизга раҳбар ким бўлар,
Менинг таним дорга бориб илинар,
Овга чиқиб бизлар бўлдик гуноҳкор,
Раҳм қилмай ҳайдай бергин, жаллодлар.
Ажал етса, юз қайтармоқ не даркор?
Ҳар гап бўлса сенда қолди ихтиёр,
Оқ сут берган энам қолди беҳабар!..
Ширин, Шакар энди бўлиб гуноҳкор,
Мадрасадан ҳайдаб чиқди жаллодлар,
Ҳар растага одам тўлиб муқаррар,
Ҳайрон қолди мулла, хўжа, амалдор.
Қосимхоннинг ўғли бўпти гуноҳкор,
Тилаб олган ўғлин пошшо ўлдирар.
Кўриб ҳайрон қолди қанча одамлар,
Тоқат қилмай йўл беради одамлар.
Ҳеч замонда шундайин гап бўларми,
Пошшо фарзандини дорга иларми?
Қараган бандада тоқат қоларми,
Ширин, Шакар гуноҳкор бўп борарми?
Жаллодлар сиёсат қилар, қарама,
Зулм билан жаллод ҳайдаб жўнади.
От олдига яёв тушиб боради,
От ҳукмида жаллод ҳайдаб боради,
Ажал етса паймонаси тўлади.
Тўрт юз жаллод ўртага олиб жўнади,
Шаҳар халқи кўп ғалағул бўлади,
Тўраларни жаллод ҳайдаб боради.

Жаллодлар шундай ҳайдаб бораётир эди. Бўтакўз ойимнинг бир канизи ўрдадан чиқиб юриб эди. Бу сурлуккан¹ одамларни кўриб, бу нима воқеа, деб қараб, жаллодлар қошида Ширинман Шакарни гуноҳкор биллиб, қайтиб ўрдага бориб, Бўтакўз ойимга хабар бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

«Оҳ урсам, кўзимдан тўкилар ёшим,
Чидаёлмай чиқиб кетди довушим.
Сўзимга қулоқ сонг, жоним бувушим,
Ўтирибсиз бу ўрдада беҳабар.
Ширин, Шакар ўғлинг бўпти гуноҳкор,
Кўриб келдим, ҳайдаб юрур жаллодлар.
Кўча-кўча бул одамга тўлибди,
Шаҳар ичи кўп тўполон бўлибди,
Тўражонлар нима гуноҳ қилибди?
Кўрдим тўрт юз жаллод ҳайдаб юрибди,
Сен билмайсан бежой савдо бўлибди,
Жаллодлар ўртага уни олибди,
Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор,
Ўтирма, бувушим, бунда беҳабар,
Йиғлаб кетди Ширин билан бек Шакар,
Отасин жаллоди уни ўлдиар.
Қамолига етишмаган гўдаклар,
Қандай қурғур уни қилди гуноҳкор?
Кўриб келиб каниз берганди хабар,
Эшитиб қол менинг айтган ноламни,
Ўлмаи туриб кўриб қолгин болангни,
Вайрон бўлган сенинг кулба хонангни,
Хафа қилдим мен ҳам сендай санамни.
Қим сўрайди бундай кунда ҳолимни,
Бул Ширинжонга қилган зулмни,
Ўлмаин кўриб қол икки ўғлингни!
Ўтирмаин, меҳрибоним, тур энди.
Мендайн мунглиқнинг кўнглин бўласан,
Бормасанг ўғлингни кўрмай қоласан».
Бу сўзларни айтди каниз хизматкор,
Ўрнидан тургандир Бўтакўз дилбар.
Бу сўзга юраги ғалағул қилар,
Шул замон ўрдадан чиқди гажакдор.
Қараса, ўтар экан жаллодлар,
Пиёдалаб юрди гул юзли дилбар.

¹ Сурлуккан — оломон бўлиб йиғилган.

Саросима ҳар кўчада одамлар,
Сўраганман ҳеч ким жавоб беролмас.
Шундай юриб мадрасага келади,
Ширин, Шакар ҳужрасига киради.
Ҳужранинг ичи тўпур бўлибди,
Тақя, қамчиси бунда қолибди,
Қолган нарсасини қўлига олиб.
Кетидан югурди ўпкаси тўлиб,
Кўринмайди жаллодларнинг қораси,
Гуноҳкор бўлгандир шўрнинг боласи,
Болам, дейди, қарс уради энаси,
Жаллодлар кетидан кетиб боради.
Ўглининг кетганин энди билади,
Бўтадайн йўлда бўзлаб боради.
Қандай бўлди менинг кўрган куним, деб,
Хафа фалак бошга солган зулм, деб,
Гоҳи ерда чинқиради, йиғлайди,
Нима гуноҳ қилди икки ўғлим деб,
Вайрон бўлди ўйнаб-ўсган элим деб,
Хазон бўлди тар очилган гулим деб,
Сочин ёйиб бўзлаб кетиб боради,
Бир туҳматман ўлган икки ўғлим, деб,
Бу сўзни айтиб мунглиқ бўзлаб йиғлади.
Жаллодларнинг қорасини кўради,
Жаллодларга энди етиб боради,
Чинқираб жаллоддан савол сўради,
Йиғлаб ҳар отга ўзини уради,
Додига жаллодлар қулоқ солмади.
Пошшонинг жаллоди сенсан, хунхўрлар,
Нега қилдинг ўғилларим гуноҳкор?
Йиғлаб ҳар қайсига шундай термилар,
Жавоб айтмай бораётир жаллодлар,
Ҳайрон қолиб ойим тақдир ишига,
Энди етди Ширин, Шакар қошига.
Нима гуноҳ қилдинг, икки ўғлим деб,
Сўрай, болам, бу қандайн зулм деб,
Икки ўғлин қучоқлади шул замон,
Кўрар кўзим, менинг жони-дилим деб,
Сендан қолсам нима бўлар ҳолим деб,
Зулм билан бойланган икки қўлим деб,
Энасини Ширин, Шакар билади,
Нолиши буларни ўртаб боради,
Йиғлама деб кўп тасалли беради,

Тақдир-қисмат, бизга шундай бўлади,
Куни битди, энди ўғлинг ўлади,
Эна-бола унда бўзлаб йиғлади.
Шул замон жаллодлар ҳайдаб жўнади,
Шаҳардан чиқариб кетиб боради,
Ўғилларман бирга-бирга боради.
Қайда борса мен ҳам бирга борай деб,
Қўзим ўлса, мен ҳам бирга ўлай деб,
Нима бўлса, тақдиримдан кўрай деб,
Бу сўз айтиб мунглиқ кетиб боради.
Гуноҳкорлар қаторида юради,
Учови яёв кетиб боради.
Уч тош йўлдир Мансур дорнинг ораси,
Кўзига кўринди дорнинг қораси,
Азоб тортиб бораётир боласи,
Дорни кўриб йиғлар шўрнинг энаси,
Болаларим ҳайдаб дорга етади,
Бошин кесиб жаллод, дорга тортади.
Мендай шўрли қандай ёлғиз қайтади?
Ким сўрайди бунда менинг ҳолимни?
Қайтиб мен кўрарман ўсган элимни,
Ўзингга топширдим икки ўғлимни.
Еқамни чок қилиб йиғларман, фарёд,
Бузилсин, йиқилсин ул чархи ношод,
Ҳайф-е, навжувонлар қомати шамшод,
Бугун манга бўлиб ваҳми қиёмат,
Яратган қўзимни сенга топширдим,
Бундай кундан ўзинг қутқар саломат!
Бу сўзларни айтиб мунглиқ энаси
Боласиман етди дорнинг остига.
Уч оғоч қурувли Мансурнинг дори,
Қолмас Бўтакўзнинг сабру қарори,
Гуноҳкор этишиб Ширин, Шақари,
Отдан тушди шул замон жаллодлари,
Гуноҳкор қошига шундай келади,
Кўз билан қўлин ечиб қўяди.
Кўз очилиб Ширин, Шақар қаради,
Оқ сут берган энасини кўради.
Кўриб Ширин, Шақар бўзлаб йиғлади,
Энасини йўлатмайди қошига,
Атрофида қонхўр жаллод туради.
Эшитмайди гуноҳкорлар тилини,
Олдига бойлади икки қўлини.

Жаллодлар расми шундай бўлади: қўлини олдига бойлагандан кейин гуноҳкор ўзининг ўларини билади. Ширин-Шакар энди ўзларининг ўларини билди. Энаси бошда йиғлаб турди.

Кўкгумбаз деган ерда Қосимхон қўл берган Аловхўжа деган эшони бор эди. Шул эшон Мансур дорда бўлаётган ишларни илму каромати билан билиб, Ширин-Шакар учун орага тушиб, Қосимхоннинг давлатхонасига келиб, Ширин ва Шакарнинг гуноҳини тилаб, арз қилиб, бул сўзни айтиб турибди:

Қулоқ соп, эшитгин айтган нолага,
Банда кўнар ҳақдан келган чорага,
Зулм қилма Ширин, Шакар тўрага,
Аловхўжа пиринг тушди орага,
Бундай туҳмат қилма икки болага.
Сен эшитгин эшонингнинг тилини,
Қандай пошшо ўлдиради ўғлини.
Сен излама қиёматнинг кунини,
Эшонингга ўтгин ўғлинг хунини.
Эшон билар гуноҳкорлар ҳолини,
Қайтармагин сен ҳам мендай валини.
Қанча бўлса ўтгин гуноҳларини,
Гўдакларнинг билмаганин билдирма,
Ханжар уриб, бағрин қонга тўлдирма,
Туҳмат билан икки ўғлинг ўлдирма!
Қилмагин сен гўдакларга зулмни,
Бош гангиб, билмабсан юрар йўлингни,
Ўлимдан қайтаргин икки ўғлингни!

Бу сўзни эшитиб, Қосимхон бир сўз деб турган экан:

Аловхўжа пирим, тушма орага,
Зулм қилдим Ширин, Шакар тўрага,
Сўз қўшмагин бундай ёмон болага,
Ўсол ишни қилиб бўлган гуноҳкор,
Ундайин фарзанднинг ўлмоғи даркор.
Туташтира мендай шоҳи мардингни,
Гуноҳкор қилибман ул фарзандимни,
Мен биладан, сабил бўлди кирдикор,
Ўлиб, йўқ бўп кетсин ундай фарзандлар,
Улар учун ора тушмоқ не даркор?

Қўй-чи, менинг хонлигимда нимаг бор?
Мен тутациб турган вақтда келасан,
Ўзинг эсли, мени аҳмоқ биласан,
Ҳозирингга қанча инъом оласан,
Фарзандларим мандан тилаб турасан,
Кетгин, эшон, мунда нима қиласан!
Мен қилибман ўз ўғлимга зулми,
Эшон бўлсанг билиб юргин йўлингни,
Мундай кунда сўрамагин ҳолимни.
Қайси йўлдан келсанг, шундан бор энди,
Ўлдираман Ширин, Шакар ўғлимни,
Вали бўлсанг билганингни қил энди,
Ўтирма, жойингдан тур, кетгин энди,
Гапирмагин, мазгилингга бор энди.
Эшон деган ўз йўлида юради,
Бул ишларга эшон нима қилади!

Қосимхондан бу сўзни эшитиб, эшоннинг зеҳни ко-
йиб, аччиғи келиб, ўрнидан туриб, Қосимхонга қараб бу
сўзни айтиб турган экан:

«Жафолар соларман тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга.
Сен бежой тегиндинг мендай эшонга,
Ҳали ҳам бир Ширин, Шакар ҳурмати,
Отар эдим тахти бахтинг осмонга.
Зулм қилдинг сен ҳам икки ўғлингга,
Тулки-шақал кулар сенинг ҳолингга.
Мен эшонман, ўт туташди танима,
Коса бериб қўяйинми қўлингга.
Валилигим сенга маълум қилайми,
Кўрмаган кунларни сенга солайми,
Йўқса, сени ола чипор қилайми?
Мендайин эшоннинг кўнглин бўласан,
Сен ҳам элда мохов, пес бўп қоласан.
Бундай бўлсанг, тарлон бўз бўп ўласан,
Қани, мен бу ерда турмай борайин,
Гўдакларни ўлдирганинг кўрайин.
Қуёнқи шаҳрини вайрон қилайин,
Қўлимдан келганча сени кўрайин,
Гўдакларга мен раҳбарлик қилайин».
Бу сўзларни кўриб эшони айтди,
Шоҳнинг давлатидан ул замон қайтди.

Қосимхон сўзига ҳаддидан ошиб,
Бораётир эшон ўтдай туташиб,
Шул замонда кетди бу йўлга тушиб.
Зеҳни койиб эшон кетиб боради,
Қуёнқини ўт олгандай бўлади.
Бул эшонни кўрган ҳайрон қолади,
Ўз шаънида маст бўп кетиб боради.
Боради йўллардан барини очиб,
Маст бўлган туядай бул кўпик сочиб,
Эшон ҳайбатидан бир неча қочиб,
Мансур дорга чиқиб кетди шаҳардан,
Мансур дорга яқинлади шул замон,
Кўп жаллодлар бўлиб энди саргардон.
Бўтакўз кўра соб, кўзин ёшлади,
Устинга бу эшон энди етишган,
Пирим,— деди — оёғига ташлади.
Оҳ тортади қадди-бўйи букилиб,
«Болам», деди кўздан ёши тўкилиб,
Шакарни ётқизган сўймоқчи бўлиб,
Пирим олса кўзиларим қутқариб,
Йўқлаган эшоним келибди етиб,
Фарзандларим берса қайтадан қайтиб,
Улар вақтда энди ҳожатим етиб,
Мен кетсам ўзимни бундан ияртиб¹.

Бўтакўз ойим эшонга дардини айтиб турди. Шунда Шакарбекнинг сўйилишини билиб, Ширинбек жаллодларга қараб бир сўз деб турибди:

«Мени сўй, акамга ханжар солмагин,
Мендан бурун Шакар бошин олмагин,
Ҳар хизмат кичикдан бўлар, жаллодлар,
Ширинни Шакардан кейин қўймагин!
Мен ўлимга белим бойлаб турайин,
Аввал менинг бошим кесгин, жаллодлар.
Шакарбекдан бурун бошим берайин:
Мен акамнинг мурдасини кўрмайин.
Аввал мени ўлдир, кейин қолмайин,
Бул дорда тортилсин шу азиз бошим,
Шакарбекдан аввал кесилсин бошим,
Мендан аввал ўлмасин эмикдошим.

¹ Ияртиб — эргаштириб.

Улигини кўрсам кўпдир койишим,
Жаллод, шулдир сенга айтган нолишим». Бош бермоқ бўп бунда Шакар ётади. «Аввал келган одам аввал кетади! Ука, навбат меники», деб айтади. Айрилиқ савдоси бағрим йиртади, Бир-бирига шу сўзларни айтади. Йиғлашди, жаллодда тоқат қолмади, Ҳарчанд ўйлар, ўлдирмаса бўлмади. Кўп жаллодлар маслаҳатни қилади, Тарзига қарайди, тоқат қолмади, Нолишига булар ханжар солмади. Дорни кўриб Шакар, савол қилади: Бегуноҳ қурурми бекларнинг шўри, Бу сенга осилган тухматнинг бори, Эгилиб йиқилгин, Мансурнинг дори, Жафо тиғи бул жонимдан ўтади, Ажалнинг ништари бағрим йиртади, Шиқирлатиб мени устинга тортади, Бу сўзни айтиб Ширин, Шакар туради, Бул бўйнига сиртмоғини солади, Жаллод шунда дорга тортмоқ бўлади, Мансур дор тухматдан ҳазар қилади, Дор йиқилди, жаллод ҳайрон қолади, Буларнинг ишини қандай билади?

Бу Мансур дор Қуёнқи шаҳридан уч тош йўл ташқари эди. Илгари бу ер ҳам шаҳар эди. Минор, пештоқлар ҳам бор эди. Бу ерда Мансурни дорга осган эдилар. Ҳар ким тухматга йўлиқса, пошшолар шу дорга буюрар эди. Султонхоннинг хотини Ҳур ойим ҳам шу дорга ҳайдалиб кетган эди. Шундан бери бу дор шу ерда турган эди. Бу шаҳарлар ҳам барбод бўлиб кетган эди. Ширин ва Шакарнинг ҳам тақдири—тухмати шу дорга борди. Жаллодлар саросимада бўлиб турди. Эшон жаллодлардан сўради: «Пошшо сизларга қандай қилиб ўлдинг деб эди?». Жаллодлар айтди: «Шу дорга бошин тортиб, кийимларини бир-бир қонга бўяб кеб беринглар, деб эди». Эшон айтди: «Ундай деган бўлса, Ҳақиқ тоғига бойлаб ташланглар, — деди. — Уларни жондорлар ер, ўлиб кетишар. Сиз Ширин ва Шакарнинг кийимларини олиб бўлак турли жондорларни ўлдириб, шунинг қонига бўяб обориб беринглар, — деди. — Шу аҳмоқ пошшо:

«Ширин билан Шакарнинг қони» дейди-қўяди. Бўлак жондорнинг қони эканини ҳам билмайди. Унинг ақлини худо олган, калласи қотиб, бўлганича бўлган», — деди.

Жаллодлар, хайр, деб Ширин ва Шакарни Ҳақиқ тоғига қараб ҳайдади. Бўтакўз ойим кўнгли бузилиб, шонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Қутулмадим қайғу-кулфат, аламдан,
Тириклайин айрилдим икки боламдан.
Жоним чиқиб кетди менинг танамдан,
Пиримсан, пешвойим, эшит сўзимни:
Тағин қайтиб кўрарманми қўзимни?
Тирик айрилганим менга қиёмат,
Бундай савдо тушди менга аросат.
Кўрарманми болларимни саломат?
Учқур бўлсам қанотимдан қайрилиб,
Юра билмай, ёқ-еридан тайрилиб,
Мен қўзимдан тириклайин айрилиб,
Эшоним, сен, сўра менинг ҳолимни!
Каромати зоҳир сендай валимни,
Армонман айрилган жону дилимни,
Тағин кўраманми икки ўғлимни?
Агар билсанг, пирим, хабар бер энди.
Булар кетса, қонлар йиғлаб қоламан,
Агар улар ўлса нима қиламан,
Қуёнқида қандай бўлиб юраман,
Булар кетди, жудо бўлиб бораман.
Қўзим кетди, қолдим сочимни ёйиб,
Қарайман кетидан йиғлаб, саргайиб,
Мен турибман мунда жонимдан тўйиб,
Энди менинг ширин жоним керакмас,
Фасли баҳор, гулистонлар керакмас,
Мунаққашли манзул-жойлар керакмас.
Ҳеч ким келиб менинг ҳолим сўрамас,
Сўраганлар Ширин, Шакардай бўлмас.
Бу ғамда ўларман, ҳеч жоним қолмас,
Ҳеч ким мендай тириклай жудо бўлмас.
Дунё, жаҳон сира менга кўринмас,
Ўртаниб ёнаман, ҳеч жоним қолмас.
Тириклай айрилдим, чораси бўлмас,
Кетди қўзим, қайтиб элига келмас,
Бир тағин уларни энаси кўрмас.

Бу сўзни эшитиб, эшон бир сўз деб турган экан:-

«Боланг учун сен ҳам абгор бўлмагин,
Йиғлаб жонинг сен ҳам ўтга солмагин.
Бир кун келар ўғлинг соғу саломат,
Йиғласанг душманлар қилар маломат.
Хаёлингга неча гаплар келади,
Икки боланг соғ-саломат бўлади.
Ун саккиз йилдан сўнг ўғлинг келади,
Тухмат қилган душманлари ўлади.
Боланг сенинг кўп иқболли бўлади,
Аёлсан, кўнглингга кўп гап келади,
Юрагинг тўлмасин дидаийи-ғамда,
Омон-эсон фарзандингга қўшмасам,
Қиёматда сенинг қўлинг ёқамда.
Фарзандингга мен ҳам раҳбар бўларман,
Ширин, Шакар ёрдамини оларман.
Қўлимдан келганча хизмат қиларман,
Омонлигинг бир худодан тиларман.
Ҳар ерда юрганда хабар оларман,
Ахир икковингни бирга қиларман.
Болам кетди, деб сан хафа бўлмагин,
Қуёнқида дўст-душмандан кўрмагин,
Беҳуда элингга гап бўп юрмагин,
Ҳар кимга деб сиринг маълум қилмагин.
Ҳамшагидай юргин, хафа бўлмагин,
Худодан кўр, одамзоддан кўрмагин».
Аловхўжа шундай берди хабарди,
Бўтакўз ойимнинг кўнглин кўтарди.
Бўтакўзни фарзандидан айириб,
Қуёнқи шаҳрига қараб қайтарди.
Тириклай айрилиб бундан жўнади,
Ул Бўтакўз йиғлаб қайтиб боради.
Жавоб бериб бундан эшон жўнади,
Ҳар ким ўз бошига кетиб боради.
Бул жаллодлар Ҳақиқ тоққа жўнади,
Ширинман Шакарни ҳайдаб боради.
Бораётир бундай беклар оҳ уриб,
Оёғи қабариб, чўлда йўл юриб,
Жаллод ҳайдар Ҳақиқ тоғин ахтариб,
Шердай бўлиб зolim жаллод боради,
Бир нечаси кўп сиёсат қилади.
Яёв одам отман бирга юради,

Чўлистонда ҳайдаб кетиб боради.
Ҳақиқ тоққа яқин етиб қолади,
Тоғни ўраб, энди шундай жўнади.
Еқаси ҳўл бўлиб оққан ёшига,
Шул замон етиб ул тоғнинг бошига,
Бойламоқчи бўлди тоғнинг бошида,
Буларга тушгандир шундайин савдо,
Елғиз қолар шундайин бузуқ тоғда.
Ширинни бойлади тоғнинг тўшига,
Ғажир эга бўлар деди лошига.
Шундай қилиб энди жаллодлар қайтди,
Ҳар ишга тан бериб иккови ётди.
Жаллодлар маҳкамлаб муни бойлабди,
Ўлсин баччағарлар, туриб бормасин,
Тирик бориб бир балони қилмасин,
Тирик қолганини ҳеч ким билмасин!

Қайтиб бораётиб, аҳмоқтарз жаллодлар бу сўзни айтиб бораётир:

«Дуо қилгин Ҳақиқ тоғнинг ғажери,
Қирқ йил ётиб есанг адо бўлмайди.
Шундай бўлди сенга жаллодлар иши,
Сенга тақдир қилди тўралар гўши.
Кўп бўлади бу дунёнинг койиши,
Дуо қилгин, Ҳақиқ тоғнинг ғажери.
Ширин, Шакар қолди, эга бўласан,
Осмонда айлансанг, уни кўрасан.
Ул боғловли лошга эга бўласан,
Ҳар еганда бизга дуо қиласан.
Биз шундай қилмасак очдан ўласан,
Сенинг учун бойлаб қайтдик, биласан.
Ҳар тўйганда бизга дуо қиласан.
Одам гўшти сенга овқат, биласан.
Ҳақиқнинг тоғини олгандир туман,
Жаллодларнинг айтган сўзи шул соғон¹,
Бойловли бандага омон берманглар,
Ғувиллашиб ҳар тарафдан қўнинглар,
Кўп ғажир бўп бир ўртага олинглар,
Бойловли ётганда корин қилинглар,
Хонзода ўғлининг додин беринглар,

¹ Соғон — сенга.

Гўштин суюгидан жудо қилинглар,
 Бизлар кетдик, сизларники, билинглар!
 Қайда бўлса баринг, йиғилиб келинглар,
 Ўлдиришлар, буни нобуд қилинглар!
 Ҳар гап бўлса бизга дуо қилинглар».
 Бу сўзди айтиб ул жаллодлар боради,
 Битта-битта кийимини олади.
 Чўлда жаллод ов қип кетиб боради,
 Бир неча онглари уриб олади,
 Сўйиб қонига кийимин бўяди,
 Гўштарини хуржунига солади,
 Кечга қолмайик, деб қичап жўнади,
 Қуёнқи шаҳрига бориб қолади,
 Қосим шоҳга буни элтиб беради,
 Ширин, Шакар — икки қўзинг ўлди деб,
 Қуёнқида мотам тутиб қолади.
 Кийимида қизил қонни кўради,
 Қосимхоннинг кўз ёши сел бўлади.
 Тўралар ўлганин маълум қилади,
 Сипойлар қора салла бойлади.
 Ширин, Шакар шуйтиб дунёдан ўтди,
 Қосимхон нам ерга бағрин берибди,
 Фарзандимдан айрилдим деб юрибди,
 Қуёнқида кўп қиёмат бўлибди.
 Аза қуриб, белги бойлаб турибди,
 Нима қисмат ёзилганин билибди,
 Улайин деб юрғни сўраб юрибди,
 Ўзи ўлса, мулки вайрон бўлибди,
 Шундай гаплар хон кўнглига келибди,
 Уйласа, савдоси жуда ғолибди¹,
 Ширин, Шакар, ул бойловли қолибди...

Мунда Шакарбек тоғнинг бошида бойловли қолиб,
 алами зиёда бўлиб, Ширинни кўрмай, иккови бир-бири-
 ни билмай, Шакар оғамни ўлдирдимикан деб, Ширин-
 нинг кўнглига келиб, Шакар оғасини йўқлаб бир сўз ай-
 тиб турган экан:

«Шакар оға, хабар олинг ҳолимдан,
 Қўлим боғли зулм билан ўлдим ман.
 Дод этарман хунхўр жаллод золимдан,

¹ Ғолибдир.

Эмикдошим, хабар олгин ҳолимдан.
Оёғимга кирса эди бир тикан,
Нолишимдан титрар ер билан осмон.
Қани менинг энам бўлса меҳрибон,
Менинг учун қилар эди юз фиғон.
Эмикдошим, Шакар оға, бормисан,
Бағримдан ўт чиқиб, таним туташди,
Мендай ининг юра йўлдан адашди,
Этим қирқиб суягимга етишди;
Шундай ишлар менинг бошимга тушди,
Шакар оға, келиб ечгин қўлимни,
Улар вақтда сен сўрагин ҳолимни.
Манов тоғда бўктарилган қормисан,
Эмикдошим, жоним оғам, бормисан?
Шириндайин сен ҳам интизормисан?»
Буни айтиб йиғлар тоғнинг тўшида,
Шакарга етишган Ширин товуши-да.
Шириннинг товушин Шакар билади,
Бир қиёда ётиб бул ҳам йиғлади.
Армон билан ўлдик, ғаминг е, деди,
Ширинбекка энди Шакар на деди:
«Айрилиқ ўтига бағрин доғлаган,
Жабр кўриб Ширин иним йиғлаган,
Сендан баттар қилиб мени боғлаган;
Бўш бўлганда, сўрар эдим ҳолингни,
Сендан ёмон бойлагандир қўлимни.
Азамат мард эдик, бўлганмиз ночор,
Биз ўламиз қайғу-ғамда муқаррар.
Бизни кўрса еб кетади жондорлар,
Бойловлимиз, бўлолмасак баравар.
Норасида, Ширин жоним, йиғлай бер,
Комил пирлар бўлсин энди мададкор,
Раҳмимизни есин яратган жаббор.
Ширин, Шакар ундан бошқа не гап бор?
Ажал етса, бу аҳволда ўлармиз,
Бир шафоат бўлса, озод бўлармиз.
Неча кунлар йиғлаб овқат қилармиз,
Шу кунларни икковимиз кўрармиз».
Бу сўзларни айтиб улар йиғлашди,
Иккови ҳам бойловли, ақли шошди,
Йиғлаб эди, комил пири етишди.
Қудрат билан осмон фалакка учди,
Аловхўжа келиб қўлини чечди,

Ширин, Шакар икковини бир қўшди,
Қучоқлашиб Ширин-Шакар йиғлашди.
Ширинбекни Шакар босиб бағрига,
Йиғлашгандир бунда Ҳақиқ тоғига,
Кўп йиғлашиб бир-бирига айтарди:
«Ширин, Шакар иккимизга на бўлди?
Овга чиқиб кўрди азоб кунларни,
Биздан олмас ҳеч бир одам хабарни,
Энди кўрсак Қуёнқидай шаҳарни,
Тирикмиз, энамга берсак хабарни,
Шоду хуррам қилсак ул муштипарни.
Бизнинг учун қонлар ютиб қолгандир,
Қора кийиб, ҳали йиғлаб юргандир,
Бизларни ўлди деб мотам қилгандир,
Энамиз-да, ўзин ўтга ургандир,
Маконига қон қуйилиб қолгандир,
Бизлар учун ўзин ҳалок қилгандир».
Тирик билсин Ширин, Шакар ўғлонди,
Бу сўзларни Ширин сўраб турганди.

Шакарбек Шириннинг сўзига жавоб бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

Қурсин ота юрт, Ширинжон, бормаймиз,
Балки борсак, бизлар омон қолмаймиз.
Мундан бориб бурунгидай бўлмаймиз,
Отамнинг дийдори қурсин, кўрмаймиз.
Энди бизлар қандай қайтиб борамиз,
Қайтиб борсак, тағин банди бўламиз.
Балки элга кулги бўлиб ўламиз,
Қурсин, шу юртда нима қиламиз.
Бошимизни олиб бундан кетайик,
Неча тоғу чўлни кезиб ўтайик,
Қайтиб элга бориб, ука, нетайик?
Биргалашиб шаҳар-шаҳар юрармиз.
Бир мусофир, бизлар гадо бўлармиз,
Жаҳонни сайр этиб бизлар юрармиз,
Ажал етса, биз ҳар ерда ўлармиз,
Элати йўқ бенаводан бўлармиз,
Юргин Ширин, энди мундан жўнармиз.
Оту асбоб, бизларда йўқдир яроқ,

Улмай қолдик, бизлар кетайик йироқ.
Икков бирга шул маслаҳат қилади,
Бу сўз икковига маъқул бўлади.
Пиёдалаб Ҳақиқ тоғдан жўнади,
Борар ернинг тайинини билмади.
Бораётир Ширин, Шакар оҳ уриб,
Чаққон бўлиб, этагини бар уриб,
Гоҳ хафа бўлганда кўнглини хушлар,
Иккови боради, яёв қўл ташлар.
Қўл ташлаб ҳаллослаб кетиб боради,
Неча кун, неча тун ўтиб боради,
Шундай қилиб қичаб йўлни олади,
Қаерга борарин ўзи билмади,
На бир элат, на одамзод кўрмади,
Сувсиз йўлдан неча кунлар йўл тортди
Сувсизликдан оша жабрлар ўтди,
Тили бориб балки танглайга қотди,
Очликдан жуда ҳам мазаси кетди.
Ов қилгани яроқ-асбоб бўлмаса,
Ҳеч нимага ул қуввати келмаса,
Йўл юрмоқдан бошқа фикр бўлмаса.
Боғбон бўлса боғнинг гули терилди,
Устихон имраниб, бағри силинди.
Қирқ кеча-қирқ кундуз тоғда юрган сўнг,
Икковининг ғариблиги билинди.
Гунбаздай бўп бунга бир тоғ кўринди.
Шакар айтар: «Тоққа қараб юрайик,
Шу тоққа яқинлаб бирга борайик,
Тоққа чиқиб, ўнгу сўлга қарайик,
Бир тарафда одам бўлса, борайик,
Беҳуда чўлларда сарсон бўлмайик,
Ғайрат қил, Ширинжон, бирга юрайик,
Оҳ уриб Шириннинг кўнгли бузилар,
Шакар оға, ўлдим ака, хору зор,
Тош уриб оёғим менинг қабарар.
Энди мендан ҳолат кетди, бек Шакар.
Бу чўлларда энди қолдим хору зор.
Бизлар бўлиб эрдик шундай дарбадар,
Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшима,
Шакар оға, келгин менинг қошима,
Тулки-шағал эга бўлар гўшима.
Бошларим айланиб, кўзим тинади,
Кўп очликдан ҳолат кетиб боради,

Бир қадам босмоққа жоним қолмади,
 Бизни тақдир шундай кулфатга элтар»
 Кўп шердиллик берар унга бек Шакар:
 «Олис эмас, яқин қолди бу тоғлар,
 Менинг билан бирга-бирга юрасан,
 Тоққа етсак этагида турасан,
 Мен келганча дамнинг олиб қоласан,
 Ёлғиз чиқиб ўнгу сўлга қарайман,
 Жигарсан, сенинг ҳолинг сўрайман.
 Не борини баланд ерда билайин,
 Кўрганимни сенга хабар қилайин.
 Юргин энди, бирга-бирга борайин».
 Буни айтиб иккови йўлга тушди,
 Дардин айтиб бир-бириман гаплашди,
 Хабарлаган одамзодни кўради.
 Кўриб шундай шоду хуррам бўлади,
 Одамзод деб Ширин, Шакар жўнади.

Шундай бораётир эди. Қараса тоғнинг этагида бир
 чол дирдай-қирдай бўлиб, яп-яланғоч бўлиб, гоҳ охур
 қилиб, гоҳ ўчоқ қилиб, гоҳ қозик йўниб ётир. Ширин-
 Шакар унинг устига бориб қолди. Салом берди. У бобо
 қараб Ширин-Шакарни кўрди. «Ошпичоқ-қалампир!»
 деб ён-ёғига қараб тупуриб юборди. Ширин-Шакар ҳали
 ҳам зинкийиб турибди. У чол: «Менга тингила келган
 бола экан», деб дустуман бўлиб ётди. Ширин-Шакар
 бобога қараб бир сўз айтди:

Икки бегинг олмадай пишиб, эй бобо-эй,
 Ҳорма-эй!

Соқолларинг тизингга тушиб, бобо-эй,
 Ҳорма-эй!

Кетганмикан Асқар тоғнинг тумани?
 Юришларинг, жон бобо, кўп бемаъни,
 Марди калон жоним, бобо, ҳорманг-эй!
 Бизни кўриб, бобо, шундай қиласан,
 Йўлда ваҳши бир имонсиз балосан,
 Биздан ҳазар қилиб, ётиб турасан,
 Бобо, биздан нега ҳадик оласан?
 Аҳволингдан бизга хабар берасан.
 Бизлар чўлда бўлиб келдик афтода,

Қайғу-ғамда ҳасратдамиз зиёда,
Келдик меҳнат тортиб пою пиёда,
Сен ҳам бизни турли жондор биласан,
Ҳолинг билмай нега ҳазар қиласан,
Тура келгин, аҳволимни биласан,
Қилган хизматингдан хабар берасан!

Бу сўзни эшитиб, бобоси, булар одамзод экан, деб ўзини ростлаб Ширин-Шакарга қараб: «Болам, сен қайдан келдинг?»— деб сўраб турибди:

Қайси элдан, қайси ердан бўласан,
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан?
Исқаб кўрсам, тоза боғнинг гулисан,
Қай шаҳарда қандай бекнинг ўғлисан?
Жамолинг менгзайман осмонда ойга,
Жасадинг менгзайман бўз қарчиғойга,
Қарчиғой чангаллим, қайдан бўласан?
Гултарзим сарғайиб сенга қарайман,
Ўсган мамлакатинг, болам, сўрайман.
Қирғий деган қуш ўлтирар қиёда,
Не кўриб, кечириб фони дунёда
Қайси ердан келдинг пою пиёда,
Не сабабдан бўлиб абгор-афтода,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?
Нима дейди, болам, мамлакатингни,
Менга айтгин ўйнаб-ўсган юртингни,
Нима дейди, болам, сенинг отингни?
Хабар бергин менга исм-зотингни!

Шунда Шакарбек бобосига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Мен ҳам бировнинг жону дилиман,
Қуёнқида Қосимхоннинг ўғлиман.
Худо қилди, дарбадар бўп юрибман,
Отимни сўрасанг Ширинбек, Шакар,
Пошшоликдан гадо бўлган қаландар.
Ул сабабдан бизлар чўлда хору зор,
Маконсиз бенаво ўзим қаландар.
Тақдирда қисматим борин кўраман,

Улсизга — ул, қизсизга — қиз бўламан.
Абгорман, чўллардан ўтиб келаман,
Бул сўзимга қулоқ солгин бобожон,
Оша юртда қолди ўсган элатим,
Пошшоликдан шундай бўлди қисматим,
Қайғу-ғамлар бўлди менинг улфатим.
Сирим айтсам, кўпдир бошда кулфатим,
Ҳозир бўлдим мен-да, сенинг фарзандинг.
Неча вақтлар юрдим чўлларда бўзлаб,
Бу жароҳат жигар-бағримни тузлаб,
Мен келибман ҳозир маконинг излаб,
Сени кўрдим, бобо, бўлди давлатим,
Оч-сувсизман, йўқдир менинг ҳолатим,
Сўйламоққа келмас менинг қувватим,
Чўлда қолар эди менинг жасадим,
Шукур қилай сенинг билан суҳбатим,
Сенга келган Шакар, Ширин фарзандинг.

Бу сўзни эшитиб бобо айтди: «Сизлар бу ерда ўлтиринглар, мен бир овқат олиб келиб берайин». Бобо туриб кетди, бобонинг ер тўла макони бор эди. Унинг кетганини кўриб Ширинман Шакар: «Энди бизга бир нарса олиб келиб беради-да!» деб ўтирди. Булар бобонинг қилиб ётган ишининг маънисига бормади. Шакарбек Ширинбекка айтди: «Бундай қилиб бекор ўтирмайик, бобо бир нарса олиб келиб берар, бу нима бўлса, бобонинг қилиб ётган иши экан, бекор ўтирмай биз ҳам қилсак бобога яхши кўринамиз», деб бобо келгунча бирови бир ўчоқ қилди, бирови бир охур қилди. Буларни созлаб ўтириб эди, бобо ҳам бир хурма қатиқни кўтариб, анча олма талқонни олиб, етиб келди. Ширинман Шакарнинг олдига қўйиб ўчоқ билан охурни кўрди. Бобо Ширинман Шакарга бу сўзни айтиб турган экан:

Хафа бўлдим сенинг қилган ишинга,
Қайси гўрдан келдинг менинг қошимга!
Армон билан етдинг менинг бошимга.
Ўз юртингга сиғмай мунда келасан,
Дарбадар, бошимга бало бўласан,
Бир кунлари менинг шоҳим келмасми?
Ўчоқман охурни келиб кўрмасми?
Қим қилди деб ул кун сўраб турмасми?
Армон билан мендай бобонг ўлмасми?

Жувонмарглар тек ўлтирсанг бўлмасми?
Учқурдайин қанотимни қайирдинг,
Югурук бўлсам туёғимдан тайирдинг,
Ейиб ётган озиғимдан айирдинг.
Мендайин бобонинг кўнглин бўласан,
Уста бўлмай ўлгин, ўчоқ қиласан,
Бул бобонгга бир қаттиқ кун соласан,
Икковинг бошимга битган балосан...
Фалак урса боғнинг гули сўлмасми,
Жувонмарглар тек ўлтирсанг бўлмасми?
Пошшо келса, тўқар кўздан ёшимни,
Зулм билан тандан кесар бошимни,
Армон билан қилар менинг ишимни.
Ким олар ўлигим бу ердан йўқлаб,
Кампирим қолади бунда қон йиғлаб.
Қайси гўрдан келдинг мени сўроқлаб,
Бул ишингни кўрдим нима қиламан,
Ғам ўтида турган бағри пораман,
Сени ўғлим қилиб, энди ўламан.
Пошшойимга нима жавоб бераман.
Жўн ўтирсанг бўлмасми, Ширин, Шакар.
Элдан ортиб қолган икки дарбадар.
Бу бобонинг айтган сўзи шул бўлар,
Мен ҳам эдим бир пошшога хизматкор.
Олтойчилик йўлда маконларим бор,
Шунинг хизматини қилдим барқарор,
Сенинг ишингдан мен бўлдим гуноҳкор.
Келиб пошшо икки бошдан ўлдиар.
Ҳолинг кўриб, сенга раҳбар бўламан,
Пошшо келса нима жавоб бераман!

Бу ишни Ширинман Шакар бобога яхши кўринамиз деб қилиб эди. Бобоси обкеб берган олма талқон билан қатиқни ҳам бурнидан ситиб олди. Ширин ва Шакар кўп ҳайрон бўлди. Бобосига қараб бу сўзни деб турган экан:

Бобо, биздан ҳазар топиб қоласан,
Бизни хафа қилиб иза берасан,
Жоним бобо, биздан ҳадик оласан,
Бул қилган ишингдан хабар берасан.
Бу чўлларда ўчоқ, охур қиласан,
Жиннимисан, бобо, тентак бўласан,

Уз иши деб ўчоқ, охур қилибмиз,
Сўзингни эшитиб ҳайрон қолибмиз,
Худо қилди, касофати бўлибмиз.
Сени кўриб қора тортиб келибмиз,
Сўзингни эшитиб ҳайрон қолибмиз,
Кўп койима, бобо, дилтанг бўлибмиз,
Бул қилган ишингни, бобо, сўрайман.
Нафсинг оғриб, қанча бўлди кулфатинг,
Нима ишдир сенинг қилган хизматинг,
Қаерларда, бобо, ўсган элатинг,
Қошингда йўқ сенинг ҳеч бир улфатинг,
Бул ишингга йўқдир сенинг давлатинг.
Хафа бўлди биздай икки фарзандинг,
Кўнглим бўлиб, жуда койиш қиласан,
Отингни айт, бизни нима қиласан.
Пошшо эдик, ғарибликда кўрасан,
Нафсинг оғриб, бундай иза берасан.
Бизлар чўлда юриб, кўрмадик шаҳар,
Ҳеч йўлиқмас одамзод юрган ерлар..
Маконингга келган Ширинман Шакар,
Хизматингдан, бобо, бергин бир хабар!..

Бу сўзни эшитиб, бобоси Шакарбекка қараб бир сўз деб турган экан:

Сендай болам йўқдир бунда хабари,
Манови қорайиб турган Зил тоғи,
Зил тоғида, болам, бордир Гулпари,
Менинг шоҳим Гулпарининг хуштори,
Мен бўламан шул шоҳнинг хизматкори.
Чибиш кўлда бордир бир аждаҳори,
Олтойлик йўл шаҳарининг конори,
Қорахон шоҳ пошшонинг амалдори,
Ҳар йилига лашкар тортиб келади,
Гулгуной, деб қанча одам ўлади,
Аждаҳор ҳаммани нобуд қилади.
Одам ўлса, пошшо элга боради,
Элу халқдан одам солиб олади,
Ҳар йилига шундай ишни қилади.
Қанча бўлса, бул аждаҳор қиради,
Аждаҳорга ким баравар бўлади?
Бу ерда барқарор бобонг туради,
Болам, эшит менинг айтган додимни

Холёр чол дейдилар менинг отимни,
Пошшом билар бул қилган хизматимни.
Буюрган ишини ўрин қиламан,
Қорахон шоҳимдан инъом оламан,
Ҳамма кетса ўзим ёлғиз қоламан,
Ул сабабдан, болам, кўнглим бўламан,
Шоҳ сўраса, нима жавоб бераман?!
Кўрганинг йўқ Қорахон шоҳ юзини,
Тополмайин юрур ёрнинг ўзини.
Тўтиё қилади шакар сўзини,
Ошиқ бўлиб кўргани йўқ ўзини,
Қуръандозлар қуръа ташлаб кўргандир,
Ул қуръада кўриб, ошиқ бўлгандир.
Йилда келиб қанча одам ўлгандир,
Аждаҳор зарбидан нобуд бўлгандир.

Бобосидан бу сўзни эшитиб, Шакарбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сўлдирма, бобожон, гулдай тарзингни,
Пошшонг келса, шундай айтгин сўзингни:
Боғбон келиб қизил-гулни терди де,
Жон олғич жаллодинг — Шакар келди де,
Шакарнинг зарбидан аждар ўлди де,
Сенинг ошиқингни Шакар олди де,
Сендай шоҳим бекор ҳалок бўлди де,
Гулгун билан Шакар даврон сурди де,
Сендай хумса кўп одамни қирди де,
Сендай шоҳим чўрттон қуруқ қолди де.
Қунёқидан келган экан зўрабор,
Бўлолмади аждаҳор ҳам баробар.
Шу сўзимни тортинмайин айтабер,
Бор, шоҳим, не қилсанг ўзинг биласан,
Йўлиқма, кўринсанг, тайин ўласан.
Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон давлатингни кам дема.
Ажал етмай, ўламан деб ғам ема,
Биз кетамиз, бобо, жавоб берасан,
Бул иш билан кўп аланглаб турасан,
Қорахонга шундай хабар берасан.
Ўлдирар, деб сира парво қилмагин,
Эгнинг қисиб ундан биғиб¹ турмагин,

¹ Биғиб — биқиб, биқиниб.

Давлати катта деб парво қилмагин,
Жоним бобо, сира хафа бўлмагин,
Уларман, деб сира қўрқиб турмагин,
Бу сўзни тайинлаб Ширинман Шакар,
Шу сўзимни, бобо, билгин мухтасар!

Шу кеча булар бобосиникида ётди. Эрта-мертан тонг отди. Бобоси билан хўшлашиб, йўлга жўнаб чиқди. Шунда Ширинман Шакарга қараб бобоси икки оғиз сўз айтиб турибди:

Ширин, Шакар бир кечалик фарзандим,
Қайтадан зиёда қилгансан дардим.
Кўп турмайин кетар бўлдинг, фарзандим,
Билдим пошшозода — ғариб бўласан,
Хабар бергин қайси юртга борасан,
Холёр бобонгни қачон сен кўрасан.
Сен кетган сўнг қоларман ғамга тўлиб,
Икковинг кетарсан бундан маст бўлиб,
Юрибсанми сен бировни ахтариб.
Очилган жиғадай гулларим сўлиб,
Мен қоларман изларингга зор бўлиб,
Эсимга тушганда ҳижронга тўлиб,
Не сабабдан, болам, саргардон бўлиб,
Хабар бер юришинг, қолайин билиб,
Тоғларда очилган менинг лолам деб,
Суянибдим Ширин, Шакар болам деб,
Юрагимдан кетди ғусса-алам деб,
Энди обод бўлса, кулба хонам деб.
Жон болам, эшитгин сўраган тилди,
Худо берди дедим, бу икки улди.
Уғил бўлиб, кетишларинг не бўлди,
Худойим, бир осон қилгин мушкулди.
Кўзимсан, энди сендан сўрайин,
Жон болам, ҳақингга дуо қилайин.
Айтиб кетгин борар еринг билайин,
Дуо қилай, мендай бўл, бобонг ночор,
Мард ишига, болам, бўлмайин дучор.
Сен яёв юришинг жуда ҳам абгор,
Қаерларни, болам, қилдинг ихтиёр?
Сен борар ерингдан бергин бир хабар,
Сендан бобонг сўраб турган Холёр!

Шакарбек бобосига бир сўз айтиб турган экан:

«Бобо эшит менинг айтган сўзимни,
Меҳмон бўп бир кеча тотдим тузингни,
Хуш-хушвақт жўнат икки қўзингни,
Ўлмасак йўқлармиз сенинг ўзингни.
Сен биздан сўрадинг, биз борар шаҳар,
Бизлар ҳозир юрт устида қаландар,
Бемакон, бенаво ўзим дарбадар,
Билмайман туз-насиб қаерга тортар.
Менда йўқдир, бобо, сира ихтиёр,
Таваккал тангрига қилиб бораман,
Худо бизни бир тарафга бошқарар.
Омон бўл, бобо, деб Ширинман Шакар,
Бобосиман иккови ҳам хўшлашар,
Туз-насиба, тақдир қаерга тортар.
Оҳ тортганда кўздан оққан ёш энди,
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди!
Хафа бўлма, жоним бобо, хўш энди,
Бизлар бу чўлларда ҳозир хору зор,
Дуода бўл, жоним бобо Холёр».
Бу сўзларни айтиб Ширинман Шакар,
Шул замонда туриб йўлга кирдилар.
Бобоси қошидан беклар жўнади,
Дуо қилиб, бобоси ҳам қолади.
Борар ерин тайини йўқ буларнинг,
Бошин олиб энди бундан жўнади.
Сандиқдай тоғ кўринади яқинда,
Тоққа қараб Ширин, Шакар жўнади.
Шул тоққа биз яқинлаб борайик,
Тоққа чиқиб ҳар тарафни кўрайик,
Бир шаҳар кўринса шунга борайик,
Бундай сарсон бўлиб чўлда қолмайик.
Бу сўзни ўйлашиб кетиб боради.
Илгарида Шакар шундай йўл бошлаб,
Гоҳ ерларда борар кўнглини хушлаб,
Ўз юрти эсида кўзини ёшлаб.
Бизлар бунда ҳали тирик юрганмиз,
Ғамхўр онам йиғлаб қолди, билганмиз.
Онамнинг кўнглида бизлар ўлганмиз,
Кўнглидан чиқмайди, эсда турганмиз,
Кўп кулфатни шу онамга солганмиз,
Тириклай онамдан жудо бўлганмиз...
Тақдир ҳайдаб бу йўлларда юрганмиз.
Бу сўзни айтиб борар Ширинман Шакар,

Бошлари айланиб кўп йўллар юрар,
Тоғнинг тумшуғига етди муқаррар.
Бир йўлни кўрди-ов Ширинман Шакар,
Катта йўл бўйнига етишди беклар,
Ўтириб иккови бунда дам олар,
Шакарнинг кўнглида турли гапи бор.
Ҳар замон эсига тушар Гулгуной.
Шундайин Шириннинг кўнглин бўлади,
Укам, деди, буни алдаб туради,
Сен чарчадинг, мен чиқайин бу тоққа,
Бошимизда кўпдир ҳар турли савдо,
Кўрганимни келиб хабар берарман,
Дам олиб тур, эргаштириб юрарман,
Бир соатда тоққа чиқиб келарман.
Менинг билан бирга ҳалок бўлмагин,
Дамингни ол, ука, чарчаб қолмагин!

Йўл юриб, чарчаб бораётган одамга бу гап хуш келди. «Хайр, ака, чиқиб келсанг, дамимни олиб ётайин», деб йўлнинг ёқасида қолди. Шакарбек туриб кетди. Шакарнинг кўнглида, бобосидан эшитган Гулгун парини қандай кўраман, деб тоғни оралаб кетди. Қаради, тоғнинг этагида бир кўл турибди. Тўқайистон, катта кўл. Бу кўлни Чибич кўл дер эди. Тоғнинг тангисидан бир аждарҳо чиқиб, кўлга қараб юзланиб турганида мамлакат ғулғула бўлгандай бўлиб қолди.

Ишқириб аждарҳо дамга тортади,
Чибич кўлнинг сувин бирдан ютади,
Чобиниб аждарҳо дамга тортади,
Кўлнинг қамишлари таппа ётади.
Ишқириб аждаҳор дамга тортади,
Тоғнинг тоши зинғирлашиб ўтади.
Баланд тошлар ларза бериб кетади,
Мамлакатни буткул тўзон туттади,
Аждаҳор дамига Шакар кетади,
Мамлакатни шамол, тўзон олади.
Аждаҳор ҳайбати шундай бўлади,
Ўзин тўхтатолмай Шакар боради.
Қуюн, тўзон аралашиб қолади,
Қандай гап эканин Шакар билмади.
Ҳуши қочиб бунда тоқат қолмади,

Билмайди, йиғлайди, куни тўлдими.
Улар вақти яқин келиб қолдими?
Дев, парилар унга асар қилдими?
Ширин укам бул беҳабар қолдими?
Мендай шўрни ажал ҳайдаб келдими?
Шакар Ширинидан жудо бўлдими?
Е бўлмаса, ҳақ қиёмат қилдими?
Шундай қаттиқ кунда Шакар қолдими?
Бу сўзни айтиб кўзин очиб қаради.
Кўлдан қайтган аждаҳорни кўради.
Энди ўларини Шакар билади,
Аждаҳор дамига кетиб боради.
Мени дамга олар бўлди душманинг,
Энди бундан ўтди менинг нишоним,
Комил пирим Аловхўжа эшоним.
Бу сўзни айтиб Шакар сўзлаб йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади?!
Қулоғига пир товуши келади,
Шайдулло, деганини Шакар билади.
Зарбасига тоғлар самъа¹ қилади,
Муножоти ҳаққа қабул бўлади.
Бу сўзни айтиб комил пирлар келади;
Эгам раҳм айлади қонли ёшингга,
Қўшиларсан, бўтам, тенги-тўшингга.
Бу сўзларни комил пирлар айтади,
Шакарбекни пирлар бундан тўхтатди.
Ишқириб аждаҳор дамга тортади,
Бу келган пирларни ҳам тингсалтади.
Кўринг энди Шакарбекнинг пирини,
Илму кароматман ёйини тортди;
Яшиндай бўлиб ёйнинг ўқи бир кетди,
Аждаҳорнинг ўнг кўзидан тегибдир.
Аждаҳор валига дучор бўладир,
Аждаҳор кўзин туйраб урадир,
Чап кўзидан тешиб ўтиб боради.
Шундай зўр аждаҳор икки букилди,
Кулча бўлиб бул аждаҳор йиқилди,
Аждаҳорнинг билмаганин билдирди.

Аждаҳорнинг икки шохи бор эди. Уни ўлдиргандан кейин Шакарбек уни қоқиб олди. Пирлар Шакарбекнинг

¹ Самъа қилади — эшитади, тинглайди.

кўзидан ғойиб бўлди. Шакарбек шохга қараса, шохига дуолар битилган. Буни кўриб аждаҳорнинг ўнг шохини тоққа урди. Тоғнинг мурвати очилди. Шакарбек ичкари кирди. Чап шохини урди. Тоғ қадимгидай бўлиб бекилди. Шакарбек тоғнинг остига қараб бора берди. Бир ердан ўн тўрт кунлик ой туққандай барқ уриб шуъла чиқди. Шакарбек кўрди: гуллар очилиб, булбуллар бири-бирига чаҳчаҳ уриб, тўти-майналар сайраб ётибди. Шакарбек бу шуълани чўтлаб кетиб бораётибди. Бир ерда кўшк айвон мунаққашли мазгил жойлар. Ажаб суратли бир паризод кашта тикиб ўтирибди. Бу қизни кўриб, қарши манглайга бориб, тоза сулувга йўлиқса, гапиролмай қоладигандай, нима дейишини билмай, қўл қовуштириб, зинкийиб турди. Хаёли ўзида бўлмади. Анча энтикиб қолди. Бир палла Гулгун пари шундай бошини кўтариб қараса, ажаб суратли бир йигит қўлини қовуштириб турибди. Гулгун пари бу сўзни айтиб турган экан:

Одаммисан ё бир юрган жодугар,
Қандайин йўл берди сенга аждаҳор?
Аҳволингдан менга бергин бир хабар,
Сен ҳам юрган кашмирмисан муқаррар?
Ҳеч бир жонзод келолмайди боякбар,
Қандай очиб келдинг бундайин тоғлар?
Юришингдан хабар бергин муқаррар?
Мендайин оймнинг кўнглин билдингми?
Чибич қўлда аждаҳорни кўрдингми?
Хабар бергин рўбарў бўлдингми?
Бу ерларга ҳийла топиб келдингми?
Ё бўлмаса, ажал ҳайдаб юрдингми?
Одамзод ичидан парвоз қилдингми?
Ер юзида бундай макон кўрдингми?
Мендай паризодга ошиқ бўлдингми?
Ул сабабдан меҳнат тортиб келдингми?
Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар.
Булутлар маст бўлса чалқийди кўллар,
Юришингдан менга бергин бир хабар!
Сендан сўраб турган мендай зулфакдор,
Гулгунойим дейди менинг ўзимни,
Сен эшитгин менинг айтган сўзимни:
Ёш бола билибман сенинг ўзингни,
Сен қандай йўл топиб мунда келибсан,

Айтгин, бегим, нима ишда юрибсан,
Яёв юриб абгорликни кўрибсан,
Бировчинг ишқида ғариб бўлибсан.
Жамолингни кўрган қурбон бўлади,
Савлатинг ақлимни олиб боради.
Мендай ойим сендан савол сўради:
Ё бировнинг харидори бўлади?
Қора зулфим эшилгандир толи тол,
Бу сўзларга, келган хоним, қулоқ сол,
Бунда жонзод келса, бўларди поймол.
Зўр аждаҳор сира бермасди омон.
Бу ерга келолмас кофир, мусулмон.
Қандай бўлиб келдинг бунда ёш ўғлон?
Ул аждаҳор қилар ер билан яксон.
Шул аждаҳор жамолимга гирифтор,
Кунида бир марта жамолим кўрар,
Атрофимни айланиб хабар олар,
Шул жойларда мен тураман барқарор,
Қандай бўп ўтқазди сени аждаҳор?
Аҳволингдан менга бергайсан хабар.

Бу сўзни эшитиб Шакарбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

«Бошимда кўп менинг билсанг кулфатим,
Англаб билгин, сўйлайин, паризодим.
Сўрай берсанг, асилзода авлодим,
Бир боис-баҳона бўлган қисматим.
Шоҳ эдию гадо бўлди улфатим,
Сени излаб, қолмади-ов ҳасратим,
Сени кўриб, энди келди давлатим,
Сўрай берсанг кўпдир менинг меҳнатим.
Мени билсанг Қуёнқидан бўламан,
Қосимхоннинг ўғлиман, бунда келаман.
Ғамли кунда тортар эдинг оҳ-вой,
Бандам деб, раҳм айлар қудратли худой,
Ўзингдан эшитдим, отинг Гулгуной.
Сени излаб чиқдим ўсган элимдан,
Қутулганман неча ноҳақ зулмдан.
Сени излаб ҳеч қўрқмадим жонимдан,
Юз қайтармай менга келган ўлимдан.
Шароб ичсам тар хинали қўлингдан,
Қучоқласам сенинг нозик белингдан,

Сўриб ётсам лабда асал болингдан,
Раҳбар бўлиб, ҳабар олсанг ҳолимдан,
Қувватим йўқ, келиб тутсанг қўлимдан,
Меҳрибонлик қилиб турсанг ўрнингдан.
Сўзимни эшитгин, гул юзли дилбар,
Сенинг ишқинг мени қилди қаландар,
Ўртанган ўтларга жонимни солар,
Чибиш кўлда дамга тортди аждаҳор,
Менга раҳм қилди яратган жаббор,
Комил пирлар бўлди ул кун мадаккор,
Ғариб билма мендайин бенавони,
Бошимдан кўтаргин туман савдони.
Чўлда кўриб бир яланғоч бобони,
Ундан ҳам эшитдик неча савдони.
Энди кетди Шакарбекнинг армони,
Сен бўлгин, гул юзли, дардим дармони.
Мен кетаман неча дарбанддан ошиб,
Гоҳ жойларда кетар ақлим ҳам шошиб.
Гоҳ кунларда кетдим ўтдай туташиб,
Энди келдим, дилбар, сенга ёнашиб,
Ҳар на деб амр этсанг, мен ҳам қилайин,
Нима десанг, хизматингда турайин,
Сенинг учун жоним зўрлаб кўрайин,
Етиб муродимга, ўйнаб-кулайин.
Тура келгин, моҳу талъат, кўрайини,
Ҳуснингга бандиман, озод бўлайин,
Сенга мени етқизгандир худойим.
Сўзни ҳазил билма, эй моҳу дилбар,
Бўлиб келдим ҳозир сенга харидор.
Парво қилма, ўлиб кетди аждаҳор,
Ошиқини келиб топгандир Шакар!
Бу сўзни эшитиб у паризод:
Шакарбекка меҳрибонлик қилади,
Табассум қип, бул ўрнидан туради,
Бу кўшқидан пастга қараб юради,
Биҳиштдаги ҳурдай бўлиб боради,
Жамоли ярқиллаб бориб қолади,
Шакарбекнинг кулиб кўнглин хушлади.
Ул замонда билагидан ушлади,
Кўшқининг остига йўлни бошлади.
Иккови шул замон қадам ташлади.
«Ҳаволаниб учган суқсур жойлансин,
Ҳаво ёғиб, ҳалқоб ерлар лойлансин,

Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин,
Жасадингдан мендай ойим айлансин.
Хуш келибсиз, бош устига, султоним,
Бул сиздан садақа ул ширин жоним,
Сизнинг билан бўлсин энди давроним!
Дийдамнинг устига, азиз меҳмоним,
Энди қолмасин-да, хоним, армонинг!
Бу сўзни айтиб турар мендай жононинг,
Бу ерда бор эди ул қанча девлар,
Шуларнинг додини берди аждаҳор,
Ул сабабдан ёлғиз қолди гажакдор,
Аждаҳорнинг зарби бизга шу бўлар.
Биздан ўзга қолмади қиз-жувонлар,
Аждаҳорга тобе бундай маконлар,
Ажали етмай қолган мендайин дилбар.
Шукур қилай, ўлган бўлса аждаҳор,
Энди сизнинг билан бўлар давронлар;
Бу сўзларни айтиб парию ҳурлар,
Бўлиб юрсам то ўлгунча хизматкор».
Бу сўзни айтиб бекнинг вақтин хушлади,
Баландга, кўшкига йўлни бошлади.
Шакарбек остига либос ташлади,
Бир-бирининг жуда ақлин олади,
Шакарбек бўйнига қўлин солади,
Ширинни эсига олмай боради,
Дунёнинг ғамидан озод бўлади,
Жамолига Шакар ҳайрон қолади,
Қоронғилиқ ёруғ бўлиб туради,
Азоб-кулфат бари кетиб боради,
Иккови ўтириб мажлис қилади,
Дунёнинг ишини шундай кўради,
Фасли баҳонаман бунда боради,
Шакарбек ҳам Гулгунойни олади.

Шакарбек билан Гулгуной бунда суҳбат қуриб ётди. Ширинбек бўлса неча фурсат акасининг йўлига қараб, унинг қайтмаганини кўриб, ўрнидан туради, ҳам бу тоғни ахтариб, калласи гаранг бўлиб, бу сўзларни айтиб юрди:

Кўринмайди Шакарбекнинг қораси,
Бек акамни ютган тоғнинг дараси.
Қайда ўлди Қуёнқининг тўраси,

Йиғлаб турар Ширин жигаргинаси.
Қайда борай мен акамни ахтариб,
Мен кимга йиғлайин дардимни ёриб?
Қолдим бул тоғларда ёлғиз айрилиб,
Йиғлайман тошларга бошимни уриб.
Ўздан-ўзи акам кетди йўқ бўлиб,
Акамдан айрилиб қолибман бўзлаб,
Мен қайда борайин, акамни излаб,
Бирга чиқиб эдик Қуёнқи элдан,
Икковимиз жудо бўлиб шу йўлдан,
Қаттиқ ишда, қайғу-ғамда қолдим мен.
Қай тарафга бораримни билмасам,
Улик-тиригин бунда кўрмасам,
Эмикдошим хабарини билмасам.
Умримнинг борича излаб юрайин,
Бу тоғнинг дарасин қўймай қарайин.
Яёв эди, йўқдир минган бедови,
Менинг акамни ютган шул Зил тови¹.

Ҳар ким титрар Ширинбек нолишига,
Ёқаси ҳўл бўлар кўздан оққан ёшига.
Ҳар замонда чиқар тоғнинг бошига,
Акасини шундай йўқлаб юради,
Бир баланд чўққига қараб боради,
Чўққининг устига чиқиб қаради,
Олис йўлдан бир тўп қора кўради,
Нима эканини Ширин билмади.
Ҳайрон бўлиб бу чўққида туради,
Кўрган қора, балки яқин келади.
Акамми деб, шундай туриб қаради,
Ёлғиз эмас, кўпчиликдай бўлади.
Ширин ёзган тоғдан тушиб боради,
Акамнинг хабарин шулар билади.
Қирқ чоқли бор, йўлга тушиб келади.
Ширин бораётир бунда хору зор,
Шакардан айрилиб бўлган дарбадар.
Яқинлади келаётган одамлар,
Бор буларни кўрди Шириндай ночор,
Телпаги қайқайган, бари қаландар,
Ҳар шаҳардан — шул шаҳарда юради,
Элдан-элга кўп оғишиб кўради,
Талқин айтиб қирқ қаландар боради.

¹ Т о в и — т оғ и.

Ширин чиқиб йўл устинда туради,
Ширинбекни қаландарлар кўради.
Қаландарга Ширин салом беради,
Қаландар Шириндан савол сўради.
Қаландар ўртага олиб туради.
Бу тоғларда забун бўлган ёш ўрлон,
Не сабабдан йиғлаб бўлган саргардон?
Аҳволингдан хабар бергин бул замон!
Мусулмонмиз, бизлар ҳолинг сўрадик.
Йиғлаган тарзингга энди қарадик,
Хабар бергин, сўз сўйласанг биламиз,
Кўп турсак биз, йўлимиздан қоламиз,
Қичаб юрсак, бир мазгилни оламиз,
Сен гапирсанг, билиб топиб борамиз.
Бу сўзни эшитур Шириндай номдор;
Мени ҳамроҳ қилинг, эй қирқ қаландар,
Акамдан айрилиб бўлдим дарбадар.
Акамнинг отини Шакарбек дерлар,
Менинг акамни ютгандир тоғлар.
Агар билсанг хабар бергин қаландар.
Ширин, Шакар элдан жудо бўлганмиз,
Акам ўлган, ҳозир ёлғиз қолганмиз,
Биз ҳам ўлик қаторида бўлганмиз,
Бу тоғни ахтариб жуда кўрганмиз,
Дарагини топмай гаранг бўлганмиз.
Сизлар менга меҳрибонлик қилинглар!
Мени бирга ҳамро қилиб олинглар!
Қайда борсанг бирга олиб боринглар!
Ҳамроҳ бўлай, ғариб кўнглим шод этиб,
Дунёни ўткизай мен барбод этиб,
Мен юрайин Шакарбекни ёд этиб,
Сўз сўзлади Ширин, сўзини билди,
Қаландарлар буни кўп иззат қилди,
Ширинни ўрнидан турғизиб олди,
Қирқ қаландар ўзига сардор қилди,
Қаландарлар куло-жандани берди,
Қирқ қаландар энди қирқ битта бўлди.
Ширинбек ҳам кетди бундан йўл юриб,
Қирқта қаландарга сардорлик қилиб.
Қаландар бўп акасини ахтариб,
Азамат мард эди, бўлгандир ночор,
Ахир оқибати бўлди қаландар,
Ахтариб кўрсам деб яна кўп шаҳар.

Шуйтиб топсам деди Шакардан хабар.
Акаси эсига тушиб йиғлади,
Қаландарлар маст бўп, кетиб боради,
Зил тоғидан энди ўтиб боради,
Қаландарда макон-мазгил бўлмади,
Хаёли товлаган ерга боради...
Юрган одам дунё ишин кўради,
Қаландарнинг бири бўлиб боради,
Ҳаммаси жам бўлиб йўлга жунади...

Ширинбек қаландарларга қўшилиб кетди.

Қорахон пошшо байдоқ-байдоқ лашкари билан
Холёр бобонинг атрофини айланиб қўнди. Чодир чаман-
ни тикиб, Холёр бобонинг олдига Қорахон шоҳ келиб
Ширин ва Шакарнинг қилган ўчоқ билан охурини кў-
риб, Холёр бобога қараб сўз айтиб турган экан:

Мен тортаман бундай кунда оҳу зор,
Олис йўлда ўйнаб ўсган кирдикор,
Қандай душман бунда келди, Холёр?
Ҳолинг билмай сен бўлибсан гуноҳкор!
Сен менинг жойимга ишни қилибсан,
Бир душманни меҳмон қилиб юрибсан,
Сенга шудир мендай шоҳингнинг сўзи,
Бу ерга келибди душманнинг изи.
Душман келиб бунда меҳмон бўлибди,
Қилган иши бу белгили турибди.
Сенинг ўлар вақтинг яқин келибди,
Бу ишингдан шоҳинг ҳадик олибди.
Хабар бергин қандай одам келибди,
Бунда келиб ўчоқ, охур қилибди.
Тояди бошингдан энди давлатинг,
Ажал етиб энди тўлди муҳлатинг.
Неча йилдан бери қилган хизматинг,
Бир душманман бунда бўбди суҳбатинг.
Мен билмайман сенинг келган кишингни,
Холёр, кесарман сенинг бошингни?
Қайси юртдан одам олиб келибсан,
Бир душманга овқат-таом берибсан?
Қариганда жонсўхталик қилибсан,
Қилган ишинг ўзинг билмай юрибсан.
Хабар берасан: ким келганин биламан,
Азиз бошинг тандан жудо қиламан.

Ким келганин сендан сўраб тураман,
Ҳозир сени якка мазор қиламан.
Рост гапир, Холёр, бошинг оламан.

Бу сўзни эшитиб Холёр ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Боғда очилган гулим келди,
Чаманда булбулим келди,
Ширин, Шакар ўғлим келди,
Менинг жону дилим келди,
Қуёнқидан мардим келди,
Ул икки фарзандим келди.
Жон олғу жаллодим келди.
Келиб бунда меҳмон бўлди,
Бирор кеча бунда турди,
Туриб Чибич кўлга борди,
Зўр аждаҳорни ўлдирди.
Сендай шоҳ беҳабар қолди,
Ул меҳнатинг бекор бўлди,
Шул ишларни Шакар қилди.
Бобонинг сўзи шул бўлди:
Лашкар тортиб, одам йиғиб келасан,
Қанча одам ўлди, бунда кўрасан;
Сен ҳам одам, пошшоман деб юрасан!
Елғон, бўлса, кес Холёрнинг бошини,
Кўрдингми сен бир одамнинг ишини?
Олди Гулгундайн гул бувишини,
Жондор еб ётди аждарнинг гўшини.
Пошшоман деб, аҳмоқ, лофни урасан,
Саранжом қиб қўйди, тинчиб қоласан.
Ул шуйтмаса¹, сен ҳаммани қирасан,
Кўрсанг, ул ишига ҳайрон қоласан.
Шакарбекни кўрдим, ёлғиз тўради,
Не мушкул ишларни осон қилади.
Унинг билан ким баравар бўлади?
Зўрга дучор бўлган тайин ўлади.
Аждаҳор ҳам Шакарбекдан сулади!

Холёр бободан бу сўзни эшитиб Қорахоншоҳ бу сўз-
ни айтиб турган экан:

¹ Шуйтмаса — шундай қилмаса.

«Пошшо бўл сўрайман неча шаҳарди,
Бойдоқ-бойдоқ менинг аскарим борди.
Оша таъриф бердинг Ширин, Шакарни,
Одам буюриб биларман аждаҳорни.
Ўлган бўлса, сўзингга тан бераман,
Тирик бўлса, тандан бошинг юларман.
Не кунларни, бобо, сенга соларман,
Не чоқли одамдир уни биларман,
Ул ишончли Шакарингни кўрарман,
Гулгунойни ахир ўзим оларман».
Бу сўзларни Қорахоншоҳ айтади,
Бир бойдоқ лашкарни чақириб олади,
Соп шакаман мерганларни йиғади:
«Бунда турмай, Чибич кўлга боринглар,
Аждаҳор ўликми-тирик билинглар.
Кўрганингни бунда айтиб келинглар,
Холёрни келиб яксон қилинглар.
Не сўзларни лоппи сўзлаб турибди,
Ширин, Шакар бунга раҳбар бўлибди».
Бу сўзни шоҳ айтиб турди муқаррар,
Шу замон жўнади бир бойдоқ аскар.
Йилда келиб ўлган қанча одамлар,
Ҳамманинг захрасин олган аждаҳор,
Туриб лашкар энди бундан боради,
Қорахоншоҳ амрин тутиб жўнади.
Бир газани бетга олиб қаради,
Аждаҳорнинг гавдасини кўради.
Ўлик-тиригини бунинг билмади,
Яқиндан бормоққа юрак қилмади,
Ҳар турли қуш-жондор босган лошини,
Ғажирлар еб ётар унинг гўшини.
Қушлар кўрди бул аскарнинг бошини,
Ташлаб учди аждаҳорнинг гўшини.
Ғажир жондор кўтарилди осмонга,
Дуриллаб ҳавога учиб боради.
Бул аждаҳор қўзғалгандай бўлади,
Тўш-тўшига лашкар қочиб жўнади.
Қанча одам зовдан ташлаб улади,
Қанчаси ярадор-майиб бўлади.
Қочқинчиси шоҳ қошига боради,
Борганлардан Қорахоншоҳ сўради.
Биров ўлган деса, биров тирик деб,
Ҳеч қайси қарорли жавоб бермади.

Буларнинг гапини тайин билмади,
Қайта бошдан яна одам юбориб,
Аждаҳор ўлганин аниқ билади.
Холёр сўзига шоҳи тан берди,
Аждаҳорнинг ўлгани маълум бўлди.
Бул тоғни айланиб лашкари қўнди,
Чодир-чаман тикар кўнглини хушлаб,
Зангбовман метинни қўлга ушлаб.
Шоҳ амри, деб бу тоғни теша бошлаб,
Тоғни тешиб ётди кўп лашкар ишлаб.
Қорахоншоҳ айтган сўзини қилиб,
Тошларни ағдарар бу лаҳм қилиб.
Қазий берсақ, ахир бир кун борармиз,
Гулгуннинг қошидан чиқиб қолармиз,
Шакарнинг танидан бошин юлармиз,
Хизмат қилса, Гулгунойни олармиз.
Қорахоншоҳ бек бўп юртин сўради,
Неча йиллар ёр ишқида юради.
Йилда аждаҳордан зарбни кўради,
Энди иши ўнг тушгандай бўлади,
Неча кунлар ерни лаҳмлаб қазиб,
Гулгунойга яқин бўлиб боради.

Гулгуной Шакарбек билан маст бўлиб ётиб эди.
Бирдан зангбов метинларнинг товуши ғувиллаб қулоғига
эшитилди. Гулгун пари воқеани билиб, Шакарбекка бу
сўзни айтиб турган экан:

Бу сўзларни айтар Гулгун бувиши,
Ғувиллаб чиқади метин товуши.
Мард бўлсанг, майдонда билдир ишингни,
Душман охир қилар ўтиришингни,
Қўлдан олар мендай гул-бувишингни.
Бепарво бўп маст уйқуда ётмагин,
Ғафлатда қоп бу дунёдан ўтмагин.
Мард бўлиб бу ерга нега келасан,
Душман яқин келди, бундай бўласан.
Мендайн ойимни қўлдан берасан,
Дунёдан беҳабар ётган тўрасан.
Қулоқ солгин Гулгунойнинг тилига,
Бу ғафлатда тушма душман қўлига.
Даврон сургин ўйнаб-ўсган элингга,
Тулки-шағал кулар сенинг ҳолингга.

Мени олиб борсанг ўсган элингга,
Сен ҳам бориб қўшил ота-энангга.
Бир сўз айтар сенга мендай муштипар,
Бул душмандан, хоним, қолма беҳабар.
Ер билан қазиб етишар муқаррар,
Ер ғувиллаб шобир келар бул замон,
Чиқиб қолса сира бермайди омон.
Бошинг кўтар, кўзинг очгин, бегижон,
Сўнгра қилма қайта бошдан пушаймон.
Сенга сўз айтади Гулгун паризод,
Хоним, сени олиб кетибди ғафлат
Бўп қолмасин бундай кунда қиёмат;
Аввал, хоним, қилиб қолгин ҳаракат.
Сен ҳам бу майдонда мардлик қиласан,
Қўлга тушсанг, армон билан ўласан.
Турсанг, хоним, келган ёвни биласан!

Шакарбек бу сўзни эшитиб, шундай жавоб айтиб турган экан:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмаса,
Оллоҳ менинг ақлу ҳушим олмаса.
Душман келса нима илож қиламан,
Оту яроқ, асбоб менда бўлмаса.
Бир ғариб яёвман бундан қочайми?
Мен абгорман, овга тупроқ сочайми?
Душман келса, мени бойлаб олади,
Яёвнинг қўлидан нима келади?
Менинг ишим бунда ўлмоқ бўлади,
Шакар дардга даво топмай қолади.
Келса душман, кесар тандан бошимни,
Билолмадим мён ҳам қилар ишимни,
Олиб кетай сендай гул-бувишимни.
Аҳволимга нола қилиб йиғлайин,
Пиёдага бундай ишлар кўп қийин.
Армон билан мени ўлдирар тайин.
Ҳеч кимга келмайди менинг ҳолатим,
Минмоққа бўлмаса бир бедов отим.
Менда яроқ йўқдир кескир пўлатим,
Армонман айрилган ул паризотим.
Энди кетди бошдан тожу давлатим,
Ўтиб кетди сенинг билан роҳатим.
Хафа бўлиб йиғлагин, паризотим,

Ошиб кетди бундай кунда меҳнатим.
Таним ташлаб, бошим кесиб кетади,
Мендай тўранг бу дунёдан ўтади.
Ҳеч нима бўлмаса яёв қайтади,
Бу сўзни дилтанг бўп Шакар айтади.

Бу сўзни эшитиб Гулгун пари бир сўз деб турган экан:

«Ушбу дамдир, ўзга дами дам дема,
Бошинг эсон давлатингни кам дема.
Аввал ғайратингни айтгин, бек Шакар,
От, яроқ, асбобдан сира ғам ема!
Майдон бўлса бедов отлар чопилар,
Хаса тулпор майдон кунда совилар,
От, яроқ, асбоби биздан топилар.
Ғайратингни чоқлай бергин, бек Шакар!
Обод қилсанг бунда кирдикорингни,
Сен билмайсан бул анжомдор ёрингни,
Мен сенга миндирай тулпорларимни.
Сен майдонда туриб қилсанг ғайратни.
Мен ҳам сенга миндирай бедов отни,
Қўлга олсанг, илон тилли пўлатни,
Душманларга агар қилсанг ғазабни».
Бу сўзларни Гулгун паризод айтди,
Шодмон қилди Шакардай валламати.
Оти сендан бўлса, ғайрат биздан деб,
Ғам ема,— деб Шакар шунда турибди:
Бор кучимни билагимга йиғаман,
Олмосимдан қирмиз қонни қуярман,
Душман гавдасини тоғдай уярман,
Кўп лашкарга танҳо ўзим тегарман.
Яёв вақтда кўпдир менинг меҳнатим,
От-яроғу, асбоб бўлса давлатим,
Душмандан ғам ема, сен, паризотим,
Ҳеч кўзимга кўринмас одамзотинг,
Мард бўлиб майдонда бориб тураман,
Лак-лак лашкар бўлса танҳо қирарман,
Душманларга шўр иш ғавго соларман.
Бу сўзларни айтди энди бек Шакар,
Эргаштириб жўнади Гулгун дилбар.
Аждаҳордан ўлиб кетган кўп девлар,
У девлардан қолган оту анжомлар

Параққос айлаб ұйнайди ҳайвон,
Урушга бормоқчи бугун Шакархон,
Узига тайёрлаб аслаҳа-анжом.
Шакар кийди мунда қалқон-совутди,
Уруш яроғини бул ғамлаб опти,
Шакар олиб найза — кескир пўлатди.
Ул отни етаклаб ойим келибди,
Шакарбекнинг жасадини кўрибди.
Шакарбекнинг борар ери далади (р), —
Минишкорлар кўлга қўшин солади,
Қатта эмас ҳали Шакар болади (р)
Шакарбекдан Гулгун кўнгли тўлади,
Девнинг телпагини олиб келади,
Олиб келиб Шакарбекка беради,
Девнинг телпагини Шакар кийди,
Танимаган дев деб аҳмоқ бўлади.
Совут-яроғ, бари девдан қолади,
Девнинг аслаҳасин Шакар олади,
Отланиб Шакарбек равон бўлади,
Гулгуной кўнглига бу гап келади:
Пиёдалаб бул қошимга келади,
Аслаҳа-анжомдор бўлиб қолади;
Бугун мард бўп бедов отни минади,
Ул далага чиқса ёвни кўради,
Ёш экан, жон ширин, ваҳми олади,
Номард бўлса отни ўлжа қилади,
Бизга теккан шу деб кетиб қолади.
Шундай гаплар бу кўнглига келади,
Шакарбекка Гулгун сўйлаб туради:
Мард бўлсанг номарднинг ишин қилмагин!
Хаёлингни ҳар тарафга бўлмагин,
Ёвни кўриб отни ўлжа қилмагин,
Яхши бўлгин, ёмон йўлга бормагин,
Узоқ яша, кўп йилгача ўлмагин!
Омон келгин бир номардлик қилмагин,
Сен келганча кўзим тўртдир йўлингга,
Омон-эсон қайтиб келгин қўлимга!
Қайишаман сенинг ширин жонингга,
Эгам иқбол берсин сендай хонимга.
Дуо қилиб қолар мендайин дилбар,
Бўлолмасин келган душман баробар.
Зарбингдан йиғласин бундай душманлар,
Ота пиринг сенга бўлсин мададкор.

Бирга бориб кўрди шундай бек Шакар,
Таблада турибди не-не тулпорлар.
Ул девлардан қолган совут пўлатлар,
Юлдузни кўзлаган бир саман оти
Шакар кўрди одамзоддай гапирар,
Гулгун пари отнинг тилин билар.
Ҳайвоннинг тилига тушмайди¹ Шакар,
Шул отни минмоқни қилди ихтиёр.
Саман от қошига Гулгун боради,
Шипириб, қашлаб баданини силади,
Саман отни афзалламоқ бўлади,
Шакарбек қилади бугун ғайратни,
Гулгун эгарлади у саман отни,
Ота юртда туриб тортган хўрликни,
Бугун Шакар қилсам дейди эрликни.
Шул замонда солди отнинг устига
Бахмали майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар қўлга олар дурбинни,
Усталар ишлатар кескир қирғини,
Терликнинг устига солди чиргини,
Чиргининг устидан қўйди белликни,
Белликнинг устидан жаҳлдирикни.
Муллалар ўқийди зеру забарни,
Усталар чопади теша-габарни,
Шакарбекдан ҳеч ким билмас хабарни,
От устига солди тилла эгарни.
Эл кўчириб ола тоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди.
Иккови ҳам тиллодандир узанги
Ярқилатиб от ёнига туширди.
Қишман ёз ўртаси ҳишшай совирди,
Ёмон одам мудом қилар ғовурди.
Лоф айтганда ботмондан ҳам оғирди,
От устига солди заррин довурди,
От белидан ойим тортди айилни
Қамчи урса, ўткудай осмонда қушдан,
Ҳеч камлик бўлмаса, йўрға юришдан,
От белидан тортди карк қубба пуштон,
Сағрнисига ташлаб энди қуюшқон,
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан.
Абзаллаб чоқлади гул юзли жонон

¹ Тушмайди — тушунмайди.

Жилвдоринг бўлсин имом-чилтонлар,
Номардлик қилмагин давлати шунқор!

Бу сўзни эшитиб Шакарбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Кўнглингни бўлма, гажакдор,
Ташлаб кетмайди бек Шакар.
Кўпдир дунёнинг койиши,
Ташламоқ номарднинг иши.
Кўнглингни бўлма, бувуши,
Тўкилмас кўзимнинг ёши,
Ташламоқ хумсанинг иши.
Бундай дема, сен ҳам дилбар,
Бизга омонат минган тулпор,
Ўлмай тирик кетмас Шакар!
Бунда келган қандай ёвлар!
Кўнглим бўлма, пари, ҳурлар,
Саломат келади Шакар.
Чангал эгилиб боғ бўлмас,
Тепа йиғилиб тоғ бўлмас,
Гули райҳон боғда сонли гул бўлмас,
Қулнинг ҳам девори турмас.
Чўлда юрган шоҳ кийикнинг
Кўзидан бошқа яраси бўлмас.
Душман чангимдан қутулмас,
Сенинг бул ўйинг ўй бўлмас.
Бу сўзни айтади шунқор,
Сўз эшитди зулфакдор.
Айтган сўзига уялар,
Жўнаб кетди энди Шакар
Тоққа бориб етди қайсар.

Шакарбек тоққа бориб аждаҳорнинг ўнг шохини урди, тоғ очилиб йўл берди. Далага чиқиб чап шохини урди, тоғ қадимгидай беркилиб қолди. Душманлар қаради — тоғнинг газасида бир саман отли йигит пайдо бўлиб қолди. Осмондан тушганини ҳам билмай қолди, ердан чиққанини ҳам. Аслаҳа-анжомини ҳам кўрди. Бари девнинг либоси. Душманлар айтди, илгари девлар ўлган, аждаҳор Гулгун парига соҳиб бўлиб қолган, деб ўйлар эдик. Аждаҳор ўлса ҳам, бекор экан-да. Шу девлардан қолган одамзодга ўхшаган бул девлар-

нинг майда боласи экан, деб бир-бирини чақиришиб, бақиришиб йиглай берди. «Аждаҳордан қутулдик, девга тутилдик», деб кўзини ёшлаб, заннов-метинларни ташлаб, ёв-яроғини қўлига ушлаб: энди қандай бўлди, ўлган девларнинг боласи устимизга келди. Икки бошдан урушган одамлар тайин ўлади, деб бир-бирига гапириб қолди.

Шакарбек ҳам шу сўзларни айтиб бора берди:

Овоза кетсин фалакка,
Кел майдонга якка-якка!
Ошиқ бўлсан паризодга,
Тоб бермасман валломатга,
Қела бергин якка-якка.
Уруш майдонимни кўргин!
Биринг қўрқсанг икков келгин,
Бул майдонда ишим кўргин!
Икков қўрқсанг тўртов келгин,
Менинг сўзим, душман, билгин!
Тўртов эмас: ўнта келгин,
Тараф бўлиб майдон қилгин.
Эллик, қирқинг бирдан келгин!
Оҳ чекиб ҳар дамда бул сўз:
Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Дарёда ўйнайди қундуз,
Тўп-тўп бўлиб келгин беш юз,
Менинг сўзим аниқ билгин!
Мингта-мингта бўлиб келгин,
Шакарбекнинг ишин кўргин!
Бундай бўп тўпланиб турма,
Қанча бўлсанг жовлик¹ келгин!
Бир аломат бўлсин қирғин,
Тоғ аскарин чалиб туман,
Сенга бўлай марди-майдон,
Ерлардан оқсин қизил қон,
Сўнгра қилгин кўп пушаймон,
Ёппа жовлик келгин душман,
Бу сўзни айтар Шакархон,
Тўзон бўлиб еру осмон
Қирарман сени бул замон!

¹ Жовлик — ялпи.

Бу сўзни эшитиб Қорахоншоҳнинг бир полвони туриб, Шакарбекнинг сўзи унга дард қилиб, от суриб, уруш майдонига кириб, бу сўзни айтиб турган экан:

Очилган гулдай сўлган,
Ажали паймонанг тўлган,
Ажал ҳайдаб келган ўғлон,
Ўзингни санлайсан осмон.
Девнинг аслаҳасин кийган,
Қандай одам қилди аҳмоқ?!
Ҳолин билмай юрган тентак,
Лоп урмагин бундай аҳмоқ.
Мен ҳам шоҳдан инъом олган,
Ботирликни хатм қилган.
Қилич олиб кирдим майдон,
Мен бермасман сенга омон.
Қиларман ер билан яксон,
Сен ўзингни қилма сарсон.
Аҳмоққа бермайман омона,
Қиличимни бўяб қона,
Келгин, сен ёлғиз майдона.
Ҳоворшин дейдилар мени,
Ҳолинг билмай тўғри бўлдинг,
Ғамингни е энди ўлдинг,
Қўлимда бор гурзи гарон,
Юбормайман сени омон,
Менинг султоним Қорахон,
Менга қилар жонин қурбон,
Ажаллисан дучор келган,
Ким урушда омон қолган?
Сендай неча дучор бўлган,
Ҳаммаси ҳам мендан ўлган!
Эшитдим исминг Шакархон,
Ажал ҳайдаб сендай ёзган
Ул аждаҳорни ўлдирган;
Ғафлат топиб ишин қилган.
Шуйтиб сен ҳам ботир бўлган,
Сендек аҳмоқ бунда келган,
Суякларинг қилай яксон,
Қўрқмасанг келгин, сен, берман¹.
Остингда арғумоқ саман,

¹ Берман — бери томон.

Сенга мен бермайман омон!
От суриб бул майдон ичра турарман,
Сендай нечовларнинг додин берарман,
Тоғдай бўлсанг, урсам яксон қиларман.
Неча сўзлар айтилгандир тилимда,
Тўқсон ботмон чўян калтак қўлимда,
Қим баробар бўлган менга элимда?
Сендай нодон бачча менинг йўлимда,
Армон билан энди ўлдинг қўлимда!

Бу сўзни эшитиб Шакарбекнинг ғайрати ғайратига етиб, ўтдай тутшиб кетди, девнинг аслаҳа, исфиҳон пўлатларини олиб, отга қамчи уриб, урушга юра берди:

Қарамай баланд-пастига,
Яқинлашиб зўрнинг устига,
Неча сўзни Шакарга полвон айтди.
Отнинг бошин Шакар ёвга қаратди,
Қўлга олиб илон тилли пўлатди.
Бу сўзларни ёвга Шакарбек айтди:
«Гулгунойни излаб бунда келибсан,
Аждаҳордан кўп жабрни кўрибсан.
Қолмай лашкар баринг келгин майдонга,
Дучор бўлдинг аждаҳордан ёмонга.
Сен ҳам менга аждаҳор, деб келарсан,
Ярмингни ютганда, ярминг қоларсан.
Менга дучор бўлдинг баринг, ўларсан,
Сўнгра менинг ёмонлигим биларсан.
Кийгани гулгун қирмизи,
Ақлим олган ширин сўзи,
Ёлғиз қолган пари ўзи,
Ё сеники, ё меники?!
Майдонда кимлар ўлади?!
Худойим кимга беради?
Тақдир қилган ёр олади.
Аждаҳордан халос бўлган,
Ҳозир ойим ёлғиз қолган.
Келавер майдонга душман,
Сўнгра қилмагин пушаймон».
Бу сўзди айтиб Шакар етди,
Ул полвонга тўғри бўлди,
Қалтагин ҳавола қилди,
Кўринг Шакарбек рад берди.

Томоша қилинг ишига.
Қилич солгандир бошига,
Бул дунёнинг койишига,
Душман туриб ҳайрон қолди
Шакарнинг қилган ишига;
Шакар шундай қилич тортди,
Номдор полвонни қулатди,
Икки бўлиб қилич ўтди,
Оҳалаб Шакар от қўйди.
Тоғдаги шердай оҳ уриб,
Йўлбарсдай бўлиб чопиниб,
Шул замонда наъра тортиб,
От қўйди майдон устига.
Бир ёқдан лашкар от қўйди,
Юлдуз учгандайин бўлиб,
Шакар ёлғиз аралашди.
Қарвон кўчгандайин бўлиб,
Ярашиққа тикиб чодир,
Ёппалашиб сатта ботир,
Жазойирлар¹ патир-путур,
Отилиб майдон ичинда.
Кўрганларнинг ақли кетиб,
Шокамонлар отиб милтиқ,
Қўрқоқларнинг ақли шошиб,
Ботирлар урушда тошиб,
Келар майдонда ёнашиб,
Қилич-найза ширқиллашиб,
Келди лашкар чирқиллашиб,
Бир-бирига қилич солди,
Нечовлар ярадор бўлди,
Бул майдонда одам ўлди.
Қилич келар алаб-ялаб,
Истак кўнгил қилар талаб,
Олтин коса, гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда.
Бўз тупроққа қирмизи қон
Қотилди майдон ичинда;
Бедовга заррин айиллар,
Бу ишга ҳамма қойиллар,
Шоп милтиқ жазойирлар,
Отилар майдон ичинда.

¹ Жазойир — милтиқ нави.

Саф-саф туриб ақли кўплар;
Аждаҳордай катта тўплар,
Отилар майдон ичинда.
От чопади алвон-алвон,
Шул сифатда бек Шакархон
Бош кесар майдон ичинда.
Кесилар душманнинг боши,
Елғиз бек Шакарнинг иши,
Ёв кўзида қонли ёши,
Шул бўлди Шакарнинг иши.
Унгу сўлни олиб туман,
Бермайин душманга омон,
Кўп душманга танҳо ўзи
Елғиз тегади Шакархон.
Кўшиндаги не бедовлар
Эгасиз кетди бош олиб;
Чодир чаманли либослар
Шундай қолди тўшалиб;
От устида калла қолди,
Қанча душман ўлжа бўлди. -
Шакарбекнинг минган оти
Ҳар тарафга олиб қочди,
Парқинидан кўпик сочди,
Шакар танҳо хўб савашди,
Дафта-дафта кесиб бошди,
Ўлдик дейишиб душман қочди.
Душманларни тўплаб олди,
Етганига қилич солди,
Кўпи отдан оғиб қолди,
Жазосини топиб олди,
Ярадорлар кўп йиқилиб,
Тоза ерни қопиб олди.
Бир-бирига қарамайди,
Сира ҳолин сўрамайди.
Қочаётир бақаришиб,
Бир-бирини чақаришиб,
Иши шундай зўрға тушиб,
Бирор майдон уруш қилди,
Аждаҳордан ёмон бўлди.
Чибич кўлга қочиб келди,
Бир хиллар тўқайга келди.
Чибич кўлнинг айналаси даладир,
Шакар катта эмас, ҳали боладир.

Бола дейишиб бир балога қолади,
Кўл ёқалаб қанча лашкар ўлади,
Тўқайда яширинган омон қолади,
Девнинг боласи деб гумон қилади.
Урушнинг тилини жуда билади,
Бул балодан қандай омон қолади,
Қорахоншоҳидан гина қилади,
Қанча лашкар бекорига ўлади,
Қолганлари четлаб қочиб жўнади,
Кўриб қолса у энағар ўлади,
Кўзга тушсак бошимизни олади.
Бул балодан кимлар омон қолади?
Юлдузни кўзлайди бул саман оти;
Уруш кунда Рустамча бор ғайрати,
Уни кўрса, қолмас жоннинг ҳолати.

Душманларнинг ўлгани ўлди, қанча аслаҳалар бе-
эга бўлиб қолди. Қолганлар паналаб қочиб қутулди. «Бу
тоғнинг газасидан бир саман отли йигит пайдо бўлди,
бу аждаҳордан ҳам ёмон бўлди», деб кетиб бораётир.

Шакарбек бу урушдан қайтди. Тоққа келиб ажда-
ҳорнинг ўнг шохини урди, дарҳол тоғнинг эшиги очилди.
Шакарбек ичкарига кирди. Чап шохини урди. Тоғ қа-
димгидай беркилди. Гулгун парининг қошига борди.
Гулгун пари отни ушлаб, таблага тортиб ташлаб, икко-
ви бир ерда ўтириб, суҳбат қуриб, Гулгун пари Шакар-
бекка бир сўз айтиб турган экан:

Сабаш излаб бир бедовни мингдингми?
Омон-эсон қон тўкишиб келдингми?
Қайси элдан келган, ёвни билдингми?
Ё душманнинг жазосини бердингми?
Ёки тўрам, қўрқиб тоққа кирдингми?
Қандай уруш қилдинг мен ҳам кўрмасам,
Мен сўрайман қилган ишинг билмасам,
Хабар бергин, ё баравар келдингми?
Ёшлик қилиб юз ўгириб турдингми?
Кўрганим йўқ келган ёв анча кўпдир,
Бундан илгари ҳам неча келибдир,
Аждаҳор зарбидан бари ўлибдир,
Умид узмай ўзин ҳалок қилибдир,
Билмайман урушинг қандай бўлибдир?
Келган ёвда қанча баҳодирлар бор,

Бўлолдингми уруш кунда баравар,
 Сендан сўраб турар мендай гажакдор,
 Хизматингдан хабар бергин бек Шакар.
 Остингда ўйнаса араби отинг.
 Сендан савол сўрар бул паризотинг,
 Қандай бўлди тўрам, қилган хизматинг?
 Кўп урушда юрган бул саман отинг,
 Омон-эсон келди менинг давлатим,
 Бошимдан кетибди қайғу-кулфатим.
 Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
 Ажал етиб паймонаси тўлдими?
 Лашкарнинг қаттаси — хони ўлдими?
 Ё бўлмаса хони омон қолдими?
 Сен билмайсан, хоним, улар ҳийлагар,
 Улмай қолса, ҳамиша пайингда юрар.
 Уз юртида бордир кашмир айёрлар,
 Улмаса шулардан бўлгин хабардор,
 Ҳийла билан ақлу ҳушингни олар.
 Қора сочим эшилгандир толи тол,
 Яхши тингла, бу сўзимга қулоқ сол,
 Ҳеч кимни дўст тутма, бўлгин хабардор,
 Атрофингда англамайсан душман бор.
 Ғариб деб бировнинг ҳолин сўрмагин,
 Тўғри юргин, сира ғофил бўлмагин,
 Бечора деб сен яхшилик қилмагин,
 Кимни кўрсанг сен бурилиб бормагин,
 Аёл деб сўзимни нодон билмагин,
 Бир душманга дучор бўлиб қолмагин.
 Қулоқ солгин, тўрам, айтган тилимга,
 Улмасанг борарсан ўсган элингга,
 Неча кун меҳмонсан бу мазгилимга,
 Сен ёлғизсан қайишаман ҳолингга,
 Ахир бир кун душман чиқар йўлингга,
 Омон берма келиб тушса қўлингга!

Бу сўзни эшитиб Шакарбек ҳам бир сўз деб турган экан:

«Ушбу дамдир, ўзга дами дам дема,
 Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
 Лак-лак лашкар бўлса, дилбар, ғам ема!
 Ўзим ёлғиз, бўтадайин бўзлайман,
 Душман кўрсам, бағриң кесиб тузлайман,

Аслим шердир, ўзим йўлбарс излайман.
Душманнинг гавдасин тоғдай уяман,
Бор кучимни билагимга жияман,
Ғанимларнинг бошин боғдай қияман.
От ўйнатиб мен ҳам майдонга бордим,
Ёлғиз туриб, бир ўзим уруш қилдим,
Қолганин билмайман, барисин қирдим,
Қочганини Чибич кўлда ўлдирдим.
Шундай қип душманнинг жазосин бердим...
Қорахоншоҳ экан, у шоҳни билдим,
Не суянган полвонларин ўлдирдим,
Ул душманга мен ҳам қиёмат қилдим,
Ҳар дарани мен ўликка тўлдирдим,
Жондан кечиб майдонда қилич солдим,
Ҳозир, ойим, номус-оримни олдим.
Уларни ўлдириб саломат келдим,
Шукур ахир сенинг билан ўтирдим».
Бу сўзни Гулгунга Шакарбек айтди,
Иккови ул кеча бу ерда ётди,
Оқшом ўтиб эрта-мертан тонг отди.
Қайсар Шакар тоққа парвоз қилибди,
Чаманда булбуллар сайраб турибди,
Саман отни хон абзаллаб минибди,
Очиб тоғни ташқарига чиқибди,
Шакар ўғлон тоққа равон бўлибди.
Шакар ўғлон миниб отнинг белига,
Аввалгидай ов борди Чибич кўлига.
Уқу яроғини олиб кўлига,
Неча суқсур, сўналарни отади,
Сайр этиб Шакарбек бундан ўтади,
Онг отсам деб ҳавас қилиб кетади,
Тоққа қараб Шакар йўлни тортади,
Не бузуқ жойларга чиқиб кетади,
Овда юриб алқар, қийик отади.
Отган ўқи нишонага етади;
Шундай тоғда Шакар ўғлон юради,
Баланд чўққиларга чиқиб қаради,
Қора дарахт мамлакатни кўради,
Узоқ-яқинлигин Шакар билмади.
Яхши юрт деб унда тоқат қолмади,
Ота юрти келиб бекнинг эсига,
Бўтакўз энаси тушиб ёдига.
Ўсган юрту мамлакатин кўрмади,

Фалак титрар гоҳ вақтда нолишига,
Утдай куйиб ёнар тақдир ишига,
Бўтакўз энаси тушса эсига.
Ёқаси ҳўл бўлар оққан ёшига,
Борсам дейди қайтиб ёрнинг қошига.
Овда юриб энди Шакарбек қайтди,
Неча қулон, неча онгни олибди,
Қуни билан Шакар овда юрибди.
Уйнатиб отига қамчини чотиб,
Отган онгни энди отига ортиб,
Келаётир шул замонда йўл тортиб.
Бу ҳам ўз юртида юрган тўрадир,
Бир гап билан тақдир шундай бўладир.
Шакар энди онгни олиб келади,
Тоғни очиб ичкарига киради,
Шохни уриб тоғни шундай беркитди,
Гулгуннинг қошига Шакарбек етди.
Табассум қип Гулгун ўрнидан туриб,
Шакарнинг қошига келди йўл юриб.
Оҳу гўштин Шакар Гулгунга бериб,
Отдан тушиб ўлтиргандир чолқуиб,
Зил тоғнинг остидан маконин қуриб.

Шакарбек, Гулгун пари шундай бўлиб макон қуриб турди. Орадан неча кун ўтди. Қорахоншоҳ қирғин топиб, қолган одамлари билан ўз юртига кетди. Мамлакатига бориб ҳамма катта-кичигини йиғиб, айёр жодугарларини жам қилиб, бул сўзни айтиб турган экан:

Аё менинг ош-нонимни еганлар,
Суҳбат қуриб менга ҳамдам бўлганлар!
Талаш қилиб оту сарпо олганлар,
Саркарда, амалдор — даврон сурганлар!
Гулгуннинг хабарин берган бир айёр,
Уч йил ўтди мен бўлибман гирифтор,
Эсга олсам юрак-бағрим эзилар.
Уч йилгача излаб бордим барқарор.
Лашкаримни ютар эди аждаҳор,
Бўлолмадим тилсиз ёвга баравар,
Ул бадбахтга овқат эди кўп лашкар
Жазо топиб ўлган экан аждаҳор,
Ўринига пайдо бўпти бек Шакар;
Аждаҳордан ёмон келди баччағар,

Урушли кун тоб бермади кўп лашкар,
 Жасадини кўрдим шундаин шунқор,
 Девнинг либосини кийган муқаррар,
 Сўзимни эшитгин турган амалдор,
 Урушда ғайрати Рустамча борди(р),
 Юз қайтармай ул урушда туради.
 Кўп лашкарни ўзи ёлғиз қиради,
 Бизга аждаҳордан ёмон бўлади(р),
 Билмайман, маслаҳат қандай бўлади?
 Олмаса Гулгунни, шоҳинг ўлади,
 Ўйла беклар, мулкинг вайрон бўлади.
 Шакарнинг ҳисоби қандай бўлади,
 Бунга илож қандай одам қилади?
 Мен берайин қатор-қатор норимни,
 Инъом қилай хазнадаги заримни,
 Хизматкорга берай ҳар на боримни,
 Олиб келса Гулгундаин паримни.
 Инъом қилай сўраб ётган шаҳримни,
 Урин қилса шундай хизматларимни,
 Менинг айтган сўзим қабул қилғидай,
 Борми шунда, ғайрат қилиб борғидай,
 Ҳийла билан Шакар бошин юлғидай,
 Гулгунойни бунда олиб келгидай,
 Қанча дунё мендан инъом олгидай,
 Шул хизматим элда ўрин қилғидай.
 Ҳозир қолмай менинг сабру-қарорим,
 Ўзимда йўқ, Гулгунда ихтиёрим,
 Борармикан хизмат қилиб айёрим,
 Гулгун келса обод бўлар шаҳарим,
 Сўзим шулдир, оқсоқол — амалдорим!

Қорахоншоҳдан бу сўзни эшитиб, ҳеч кимдан сазо
 чиқмай турди. Қорахоншоҳга белгили айёр — бир кам-
 пир ўрнидан туриб, одамларни оралаб, шоҳ қошига яқин
 келиб, сочлари ғишадай, тишлари тешадай, ияги эгар-
 нинг қошидай бўлиб, шоҳга бир сўзни айтиб турган
 экан:

«Бул хизматинг, шоҳим, ўзим қилайин,
 Сенинг берган инъомингни олайин,
 Гулгун тоққа ўзим ёлғиз борайин,
 Бориб Шакарбекни нобуд қилайин,
 Гулгунойни бунда олиб келайин,

Шул хизматни шоҳим сендан сўрайин!
Не ишларда шоҳим ёлғиз юрганман,
Қабоҳат ишларни ўрин қилганман,
Қаттиқ хизмат бўлса танҳо юрганман,
Қандай душманларнинг додин берганман,
Қандай ишинг бўлса ўрин қилганман.
Билмайсанми мендайн айёрингни,
Англаб билган кашмир — жодугарингни,
Улдирарман сенинг душманларингни,
Келтирарман ошиқ бўлган ёрингни.
Обод қилай сенинг бундай шаҳрингни,
Қўлга келтирайин тажакдорингни,
Кўнглинг бўлма, сўра кирдикорингни,
Жўнатгайсан мендай хизматкорингни».
Бу сўзларни қурғур кампир айтади,
Қорахоннинг кўнглин шодмон этади.
Олмаса ҳам олганча бўп ётади,
Айёрлигин маълум қилиб қайтади,
Жавоб олиб мазгилига етади.
Шундай бўлди бунда кампир хизмати:
Пошшоликдан бор эди паланг оти.
Келиб паланг отни созлаб кўради,
Паланг отни миниб бундан жўнади.
Қоғоздан ишланган бунинг қаноти,
Пўлатдан эди қилинган мурвати.
Худо деди ўнг қулоғин буради,
Кўкка кўтарилиб оти жўнади.
Бул хизматга ёлғиз кетиб боради.
Бул ҳавога чиқиб кетди ҳийлагар,
Бораётир булут билан баравар.
Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор,
Шакарнинг қасдида жўнади айёр.
Кўздан фано бўлиб кетди шаҳарлар,
Гулгун тоғни кўзлаб учиб боради,
Гулгунойни олсам деди, жўнади,
Омон бўлса шоҳдан инъом олади.
Бул айёр йўл тортиб кетиб боради,
Кўнглида шумлигин ўзи билади,
Кўз юбортиб ҳар тарафга қаради,
Яқин боргач Зил тоғини кўради.
Паланг отнинг чап қулоғин буради,
Шул замон осмондан тушиб келади,
Чибич кўлнинг ёқасига қўнади.

Қамишга отини маҳкам қилади,
Ўлиб ётган кўп одамни кўради.
Ўликни оралаб кампир юради,
Шакар ўлдирганин бу ҳам билади.
Шакарнинг ишига ҳайрон қолади,
Айёрликман буни айёр билади,
Шул вақтда Шакар овда юради,
Шакарнинг қайтмоғи яқин бўлади.

Шакарнинг келадиган йўлида, кўлнинг ёқасида кампир ўлган одамлардан икковининг бошини олиб, айёрлик қилиб, шу каллаларни бағрига босиб, Шакарбеkning йўлдан келарини билиб, шу сўзни айтиб турди:

«Кетмади бошимдан қайғули туман,
Хонимонинг вайрон бўлсин, Қорахон,
Армон билан икки ўғлимдан айирган!
Оҳ урсам, тўкилар кўзимнинг ёши,
Шу каллалар менинг ўғлимнинг боши.
Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,
Илоҳим, қурсин пошшонинг иши,
Кўп бўлди-ку, мендай шўрнинг койиши».
Чинқириб чиқади айёр довуши.
Фалакка чиқади йиғлаб нолиши,
Қошида йўқ бунга ҳамроҳ ҳеч киши,
Биров билан бунинг бўлмайти иши.
Болам дейди бунда бўзлаб йиғлайди,
Зулмман Қорахон олиб келганди,
Бировнинг қўлида қўзим ўлганди,
Ўлиги бесоҳиб бўлиб қолганди,
Бул мунглиқ энаси йиғлаб турганди.
Узоқ йўлдан Шакар буни кўрганди,
Болам, дейди, кампир бўзлаб тургандир.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Ўртанган ўтларга жоним солибди,
Пошшонинг зулмиман бунда келибди,
Ажал етиб паймонаси тўлибди.
Соч ёйиб энаси йиғлаб турибди,
Қорахоншоҳ бизга азоб берибди,
Мазгилимни ул чўлистон қилибди.
Бу сўзди айтиб кашмир йиғлаб турибди,
Шакарбек устига яқин келибди.

Шакарбек кампирни кўриб, ўзининг энаси эсига келиб, отининг бошини буриб, кампирга қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Менинг урушимда ўгли ўлганди,
Ўглининг ўлганин келиб кўрганди,
Болам деб бу шўрли йиғлаб турганди.
Икки ўғлидан тириклай айрилиб,
Менинг энам шундай йиғлаб юрганди;
Фарзандим деб менга раҳбар бўлганди,
Қонлар ютиб Қуёнқида қолганди,
Йиғлов билан умри ўтиб юрганди,
Кел-э бу кампирнинг кўнглин сўрайин,
Ўглининг ўрнига ўгил бўлайин,
Бу кампирни мен ҳам энам қилайин,
Ночор-да шўрлининг кўнглин сўрайин.
Бу сўзни ўйлаб Шакар бурилиб туради,
Болам, дейди, кампир ўзин уради.
Кампирнинг ҳолини Шакар сўради,
Бу кампирга меҳрибонлик қилади:
«Фалак жабри сенга зулм қилганди,
Шум фалак бошингга савдо бўлганди,
Бирғазода икки ўғлинг, ўлгандир,
Менинг энам сендай йиғлаб қолгандир,
Ўғлингнинг ўрнига ўгил бўлайин,
Кўп йиғлама, сени энам қилайин,
Мазгилимга сени олиб борайин.
Ғариб бўп қопсан, ҳолинг сўрайин,
Мен билмайман узоқ йўлдан келибсан,
Келиб ёнган ўтга дучор бўлибсан,
Болаларинг ўлигини кўрибсан,
Қонлар йиғлаб, қаттиқ кунда қолибсан.
Менинг бошим сендай гангиб қолганди,
Менинг энам сендай йиғлаб юрганди.
Келгин, менга эна бўлгин, моможон!
Мен сўрадим келиб сенинг ҳолингни,
Йўқламагин ўлиб кетган ўғлингни,
Мингин отга, жоним энам, кел энди.
Ёлғиз бу чўлларда абгор бўласан,
Кўп йиғлайсан, ғариб бўлиб ўласан,
Ўлганлардан нима фойда кўрасан?
Нодон кўнглинг бундай қилиб бўлмагин!
Мен кетган сўнг ўзинг ёлғиз қолмагин!

Қашқир-қобонларга емиш бўлмагин,
Кел, мингашгин, эна, мenden қолмагин!
Бирга-бирга маконимга борайик,
Сендайин мискиннинг кўнглин олайик.
Мени кўп ўртади сенинг довушинг,
Қошингда йўқдир қавми-қариндошинг.
Тулки-шағал еб кетади гўшингни,
Шакарни куйдирди сенинг нолишинг.
Мендайин ночорнинг кўнглин бўлгандир,
Оқ сут берган энам эсга келгандир.
Менинг энам сендай йиғлаб қолгандир,
Ул сабабдан Шакар раҳбар бўлгандир,
Кўп ҳаяллаб мени маҳтал қилмагин,
Юргин, момо, бул аҳволда бўлмагин,
Энам, дедим, сўзим ҳазил билмагин!
Кўп айланиб аҳволингга қарадим.
Бул ўликдан ҳосил бўлмас муродинг,
Сенинг учун турар Шакар фарзандинг.
Йиғлаганинг басдир, бўлди муддатинг,
Кўп йиғлама, эна, кетди қувватинг!
Икки ўғлинг бошин бағрингга босиб,
Йиғлайсан чўлларда ақлинг шошиб.
Бўзлаб қопсан сен бўтангдан адашиб,
Қўйгин, эна, келгин менга ёнашиб».

Бу сўзни эшитиб, Шакарбекка қараб кампир ҳам
бир сўз айтиб турган экан:

Сўзингни эшитдим сенинг, Шакаржон,
Оҳ тортсам қурийди танимда дармон,
Юрагимда кўпдир менинг юз армон,
Бош шикаста, шўрман қандай қиларман.
Қорахон зулмидан йиғлаб турарман,
Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
Олтин бўлар кировка тўн ёқаси,
Болам эди ўлигимнинг эгаси.
Ул сабабдан мен ҳам сочимни ёйиб,
Менинг ҳам ўлигим бўлди бесоҳиб.
Кўрдим мен ҳам Шакар меҳрибонимни
Пари деб эшитдим олган ёрингни.
Пари халқи малак қоти бўлади,
Тусмол билан ҳар бир сўзни билади.
Бизларни айёр деб, гумон қилади,

Армон билан менинг бошим юлади.
 Мазгилим, деб мени олиб борасан,
 Обборсанг қонимга зомин бўласан
 Одамзодга пари дўстлик қилмайди,
 Рост сўз айтиб, ишонтириб бўлмайди,
 Одамзод сўзига қулоқ солмайди.
 Пари халқи билганидан қолмайди,
 Бу сўзга сен ишонмасанг бўлмайди.
 Қулоқ солгин менинг бул нолишимга,
 Раҳбар бўлиб, болам, келгин қошимга,
 Олиб бориб бало бўлма бошима.
 Қулоқ солгин, болам, айтган тилима,
 Бирга борсам сенинг мазгил элингга,
 Совға тилаб ёринг чиқса йўлингга,
 Совға берсанг мени шундай ёрингга,
 Жабр қиласан-ку менинг жонима:
 Ул паризод билмаганим билдирар,
 Дўст йиғлатиб душманганимни кулдирар.
 Раҳм қилмас, сенинг ёринг ўлдирар,
 Кетгин, болам, ундай жойлар не даркор?
 Ул паризод ёринг жуда ҳам айёр,
 Дунёдаги ўтган ишдан хабардор.
 Ҳар жондорнинг ул ҳам тилини билар,
 У сабабдан унга ошна аждаҳор,
 Қасд қилганман ҳеч ким бўлмас баравар.
 Армонман ўлмасин мендай муштипар.
 Шакар болам, сенга сўзим шул бўлар,
 Албатта, ёрингдан бўлгин хабардор!

Бу сўзни эшитиб Шакарбек: «Эй эна, мен сени энам десам, мазгилимга олиб борсам, ҳеч замонда киши ҳам ўз энасини хотинига совға қилиб берадими?! Сен икки ўғлингдан ўла айрилгансан, мен бўлсам, энамдан тирик-лайн айрилганман». Бу сўзни Шакардан эшитиб кампир: «Не билай, болам, ўзинг биласан-да» деб Шакарнинг отининг кетига мингашади. Кампир мингандан кейин от кишнай берди. Нимага кишнаганини Шакар билмади. Бу от гапирар эди. Бу отнинг тилига Гулгун пари тушунар эди. Кишнаган товуши Гулгун парининг қулоғига етди. От бу сўзни айтиб, кишнаб бораётиб эди:

«Гулгунойим, қулоқ солгин тилимга,
 Армон билан душман минди белимга.

Насиҳат айтгайсан, аҳмоқ ёрингга,
Шу айёрни совға тила қўлингга.
Бундай кунда билмаганим билдирди,
Аҳмоқ ёринг бир душманни миндирди.
Айёр миниб оч белимни толдирди.
Дод айласа, эшитмагин сўзини,
Ўлдир, омон қўйма кампир ўзини,
Ўлдирмасанг, қабоҳат кун қилади,
Кўрмаган кунларни сенга солади,
Шакарбекдан сени жудо қилади.
Паризодсан, эшит менинг додимни,
Безовта қилди ҳайвон зотингни,
Хафа қилар сендай паризотимни,
Мен билмадим Шакар валламагингни.
Бу айёрни кўриб қолмас тоқатим,
Ҳозир кетгандай бўп бошдан давлатим,
Аҳмоқ экан Шакардайн бекзотинг,
Куйиб кетди менинг қилган меҳнатим.
Мени миниб овдан қайтиб келади,
Йўл устинда бул айёрни кўради,
Мендай ҳайвон кўриб ҳазар қилади.
Нодон тўранг туриб кўнглин сўради.
Бир айёрни эна қилиб олади,
Бу балони сотиб олиб келади.
Бадбахтни ўлдирсанг яхши бўлади».
Ҳайвон зоти шу хабарни беради,
Отнинг сўзин Шакар асло билмади,
Ўтирган еридан Гулгун туради,
Отнинг сўзи қулоғига боради.
Шакарнинг йўлига ойим қаради,
Олис йўлдан оти кишнаб келади.
Қандай савдо дейди, ҳайрон бўлади!
Гулгуннинг қошига яқин келади.

Гулгун пари шундай қаради, Шакарбекнинг орқасида маймундай чўнқайиб бир кампир мингашиб келаетир. Буни кўриб, Гулгуной Шакарбекка қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Хон тўра, миндинг бедовга,
Ҳар кун чиқибсиз овга.
Шу кампирни, жоним тўрам,
Ёрингга бергайсан совға.

Миндириб келибсиз душман,
Сўнгра қиларсиз пушаймон.
Имонсизга бермай омон,
Солай мунга охир замон,
Совға беринг-да, Шакархон
Қулоқ сол сўйлаган тилга,
Совға беринг муни қўлга,
Еткизмайин ҳеч мазгилга,
Ажаб келди бизнинг элга.
Мендай ойимнинг кўнглин бўлибсан.
От сағрига бир айёрни қўйибсан.
Овга бориб ўлжали бўп келибсан,
Хон тўрам, нодоннинг ишин қилибсан.
Жодугарлик қилиб йиғлаб турибди,
Ҳийла билан, хоним, ақлинг олибди,
Айёрлик қип бул мингашиб келибди,
Гулгунойим бул кашмирни билибди,
Ул сабабдан совға сўраб турибди.
Қайишаман тўрам, сенинг ҳолингга,
Бул қурғурни бергин менинг қўлимга.
Мен қилайин бу айёрнинг ишини,
Раҳм қилмай тандан кесай бошини,
Тулки-шағал еб кетади гўшини,
Шуйтиб ўлдирайин ёмон кишини.
Бу хатолик хоним сендан ўтибди,
Шу бадбахтнинг қадами мунда етибди,
Бу сўзларни Гулгунойим айтибди,
Қурғур кампир кўзи аланглаб ётибди.

Бу сўзни эшитиб кампир Шакарбекка қараб: «Болам, мени миндириб келдинг, ўзим айтган ердан чиқди», деди. Шакарбек бу сўзни эшитиб, Гулгун парига мана, нима деб турган экан:

Мендайн мардларнинг ҳолин билади,
Ғайратли ғанимининг бағрин тилади.
Балки кампир менинг энам бўлади
Бундай десанг, сендан кўнглим қолади,
Гулгунойим, хизмат қилсанг бўлади,
Мендай тўранг энам деб обкелади.
Майдон бўлса, бедов отлар чопилар,
Қўп чопилса, хаса тулпор собилар,
Хизмат қилсанг бекнинг кўнгли топилар,

Бу кампир энамнинг кўнгли шод бўлар.
Бул сўзларни айтма, Гулгун зулфакдор.
Мен ҳам ўз юртимда даврон сураман,
Энамнинг ўрнига энам қиламан.
Меҳрибон бўп буни олиб келаман,
Шунинг кўнглин топсанг хурсанд бўламан.
Энам дейман кўп эътиқод қиламан,
Ҳозир туққан энамдайин кўраман!
Сўзингни кўнглимга оғир оламан,
Уйқусидан учган шунқор бўламан,
Ҳар на сўзим сенга айтиб тураман.

Шакарбекдан бу сўзни эшитиб, Гулгун пари унинг сўзидан ўтолмай отдан ночор тушириб олди. Ўтириш манзилига бошлаб олиб келди. Гулгун парининг кўнглида шумлиқ гаплар турди. Шакарбек энам деб юрди. Бу кампир ҳам жуда эпчиллик қилди. Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, хизмат кўрсатиб, Гулгун парининг ҳам ақлини олди. Гулгуннинг кўнглидаги душманлик ҳам чиқиб кетди.

Орадан неча вақт ўтди. Кампир кўнглидаги гапини буларга билдирмай юрибди. Орадан олти ой ўтди. Биров-бировининг душманлиги эсига келмай кетди.

Бир кун кампир туриб айтди: «Болам, икковинг ҳам жуда саҳройсан! Ахир подшолик шавкатида, подшолик давлатида бир хил ўтиришлар, соз, суҳбат, ичишлар бўларди. Бундай гапни икковинг ҳам билмайсан». Шакарбек туриб айтди: «Отам пошшо бўлган билан бизлар етти ёшга кирганча ўқиб юриб эдик. Унда бекликда ўлтириб кўрганимиз йўқ. Етти ёшда элдан бадарға бўлдик. Гулгун пари билан ёлғиз ерда ўтирсак, ким билан суҳбат қураимиз». Кампир: «Бўлмаса мен сизларга бир ўлтириш таълим берайин. Сизлар бундай саҳройи бўлиб кетманглар», деб Шакарбек билан Гулгун парини ўтқазиб, лаганни қўлига олиб, тўлдириб шароб солиб, олтин косани қўлига олиб, косагул бўлиб, бу сўзларни айтиб, шароб сузиб бераётир:

«Ҳаққа етгай айтган нолам,
Гулгун пари сендай санам,
Суянганим Шакар болам!
Косагул бўлгандир энанг,
Олинг, алла-ёр, алла-ёр!

Коса бердим қўлим толиб,
Бул косага шароб солиб,
Утиришни таълим олиб.
Кийгани гулгун қирмизи,
Шакаржонинг сарвинози,
Коса берар кампир ўзи,
Келин алла-ёр, алла-ёр!
Боғда очилган гул-ғунчалар,
Ҳолинг билмас бир нечалар
Олин Гулгун ойимчалар.
Болам алла-ёр, алла-ёр!
Энанг сенинг ақлинг олди,
Утириш таълими шулди,
Энанг сенга хизмат қилди.
Оша юртдан бунда келиб,
Мен мажлисни таълим бериб,
Икковинг ҳам ойдай тўлиб,
Чорқўрғонда ақлим олиб,
Бир-бирингдан ҳуснинг ғолиб,
Ича бер, келин, буралиб,
Олинг, алла-ёр, алла-ёр!»
Хафа фалак солма зулум,
Осён бўлганда мушкулинг
Келинимман Шакар ўғлим,
Иккови ҳам жону-дилим,
Олинг, алла-ёр, алла-ёр!
Бадани қизиди Шакар,
Қабатида Гулгун дилбар.
Коса беради бул айёр,
Ҳийла билан ишин қилмоқ.
Ақлин олиб бул жодугар,
Кўнглидагин билмас Шакар
Ҳийлани ишлатиб кампир туради,
Қалласи қизиди энди билади.
Бир шиша ароғи бордир кампирнинг,
Шул вақтгача билдирмайин юради.
Буларнинг кўзини кампир олади,
Лаганга ароқни энди солади.
Шароб, ароқ аралашиб қолади.
Уст-устига кампир сузиб беради.
Бул душманни билмас Шакардай тўра,
Оҳ тортганда қадди бўйи букилди,
Бош айланиб, кўздан ёши тўкилди.

Энди маст бўп, Гулгунойим йиқилди.
Қизиган, билмайди Шакардай номдор,
Бепарво бўп ичаётир боякбар,
Бошлари айланиб ақли ҳам кетар,
Бир палла маст бўлиб йиқилди Шакар,
Утириш суҳбати шундай бўп ўтар,
Бу ишларни ахир қилди жодугар.
Бу айёрнинг ўзида қолди ихтиёр,
Гулгун, Шакар бунда маст бўп қолади,
Лаган — анжомини йиғиб олади.
Туриб Шакарбекнинг ёнин қаради,
Аждаҳорнинг шохин топиб олади.
Бу кампирнинг вақти хуш бўп туради,
Нима бўлганини булар билмади.
Бул бозингар шундай ишни қилади.
Шохни олди, иши мавжуд бўлади,
Гулгуннинг қошига яқин келади...
Гулгунни кўтариб айёр жўнади,
Шул замонда тоққа келиб қолади.
Аждаҳорнинг ўнг шохини уради,
Тоғ очилиб равон йўлни беради.
Бу далага кампир чиқиб қолади,
Шул замонда чап шохини уради,
Қадимгидай тоғ беркилиб қолади.
У кампирнинг ишин Гулгун билмади,
Ишин ўрин қилди шундай жодугар.
Қамиш орасида паланг оти бор,
Бориб отин олиб келди бу айёр.
Гулгуннинг қошига қилгандир тайёр,
Маст бўп ётир Гулгунойим беҳабар,
Гулгунойнинг билмаганин билдирди,
Ханжар урмай жигар бағрин тилдирди.
Гулгунойни паланг отга миндирди,
Мастликда кўтариб миндирди айёр,
Олдига ўзи минди шу жодугар,
Не ишларни қурғур кашмир ўйлади,
Пўта билан Гулгунойни бойлади.
Ўзи билан бирга тутиб Гулгунни,
Паланг отга уни чориб тайлади,
Шакар беги изза бўлиб қолди деб,
Еруғ дунё қайда, Шакар ўлди деб...
Гулгунойдан Шакар жудо бўлди деб,
Бу сўзни ўйлаб мурватини буради,

Паланг оти кўкка учиб жўнади.
Бу мастликда Шакар шундай қолади,
Бир-биридан жудо бўлиб боради.
Шул замон ҳавода учиб жўнади,
Осмонда яшиндай кетиб боради.
Гулгуннинг ҳуши ўзига келади,
Кўзин аста очиб шундай қаради,
Булут билан аралашиб боради.
Ҳарчанд қараб Шакарбекни кўрмади,
Тўрасини энасидан сўради;
Қаерда юрибмиз эна муштипар,
Бирга эдик кўринмайди бек Шакар?
Кўнглим паришондир, хаёлим элтар,
Қаерларга келдик, эна муштипар?
Энам бўлиб унинг корин қилдингми?
Тўрамнинг танидан бошин юлдингми?
Ҳийла билан эна мени олдингми?
Кўз кўрмаган ерга олиб келдингми?
Ҳозир кўнглим булут билан баравар,
Қандай бўлиб қолди тўрам бек Шакар?
Ҳозир мен ҳам аҳволимдан беҳабар,
Сендан савол сўрар мендай гажакдор.
Бул ишингдан, эна, бергайсан хабар,
Тагин бизни жудо қилма жодугар!
Бу сўзни айтиб Гулгунойим сўради,
Мастлик тарқаган йўқ кўзин юмади.

Бу сўзни эшитиб кампир унга тасалли бермоқ учун
шу сўзни айтиб турган экан:

«Утириш суҳбати шундай бўлади,
Одам кўнгли ҳаво талаб қилади.
Мазгилингда ўлтирибсан, Гулгуной,
Асли кўнглинг кўкка учиб боради.
Ултириш қизиса шундай бўлади,
Учамиз деб одам мажлис қилади.
Хаёлигга неча гаплар келади,
Шаннингга бул энанг душман бўлади.
Шунинг учун ҳамма мажлис қилади,
Шакарбек ҳам бир хизматда юради.
Хафа қилмай дедим сендай санамни,

Сен сўрадинг бунда Шакар боламни,
Кўп яшасин Шакар болам ўлмасин,
Хаёлингга ҳеч бир гаплар келмасин,
Шумлиги йўқ эна, душман бўлмасин,
Кўнглингни бўлмагин сендай паризод,
Овга кетса, Шакар келар валламат.
Бошингда йўқ сенинг шумлик аломат,
Тўрангни кўрасан соғу саломат.
Кўнглингни бўлмагин сендай паризод,
Мазгилингга болам қургансан суҳбат».
Кампир сўзи қулоғига киради,
Хаёлида мазгилим деб боради.
Бу сўзларни айтиб айёр қаради,
Қорахоннинг юртин айёр кўради.
Паланг отнинг чап қулоғин буради,
Шаҳарга қуюлиб кетиб боради.
Қорахон тахтига бориб кўнади
Гулгунойни Қорахоншоҳ кўради,
Қампирнинг ишига қойил қолади,
Гулгунойни бунда танҳо етқариб,
Кўп қилмаган ишни ёлғиз битқариб,
Қампир ишин кўриб дунёлар сочиб,
Қулиб келди шоҳи, баҳрини очиб,
Шоҳнинг ишин кампир ўрин қилади,
Хизматига зару зевар беради,
Шаҳар халқи бари келиб кўради,
Қампирнинг ишига ҳайрон қолади.
Қорахоннинг кўнглидаги иш бўлди,
Пошшолик давлати одамга тўлди,
Ҳамма ҳам эшитиб кўрмоққа келди.
Ҳуши ўзига келиб Гулгуной турди,
Кўзин очиб шундай шаҳарни кўрди.
Бул ишга шул замон кўп ҳайрон қолди,
Тушимми, ўнгимми, менга не бўлди?
Неча бир хотинлар йиғилиб келди,
Санам қизлар келиб томоша қилди.
Қабул қилсин, деди, шоҳи гапирди,
Бу юртга келганин Гулгуной билди.

Гулгуной бул юртга келганин билиб айтди: «Мен бир одамзодга текканман. Унинг ҳозир ўликми-тирикми, қандай эканини билмайман. Ҳозир кўзимни очиб сизларни кўрдим», деб бу сўзни айтиб турган экан:

«Ҳозир аҳволимни кўриб йиғлайман,
Қорахоншоҳ, сендан мақсад сўрайман,
Олтойгача мен йўлларга қарайман,
Оларман, деб нодон кўнглинг бўлмагин.
Пошшо бўлсанг, менинг сўзим тинглагин,
Сенга айтган менинг арзим шу бўлар,
Менга ҳамроҳ бўлсин сап-санам қизлар
Олтойгача мен турарман барқарор.
Олтин кўшку мунаққашли манзиллар,
Шундай жойни менга тузатмоқ даркор,
Шоҳим, бўлгин бул сўзимдан хабардор,
Бу сўзларни айтди Гулгун зулфакдор,
Менинг ишим қилиб келган жодугар,
Тирикми, ўликми қолган бек Шакар.
Олтойгача мен қарарман муқаррар,
Ҳозир бўлма, Қорахоншоҳ, харидор.
Бу хаёлинг хомдир, хоним, муқаррар,
Олтойгача муддат бермагинг даркор.
Яхши билан айтган сўзим шул бўлар,
Ҳозир оҳ тортаман ёшим сел бўлар,
Турган жойим менинг энди чўл бўлар,
Кўз ёшима менинг ёқам ҳўл бўлар».
Бул сўзларни айтди Гулгундай дилбар.
Маъқул тутди катта-кичик турганлар,
Шоҳдан инъом олиб хизмат қилганлар.
Қабул тутди Қорахоншоҳ зўрабор,
Гулгунойга қирқин каниз хизматкор.
Қорахоншоҳ тайин қилди кўп қизлар.
Гулгуннинг амрини шоҳи қилади,
Уста хизматкорнинг барин йиғади,
Гулгунойга шундай кўшки солади.
На ерга тегмайди, нада осмонга,
Ўртада муаллақ шунда турсин деб,
Ҳар ким ҳунарини сарфлаб кўрсин деб,
Мунаққашли, бари олтин бўлсин деб,
Ишқи оғиб Гулгун ҳавас қилсин деб,
Биз билан паризод ўйнаб-кулсин деб,
Пошшо тайин қилди, даврон сурсин деб,
Гулгунойнинг кўнглидаги бўлсин деб.

Бу сўздан сўнгра Қорахон ўз шаҳридаги соп ҳунар-
манд усталарини йиғиб, бир олтин кўшк солиб берди.
Соп яхши қизлардан хизматкор танлаб, бу олтин кўш-

кида Гулгун парининг хизматига қўйди. Қирқин қизлар унинг хизматида бўлди. Олти ойга муҳлат олди. Олти ойгача Қорахоншоҳ Гулгуннинг қошига бормас бўлди. Гулгун Шакарбекнинг йўлида интизор бўлиб, неча кунларни ўтказди. Шунда орадан неча вақт ўтди. Гулгун парини олиб борган «энаси» Гулгун парининг кўнглини сўрагани унинг кўшига бориб қолди. Гулгун пари «энасини» кўриб, қирқин канизларга қараб, бул сўзларни айтиб турган экан:

«Бу оҳимни бир облога еткарди,
Ёлғиз эдим ҳожатимни биткарди,
Энам мени Шакарбекдан қутқазди,
Шукур қилай яхши ерга етказди.
Жуда ҳам сийланглар келган энамни,
Кўнглимдан чиқарди ғубор-аламни,
Мен қиларман бу энамдан даъвомни,
Шу бугун ўчимни олар чамамди,
Момони кўрганда кўнглим хушди,
Вақтли хушда қиларман ўлтиришди».
Устига кийгани Гулгун қирмизи,
Ақлингни олади жодугар кўзи.
Хизмат қилар Гулгунойнинг канизи,
Вақти хуш бўп турар кампирнинг ўзи.
Гулгунойнинг эътиқодин билади.
Сачраб канизлар ўрнидан туради,
Кампирга шул замон таъзим беради.
Бу айёрни қизлар тўрга чиқариб,
Қабат-қабат энди либос солади,
Гулгуннинг ёнида бул ўлтиради,
Гулгунойга ҳамроҳ шундай айёри.
Гулгуннинг кўнглидан кетмас ғубори,
Эсида бор Шакарбекдайин ёри.
Кўнгли учун вақтин хушлаб туради,
Момосиман қилди бул ўтиришни,
Момога беринглар қовурма гўштни!
Бу сўзни канизлар энди эшитди,
Гулгуннинг сўзини қулоққа тутди,
Тура кўп қизлари хизматни қилди.
Кампирнинг олдида дастурхон солди.
Қизлар ҳурмат қилар Гулгун бувишни,
Шундай олиб келди қовурма гўштни,
Боз устидан олиб келди канизлар

Писта, руста, қандалат аралашти,
 Гулгун юрагига солган оловни,
 Боз устидан торта берди канизлар.
 Шербоз эти билан пишган паловни,
 Бу кампирнинг вақти хуш бўп қолади,
 Гулгунойдан жуда кўнгли тўлади,
 Гулгун шумлик билан иззат қилади,
 Кампир кўнгли шундай хурсанд бўлади,
 Шунча ҳам таомнинг энди устидан
 Қорақўли қовун сўйиб беради.
 Икки эгнидан кампир дамин олади,
 Кампир жуда тип-тикка бўп қолади,
 Шундай қилиб бунга хизмат қилади,
 Гулгуной айёрнинг ақлин олади,
 Бу хизмат кампирга тайин бўлади,
 Бу сўзларни Гулгун айтиб туради.
 Куйган қуллар қарс уради сонига,
 Кампир жабр қилди Шакар жонига,
 Ут қўйиб келгандир хонимонига,
 Етолмайин мендай хиромонига,
 Каниз, келгин Гулгунойнинг ёнига!
 Хизмат қилинг мендай ойим шаънига!
 Ҳйлаб турса яшин тушар танига.
 Шундай қип сийладинг келган момоди,
 Кеч қолмай ўчимни олар чамамди.
 Қулоқ солинг айтган дурга¹,
 Ҳақ деб тушинглар садирга,
 Тепа беринг бирга-бирга.
 Бу сўзни айтади дилбар,
 Шубаниб² бунда қирқинлар
 Гулгун нима деса қилди,
 Кампирни ўртага олди,
 Гулгунпари бошлаб берди,
 Қизлар чиқади устига,
 Кампир қолади остига,
 Тепаётир якка-якка,
 Тутуни чиқиб фалакка,
 Ошиқ эди Шакарбекка,
 Гоҳи олчи, гоҳи чикка,
 Қўзлаб тепади киндакка.

¹ Дурга — дур каби сўзга демоқчи.

² Шубаниб — чаққон бўлиб.

Шундай бўлди ўлтиришлар,
Шиш нағалли келган михли ковушлар
Кампирнинг қорнига симдайн ботди,
Қорақўли кампир еган қовунлар
Кампирнинг ичидан пиртиллаб кетди,
Ҳаммаси тушиб садирга,
Тегиб ётир бирга-бирга
Ҳа денглар, қизлар, ҳа денглар!
Бу кампирнинг билмаганин билдирди,
Дўсти ғамгин, душманини кулдирди.
Айҳо, деб, қизлар, айҳо деб,
Садир тегиб, бу кампирни ўлдирди.
Не ишларни кампир бунга солади,
Гулгун бу айёрдан ўчин олади,
Бу дунёдан кашмир фано бўлади,
Шундай бўлиб энди айёр ўлади.
Ўлганини Гулгунойим билади,
Кампирнинг ёнини Гулгун қаради.
Аждарҳонинг шохин топиб олади,
Чопонига хўп беркитиб юради.
Тилсимот дуолар битилган шохда,
Бу шохни топдиёв ўлдирган чоқда.
Тасалли бўп, Гулгун вақти хуш бўлди,
Аждаҳор шохини ёнига солди,
Айёрлик билан кампир ўлиб кетди,
Канизларман ушлаб кўшкидан отди,
Неча кун ўлиги кўчада ётди.
Гулгунойим шундай ишни қилибди,
Кўнглида Шакарбек бунинг турибди.
Оҳ тортади, тўрам қандай бўлибди?!
Кўшкидан канизман Гулгун қараса,
Расталарда қаландарни кўрибди,
Қаландарлар талқин айтиб юрибди.
Қаландар сардори кўрса бир киши
Шакар деб ҳар замон бул оҳ урибди!

Шунда Гулгун пари Оққиз деган канизини буюриб
бу сўзни айтиб турибди экан:

«Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Кўп диққатлиқ ошиб кетди канизлар!
Айтиб келгин бориб шундай, қирқинлар
Расталарда юрган қирқ бир қаландар.

Уқитсак кетарми кўнгилдан губор?
 Диққат бўлдик, вақтимизни хушлайик,
 Айтиб келинг, бизлар суҳбат бошлайик,
 Бул шикаста кўнглимизни хушлайик,
 Оққиз ойим, диққатликни ташлайик.
 Хафаликдан ойим ўйнаб кулмади,
 Бул диққатлиқ бизга фойда қилмади,
 Ҳеч ким бизнинг ҳолимизни билмади.
 Мен йиғлаб ўткардим қишу ёзимни,
 Бул дунёда хаста қилиб ўзимни,
 Оққиз ойим, қулоқда тут сўзимни,
 Қаландарни айтиб келмоқ лозимди.
 Кўшкнинг пастига жамлаб кўрайик,
 Сўзин пайвастига қулоқ солайик,
 Биз кўшида хўп томоша қилайик,
 Пастда туриб кўра берсин халойиқ.
 Қаландар сўзига толиб бўлибман,
 Бу гапларни сенга изҳор қилибман.
 Ҳаялламай бориб келгин туриб сан».

Оққизга Гулгуной бул сўзни айтди,
 Шул замон у каниз туриб ҳам кетти,
 Бу кўшидан пастга тушиб канизак
 Растанни оралаб шундай йўл тортди,
 Қаландарни шундай излаб борибди.
 Қаландар кўчада ўқиб турибди,
 Қаландарга бул рўпара бўлибди.

Ширинбек қаландарларга қўшилиб, шу қирқ қаландарга сардор бўлиб, бу шаҳарда юриб эди. Ширинбекнинг айтиб турган сўзи:

Қўйинг ўз ҳолимга мени
 Қаландар бўлганим-бўлган,
 Бунда ваҳдат майин ичиб,
 Дунёнинг молдан кечиб,
 Самандар бўлганим-бўлган.
 Аждаҳордан ўлди Шакар,
 Эмикдошим топмай хабар,
 Қаландар бўлганим-бўлган.
 Оғам деб кўзим ёшладим,
 Шоҳлик шавкатин ташладим,
 Қулоқ кийиб, йўл бошладим,
 Очилмади менинг бахтим,

Бузилгандир бунда рахтим,
Балки сабил бўлган тахтим,
Ҳали ёшман, камол вақтим,
Қаландар бўлганим-бўлган.
Тарк айладим мосувони
Изладим фоний дунёни,
Шакар эмикдошим қани?
Шарҳи дилим кимга ёзсам,
Оҳ урсам, маҳшарни бузсам,
Шакар деб дунёни кезсам,
Шакар деб элдан дарбадар,
Шакарбекни ютди аждаҳор.
Ахтариб кўрдим кўп шаҳар,
Расгада баққол, косиблар,
Шакарбекдан топмай хабар
Кўрган борми, билган борми, ёронлар?!
Неча дарбанддан ошганман,
Ўтдай бўлиб туташганман,
Шакарбекдан адашганман.
Кўрган борми, билган борми, ёронлар?!
Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Мен юрибман Шакарбекни сўроғлаб,
Умрим ўтди фироқида қон йиғлаб,
Қаландарман кўзда селоба ёшим,
Бедарак йўқ бўлди ул эмикдошим,
Қирқ қаландар менга ҳамроҳ, сирдошим,
Шайдулло, деб чиқар бунда довушим,
Кўрган борми, билган борми Шакарни?

Ширинбек шу сўзни айтиб туриб эди, Оққиз қаландарга шу сўзни айтиб турган экан:

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар,
Булутлар маст бўлса чайқалар кўллар,
Сўзимни эшитгин қирқ бир қаландар,
Ёшга тўлар ҳар вақт жодугар кўзи,
Биз бўламиз Гулгунойнинг канизни,
Келсин деб чорлайди бувишим сизни,
Элчи қип юборган ойимча бизни,
Ҳаёллатиб маҳтал қилма канизни.
Сизни Гулгуной ўқитиб кўради,
Сўзинг ёқса кўп дунёлар беради,

Баққоллардан нима унум қилади?
Қаландарлар йўлинг бўлиб қолади.
Мендай каниз сизни олиб боради,
Бувишимиз Гулгунойдак зулфакдор.
Беш пул, тўрт пул тилаб юрган қаландар,
Шундай ойим сўзингизга интизор,
Келсин деб чорлайди бувишим сизни,
Қаландарлар, эй нодонлик қилманглар,
Қамбағал томири тортиб турманглар,
Худо берган кўп дунёдан қолманглар,
Ҳаёллабсиз кейин тортар бўлманглар,
Аччиғланса армон билан ўлманглар!
Интиқ қилма сарвинозни,
Обод бўлар бул шаҳари,
Шундай бўлди ихтиёри,
Қорахонпошшонинг ёри,
Асилзода ўзи пари,
Гулгуннинг қўлида, билсанг
Бул шаҳарнинг ихтиёри.

Бу сўзни эшитиб, Ширинбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Келган йўлингга бора бергин, канизак!
Қаландарлар ўз ҳолини билади,
Ҳолин билган тўғри йўлга юради,
Тўғри одам нима гуноҳ қилади?!
Аёллар талқинни нима билади?!
Қулоқ солиб эшит айтган тилимга,
Бора бер канизак келган йўлингга!
Ажал етса бунда одам ўлади,
Шоҳнинг суҳбатида нима қилади?
Ўз тенгиман қаландарлар юради,
Худо берганини элдан олади,
Бора бер қаландар нима қилади!
Бу сўзни айтиб Ширин қайсар туради,
Кета бер канизак келган йўлингдан,
Неча сўзлар ўриб чиқди тилингдан.
Дунё моли даркор эмас ҳеч бизга,
Ширин айтди бу сўзларни канизга!

Бу сўзларни эшитиб қошидаги қаландарлар айтди: «Ширинбек, бу қирановлик нимага керак? Юринг, бора-миз! Бизнинг сўзимизга тушуниши зарур эмас. Тушун-

маса тинглаб турсин. Бу подшонинг янги олган нақ суяр хотини эмиш. Шу ерга бориб, телпагимиз қайқайиб, у ёқдан-бу ёқдан беш-олти оғиз сўз айтиб қайтамиз. Агар сўзимиз ёқиб кўпроқ нарса берса, қаландархонада бангни уриб, кайфни суриб ётамиз».

Бу сўз маъқул тушиб, Оққизга эргашиб қирқ бир қаландар кўшкининг остига келди. Қаландарларни кўрай, деб Гулгун пари канизлари билан саф тортиб ўтирди. Қаландарлар сўталарини¹ санчиб, кади мадбахларни сўтага илиб, шайдулло деб, қирқ қаландарнинг сардори шу сўзни ўқиб турибди:

«Сен эшитгин ночор қулнинг арзини,
Олмадай сўлдириб, гулдай тарзини,
Оттим сарҳовузнинг ёлғиз ғозини,
Қирағай, шакаман бўлган қаландар!
Ҳеч кимга ботмади қаландар арзи,
Отган ғозим экан энамнинг ғози,
Кенжа ойим бизни шоҳга чақибди,
Айтган сўзи отамизга ёқибди!
Бир ноҳақ тухматни кўрган қаландар!
Сен эшитгин қаландарлар зорини,
Бойловли кўрганмиз жаллодларини.
Дод деганда эшитмаган тилини,
Бойлагандир кўзи билан қўлини.
Қулоқ соб эшитинг айтган нолага,
Банда кўнар ҳақдан келган чорага,
Аловхўжа келиб тушди орага,
Аловхўжа пирни кўрган қаландар.
Қўлим бойлаб хунхўр жаллод ҳайдади,
Гулбаданга аччиқ қамчи тайлади,
Қулоқ соб, эшитгин айтган нидога,
Энам чиқиб жонни қилди садага.
Эшитмади гуноҳкорлар зорини,
Бандиликда кўрдик Мансур дорини,
Мансурнинг дорини кўрган қаландар.
Бошим кесиб дорга тортмоқ жаллодлар,
Мансур дорда Ширин, Шакар гуноҳкор,
Аловхўжа Мансур дордан қайтарар,
Валининг сўзини билди мухтасар,

¹ Сўта — ҳасса, таёқ.

Ҳақиқ тоққа ҳайдай берди жаллодлар.
Бўтакўздай энам йиғлаб хору зор,
Насихат қип уни қайтарди пирлар,
Жудо бўлди оқ сут берган муштипар,
Яёв ҳайдаб тортгандир жаллодлар.
Аҳволимни кўрган одам йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади?
Ҳақиқнинг тоғига тортиб бойлади,
Ҳақиқда бойловли қолган қаландар.
Бизни бойлаб ташлаб жаллодлар қайтди,
Чўчқа-қобон ейди деб ўйлаб кетди,
Бойловли тоғларда ақлим шошди,
Ут чиқиб бағрима таним туташди.
Каромат-ла пирим қўлимни ечди,
Ини-оға икковимизни бир қўшди.
Ширин, Шакар Ҳақиқ тоғда йиғлашди,
Ўлмай қолиб шундай кунда кўришди.
Иккови бош олиб бир йўлга тушди,
Бошимизга тушган бундай савдони,
Ўткирдик шундайиқ туҳмат-ғавғони.
Ғариб бўлган менигдай бенавони,
Қирқ кеча-қирқ кундуз чўлда йўл юриб,
Бизлар кўрдик бир яланғоч бобони.
Бир кеча бобоман суҳбат тутибмиз,
Тонг отган сўнг йўлга тушиб кетибмиз,
Гулгуннинг тоғига бизлар етибмиз,
Тахтиравон йўлни кўрган қаландар.
Мени йўлга қўйиб акам кетибди,
Келар муддатидан анча ўтибди,
Бир аждаҳор шул акамни ютибди,
Акамнинг хабари бўлмай кетибди,
Оғайнидан жудо бўлган қаландар.
Абгору афтода бўлган қаландар.
Шакарбекдан жудо бўлган қаландар.
Кўп йиғлаб қарадим ул замон тоғлар,
Ҳеч мендан қолмади адир — газалар,
Ўлган экан топмай акамдан хабар,
Шу вақтда йўлиқди қирқта қаландар,
Ҳамро бўлдим, ўтди қанча замонлар,
Мен сўроқлаб кўрдим неча шаҳарлар,
Топмадим оқибат Шакардан хабар.
Кулоҳ кийиб, бўлдим буларга сардор,
Ногаҳон гузарим тушди бул шаҳар,

Талқин айтиб расталарда қаландар,
Хабар берди бориб битта муштипар.
Келиб турган ери кўшки айвонлар,
Кўшкининг устида пари зулфакдор,
Ғурбатни ўтказган мендай қаландар.
Бошим эсон, ўтиб кетди кўп ишлар,
Шакарбекни излаб топмадим хабар,
Бу сўзимни қизлар билгин мухтасар,
Шакарни излаб, Ширин бўлган хору зор,
Сўзни адо қилди мендай қаландар».
Бу сўзни англади Гулгундай дилбар,
Шакарнинг укаси экан қаландар.
Кўп дунёни бериб солди гажакдор,
Вақти хуш бўп дуо қилгандир булар,
Кўп дунёни кўрди қирқта қаландар.
Қади мадбах, сўтани йиғиб олар,
Қаландархонага қайтти булар,
Бир-бирига сўзлар айтиб боради,
Бирга-бирга мазгил жойга борамиз,
Танга-дунё кўпдир даврон сурамиз,
Гадойликни энди нима қиламиз?
Дунё адо бўлса Ширин қайсардир,
Тағин опкеп бир ўқитмоқ даркордир.
Ўқитсак олармиз шунча пулларди,
Бу сўзни айтиб қаландарлар боради.
Эгам осон қилди шундай мушкулни,
Шоҳнинг ёри санамай берди пулни,
Суҳбатимиз шундайин қизиқ бўлди,
Ширинбекнинг сўзи ақлини олди,
Паризодга айтган сўзи хуш келди,
Қаландарларнинг бундан кўнгли тўлди,
Неча йилдан бери гадой бўламиз,
Худо берди шунча дунё оламиз,
Энди гадойликдан ҳазар қиламиз.
Пули бор, бори ҳам беғам бўлди,
Қаландархонада гулхан қилади,
Суҳбат қуриб оша кайфин суради.
Ҳеч кимман уларнинг иши бўлмади,
Ётиб ейди, пулин адо қилмади,
Кайф қилди, буларда ғубор қолмади...

Қаландарлар Гулгун парининг берган пулини ейиб,
тамом қилиб бўлди. Кўп пулни кўрган оз пулга қаноат

қилмай, Ширинбекни олдига солиб кўшкининг остига келиб, кўз-кўзга тушса тагин бир нарса берар, деб умид қилди. Буларнинг турганини Гулгун пари кўрди. Шу вақт қараса, Қорахоншоҳ Гулгун парининг қошига келаетибди. Гулгун пари Қорахоншоҳнинг олдига пешвоз чиқиб, кулиб, Қорахоншоҳнинг ақлини олиб, ҳазиллашган киши бўлиб, қўлини шоҳнинг бўйнига солиб, соқолидан маҳкам ушлаб турди. Шунда Қорахоншоҳ Гулгун парига қараб бир сўз айтиб турган экан:

«Кўзим ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб, бағрим эзилди.
Қаттиқ тортма, соқолларим узилди,
Эрисин тоғларнинг қори эрисин
Ер остида душман тани чирисин,
Илойим, Гулгуной, нозинг қурисин!
Кулиб келиб менинг ақлим оласан,
Ноз қилиб бўйнимга қўлинг соласан,
Соқолимни юлиб адо қиласан,
Қўя бер, Гулгуной, қандай балосан.
Аввал келиб менинг вақтим хушладинг,
Соқолимдан маҳкам бураб ушладинг,
Сен қандайсан, бир гинани бошладинг,
Қўя бер, Гулгуной, нозинг қурисин.
Кўрайин деб келдим сендай санамди,
Бу ишларинг менга қилган аламди,
Мен билмайман кўнглингдаги гинангди,
Кўп югурдим мен ҳам сени ёрим, деб,
Мендан ўзга бунинг кими бордир, деб,
Бошқа ёринг бор эканин билмадим.
Қулоқ солгин менинг айтган тилимга,
Ёрим деб келганман сенинг ёнингга,
Қарамадинг, дилбар, менинг ҳолимга,
Қулоқ қўйгин менинг айтган нолишимга,
Гул деб санчиб эдим сени бошимга,
Ҳайрон қолдим ҳозир қилган ишингга,
Қуруқ тикан хор эканин билмадим.
Мендай шоҳга ажаб ишни қиласан,
Шумлик бошлаб менга азоб берасан,
Соқолимдан қаттиқ тортиб борасан.
Қорахоннинг айтган сўзи шу бўлар,
Бунда келиб турар қирқ бир қаландар,
Бир ажал хаёлий сенинг кўркинг бор,

Сендан жабр кўрди мендайин номдор,
Ошиққа бундайин ишлар не даркор?!
Раҳбар бўлиб менинг қўлим тутмадинг,
Сен бошлаб кўшкига олиб кетмадинг,
Ҳозир бежой бўлди қилган одатинг,
Сенинг билан ҳосил бўлмас мақсадим,
Буйтиб тортма ҳеч қолмади тоқатим,
Қурисин, Гулгуной, сенинг одатинг!
Ошиқларнинг нози шундай бўларми?
Шунча ҳам кишига азоб берарми?
Бул тортувда соқолимдан қоларми?
Илойим, Гулгуной, нозинг қурисин!
Қўй одатинг, хаёлингни бўлмагин,
Яхшилиқ кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Бундайгача носоқ ҳазил қилмагин.
Уриб-сўкса сен ҳам оғир олмагин,
Илойим, Гулгуной, нозинг қурисин!
Ноз дейсан, нега сен бундай қиласан,
Паризод бошимга етган балосан».
Бу сўзни эшитиб гулюзли дилбар,
Маҳкам ушлаб туриб Гулгун зулфакдор.
Тиклаб қараб турар қирқ бир қаландар.
Им қоқиб юборди шунда парилар,
Кўзи тушди шундайин гул-бувишига,
Шайдулло, деб сўта ёғдирди бошга.
Қорахоншоҳ бўлди бунга гирифтор,
Маҳкам ушлаб турди шундайин дилбар.
Шайдулло, деб урди қирқ бир қаландар.
Гулгун айтганини булар қилади,
Шундай қилсак, бу бир нима беради,
Қаландарга қарар Гулгундай ночор,
Қорахоншоҳ бўлди унга гирифтор.
Ураётир сўта билан муқаррар,
Қарар ҳар замонда бу бувишига,
Ҳайрон қолар Гулгунойнинг ишига,
Гапирса сўтаман урар тишига,
Узмасдан сўта ёғиб бошига.
«Қаландарлар, менинг сўзим билинлар,
Қанча инъом бўлса мендан олинлар!
Қорахонни ерга яксон қилинлар!
Сўнгра тушунарсиз Гулгун ишига,
Уринг сўта билан бағри-тишига,

Ажал ҳайдаб келди Гулгун қошига,
Кетмасин қўлимдан бул замон омон,
Айрилиқ савдоси ўтгандир ёмон,
Бул бош бўлиб айиргандир ёримдан,
Шуйтиб солайин бунга охир замон,
Олис ерда қолди кирдикор макон,
Қандай бўлди қолган тўрам Шакархон.
Бу сўзни маънисин улар билмади,
Иши урмоқ билан бўлди, турмади.
Қорахоннинг билмаганин билдирди,
Шул замонда айтганига кўндирди,
Ура-ура қаландарлар ўлдирди.
Қўймай ушлаб турар Гулгундай ночор,
Бир одам қўлидан нима иш келар?
Сўтаман ўлдирди қирқ бир қаландар,
Энди қўя берди шоҳни муқаррар,
Йиғилди ул замон элдаги номдор,
Улганини энди билди қаландар.
Ақли шошиб қолди бундаин ночор,
Хаёли қочди-ку, қирқ бир қаландар,
Ширинни бағрига босгандир дилбар,
Кучоқлаб шундай сўз айтар гажакдор:
«Худойим сақлағай бандани омон,
Кетмади бошимдан қоронғи туман,
Сўзимга қулоқ сол жоним, қайнимжон,
Сабаб бўлиб бул акангдан айирган,
Шукур қилай энди ўлди Қорахон,
Узинг кўрган тоғда аканг хабари.
Бориб эди бир бозингар айёри,
Ул айёрдан бўлмаё аканг хабари,
Билмайман не кечди тўрамнинг ҳоли?!
Сен бўласан бизнинг хоннинг жигари,
Билинди-ку Шакарбекнинг хабари,
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулинглар,
Қаландарлар, Гулгун тоққа боринглар,
Бориб Шакарбекдан хабар олинглар,
Тирик бўлса, омон-эсон кўринглар,
Соғ-саломат бунда олиб келинглар,
Менинг хабаримни маълум қилинглар.
Шакарга интизор мендайин ёри,
Мендан йўқдир Шакарбекнинг хабари,
Йўлига интизор мендай дилбари,
Мастлик тарқаб ҳуши ўзига келгандир,

Чиқмоққа йўл топмай ғариб бўлгандир,
Кеча-кундуз моғам тутиб юргандир,
Уртанган ўтларга жонин солгандир,
Дарагимни топмай сарсон бўлгандир,
Ҳаммангга от, анжом ҳозир тургандир!»

Бу сўзни айтиб Гулгуной Қорахоншоҳнинг ўлигини беркитиб, Ширинбекка ўзини танитиб, бояги аждаҳорнинг икки шохини Ширинбекка бериб, буларни жўнатди:

Қалимайи шаҳодат келар тилидан,
Чиқиб кетти Қорахоннинг элидан.
Паризотнинг айтган сўзин билади,
Бош бўлиб Ширинбек бундан жўнади,
Шакар оғасини излаб боради.
Қирғи деган қуш ўлтирар қиёда,
Не кўриб, кечириб фоний дунёда,
Ширинбекнинг алами кўп зиёда,
Шакарни излаб кетди пойи пиёда,
Қаландарлар йўлда кетиб боради,
Шайдулло, деб талқин айтиб жўнади,
Ҳар чашмага дам олгани қўнади.
Овқат таом ейди бундан жўнади,
Ҳаммаси маст бўлиб кетиб боради,
Етамиз деб қистаб йўлни олади,
Талқин айтиб борар йўлларга тушиб,
Шакарим деб Шириннинг ақли шошиб,
Топсам дейди бир-биридан адашиб,
Бораётир неча беллардан ошиб,
Гоҳ вақтларда сувсиз чўлларга тушиб,
Қистаб юрар бир-бирига етишиб.
Ширин эди Қуёнқининг тўраси,
Бораётган Қосимхоннинг боласи,
Шу вақтларда қирқ қаландар жўраси,
Кўринади Зил тоғининг қораси,
Тоғни кўриб шоду хуррам бўлади,
Шакарни кўргандай бўлиб қолади.
— Етмаса ўтирмас қилиб жўнади,
Оралади Гулгун тоғнинг дарасин,
Шуйтиб кўрди Чибич кўлнинг қорасин,
Чибич кўлнинг ёқасига боради,
Туриб бунда оби-нашъа қилади,
Очилиб йўл, борар йўлни билади.

Маст бўлишиб қаландарлар келади.
Аждаҳор шохини тоққа уради,
Очилиб бул замон тоғ йўл беради.
Ичкарига қаландарлар киради,
Бундай ерни кўриб ҳайрон қолади,
Шаҳардай оралаб кетиб боради,
Кўп девлар илгари ишлаб ўхшатган.
Биносини қўйиб буни тузатган,
Ул девларни аждаҳор яксон этган,
Шуйтиб бул жой Гулгунга қолиб кетган,
Шакарни кўрмайди бу қараб кетган.

Ширинбек Шакарни тополмай, кўзи тўрт бўлиб, ҳас-
рат билан шу сўзни айтиб турган экан:

Меҳрибоним, Шакар оға, бормисан?
Шириним, деб сен ҳам интизормисан?
Ширин келди, кўрар кўзим, бормисан?
Оша юртдан келдим сени сўроғлаб,
Пиёда йўл юрдим бағримни доғлаб,
Йиғладим, акам, деб бўтадай бўзлаб,
Ширин уканг келди бул сени излаб.
Кўрар кўзим, жоним акам, бормисан?
Ғариблик кунларда раҳбарим бўлган.
Бир эмчакни бирга талашиб эмган,
Бир гап билан юртидан жудо бўлган,
Меҳрибоним, жоним акам, бормисан?
Бизга йўқдир бирор ватан кирдикор,
Мен сендан айрилиб бўлдим қаландар,
Биз бенаво, бундай юрган бенаво,
Кўрар кўзим, жоним оға бормисан?
Излаб келиб бунда хурсанд бўлмадим,
Аҳволинг не бўлди, ака кўрмадим,
Қай тарафга бораримни билмадим,
Меҳрибоним, эмикдошим бормисан?
Қани сен эшитсанг Ширин тилидан,
Биз келганмиз Қорахоннинг элидан,
Душман бўлган шоҳинг ўлди қўлидан,
Меҳрибоним, кўрар кўзим, бормисан?
Йўл юрганман оёқларим қабашиб,
Мен кимга йиғлайман дардимни ёриб,
Мен келганман акамни деб ахтариб,
Кўрар кўзим, меҳрибоним, бормисан?



Энди билолмадим қилар ишимни,
Акам деб гангитдим ғариб бошимни,
Излаб кеп топмадим эмикдошимни,
Ҳалак қилдим мен ҳам қирқта кишимни,
Кўрар кўзим, меҳрибоним, бормисан?

Бу сўзни дегандан сўнг Ширинбек ўртоқларига: «Биз бекор ҳалак бўлган эканмиз, меҳнат қилиб шунча ердан келган эканмиз. Бизники ҳамиша ҳалакчиликда; бизнинг қайси ерда барқарор маконимиз бор?! Қайда бўлса бизники юрмоқ, кўрмоқ, шундай сарсон бўлмоқ», деб ҳайрон бўлиб туриб эди.

Шакарбек Гулгун паридан айрилгандан бери абгор-абгашта бўлиб, ҳар ерга ўзини уриб, нам ерга бағрини бериб, чиқмоққа йўл топмай, бир гўшада ётиб қолган эди. Ётган ерида Ширинбекнинг товуши қулоғига бориб, биров Шакар дегандай бўлиб, ўрнидан туриб, ўз-ўзига бу сўзларни айтиб ётиб эди:

Тоғнинг остига тушибман,
Ғарибликда туташибман,
Мен ёримдан адашибман,
Менинг ёрим ой боладир,
Жудагина бой боладир,
Мисли асов той боладир,
Сағринлари ёй боладир,
Билмайман қайда борадир?
Кўзи чўлпон юлдуздай бўп,
Лаби шакар қирмиздай бўп,
Тишлари гавҳар дурдай бўп,
Биҳиштдаги ул ҳурдай бўп,
Билмам ёрим қайда кетди?
Гулшан жой чўлистон бўпти,
Ҳусни мени доғлаб кетди,
Сарсон қилиб бундан ўтди,
Билмам ёрим қайда кетди?
Ёр савдоси ўсал қилди,
Йиғлаб умрим адо бўлди,
Мен кўрдим хоксар кунни,
Гал бериб ёрга не бўлди?
Мен топмайман юрар йўлни,
Қайда кетди ёрим мени?

Булбулдайин нолондаман,
Доғу-ҳасрат, армондаман,
Азалдан куйган бандаман,
Ёрдан жуда шармандаман,
Қайда кетди ёрим мени?
Яхши куним бўлиб қора
Юрагим бўлди садпора,
Қани мени осса дора,
Ёрдан жудо мен овора,
Жигарларим бўлиб пора,
Сарсон қилиб кетди мени,
Топарманми ёрим сени?
Бўғинларим тол-тол бўшаб,
Хазон бўлган гулга ўхшаб,
Мен йиғлайман бугун қақшаб,
Етишмасми зорим менинг,
Ўртади хуморинг мени».
Бу сўзни айтади Шакар,
Гулгунайдан топмай хабар,
Оҳ уриб туради Шакар.
Кўзига кўринди бир тўп қаландар.
Шакарбекни Ширин кўрди, ёронлар,
Кўрган вақтда Ширин шундай йиғлади,
Бир-бирига қулоч ёйиб жўнади,
Неча вақт айрилиб бўлган саргардон,
Ширин, Шакар топишгандир бул замон.
Бошидан кетгандай қайғули туман,
Бир-бирининг ҳолин сўрар ул замон,
Бунда қолиб кўрди жабру қиёмат,
Инисини кўрди соғу саломат,
Қошида бўлмади Гулгун паризод,
Уни йўқлаб қолмас Шакарда тоқат.

Булар бир-бири билан топишиб, қаландарлар билан кўришиб, Шакарнинг дилтанг бўлганини билиб, Гулгун паризоддан хабар бериб, бул сўзни айтиб турган экан:

Беҳуда тўкма кўз ёшинг,
Мени куйдирган нолишинг,
Ёлғиз қолган ғариб бошинг,
Оша юртда гул бувишинг!

Қорахон юртидан келдим,
Неча вақтлар жудо бўлдим,
Гулгун ёринг шунда кўрдим,
Акам, деб сўроглаб келдим.
Ҳаққа етгай оҳу зоринг
Бир гап билан кетган ёринг
Қайта бошдан обод бўлар,
Уйнаб-ўсган кирдикоринг
Қўлга келар Гулгун ёринг,
Кетар кўнглингдан ғуборинг.
Рухсат олиб Шакар кетган,
Жафо тиғи жондан ўтган,
Айрилиқ бағрини йиртган,
Эмикдошим, ининг келди,
Хафа бўлмагин Шакархон,
Улмасанг сурарсан даврон,
Хоним, қилмагин пушаймон,
Қўлимда ўлди Қорахон,
Бўлган экан сенга душман,
Кўнглингни бўлма, Шакархон,
Сенга тегар ул хиромон.
Бу ерда фурсат қилмайик,
Гулгун кетидан борайик,
Юрагингда ҳозир армон,
Хафа бўлмагин меҳрибон,
Кетса бундан қайғу туман,
Душманларга охир замон,
Ширин сўзи маъқул келди,
Қирқ қаландар ҳамро бўлди,
Шул замон таблага борди,
Девдан қолган отни кўрди,
Оту сарпой Шакар берди,
Қаландарлар шердай бўлиб,
Бариси кийиниб турди.
Дуо қилди валламати
Шакарга қилди хизмати,
Қаландарлар белга бойлар,
Биттадан олмос пўлатни.
Абзаллади бедов отни,
Кўринг Шакардай бекзодни,
Эшитгандир паризодни,
Қорахон юртига қараб,
Булар қилмоқчи ғазотни.

Шакарбек девлардан қолган либосларни қаландарларга кийгизиб, белларига битта-биттадан олмос пўлатни бойлаб, битта-битта отни эгарлаб миниб, ўзи Қорахол саманни миниб, керакли анжомларни олиб, қаландарлар сўтасини тақимга қистириб, бул тоғдан чиқиб, қирқ икки сардор бўлиб, аждаҳорнинг шохини уриб, тоғни беркитиб, йўлда бораётиб айтган сўзи:

Беклик шавкатда қаландар,
Бош бўлди унга бек Шакар,
Жўнади қирқ икки сардор,
Қаландарлар бўлиб новкар,
Ҳар қайсиси шердай қайсар,
Остида ўйнайди тулпор,
Боради баҳодир беклар.
Кўнглида бор экан ғубор,
Излагани гулгун дилбар,
Олсам деди паризодни,
Излаган Қорахон юртин,
Бари минган илдам отни,
Бир нечаси суриб кетди,
Қаландар минмаган отни,
Шакар қилади ғайратни,
Чува, ҳа, деди, қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,
Юрган йўлни тўзон тутди,
Беклар қистаб йўлни олди,
Равшан кўзларин ёшлаб,
Шакар борар йўлни бошлаб,
Минган отлар яшин ташлаб,
Тоғларда бордир заранги,
Эгнида бордир фаранги,
Кеча-кундуз йўл тортади,
Кундузлар бўлар қоронғи,
Йўлда тинмай юрсам дейди,
Евни кўрсам, қирсам дейди,
Душман бошин олсам дейди,
Жазосини берсам дейди,
Гулгунойни олсам дейди,
Ҳаялламай борсам дейди,
Ўйнаб даврон сурсам дейди,
Бурунгидай бўлсам дейди,
Сўраб кўнглин олсам дейди,

Шакар лабин сўрсам дейди,
Йўлда тинмай юрсам дейди,
Қандай юртда, кўрсам дейди,
Бориб саваш қилсам дейди,
Бул сўзни ўйлайди Шакар,
Бораётир қаландарлар,
Булар ҳам қилган юришни,
Белларга бойлаб қилични,
Йўлда шуйтиб қичаб кетди,
Бедовлар қарсақдай қотди,
Жуптагин ҳайвон тузатди,
Совиб қовуғин тортди,
Йўлларда бўйнин узатди,
Чўлистонни тўзон тутди,
Шундай қип беклар йўл тортди,
Айрилиққа бағрин доғлаб,
Узоқ йўлга ўзин чоғлаб,
Боради ёрини йўқлаб,
Неча адир беллардан,
Ўтиб кетиб боради,
Қия бузуқ йўллардан,
Қистаб ўтиб жўнади.
Қандай сувсиз чўллардан,
Шабгир тортиб боради,
Бир қамишзор кўллардан,
Кўриб ўтиб боради,
Назаркарда бедовлар,
Кокилини елпитиб,
Ўйнаб кетиб боради.
Сўз айтади тиллардан,
Қанча турган эллардан,
Кўриб ўтиб боради.
Шундай қип Шакар йўл тортди,
Юрган юртга яқин етди,
Кўринади мамлакати,
Яқиндир Қорахон юрти,
Ҳеч бир кўнглидан кетмайди,
Жилва қилган паризоди.
Шакарбекнинг баҳрин очди,
Парқинидан кўпик сочди,
Кўринг бул саман тулпорни,
Бекни суриб олиб қочди.
Кейин қолгани етишди,

Бир чашма бўйнига тушди,
У чашмада салқинлашди...

Чашманинг бўйнига қўниб, қаландар улфатлари Шакарбекка қараб, бир сўз айтиб турган экан:

«Қаландарлик асари бизларда бор,
Ҳар шаҳарда юрган гадо қаландар,
Бизлар банги ҳар шаҳарда боякбор,
Ҳозир бизга ҳамроҳ бўлди бек Шакар,
Сабр сақлаб хоним бунда тура кўр,
Ҳар қайсимиз юз минг қулга баравар,
Ёмон жойга бораётимиз бек Шакар,
Кайфни сақлаб бизлар отни минамиз,
Нор кесар олмосни қўлга оламиз,
Душман кўрсак қайтмай сабаш қиламиз,
Бу юришда ёвни кўрсак ўламиз,
Бир кайф учун шул чашмага қўнамиз,
Сабр сақланг бирга-бирга борамиз,
Сиздайн тўрага ҳамдам бўламиз,
Йўлингизда бизлар бошни берамиз,
Сабр сақланг, бир дам кейин борамиз,
Шундай бўлди бунда қаландар иши,
Гулгун пари сиздай бекнинг бувиши,
Кўп бўлади унда ёрнинг койиши,
Сабр сақланг бул ҳам худонинг иши...
Кўзимдан ўтади паризоди,
Яқин қолди анов Қорахон юрти,
Алғоқ-далғоқ бўлиб қолар элати,
Бир соати бўлар бунинг муддати».
Бу сўзларни бунда қаландар айтди,
Чашманинг бўйнига қўниб банг тортди.
Бир нечаси байт-ғазалин айтди,
Кўриб Шакар бунда кулиб турибди,
Бу улфатлар ажаб кайфин қилибди,
Тақдир шундай, бизга ҳамроҳ бўлибди...

Булар нашъа қилиб, бек Шакарга ҳамдам бўлиб, бу мамлакатнинг экиш-тикиш қилиб ётган ерларига етди. Подачи ва ўтинчилар буларнинг сиёсатини кўриб, ҳаммасига гап бўлиб, шаҳар ичига хабар борибди. Халқ устида юрган оқсоқол, арбоблар бу келганларнинг қандай одам эканин билмай, Қорахоншоҳнинг давлатхона-

сида турган катта амалдорларга хабар бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

Мен кўрдим қирқ икки номдор,
Ҳар қайси мисли аждаҳор,
Кўриб келиб бердим хабар.
Сўз эшитгин амалдорлар,
Қорахоншоҳ қайда бўлар,
Қўлдан кетмасин кирдикор.
Кўрди оқсоқол, арбоблар,
Ҳар қайсиси мингга тегар,
Ев яроқли, кўп анжомдор,
Тарзин кўрдим рустамча бор.
Келаётир шундай беклар,
Ажаб унинг сиёсати,
Билмам қайда мамлакати?
Юлдузни кўзлайди оти,
Элни босиб сиёсати,
Билмам қайда ўсган юрти?
Кўрганнинг қолмас тоқати!
Дўст-душманни билмайди,
Шундай қилиб хабар элтди.
Арбоблар гапириб қайтди,
Амалдор беклар эшитди,
Юрт ғалағул бўлиб ётди,
Қорахон деб сўраб кетди,
Шоҳини билмади юрти,
Қўлдан кетмоқ мамлакати,
Чопоғончи кўриб қайтди,
Зақчагирга хабар кетди,
Не полвонларни йиғибди.
Зақчагир ҳам миниб отди,
Урушда келар ғайрати,
Кўп лашкарни бул ияртди¹,
Торттириб карнай-сурнайни,
Сиёсатман жўнаб кетди,
Мен ҳам ботир борайин деб,
Ким эканин билайин деб,
Элга келган душман бўлса,
Мен бошини юлайин деб.
Ҳар юртига хабар берди.

¹ И я р т д и — эргаштирди.

Ҳар тарафдан лашкар келди,
Ул Зақчагирга қўшилди,
Байдоқ-байдоқ лашкар бўлди.
От чопилиб соғу сўлга,
Бул шаҳардан чиқди йўлга,
Суянади Зақчагирга,
Бораётир бирга-бирга,
Дучор бўлди бек Шакарга.
Ширин, Шакар йўлиққандир
Ул вақтда кўп лашкарга,
Лашкар тўхтаб қолди бунда,
Тўхтаб булар айтар сўзни:
Ким аҳмоқ қилибди бизни?
Кўп таъриф берган арбоблар,
Айтиб борган ёлғон сўзни,
Келаётган уч-тўрт, отли,
Кимга етади қуввати?
Бизни кўриб тўхтаб қолди,
Ақли шошиб ҳадик олди.
Кўр қочмоқни ўнгғай билди
Қаранглар бозорчи шулдир.
Бул сўзни Зақчагир айтди:
«Кўп эди кучу қуввати,
От суриб бир ботир етди.
Бундай сўзни улар айтди,
Келаётган валлаватди,
Тоғни тербатар ғайрати,
Илгаридан мен ҳам кўрган,
Чибич кўлда сабаш қилган,
Кўп лашкарни ёлғиз қирган,
Девлар билан овқат бўлган,
Девларнинг либосин кийган,
Юз ўғирмай танҳо тейган
Отин биламан Шакархон,
Гулгун дейишиб излаб келган.
Олмосдан қуяр қирмиз қон,
Ҳозир бўл, қилма пушаймон!
Оз дема, қолмайсан омон.
Ўнгу сўлни олар туман,
Ўзга эмас-ку Шакархон,
Қутулмоғинг бўлди гумон,
Лоф урмагин сен Зақчагир,
Умид уза кўр жонингдан.

Саман отни кўп биламан.
Бунинг урушин кўраман,
Кўпдан бири мен бўламан,
Рўпара чиқсанг ўласан.
Ёмон ёвга дучор бўлдик,
Мен бундан ҳазар қиламан».
Буни айтар ботир полвон,
Кўп ичига ўзин урган,
Яқинлаб келди Шакархон,
Саф-саф бўлиб турар душман.
Бўлар деди уруш майдон
Бу сўзни айтар Шакархон.

Шакарбек қаландарларга қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

«Улфатларим киринг майдон орага,
Душман қонин сочмоқликдир, ёронлар!
Шоҳимардон ҳиммат берса бизларга,
Ширин жондан кечмоқликдир, ёронлар!
Бу душманлар қила билмас ишини,
Ёмон кунда тўкар кўздан ёшини,
Номус учун қучоқлайди бошини,
Ҳунарлари қочмоқликдир, ёронлар!
Қойил бўлсин бизга халқи замона,
Боринг қаландарлар марди майдона,
Қафан тўнин бичмоқликдир, ёронлар!
Олдимизни чиқиб лашкар олади,
Бундай кунда ажаллик қул ўлади,
Ботирларга уруш суҳбат бўлади,
Ширин жон ўртада бугун қолади,
Билмайман худойим кимга беради,
Йўлда кўп ёв бизга дучор келади,
От-абзални шайлай бергин, улфатлар!
Қон тўкилиб ажаб майдон бўлади».
Уруш яроғини ғамлаб,
Ўзини майдонга чоқлаб,
Кўп лашкарни танҳо кўриб,
Келди Шакар отни суриб,
Зақчагир лашкардан чиқиб,
Шакарга рўпара бўлиб,
Бул сўзни айтади полвон:
«Шакарбекка тўғри келган,

Қандай аҳмоқ жинни бўлган,
Ҳолин билмай бунда келган,
Ажалли паймонанг тўлган,
Узинг кимсан, фалак урган?
Келиб менга дучор бўлган,
Не алплар қўлимда ўлган,
Қайт йўлингдан бачча-нодон!
Зақчагирга дучор бўлган,
Жонин ташлаёлмай келган,
Армон билан энди ўлган,
Беҳуда, сен, аҳмоқ бўлган.
Уруш қаттиқ, ҳазил билма,
Еш экансан, бунда ўлма,
Бу лашкарга дахил қилма,
Кета бер, йўлингдан қолма,
Сен урушни ҳавас қилма!
Кесилар нечовнинг боши,
Урушмоқ ботирлар иши,
Сўзлар мендай мард бир киши,
Қабоҳат билгин сабоши!»

Бу сўзни эшитиб Шакарбек Зақчагирга айтиб турган экан:

«Танимайман мен ҳам сени,
Шакарбек дейдилар мени,
Лоп урмагин кўп бемаъни!
Ботир бўлмай ўл, баччағар.
Сўз сўзладинг, бундай аҳмоқ,
Юрт кулдириб юрган тентак,
Келгин бирга майдон қилсак,
Излаганга сўраганман.
Мендан омон кетмас жонинг,
Саман отли Шакархонинг,
Бунда қолар сенинг танинг,
Кел, қани, кўрай майдонинг».
Бу сўзни Шакарбек айтди,
Қолмади полвон тоқати,
Қамчи уриб Шакар етди,
Шундай қилич сермаб ўтди,
Қиличига бул рад бериб,
Бул бошига сипор тутди.

Кўринг Шакардай бекзотни,
Девлар ишлатган пўлатни,
Зақчагирга хон узатди,
Шул замон дамига тортди,
Икки бўлак қилиб ўтди,
Минордай ағнаб қолибди...
Бир ёқдан лашкар от қўйди,
Юлдуз учгандайин бўлиб,
Қаландарлар боз от қўйди,
Қарвон кўчгандайин бўлиб.
Қилич бўлиб алаб-ялаб,
Икки ёв урушга талаб,
Қарамай баланд-пастига,
От қўйиб ёвнинг устига,
Номардларнинг ақли шошди,
Бир-бириман аралашди.
Қон тўкиб қилди сабашди,
Қилич найза шақирлашди,
Қайсар Шакар кесиб бошни.
От остида калла қолди,
Қирқ тиллалик салла қолди.
Бу лашкар чалқиб мавж урди,
Қаландарлар бул ҳам турди,
Бир неча ярадор бўлди,
Бир нечаси отдан оғиб,
Нечовлари жазосин топиб,
Бир хил ётир қумни қовиб,
Бир-бирига қарамайди.
Қирқ қаландар тинмай қилди урушди.
Аралашиб душман, деди, урушди,
Сермадилар сопи олтин қиличди.
Қаландарлар шуйтиб бундай урушди,
Чапараста кесар майдонда бошди,
Бир нечаси кўрган йўқдир сабашди,
Бир неча қўрқоқлар шаҳарга қочди,
Яра еган бўтадайин бўзлашди.
Қилиб қаландарлар майдон,
Бул майдонда найза солган,
Ширинбек ҳам қойил бўлган,
Улфатин урушин кўрган,
Шакарбек қилади фармон,
Бир нечада йўқдир дармон,
Кўнглимда бор анча армон,

Умид қилар Гулгунжондан.
Жафо тиғи жондан ўтиб,
Шу кулфатга шуни элтиб,
Қочганига қилич солар,
Ширин, Шакар қувиб етиб,
Ҳар тарафни тўзон тутиб,
Ўтдаин тутатиб кетиб,
Ҳар тарафни лашкар тутиб,
Бул дунёни барбод этиб,
Ғариб кўнглин дилшод этиб,
Қилич теккан қон ютиб,
Шакар шундай ғайрат қилиб,
Душман деб, майдонда туриб,
Айрилишди карнай тортиб,
Шакарнинг қошига қаландар етиб,
Қилич теккан бул майдонда қон ютиб
Майдон қилди душманларни бўзлатиб,
Кўп лашкарни қирдилар изиллатиб,
Дам бериб Шакар от қўйди,
Тоғдаги шердай оҳ уриб,
Ўлбарсдай бўлиб чопилиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Қарамай баланд-пастига,
От қўйиб душман устига,
Икки лашкар аралашди,
Қайтадан қилди сабашди.
Бу сўзни айтар Шакархон,
Атрофида сонсиз душман.
Баланд тоғни чалиб туман
Урушга кирди Шакархон,
Тўкилар душманнинг ёши,
Майдонда қолгандир боши,
Шудир Шакарбек савашини,
Бу майдонда жондан кечди,
Кафан тўн душманга бичди.
Остидаги минган оти,
Чачасидан қонлар кечди.
Шакарбек шундай урушди,
Девлар ишлатган қилични,
Душман устига сермади.
Девлар аслаҳасин кийган,
Қиличдан қонлар қуйган.
Кўп душманни бунда йиққан,

Майдонда юрган Шакархон.
Қутулмоғи бўлиб гумон,
Қилиб қўйди охир замон.
Душманларнинг ақли шошиб,
Ота боладан адашиб,
Энди бораётир қочиб,
Ҳар тарафга чувиллашиб,
Ширин, Шакар қаландарман,
Борди шаҳарга ёнашиб,
Ул шаҳарда аралашиб,
Шаҳар ичкарига кириб,
Хон Шакар сиёсат қилиб,
Қочқинчи манзилга бориб,
Ўлганлар беҳуда ўлиб,
Шакарбекдан изза кўриб,
Ҳар шаҳарда ўлик қолиб,
Шоҳнинг тахтин Шакар олиб,
Бул душманга келиб голиб,
Шакардан лашкар енгилиб,
Қиличин бўйнига солиб,
Шакарбекка тобе бўлиб,
Манманлик қилгани ўлиб,
Уч кун тинмай уруш бўлиб,
Ҳар тарафга жарчи қўйиб,
Бул юртга омонлик бериб,
Айтганига ҳамма кўниб,
Амалдор-саркарда келиб,
Юртни Шакарбекка бериб,
Сўранг деб ихтиёр қилиб,
Маслаҳатда бўлиб барча,
Одам йиғилгандир анча,
Юртимизга бек бўлсин деб,
Бунда келган тўрабачча,
Шундай одам бек бўп турар,
Бек бўлса ҳам удда қилар.
Шул кун кунлар кеч бўлди,
Ҳар ким ўз жойига борди,
Тахт устида Шакар қолди,
Қанча одам хизмат қилди.
Ўткизиб шундайин кунни,
Шакар унда бек бўп турди,
Гулгуной Шакарни кўрди,
Гулгун жуда хурсанд бўлди.

Гулгуной ўрнидан турди,
Шакарбекни кўрайин деб,
Мен қошига борайин деб,
Тўрам кўнглин сўрайин деб,
Бекнинг кўнглин олайин деб,
Қандай бўлса билайин деб,
Мен ҳам бориб келайин деб,
Канизларман жўнайин деб.¹

Гулгун пари бу сўзни ўйлаб турди. Шакарбек бу шаҳарни ўзига тобе қилди. Катта-кичик халойиқлар йиғилиб, Шакарни бек қилиб кўтарди. Шакарбек билан келган қаландарлар бекка навкар, саркарда, амалдор бўлди. Шу кун шундай бўлиб ўтди. Шакарбек Ширинга қараб шу сўзни айтди:

Сўзимга қулоқ сол, жоним Ширинжон!
Оҳ урсам қурийди танимда дармон.
Ўзим ёрим айрилганман чечангдан,
Илгари кўзимга чалинди дилбар,
Туши ўнгин билмай қолди бек Шакар,
Ёрсиз менга бундай шавкат не даркор?
Ёрим йўқ, кўриммас тахти жаҳоним,
Ғамзаси жон олар, кўёлари золим.
Гулгунойим эди упали ёрим,
Кўрганим йўқ қолмас сабри қарорим,
Қайда бўлур кўнглим олган дилбарим?
Қадди шамшод, ҳусни тоза гулларим,
Гулгунойдан менинг бўлмай хабарим,
Кўнглимдан кетмайди гажакдор ёрим,
Ширинжон, қолмади номусман орим,
Йиғласам етмайди дилбарга зорим.
Ука, сенинг бор шундан хабаринг,
Меҳнат тортиб жафо чекиб келаман,
Нечовларни ерга яксон қиламан,
Бек номини олиб бунда тураман,
Ёримни кўрмасам мен ҳам ўламан,
Бошим олиб қайда бўлса бораман,

¹ Бу сўнги йўлларнинг охиридаги «деб» сўзи «дебди», «деди» маъносидадир. Ўзбек-қипчақ лаҳжасида шу шаклда кўп ишлатилади.

Тоғу тошда бошим олиб юраман,
Қайда бўлса ёрим, излаб кўраман,
Гулгуной бўлмаса нима қиламан?
Қайси сувда, қайси ўтда ўламан?
Ёрим учун қонлар ютиб юраман,
Ширинжон ёримни сўраб тураман.
Ҳозир йўқдир қўлимда ихтиёрим,
Менинг билан бирга ўсган жигарим,
Сира кетмас кўнглимдаги ғуборим,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарадим,
Ҳозир бек бўп шаҳарни сўрадим,
Бунинг билан ҳосил бўлмас муродим,
Ёрим бўлса бўлар кучу қувватим,
Гулгунойим эди менинг мақсадим,
Бунда йўқдир менинг ҳеч беклик дардим,
Оша юртда ўйнаб ўсган элатим,
Бир боис-баҳона бўлган қисматим,
Кун-бакун зиёда бўлиб ҳасратим,
Кун-бакун ортади кўрган меҳнатим,
Сенсан менинг жону дилу улфатим,
Бўлмаса Гулгундай бул паризотим.

Шакарбекдан бу сўзни эшитиб, Ширинбек унга:
«Хафа бўлма, Гулгун парининг ихтиёри билан сени топ-
ганман. У сенинг келганингни билгани йўқдир, агар бил-
са ҳам бу тўполон аросатдан ҳазар қилиб тургандир.
Мен бориб хабар берайин» деб Гулгун парига бориб ай-
тиб турган экан:

Бориб хабар берди Ширинбек бачча
Жафо тортиб куяр эди ҳар кеча,
Сўзимни эшитгин, сендай ойимча,
Бир гап билан жудо бўлган,
Ул тоғнинг остида қолган,
Айёр зулмиман айрилган,
Шакарбекдай тўранг келди.
Ҳаққа қилган зоринг шулди,
Қайтадан дунёни кўрди,
Не полвонларни ўлдирди,
Бу юртларни келиб олди,
Катта-кичик тобе бўлди,
Шакар жону дилинг келди.
Бунда сенинг оҳу зоринг,
Обод бўлар кирдикоринг,

Тоғ остида ғариб бўлган,
Чеча, келди Шакар ёринг!
Сенга шул бўлди хабарим,
Шукур бўлсин келди Шакар,
Кўнглида қолмасин ғубор,
Атрофингда бул канизлар,
Сени деб бўтадай бўзлар,
Шакар тўранг бағрин тузлар,
Сени бошлаб борсин қизлар.
Ошиқлар бир-бирин излар,
Ширин қайнинг берди хабар.
Энди менга қайтмоқ даркор,
Ободдир кўшқу айвонлар,
Бора кўргин, Гулгун дилбар,
Хизмат қилар энагалар.
Шундай қилиб берди хабар,
Бир-бирига кўп интизор
Хабар қилиб қайтди қайсар.

Бу сўзни эшитиб Гулгун пари канизларга қараб, шу сўзни айтиб турган экан:

«Ўнг қўлимга ўн бир юзук
Тақиб қўйинглар, қизларим!
Зарли кавуш чанг бўлмасин,
Қоқиб қўйинглар, қизларим!
Оқ юзимга упа ранг
Еқиб қўйинглар, қизларим!
Бул қошимга машади ўсма
Суртиб қўйинглар, қизларим!
Рўмолим қийшиқ бўлмасин,
Тортиб қўйинглар, қизларим!
Бувушинг йўлга киради,
Ҳовлиқсам ичим куяди».
Ўн канизи йўлин бошлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Ўн канизи зулфак ташлаб,
Ўн канизи пўш-пўшлаб,
Тура келди вақтин хушлаб,
Оёқларин бир-бир босиб,
Мушқу анбар, ипор сасиб
Қоши кўзига муносиб,
Кирди йўлларга шул замон,
Шакарбекман бўлса даврон,

Бораётир пари-пайкон,
Зари зарбоб либос кийиб,
Ҳамма қизлар бирдай бўлиб,
Қанизларман ҳурдай бўлиб,
Оқ бадани қордай бўлиб,
Икки юзи ойдан қолиб,
Кўрганлар шайтонлаб қолиб,
Шакарбекка бўлиб толиб,
Кирди йўлларга буралиб.
Боғда очилар гул ғунчалар,
Гулга ярашган нимчалар,
Ул паризод ойимчалар,
Йўлга тўлиб хотин-қизлар.
Кўрмоққа бари интизор,
Том-томнинг бошидан қарар,
Саф-саф бўлиб сатта қизлар.
Шиқирлайди Гулгун дилбар,
Зарбоб либосга чулғанар,
Бораётир Шакарбекка,
Қадам ташлаб якка-якка,
Овоза кетди фалакка,
Борсам дейди шундай бекка,
Қизларнинг ичида Гулгун ўдаға,
Кийгани ипакдан, олтиндан ёқа,
Жамолини кўрган бўлар садақа,
Бораётир Шакарбекдай тўрага,
Жамолини кўрган ҳайрон қолади,
Узун эмас, ўзи ўрта бўлади.
Кўрган одам тентак бўлиб қолади,
Жамоли ёрқиллаб ойим боради,
Қирқинларман бирга-бирга жўнади,
Ешга тўлиб бунда жоду кўзлари,
Пўш-пўшлар олдида қирқин қизлари,
Бораётган шундай сарвинозлари,
Энага хотинлар бунда келади,
Пешвоз чиқиб, бунда хизмат қилади,
Олдига тушади, бошлаб боради,
Ўрдани бўшатиб тайёр қилади,
Бул ўрдага зеби зийнат беради,
Гулгунни ўрдага бошлаб боради.
Шакарбек шундайин навбати етган,
Қорахоншоҳ ўлиб дунёдан ўтган,
Гулгун пари ўрдага яқин етган.

Устига кийгани Гулгун қирмизи,
Қорахоннинг бордир Оқбадан қизи,
Келаётган эди шундай паризод.
Кўриниш берди-ку Шакар валлават,
Кўрганда қолмади Гулгунда тоқат,
Бир худойга йиғлар эди дод-дод,
Кўрдим деди бунда соғу саломат,
Бошингдан кетгандай қайғули кулфат
Шакарбекни Гулгун қилди зиёрат,
Бирин-бирин кўрдилар соғу саломат.
Ёрини кўргандир бунда Шакаржон,
Кўнглидан кетгандир бунинг юз армон,
Ёрига Шакарбек шундай қаради,
Ёрнинг кўнглин шунқор Шакар сўради.
Орада ўтди қандай сўз:
Сен кетган сўнг қолдим ёлғиз,
Кеча-кундуз ҳаққа йиғлаб,
Кўрганлардан сени сўраб,
Сени излаб, қилдим талаб,
Неча вақтлар жазо кўрдим,
Зор йиғлаб, ул жойда қолдим,
Шукур қилай, сени кўрдим.
Бу сўзни айтар Шакаринг,
Қандай бўлди сенинг ҳолинг,
Ҳар куни ўртар хуморинг!
Сенсан менинг суйган ёрим.
Мен сендан айрилиб қолдим,
Сўзингга қулоқ солмадим,
У бадбахтдан зулм кўрдим.
Сен ҳам менга раҳбар бўлсанг,
Айт, қани ўша «энам?»
Қаердадир жой-макони?
Сўрадим кашмир мастонни!
Билган бўлсанг, хабар бергин,
Дорда турсин унинг тани.
Қампирнинг касофатидан
Тўкилди кўп одам қони.
Гул юзим сендан сўрайман:
Бор бўлса, айтиб келайин,
Мен ҳам кўнглини сўрайин:
Сонгсар¹ қилиб ўлдирайин,

¹ Тошбўрон.

Кўрмаган кунни солайин,
Маконига ўт қўяйин,
Билмай мен ҳам аҳмоқ бўлдим,
«Энам», деб раҳбарлик қилдим,
Ахир шундай азоб кўрдим.
Неча вақтлар жудо бўлдим,
Не одамларни ўлдирдим.
Аламзада кўп иш қилдим
Жавоб бергин, сени кўрдим!

Бу сўзни Шакарбекдан эшитиб Гулгун пари ҳам бир
сўз айтиб турган экан:

«Неча кун ул жойда мен бирга юрдим,
У кашмир айёрга сен дучор бўлдинг,
Энам, деб миндириб, манзилга келдинг,
Мен сўзласам, кўнглингга оғир олдинг,
Шу қурғурни, тўра, вафоли билдинг,
Энам дединг, оша парвариш қилдинг.
Аввал хизмат қилиб кўнглинг хушлади,
Яхшилик сўзини сўнгра ташлади,
Юриб-юриб бир кун шумлик бошлади,
Мажлис деди, бизан маст қиб ташлади,
Улик суратида бўлиб қолибмиз.
Бир-биримиздан жудо бўлибмиз,
Қандай бўлиб бу шаҳарга келибман,
Қандай келганимни билмай қолибман,
Кўзим очиб бул шаҳарни кўрибман.
Қорахон дер бунда шоҳи бор экан,
Орт-сиртидан менга харидор экан,
Қорахондан борган ул айёр экан,
Олтойгача мен ҳам фурсат сўрадим,
Сени ўлди, дедим, бунда йиғладим;
Қорахондан кўп хизматкор тиладим,
Улар билан олтин кўшқини солдим,
Қирқин каниз билан унда ўлтирдим.
Олтойгача келмасин ваъда қилдим,
Қолишинг билмайин мен ҳайрон бўлдим,
Бор бўлса келар, деб кўзим тўрт қилдим,
Қаландарман юрган инингни кўрдим,
Айтиб келиб уни ўқитиб кўрдим,
Ул вақти дардимни ёролмай қолдим,
Анча пулни мен ҳам уларга бердим,
Мазгилига қаландарни қайтардим.

Ўтирардим кеча-кундуз зор йиғлаб,
Мастон келди менинъ кўнглимни сўраб,
Кўп иззат қилганман, райига қараб,
Сўнгра уни ўлдирганман тепкилаб,
Алам тортиб бул кампирни ўлдирдим,
Қийган либосини ахтариб кўрдим.
Аждаҳор шохини мен топиб олдим,
Шуйтиб ўлиб кетди ул кампир айёр,
Пулин адо қилиб келди қаландар,
Кўшкидан кўрганди мендай гажакдор,
Келаётир Қорахоншоҳ диловор,
Рашким кеп, олдига чиқдим боякбор.
Кулиб ул бадбахтнинг ақлини олдим,
Қўлим солиб соқолидан олардим,
Қаландарга мен им қоқиб юбордим.
Бўшатмай ушлади мендайин дилбар,
Сўта билан урди қирқ қаландар.
Шунда ўлиб кетди шундайин қайсар,
Бир нечалар бул ишлардан беҳабар.
Қорахоншоҳ унда дунёдан ўтди,
Ўлигини ташлаб эдим заминга,
Тани заминда чириб йўқ бўлиб кетди.
Қайним дедим, ининг билан топишиб,
Аждаҳор шохини Ширинга бердим,
Буларни жўнатиб у ерда қолдим,
Сени дедим, мотам тутиб ўлтирдим,
Омон-эсон кўрдим сизни, тўражон,
Сизга ошиқ Гулгун пари ёрингман»,
Бу сўзларни хонга Гулгуной айтди.
Гулгуннинг сўзини Шакар эшитди,
Қанизларман бул ўрдага жўнатди,
Не аёллар қилиб ётир хизматди,
Шу кун ўтиб яна кунлар кеч бўпти,
Ўз ёрини бунда Шакарбек обди,
Кетган давлат қайта бошдан келибди
Шул замон иккови бирга бўлибди,
Тонг отганча бунда ўйнаб-кулибди,
Гулгун-Шакар бурунгидай бўлибди!

Шу кеча ўтди, эрта билан тонг отди. Шакарбек пойтахтга келиб бари амалдорлари ҳозир бўлиб, ўз саркардаларини хизматга солиб, Ширинбекка совчи қилиб бу сўзларни тайинлаб айтаётган экан:

«Манов юртда даври даврон сурганлар,
Аввал Қорахонга хизмат қилганлар,
Хизмат қилиб бекдан сарпой кийганлар,
Ўз юртининг баланд-пастин билганлар,
Даврон суриб яхши бедов минганлар,
Олтин байроқ бунда анжом қилганлар,
Энди Шакарбекка ҳамроҳ бўлганлар,
Бул дунёда кўп ишларни қилганлар,
Дунёда сайр этиб бунда юрганлар,
Шоҳ қизига совчи бўлиб боринглар!
Ширинбекни шоҳга куёв қилинглар!
Оқбаданнинг кўнглин сўраб келинглар,
Тегмоқ бўлса, бунга олиб беринглар,
Оқсоқол-акобир, унда боринглар,
Ширинбекка шундай хизмат қилинглар.
Бу сўзларни кўпдан бери ўйладим,
Амалдорлар, сизни совчи айладим.
Сизларга сўйлаган қизил тилим бор,
Қайда борсам, бул бошимга ўлим бор,
Оти Ширин менинг ёлғиз иним бор,
Ҳаёлламай ул мазгилга боринглар,
Ширинбекка яхши хизмат қилинглар,
Шоҳнинг қизин шунга олиб беринглар,
Ширинбекнинг вақтин хушлаб туринглар!»
Бу сўзларни айтди, Шакарбек қайсар,
Туриб жўнаб кетди бунда амалдор,
Шакарнинг сўзини қулоқда тутди,
Ўлган шоҳнинг мазгилига етибди.
Улардан қўрқишди бул хотин-қизлар,
Янги хонга биз бўлдикми гуноҳкор,
Не сабабдан келди бунча амалдор,
Сесканиб келолмай аёллар турди,
Не ишга келганин билмайин қолди,
Буларнинг кўнглига не гаплар келди!
Амалдор қошига чақириб олди,
Буларнинг қошига хотинлар келди.
Шакарнинг сўзини унга гапирди,
Эшитиб шу замон табассум қилди.
Яхшилик сўз эканини ҳам билди,
Оқбаданни унда чақириб келди,
Неча гап арбоблар бунга гапирди.
Оқбадан сўзламай, уялиб турди,
Бермоқни хотинлар ихтиёр қилди,

Энаси ҳам қизидан сўраб кўрди.
Оқ урганда сўйлайдиган сўзим деб;
Парво қилган менинг икки кўзим деб,
Жоним болам, Оқ баданли қизим деб,
Сендай болам Ширинбекка лозим деб,
Тегасанми, бўтам, сарвинозим деб,
Кетган бул давлатга шерик бўлайик,
Сенинг учун келган қанча халойиқ.
Болам сени Ширинбекка берайик,
Ширинбекни куёв қилиб олайик,
Оёқ ости қилолмайди халойиқ.
Болам, сенинг бунда кўнглинг сўрайин,
Келган совчиларга жавоб берайик,
Гапиргин, кўнглингни, кўзим, сўрайик!

Шоҳнинг қизи бу сўзни айтиб турган экан

«Отам султон эди бунда Қорахон,
Даврон йўқдир, қаттиқ кунда қолганман
Мен бўламан ўлган хоннинг фарзанди,
Қўлдан кетди бундан отамнинг юрти,
Ҳозир даврон биздан ўтган билибман,
Есир хотин, етим қиз бўп қолибман.
Ҳозир, эна, не ихтиёр қилибман,
Нима десанг, айтганингга кўнибман,
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,
Эл ичида бўлмасман деб шарманда,
Не ихтиёр бордир, энажон, менда?!
Нима десанг, эна, ихтиёр сенда,
Хоҳ ёндир, хоҳ куйдир қизингни.
Бул сўзни қизидан шундай эшитди
Хаёл қилди, қизи ҳам қабул тутди,
Келиб сўзин энди буларга айтди.
Вақти хуш бўп бундан амалдор қайтди,
Шакарнинг қошига бул замон етди,
Яхшилик сўзини Шакарга айтди,
Бир-бирини бунда қабул қилибди,
Тўй-томоша тарадудда бўлибди,
Шоҳ қизига катта тўйни берибди,
Элу халқ барчага хабар берибди,
Ошу гўшт ҳаммага тўй қип берибди,
Кўпкари деган расм элда йўқ эди,
Қаландарлар ҳар ерларга тўлибди.

Улоқ бер, деб чатоқ қилибди.
Нима сўз, деб ул эл ҳайрон қолибди,
Бир улоқни булар сўйиб олибди,
Вақти хуш кўпқари чопмоқ бўлибди.
Булар қачон чавандозлик қилибди,
Улоқ тақимлаган оғиб қолибди.
Ҳар юртларда чопганларни кўрибди,
Бир нечаси бул йиғилиб турибди.
Қизиқчилик томошани қўшади,
Оғнинг айлин бўш тортиб беради.
Эпчилроғи улоқ олиб жўнади,
Кўрган бари бунда ҳайрон қолади,
Тўйга келган халойиқлар қўшилиб,
Аста-аста катта йиғин бўлади,
Қаландардан кўпқари ўрганади,
Қизиқ томоша, деб булар ҳам киради,
Қуни билан чувлаб улоқ чопади,
Кўрмаганга кўрган берди хабарни,
Ҳар қайси мингандир бир бедов отни,
Қаландарлар оғиб кўпқари чопди,
Кўпқари қайтариб қизиқ бўлибди,
Олтин отиб, олтин қовоқ отдириб,
Муҳрланган тилла карнай тортириб,
Қирқ кеча-кундуз элга тўй бериб,
Қирқ кундан сўнг тўйи ахир бўлгандир.
Ширинбекни энди бошлаб боргандир,
Никоҳ қилиб Ширинбекка бергандир.
Бир ўрдада булар бирга бўлгандир,
Ҳар ким ўз ишига турмай боргандир.
Энди сурсак дейди бунда давронни,
Қуёнқи юртидан келиб Ширинхон,
Бунда Қорахоннинг қизин олгандир,
Худонинг тақдири бундай бўлгандир,
Фалак гардишиман бунда келгандир,
Излаганга сўрагандай бўлгандир.

Қорахоннинг қизи Ширинбекка қараб, сизники қаердан, деб сўраб турган экан:

Қай чаманнинг булбулисан?
Қайси боғнинг, сен гулисан?
Қандайин шоҳнинг ўғлисан?
Сен кимнинг жону дилисан?

Қайси юртдан бунда келдинг?
Ота-энангдан айрилдинг?
Сен менга харидор бўлдинг,
Сен ҳам менинг ақлим олдинг.
Маълум қилгин, қайдан келдинг,
Қаерларда ўсган юртинг?
Қайси шоҳ бўлар авлодинг?
Хуснинг кўриб қолмади-ку,
Қошингда менинг тоқатим!
Айрилибди ота-онанг,
Қаерларда кулба-хонанг?
Сендан савол сўрар санам.
Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Сени одам десам, биҳишт ғилмони,
Хуснинг кўрганларнинг кетар дармони,
Сени одам десам, биҳишт ғилмони,
Нур сифатли, хоним, кимнинг ўғлисан?
Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,
Қошингнинг келбати эгилган ёйга,
Жасатинг ўхшайди бўз қарчиғайга,
Қарчиғай чангаллим кимнинг ўғлисан?
Нега сен юртингдан парвоз қилибсан?
Бир гулшан, деб келиб бунда қўнибсан,
Тақдир тортди, бегим, мени олибсан!
Қайси юртдан бунда парвоз қилибсан?
Парвоз қилган, хоним, қайдан бўласан?
Менга айтгин ўсган кирдикорингни!
Кўнглингдан чиқарсанг, сен, губорингни!

Бу сўзни эшитиб, Ширинбек ҳам бир сўз айтиб турган экан:

«Эй, лочин боқишли, жабройил парим!
Қадди шамшод, ҳусни моҳи анбарим,
Эй, лочин боқишлим, мендан сўрадинг,
Зарафшон зулфингга урибсан шона,
Хинали қўлларинг бўябсан қона,
Ғамзаси жон олар дуру ягона,
Юсуф каби мени солма зиндона,
Зулайҳо нишлонли мендан сўрадинг,
Нима бўлар дилбар сенинг мурадинг?
Не сабабдан мамлакатим сўрадинг?
Очилган баҳорда боғнинг гулиман,

Отамман-энамнинг жону дилиман,
Қуёнқида Қосимхоннинг ўғлиман,
Бошимни олиб бул юртда юрибман,
Туз-насиба ҳайдаб, бунда келибман.
Худо қилди саргардон бўп юраман,
Неча вақт шоҳликдан гадо бўламан,
Ахир тақдир тортиб сени оламан,
Сен эшитгин мендай марднинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Ақли бор чайнайди гапнинг тузини.
Мен ҳам олдим сендай сарвинозини,
Тақдир тортиб Қорахоннинг қизини».
Бу сўзларни бунга Ширинбек айтди,
Бошдан тожни, қўлдан бермай давлатни.
Урдада ёр билан қуриб суҳбатни,
Шу кечаси суҳбат, май билан ўтди...
Тонг отиб кун чашка ҳаддига етди.
Шоду хуррам қилди Шакар ўзини,
Овга чиқар югуртириб тозини,
Сўраб турди бу шаҳарнинг арзини.
Навкар бўп қаландар хизмат қилади,
Хизматидан Шакар кўнгли тўлади,
Гадойлик эсидан чиқиб боради.
Гулгуннинг бор эди қирқта канизи,
Битта-битта қаландарга беради,
Қирқ қаландар хотинли бўп қолади,
Рўзғордор бўп қаландарлар юради.

Шакарбек шундай қилиб бу мамлакатда подшо бўлиб турди. Орадан неча ой, неча кунлар ўтиб кетди.

Бир кеча энаси тушиб эсига,
Шакарнинг уйқуси қочиб кетибди.
Ҳамма дардин Гулгунойга айтибди:
Етиб эдим тахт устида бул кеча,
Жилва қилиб энам бунда келгандир,
Бу юртларда мендан хабар олгандир.

Бу сўзларни Шакарбекдан эшитиб, Гулгун пари Шакарбекнинг хафа бўлганини билиб, Шакарбекка қараб бир сўз айтиб турган экан:

«Отангман-энангни эсга олдингми,
Мамлакат, юртингга хаёл қилдингми,

Ўз юртингга, хоним, кетмоқ бўлдингми?
Борар бўлсанг, сенга айтар арзим бор,
Аждаҳор зарбидан кетган кўп девлар,
Девлар эди аввал менга хизматкор,
Бул ишимни англаб билгин зўрабор,
Зил тоғига бориб келар ишинг бор.
Шул ишни битирсанг кўп осон бўлар,
Хизматимга келар ул қанча девлар,
Уларга яқиндир энг олис йўллар,
Турган маконимда битта сандиқ бор,
Чашманинг ичинда билсанг мавж урар,
Олиб келсанг хизматинг тайин бўлар...»
Гулгун Шакарга бу сўзни айтди,
Эгарлаб Шакарбек минганди отди,
Овга чиққан киши бўп жўнаб кетди,
Амалдорлар бекни билмай қолибди.
Остига мингани назари тулпор,
Учса булут билан бўлар баравар,
Шакарбегим чўлда кетиб боради,
Ўзи кўрган бу йўлларни билади,
Гулгунунинг айтган ишин қилади,
Зил тоғига қичаб кетиб боради,
Зил тоғига энди етиб қолади.
Юрган жойларини Шакар кўради,
Тоғнинг мурватига шохни уради,
Ярқиллаб очилди тоғнинг мурвати,
Ичкарига кирди бу валламатини,
Гулгун билан юрган ерларин кўрди.

Шакарбек бу маконга кириб кетди. Бу ерда бир сар-
чашма бор эди. Шакарбек илгари ҳам уни кўрар эди.
Лекин нима эканини билмас эди. Шу чашманинг бўйида
турди. Кўзига бир сандиқ кўринди. Сандиққа қараса, гоҳ
кўринади, гоҳ сувга ботиб кетади. Сандиқ сувнинг юзига
чиққан вақтда Шакарбек қўл узатиб ушлаб олди. Сан-
диқнинг ичида нима борлигини билмади. Очмоққа Ша-
карнинг қуввати келмади. Сандиқни олиб отига миниб,
тоғдан чиқиб, аждаҳорнинг чап шохини урди. Тоғ қадим-
гидай беркилди. Йўлга равона бўлиб бу сўзларни айтиб
борар эди:

«Тоғлар азиз бўлар туман турмаса,
Йўллар азиз бўлар одам юрмаса.

Боғлар хароб бўлар боғбон турмаса,
Гул кетар бўлса гулистон эмранар,
Мулки вайрон бўлса, пошшо тебранар,
Мол борида ҳамма одам дўст эди,
Бошидан давлат қайтса туққан эмранар».
Бу сўзни айтиб йўлга кирди Шакархон,
Остида бедови ўйнар юз алвон,
Гулгун ёрга етсам деди бул замон.
Кўп бўлади Шакарбекнинг меҳнати,
Гулгуной деб хоннинг қилган хизмати.
Турган жойи Қорахон мамлакати,
Эсига тушади ўсган элати,
Узоқ йўлдир отга қамчи чотади,
Шакар катта эмас, ҳали боладир,
Қаттанинг ишин ул ёлғиз қилади,
Гулгуннинг айтганин олиб боради,
Қандай хизмат ўзи билмай жўнади.
Олис йўлни оти яқин қилади,
Бораётир Қосимхоннинг фарзанди.
Кўзига кўринди Қорахон юрти,
Бул сандиқни Гулгунойга узатди.
Навқар отни олиб таблага кетди.
Шакар туриб тахт устида жой тутди,
Гулгун яхши кўрган шундай жонини,
Парвариш қилади меҳрибонини,
Сандиққа банд қилган девнинг жонини,
Ўз бошига қўйган ҳабаш танини.
Ул кечаси файзи саҳар бўлганда,
Сандиқни Гулгуной очиб қаради,
Девларнинг жонини қўлга олади,
Тонг отганда дунё тўзон бўлади,
Ҳар тарафдан девлар ошиб келади,
Девнинг жони Гулгунойнинг қўлида,
Одам қўрқиб, туролмади элида.
Жонин қисса девлар азоб кўради,
Гулгунойга бари таъзим беради.
Шу девлар қўл қовуштириб туради,
Девлар келиб, узр-маъзур қилади,
Не хизмат, деб Гулгунойдан сўради.
Девнинг жонин қаттиқ сиқиб ушласа,
Бири бошим деса, бири юрагим,
Кўп типирлаб бунда ётиб қолади,
Гулгунойнинг хизматида бўлади,

Буюрганда тоғни талқон қилади.
Девга хизмат буюради зулфакдор:
«Бирор тахтни бунда қўрғон ясанглар!
Қанча анжом бўлса унда тургудай,
Парвоз қилса Қуёнқига қўнгудай,
Қанча одам кириб анжом бўлгудай,
Кечиктирмай шу хизматни қилгудай».
Бу хизматни Гулгун девга буюрган,
Тахт ясаб қўндирди пўлатдан қўрғон,
Девлар айтганин хўп ўрин қилган,
Олтин кўшкисини ўртага олган,
Ҳийланинг борини ул девлар билган,
Бошида Гулгуной туриб кўрсатди,
Девлар кетар йўлин жуда ўхшатди,
Тахт устидан қўрғон қилиб тузатди
Тонг отгунча девлар ишлаб, бул ётди;
Элу халққа Шакар хабар қилибди
Эл каттаси йиғилишиб келибди...

Шунда Шакарбек эл катталарига қараб, шу сўзни айтиб турибди:

Оқсоқоллар, ақобирлар
Ҳолини билган яхшидир.
Сизларга айтар сўзим бор,
Беэга қилманг шаҳарни.
Мен бу ердан кетмоқ бўлдим,
Шаҳаншоҳлар ҳар шаҳарда,
Чорвадорлар гезар йўлда,
Қўп сўзлар бор айтар тилда.
Турарим йўқ ушбу элда.
Бировингни бек қилинглар,
Менинг сўзимни билинглар,
Пойи тахтга миндириглар.
Шакарбекни жўнатинглар,
Яхши маслаҳат қилинглар,
Бу юртга эга бўлинглар!
Мусофир бек кетар бўлди,
Бизга жавобни беринглар.
Бу сўзни Шакарбек айтди,
Давлати ўртада қобди,
Катталикдир яхши нарса
Ҳамма талашиб турибди.

Эл катталари бу сўзни эшитиб: «Мен бўлсам», «Мен бўлсам», деб талаш қилди. Шакарбек элни сўраб кўриб, уларга шундай маслаҳат берди: «Қайси эл оз бўлса, бекни шундан қилинг! Кўп элдан бек қилманг, бўлмаса кўп эл бўйни йўғонлик қилиб, оз элни оёқ ости қилиб, юртни хароб қилар, оз элдан бек бўлса, бу элни обод қилар. Бўйни йўғонлик қилмайди. Ҳеч кимга беҳуда гап гапирмайди».

Бу гап билан ўрлаш, бўйни йўғонликлар йўқ бўлди. Ўзи оз, оёқ ости бўлиб, гапи ҳам бўлмай юрган элдан бир бек кўтариб, беклик дафтар, муҳрларни унга топширди. Шакарбек бу элнинг ихтиёридан жудо бўлиб, пойтахтдан тушиб Гулгун пари билан девлар қилган қўрғонга кириб кетди. Ширин ҳам ўзининг ёри билан ҳамроҳ бўлиб, Шакарбекнинг қошида ўлтириб қолди. Қирқ қаландар ҳам ўз хотинлари билан кетиб, Зил тоғидан олиб келтирган оту анжомлари билан ҳозир бўлдилар.

Шунда Гулгун пари девларга қараб шу сўзларни айтиб турган экан:

«Қулоқ солгин паризоднинг тилига,
Ишим тушди бундай девнинг зўрига;
Еткиз бизни Қуёнқининг элига,
Кўзлаб учгин узоқ юртнинг йўлига.
Бошим тушди менинг неча савдога,
Зўр уриб кўтариб учгин ҳавога.
Бу хизматни ўрин қилсанг кўраман,
Барингни бандимдан халос қиларман.
Бўлмаса, қабоҳат кунни соларман,
Хизматингни кўриб мен тан берарман,
Қолган юртларимни инъом қиламан,
Девлар хизматини яхши биламан».
Бу сўзларни айтди Гулгун залфакдор,
Ҳавога кўтарди ул замон девлар.
Девлар келиб бунда тахтга ёпишди,
Ғуриллаб кўтариб ҳавога учди.
Гулгуннинг ишига қойил бўлади,
Бул одам барчаси ҳайрон қолади.
Яшиндай оқшомлаб кетиб боради,
Девлар ҳурмат қилар Гулгун парини,
Пари эмас, қўлидаги жонини,
Аччиғланса ўлдиради барини,

Кўзлаб учар Қуёнқининг шаҳрини.
Утли-сувли неча тоғлардан ўтди,
Девлар қилиб кетди шундай хизматди,
Вақтин хуш қилсам деб ул паризотди,
Жони учун девлар қилар хизматди,
Оқшом учиб файзи саҳар бўлганда
Етиб борди Қуёнқининг элига,
Девлар зўрлигини шунда билдирди,
Қуёнқи шаҳрига яқин қўндирди.
Атрофида саф-саф девлар турибди,
Тонг отганда кун шуъласи урибди.
Кундай бўлиб ул ярқиллаб турибди,
Қуёнқида барча одам кўрибди.
Кўрган одам бари ҳайрон қолибди,
Кўрган кўрмаганга хабар берибди.
Ҳамма йиғлаб бунга ҳайрон қолибди,
Ёки элга бир қиёмат бўлибди.
Биз билмаймиз қайси юртдан келибди,
Ярқиллаган қўрғон пайдо бўлибди,
Турли жондор атрофини олибди,
Бизнинг юртга аломат кун бўлибди,
Аловхўжа пирга хабар берибди,
Қосимхон эшондан сўраб турибди.

Эшонига қараб Қосимхон бул сўзни айтиб турган
экан:

«Мен биламан ҳақиқати валини,
Сиздан кўрдим кароматнинг мўлини,
Бундай кунда сўра Қосим ҳолини,
Бир кечада қўрғон пайдо бўлибди,
Атрофини сонсиз девлар олибди,
Бул аломат, пирим, қандай бўлибди?
Нима ишга келган бул девдан лашкар?
Одам насли бўлолмаса баравар,
Пирим; сизга айтган сўзим шу бўлар,
Бир каромат айланг энди комиллар,
Валисиз, биласиз, бўлинг хабардор,
Яқсон бўлиб, ўлиб кетар одамлар.
Кўриб қолмас бунда менинг тоқатим,
Баравар бўлмоққа келмас қувватим,
Вайрон бўлиб кетар шоҳлик шавкатим».
Бу сўзларни унга Қосимхон айтди,

Аловхўжа комил пири эшитди.
Эшон фикр қилиб, шундай ўйлади:
Ширин, Шакар келар вақти бўлибди,
Аловхўжа бунда ўрнидан турибди,
Бул девларга қараб маст бўп юрибди.
Эшон номин кўтарганман, борай деб,
Нима бўлса, тақдиримдан кўрай деб,
Аловхўжа бул яқинлаб боради.
Ширин, Шакар эшонини кўради,
Йиғлаб чиқиб эшонининг олдига
Пирим,— дейди, бул зиёрат қилади.
Неча йилдир элдан кетган валламат,
Элга етишгандир соғу саломат,
Худойим бергандир айёму давлат!

Шакарбек эшонига қараб шу сўзни айтиб турган экан:

Насиб қилса бедовимни минайин,
Олмос пўлат қайраб қўлга олайин,
Девларнинг барини ҳамроҳ қилайин,
От ўйнатиб Қуёнқига кирайин,
Кўздан тўкиб бунда селоб ёшини,
Мен қилайин душманларнинг ишини,
Аввал кесай мен отамнинг бошини,
Хотиннинг гапига отам кирганди,
Хукми кушга мени тайин қилганди.
Ўлмай, Ширин, Шакар бунда келганди,
Мен кўрайин ул тухматчи душманди,
Ота-энам менга бўлгандир душман,
Қилган ишларига қилсин пушаймон,
Сиз бўлдингиз ёмон кунда меҳрибон,
Ул сабабдан, пирим, сиздан сўрайман.
Жавоб беринг, тортинмайин борай мен,
Неча вақт зор этиб чўлда, пиёда,
Кўп азоблар тортдим фоний дунёда.
Сизнинг дуонгиздан етиб мурода,
Энди бул давлатим бўлди зиёда.

Бу сўзни эшитиб эшон бир сўз айтиб турган экан:

Қандай фарзанд отасига ўқ отар?
Бу шаҳарга ўқ отмагин, бек Шакар!

Бу шаҳарда сенинг қиблагоҳинг бор,
Қандай фарзанд отасига тиғ тортар?
Бўлмагайсан маҳшар куни гуноҳкор,
Тиғ тортган бўлади ул оқпадар!
Бу шаҳарда сенинг қиблагоҳинг бор,
Отангинг ҳурматин қилгин, бек Шакар.
Шайтоннинг йўлига қирмоқ не даркор?
Кетма ўзингдан, болам, бўл хабардор,
Аловхўжа айтган сўзи шул бўлар,
Мен-менлик сўз, болам, сенга не даркор.
Нодон кўнглинг бундай қилиб бўлмагин,
Хаёлингга мен-менликни олмагин.
Жоним болам, бўйни йўғон бўлмагин,
Мен-меннинг заволи бордир, фарзандим,
Шу бўлди айтган бу насиҳатим!

Эшон Шакарбекка кўп насиҳат қилди. Шакарбек ҳам ўз раъйдан қайтди. Ўзи билан келган девларга жавоб берди. Девлар ҳам жўнамоқнинг ҳаракатин қилиб ётдилар. Эшон қайтди. Қосимшоҳнинг қошига етди. Бўтакўзойимни чақириб, эшон бу сўзни айтди:

Боғда очилган гулинг келди,
Чаманда булбулинг келди,
Сенинг жону дилинг келди,
Ширин, Шакар улинг келди.
Ҳукми кушга тайин бўлган,
Мансурнинг дорини кўрган,
Ўлди деб овоза қилган,
Ўлмай боланг омон қолган,
Гулгун деган қизни олган,
Кўп девни хизматга солган,
Девлар қилиб тахти қўрғон,
Бу юртларни қилар яксон,
Бу сўзни билгин Қосимхон,
Орага тушган бир эшон,
Ишингга қилгин пушаймон,
Шукур қилгин сендай султон,
Ўлмай боланг омон қолган,
Кетади бошингдан туман.
Бўлар яна бунда даврон,
Шунча ишларни ўткизган,
Ширин, Шакар ўғлинг келган!



Рухсат олмай шикор кетган,
Ўн тўрт йил йўқ бўлиб кетган,
Қаторли карвонинг келди!
Ширин, Шакар жон фидоси,
Тожи тахтнинг эгаси,
Қуёнқи шаҳрин тўраси.
Беҳуда тўкма кўз ёшинг,
Неча йил гангиди бошинг,
Юртни ўртади нолишинг,
Ширин-Шакар боланг келди.
Ҳаққа етган сенинг ноланг,
Омон-эсон келди боланг,
Юрагингдан кетсин алам.
Энди обод бўлар юртинг,
Кўрибди шундай фарзандинг,
Эзилиб бунда юрагинг,
Сен билмагансан дарагин.
Қайтадан ёнди чироғинг,
Ширин-Шакар боланг келди.

Эшондан бу сўзларни эшитиб, Бўтакўзойим шу сўзни айтиб турган экан:

«Шарҳи дилим кимга ёзсам,
Тинмайин дунёни кезсам,
Оҳ урсам, маҳшарни бузсам.
Тарк айлаб шу мосувони,
Йўқотдим икки тўрани.
Қидирсам фоний дунёни,
Кўрарманми, болам, сени.
Хаста бўлиб қолдим, ўзим,
Ҳеч кимга ботмайин сўзим,
Йўлига тўрт бўлган кўзим,
Сарғайгандир қизил юзим;
Борми Ширин, Шакар кўзим?»
Бу сўзни айтиб бошин олиб жўнади,
Ширин, Шакар хабарини билади,
Улиб кетган Ширин, Шакар кебди, деб,
Элу халққа бул овоза бўлади.
Болам, деди ул Бўтакўз жўнади,
Қанча амалдорлар кўринг Қосимхон
Улди деган ўғли хабарин билган.
Чиқиб кетди Қуёнқидан бул замон,

Бошлаб бораётир буларни эшон.
Келаётганини кўрди Шакархон,
Англаб билди Шакарбекдай тўраси,
Келаётир Бўтакўздай энаси.
Ширин, Шакар шундай пешвоз чиқади,
Болам деб бағрига босди ул замон.
«Эл ичида ғариб бўлдим,
Болам, сендан айрилгани.
Қиёматли кунлар кўрдим,
Кўзим, сендан айрилгани.
Кўзларимдан кетди равшан,
Топилмади сарой-бўстон,
Дўст кишилар менга душман,
Болам, сендан айрилгани.
Юрагимдан кетди армон,
Менга кирди қувват-дармон,
Шукур қилай сени кўрган».
Бунга ора тушди эшон,
Икковини яраштириб,
Ота-бола кўриштириб,
Бир-бириман топиштириб.
Эл ичига шундай бошлаб боради,
Қуёнқи шаҳрига энди киради.
Элу халққа кўп овоза бўлади,
Ҳамма келиб Шакарбекни кўради.
Кенжа ойимнинг тухмати маълум бўлади,
Тухмат қилганин беклар билади,
Бўтакўз гуноҳин бундан сўради,
Ўлим ўтин энасига беради.
Шундай бўлиб юртга эга бўлади.
Элу халққа тўй-томоша қилади,
Қавм-қариндошни беклар кўради,
Омон-эсон беклар элга етибди,
Бари қолган барчасини кўрибди,
Келиб юртда тўра бўлиб юрибди,
Неча ишлар энди булардан ўтди,
Ширин, Шакар топди мурод-мақсадди.
Бул дostonни Фозил шоир айтди.

Кунтуҕмиш



Айтувчи

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ

Нашрга тайёрловчи

ҲОДИ ЗАРИФ



Нўғой подшоларидан Авлиёйи Қорахон деган бор экан, лақаблари Қиличхон экан, шу вақтнинг одамлари Авлиё ота дерди. Шул азизнинг бир ёлғиз ўғли бор эди, ундан бошқа боласи йўқ эди. Отини Қунтуғмиш тўра дер эди. Ўн тўртга киргунча илм-ҳунар, касб-камолот ҳосил қилиб, ўн тўртдан ўтгандан кейин, сипоҳилик ишларига юз келтириб, қилич чопмоқ, милтиқ отмоқ, чиришбозлик, кўпкаритозлик, найзадастлик, гаровбастлик ишларига кўшиш қилиб, қирқта йигитни ёнига олиб, гоҳ товга, гоҳ овга шикор қилиб юрар эди.

Шаҳри Зангар деган шаҳарнинг подшосининг отини Бувраҳон дер эди. Бувраҳоннинг икки вазир бор эди. Бировини отини Шоир вазир дер эди, бировини Тоҳир вазир дер эди, иккови ака-ука эди. Булар ирим қилиб ният қилиб эди: «Бизларга фарзанд берса, ўғил бўлса бир-бирига қўлқанот бўлсин, қиз бўлса дўст бўлсин».

Қунларда бир кун Шоир вазирнинг хотини қиз тугди, Тоҳир вазирнинг хотини ўғил туғди. Қизнинг отини Холбека қўйди, ўғилнинг отини Холмўмин қўйди. Лекин Холмўминнинг энаси қора босиб ўлди, ўғли этак остида қолди. Холбеканинг энаси эмизиб катта қилди. Булар ширхўра бўлиб, никоҳ юрмайдиган бўлиб қолди. Икки вазирнинг аввалги ваъдаларини шаҳарнинг одамлари эшигган эди. Мардуми шаҳар: «Холбека Холмўминнинг бахшандаси», — дер эди, сут эмишганини билмас эди. Аммо Холбека ўн тўртга киргандан

кейин... овозаси оламга кетди, донғи Доғистондан ўтди. Холбеканинг тавсиф-васиятини, ҳусн зеболигини эшитган подшо ва тўралар, полвон-ботирлар ҳар мамлакатдан, ҳар юртдан, ҳар диёрдан совчи қўя берди. Совчиларга Холбека: «Ҳар ким мени оламан деб келса, олдига нард ўйинини қўяман, ўйнайман, утса тегаман, утдирса сўяман»,— деб элга шуҳрат берди.

Ҳар тўра-катталар, хонзодалар Холбека билан нард ўйнаб утдириб, кўп кишиларни Холбека нобуд қилиб ўлдириб юборди. Шу мамлакатда Холбекага ошиқ бўлмаган одам қолмади. Кундан-кун Холбеканинг ҳусни зиёда бўлиб, шуҳрат-овозаси ортар эди.

Кунларда бир кун Холбека қирқ зинали кўшқининг устига чиқиб, оламни томоша қилиб ўтириб эди, шу шаҳарнинг подшоси Буврахон Холбеканинг жамолини кўриб, юз шайдойи дил билан ошиқи беқарор бўлиб, ихтиёрини қўлидан олдириб, дилида сабру қарори қолмай, аркига бориб, тушиб, бостириб, совчини қўя берди. «Тегса ҳам оламан, тегмаса ҳам оламан, бошқанинг келганини кўраман»,— деб одам юборди. Холбека жавоб айтди: «Подшо номардлик қилмасин, ўзидай подшоларга таъна-маломат бўлмасин. Менинг шу шартим, эшитмаган, билмаган одам йўқ. Аёл бўлсам ҳам қавлимдан қайтмайман, шоҳингдан қўрқмайман. Бизга ошиқ бўлган бўлса, келсин, нард ўйнасин, утса, тегаман; утдирса подшо деб сийламайман, сўяман, жонидан кечса бизга келсин»,— деб совчисини қайтарди. Совчи бу воқеаларни подшосига баён қилди. Подшо эшитиб ҳайрон-лол бўлиб, аркони давлатига қараб, улардан маслаҳат сўраб: — Э умароларим, э вазири доноларим, бу ишнинг охири қандай бўлади? Бориб нардни ўйнасақ, утдирса, бизни шоҳ деб сийламаса, қўяйик десак, ишқибозлик ёмон бўлса, борса қўйсақ, бир кун ўзбек-чўзбак, карвон-сарвон, қозоқми-сузоқми — биров келиб утиб олиб кетса, бу қандай бўлади?—деди.

Аркони давлат шу маслаҳатни айтди:—Тақсир подшойим, бунинг иложи шулки, бахтини боғланг, ҳеч ким Холбека деб отини айтолмасин, балки бу шаҳарга келолмасин, ўзи ҳам тўрт-беш йил ўтгандан кай¹, эр талаб бўлиб, сизга тегмай кимга тегади, — деб маъқул қилди.

¹ Кейин.

Подшо кўча, гузарларга жарчи қўйиб қичқиртдики: «Ҳар ким Холбека деб айтса, олти ой зиндонда боқдираман, суюгини тошга чақдираман, терисини тириклай сўяман, ичиға сомон тикдираман, икки кўзини ўяман, тепасига мойни қуяман», — деб қичқирга берди. Ҳеч кимнинг захраси йўқки, Холбека деб айтса.

Шу ўртада тўрт-беш йил ўтиб кетди. Холбека ҳам подшога бўйсунмади, қирқин қизи билан, неча турли нози билан даврини суриб ўтира берди.

Кунларда бир кун Холбека ноз уйқуда ётиб эди, бир туш кўрди: Чилтонлар ва мардон ғойиблар бир тонгда суҳбат қилиб ўтириб эди, бир чилтон келиб Холбеканинг руҳини олиб борди, биттаси келиб, Кунтуғмишнинг руҳини олиб борди. Чилтонлар тўй қилиб, Холбекани тўрага топширдилар. Иккови бир тўшакда ётиб, бир-бировига сўз қотиб, Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг кимдир?» Тўра айтди: «Отим Кунтуғмиш, отамнинг оти Авлиёйи Қорахон, отам Нўғойга подшо, Нўғой тўраси бўламан. Сен кимсан, отинг кимдир, юртинг қаерда?» Холбека айтди: «Отим Холбека, отамнинг оти Шоир вазир, юртим шаҳри Зангарда».

Иккови бир-бири билан ўйнашиб тўрасининг узугини² Холбека олиб қўлига солди; Холбеканинг узугини тўра олиб қўлига солди. (Шу кеча Кунтуғмиш ҳам шундай бир туш кўрди.) Шу ишда иккови ҳам уйғонди.³

Тўра бир оҳ тортиб, бу дардини ҳеч кимга айтолмай, нигинга қараса, бошқа нигин; қоғозга муҳр қилиб босса, Холбеканинг оти чиқади.

Холбека ҳам уйқудан уйғониб, тўранинг ишқида илондай тўлғониб, асло ором-қарори қолмади. Бу ҳам узугини кўрса, ўзиники эмас; қоғозга босиб кўрса, Кунтуғмиш тўранинг оти чиқади.

Холбеканинг Баҳрагул деган канизи бор эди, аксари сирларини Баҳрагулга айтар эди. Баҳрагул Холбеканинг безовталигини англаб: — Ойбибим, сени илгарилардай кўрмайман, хотирингнинг мушаввашлигини менга билдирсанг, танда жоним бор, тадорикини — иложини қилсам керак.

Холбека: — Э Баҳрагул, менга бир дард-е теккан,

² Шевада жузук.

³ Қўлёмзада уёнди.

иложи не бўлиши асло сира йўқ,— деб нигинни кўрса-тиб, кўрган тушларини Баҳрагулга бир-бир баён қилиб, яна айтди: — Бир сураткашни келтирсанг.

Баҳрагул олиб келди. Холбека ойим ўзининг суратини қоғозга наққошга солдириб, бир сандиқча тайёр қилиб, ичини мумлаб, сиртини тилло билан беркитиб, ўзининг сочидан бир тола соч олиб, тўранинг узугини ўзининг суратига ўраб, неча арзи ҳолларини ҳам арз қилиб, сандиқни қулфлаб, калитини сандиққа боғлаб (бир катта дарё шаҳарнинг ичидан ўтар эди), Холбека шаҳардан чиқиб, шу сандиқини сувга солиб: «Шу кўрган тушим раҳмоний бўлса, ошиқ-маъшуқлик аввалдан пок бўлса, худоё худовандо, шу сандиқим сенга омонат, тўрадан бошқага тегмасин», — деб дарёга равона қилди. Фалакнинг синоати билан неча кун, неча вақтлар оқиб, ҳеч кимнинг қўлига тушмай, Нўғойга дохил бўлди. Энди тўрадан сўз эшитинг.

Тўра қирқ йигити билан дарёнинг ёқасида шикор қилиб юриб эди. Тўранинг кўзига бир сандиқ кўринди. Йигитларига айтди: — От солиб олиб чиқинглар.

Йигитлар Кунтуғмишга арз қилдики: — Даладан ҳар нарса қўлимизга тушса, сиз подшолик деб олиб қўясиз, биз хизматкорларингиз қуруқ қоламиз. Бу молни бир шарт билан олиб чиқамиз, тақсир, шу сандиқни бўламиз, ичини оласизми, ё тишини?

Тўра айтди: — Сизлар сайлаб олинглар.

Йигитлар бир-бирига қараб, иттифоқ қилиб: — Тиши тилла экан, бизлар тишини оламиз, — деди.

Тўра айтди: — Биз ичини оламиз.

Бир йигит от солиб олиб чиқди. Калити ҳам оғзида экан, очиб кўрдилар. Ичидан бир қоғоз чиқди, қоғозни ёзиб кўрса, Холбека ойимнинг тўлган камоли, ойдай жамоли мунаввар бўлиб турибди. Шаҳзода кўрган ҳаммоно тушида кўрган маҳбубини таниб, ички дардини ҳеч кимга айтолмай юрган эди, суратини кўргандан қай, осанг, устига посанг, ҳазор устига понсад бўлиб, бир ишқи юз бўлиб, тоқат келтиролмай, беҳуш бўлиб йиқилди. Қирқ йигит шошиб, дами ичига тушиб, ақлидан адашиб, бариси чувлашиб, тўрани ўртага олиб, ҳай-ҳайни солиб: — Кўзингни оч! — деди. Тўрани асло ўзига келтиролмади. Охир икки отга саража қилиб, манзилга олиб келдилар.

Қорахон бечора ёлғиз фарзандини бу ҳолда кўриб,

ёқасини пора-пора қилиб, қушночни олиб келиб қоқдириб, бахшини олиб келиб боқдириб, муллани олиб келиб уқитиб, эшонни олиб келиб ҳалқа қилиб қарата берди. Уғлига асло наф қилмади. Қорахон подшо ўглининг олдида бетоқат бўлиб: — Нега кўзингни очиб гапирмайсан? — деб шунча илтижо қилди, ўгли билмади, шу қушночлардан бир айёри бор эди. Тўранинг вужудидан касал топмай, ишқдан гумон қилиб, подшога айтди:

— Сиз далага чиқиб туринг.

Қушноч қирқ йигитини ҳозир қилиб, бир-икки-уч пиёла шаробни тўрага берди. Шаробнинг кайфи билан тўра кўзини очиб қараса, қирқ йигити йиғлаб, ўртага олиб ўтирибди. Тўра ишқ дардини пинҳон тутолмай, йигитларига қараб, бир сўз айтиб турибди.

Сўзи будир:

Боғ ичинда олма-анор истайдир,
Бўйи маҳбуб, мушки дилдор истайдир,
Қадрдонлар, бирга юрган бекларим,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир.

Хизматимда юрган бас бир поралар,
Зулфи чин-чин, сатта қоши қоралар,
Кичикликдан бирга юрган жўралар,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир.

Қаторда юк тортган норча лўкларим,
Душманга кетмагай ору кекларим,
Сирдошларим, валломатим, бекларим,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир.

Бекларим, қилманглар бағримни кабоб,
Ғарибнинг кўнглини овламоқ савоб,
Эртароқ подшодан олинглар жавоб,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир.

Қулоқ сонглар бу тўранинг тилига,
Булбул ошно бўлар боғнинг гулига,
Ўзларинг чоғланглар Зангар йўлига,
Дўстлар-ай, кўнгил бир ёр истайдир.

Алқисса, Қорахон подшо ўглининг дардини ишқдан билиб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, қадди бу-

килиб, кўзидан ёши тўкилиб, ўғлига қараб, бир сўз ай-
тиб турибди:

Фалак пештоқидан учган юлдузим,
Улуғ дарёлардан чиққан қундузим,
Ҳар сўзингдан тандаги жон айлансин,
Не тиловман⁴ тилаб олган ёлғизим.

От чопмоққа қойим Хизирнинг даши,
Хизир Илёс доим марднинг йўлдоши,
Оч кўзинг, бошингни кўтар, ёлғизим,
Бир ёр учун ётармикан мард киши?

Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Бир ёр учун ётармикан мард киши,
Бир ёр бўлса, болам, ёрдан ғам ема.

Нўғойнинг қизини барин жийдирай⁵,
Санам қизлар қора зулфин туйдирай,
Бир ёр учун, болам, асло ғам ема,
Битта тугул, юзта сулувни суйдирай,

Узоқ йўлдан яхши тулпор чопилар,
Ёв кўрса, ботирлар қалқон жомилар,⁶
Битта тугул юзта сулув суйдирай.
Чин сулувлар Нўғойимдан топилар.

Эшитиб ол, бу отангнинг сўзини,
Дўст-душманга тубан қилма юзини,
Йиғдирайин Нўғойнинг улли-қизини,
Обберай қизларнинг жоду кўзини.

Кўкрагимга солма қайғу-аламни,
Кўзлари қамбардай қоши қаламни,
Бир ёр учун асло, болам, ғам ема,
Обберай паридан ортиқ санамни.

Алқисса, Қорахоннинг бу сўзини ўғли эшитиб, йигит-
ларига буюрди:— Кечаги қоғоздаги суратни отамга

⁴ Тилак билан.

⁵ Йиғдирай.

⁶ Ёпилар.

кўрсатинглар. Йигитлари суратни кўрсатди. Қорахон қараса, қоғозда бир қиз турибди қайқайиб; қошини кериб, лабини буриб, чикка бел бўлиб, ширин қилиб кулиб, тараққос бойлаб, суқсурдай бўйлаб, товусдай тараниб, беллари буралиб турибди. Қорахон инсоф қилиб қараса, Нугой юртининг қизи тугул⁷, ер юзининг барнолари бир тола мўйига арзимаиди. Қорахон билдики, тўранинг иложини қилолмас, то Зангар бормаса, Холбекадан бошқани хоҳламас. Подшо ноилож, ночор жавоб бермоқчи бўлиб, лашкарларини йиғиб, ҳар дастасидан биттадан, қирқ йигит айириб берди. Қирқ хачирга зар ортиб, айтди: — Э фарзанд, бурунгилардан бир сўз бор: «Мусофирчиликда ё зар ярар, ё зўр ярар кунингга», — деган экан. Зарга келса, хачирдаги пулни аяма, зўрга келса, қирқ йигитга буюрсанг, худодан келган ажал бўлмаса, бандадан келган ажалдан бир-икки-учга довур айриб олар. Бор, болам, олло ёринг бўлсин, пирлар мададкоринг бўлсин, соғ боргайсан, саломат келгайсан, омин оллоҳу акбар, — деб оқ фотиҳа берди.

Тўра қирқ йигитини бирга олиб, хачирларини йўлга солиб, неча вақт, неча соатлар йўл юриб, Зангарга дохил бўлди. Келса, дарвоза беркилган экан. Тўра, дарвозани оч, — деб дарвозабон, бобо қўрбошига қараб бир сўз деди:

Тоғларингни бошин чалган туман-а,
Тириклик барчага беш кун гумон-а,
От ҳоритиб узоқ йўлдан келаман,
Оч дарвозангни, дарвозабон-а.

Фалакнинг дастидан келдим омон-а,
Бу дунёда тирик айрилган ёмон-а,
От ҳоритиб узоқ йўлдан келаман,
Оч дарвозангни, дарвозабон-а...

Беклар минар бедов отнинг толмасин,
Бемаҳалда мол далада қолмасин,
Очгин дарвозангни, бобо қўрбоши,
Молим қолиб, ўғри золим олмасин.

Дарвозабон тўранинг бу сўзини эшитиб: — Ўзбак, кўп бақирма, ҳамманинг кайфини учуриб юборма, бе-

⁷ Кўлёмзада тува.

меҳалда сенга ким дарвозани очади, барвақт кел, — деб турмоққа эриниб, тўрага аччиқ этиб, бир сўз деди:

Қандай одам эдинг келган бемаза,
Дарвозамнинг тўгараги андоза.
Кетгин ҳар ким бўлсанг, қолма йўлингдан,
Кун чиқмайин очилмайди дарвоза.

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмагин,
Мавж уриб дарёдай тошиб тўлмагин,
Кун чиқмайин очилмайди дарвоза,
Кетгин, ҳар ким бўлсанг, йўлдан қолмагин.

Қаторингга тиркаб қўйгин норингни,
Нор устига юклаб қўйгин зарингни,
Кун чиққунча ёта бергин далада,
Эҳтиёт қип қўй-да хизматкорингни.

Тўра дарвозабонни қайтариб бир сўз дегани:

Ичкилик шарбатин ичмай маст бўлдим,
Қайда ғаним бўлса, анга қасд бўлдим,
Очгин дарвозангни, бобо қўрбоши,
Худони ўртага солиб дўст бўлдим...

Қўрбоши бобо уч юз ўттизга кирган эди. Даққи Юнусни кўрган эди, неча сафар шайтон билан баҳслашганда, фириб берган эди, қариликни бўйнига олмай, доим бўзбола бўлиб юрган эди. «Бу ўзбак муғомбир экан, жон еримдан ушлади. Кўрганим йўқ эди, эшитар эдим, дўст бўлар эмиш, худони ўртага солар эмиш, қайсиси қайтса, худога урдиарар эмиш, ноқулай айтиб солди, тағи худога чет бўлиб, ўзимни урдириб, ёш бошим бор, жувонмарг бўлиб кетмайин», — деб жойидан тура келди. Қулфнинг калитини олиб, дарвозанинг остига келиб, сийғалаб қараса, қирқ хачир энтикиб, терлаб, зарларини кўтаролмай, типирлаб турибди. Бобо хачирларни кўргандан: «Менга худо берган экан, бир-икки-уч йил илгари Чин-Мочиндан шу бойвачча келиб эди, у дарвозадан дохил бўлиб эди, шу гузарнинг бари зардор бўлиб қолиб эди, шу бойваччанинг ўзгинаси», — деб дарвозани очиб юборди. Қирқ хачир битта-битта кириб, бобо кўриб: «Сад офарин зардор бўлганинга», —

деб туриб эди, қирқ йигит кўкмак темир бўлиб, тўпла-
ниб кириб эди; бобонинг ақли шошиб, дамидан адашиб,
ҳисоби кетиб, қулоғи битиб, бурнининг [суви] оқиб, бе-
тига ёғиб, ияги қалтираб, кўзи ялтираб: «Ҳар дарвоза-
дан қирқ йигитдан кирса, тонг отмай аркни олиб қўя-
ди», — деб тўранинг жиловини жуппай ушлаб, кўзини
ёшлаб, қайдан бўласан, деб дўстига бир сўз айтди:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Ярашиққа минган отинг дол бўлсин,
Сенинг тарзинг бу ерларга келмайди,
Сўйлагил, жон дўстим, сенга йўл бўлсин?

Менга айтгин уруғинги, отингни,
Баён бергин, дўстим, мамлакатингни,
Сенинг тарзинг бу ерларга келмайди,
Отанг ким, энанг ким, айтгин зотингни.

Жон дўстим, қаерда ўсган диёринг,
Куйган қулсан, чиқар оҳ билан зоринг,
Баён бер, жон дўстим, мамлакатингни,
Бу ерларга не деб тушиди гузаринг?

Пайдо бўлдинг икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдинг манзилхонадан.
Йўл бўлсин, жон дўстим, бизнинг элларга,
Сендай ўғлон кам-кам туғар энадан.

Худойим берибди сини симбатди,
Тағин берсин ода бўлмас давлатди,
Сендай ўғлон кам-кам туғар энадан,
Билагинг темирдан, панжанг пўлатди(р).

Ўзинг сардор экан, сардор сабоқли,
От устига минган куни ўмоқли,
Қарчиғай келбатли, бургут қабоқли,
Халойиққа ёмон куни керакли,
Туйғундай суратинг, лочин юракли,
Шердайн ҳайқирган, арслон билакли.

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,
Жон қутулмас азроилнинг қасдидан.

Не сабабдан келдинг бизнинг элларга?
Елгон дема, дўстим, сўйла ростидан.

Шаҳзода дўстининг сўзига жавоб бериб, қўрққани-
ни билиб, бир сўз деди:

Жон дўстим, Нўғойдир ўйнаган жойим,
Сабил бўлиб қолди тилла саройим,
Излаб келдим Холбекадай санамни,
Юртингда бормикан Холбека ойим?

Кўзлари қорадир, қоши қаламди(р),
Кўкрагимга солган қайғу-аламди,
Юртингда бормикан Холбека ойим,
Излаб келдим Холбекадай санамди.

Эшитиб ол, мендай дўстинг сўзини,
Излаб келдим Шоир вазир қизини,
Юртингда бормикан Холбека ойим,
От кўтарган Холбеканинг ўзини.

Алқисса, бобо қўрбоши аввалги қўрққани қўрққанми,
Холбеканинг отини эшитиб, сийиб-сийиб юборди. «Бач-
чағар лоппи ўзбак, қайси гўрдан менинг ажалимга кел-
ган экан, мени худо урган экан», — деб дўстига қараб:
— Сен бу шаҳарнинг расмини билмайсан, шу баччағар
касофатнинг отини айта кўрма, бундан булайга асло
айтма. Мендан бошқа эшитмасин, — деб бир сўз деди:

Отдан тушгин, бўлгин дўстингга меҳмон,
Бу сўзларинг мени қилди саргардон.
Хон эшитса, дўстим, тайин, ўлдирар,
Айта кўрма, оти қурсин, кўп ёмон.

Армон билан билмаганинг билдирар,
Ханжар чекиб, қора бағринг тилдирар,
Айта кўрма, оти қуроин, кўп ёмон,
Хон эшитса, дўстим, тайин, ўлдирар.

Оқизар кўзингдан селоб ёшингни,
Йиғлатар ортингда эмикдошингни,
Айта кўрма, оти қурсин, кўп ёмон,
Хон эшитса, тайин, кесар бошингни.

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмагин,
Мавж уриб дарёдай тошиб тўлмагин,
Отдан тушгин, асло айтма, отини,
Армон билан, жоним дўстим, ўлмагин.

Тўра қўрбошининг бу сўзларига аччиғи келиб: — Сенинг айтган номардларинг бошқадир, — деб бобо дарвозабонга қараб, жавоб бериб, бир сўз деди:

Фони [дунё] барча қулдан ўтарми,
Беҳбуди йўқ, кунма-кундан батарми,
~~Уч ойчалиқ йўлдан ёр излаб келиб,~~
Уларман, деб ёрни кўрмай кетарми?
Дўст бўлсанг, Холбекадан хабар бер.

От чолмоққа қойим Хизирнинг даши,
Отларни койитар тоғларнинг тоши,
Уламан деб қайтармикан мард киши,
Улимдан қўрқмоқлик хумсанинг иши,
Дўст бўлсанг, Холбекадан хабар бер.

Оқизиб кўзимдан қонли ёшимни,
Мард ўғлонман, ҳақ ўнгарсин ишимни,
Мен Нўғойдан от устига минганда,
Йўлига дов қўйган ёлғиз бошимни.
Дўст бўлсанг, Холбекадан хабар бер.

Ҳақиқат дўстим, деб сўзладим сени,
Қиличдан сесканмас ботирнинг тани,
Уламан, деб қайтармикан мард киши,
Жон дўстим, номард деб чоғлама мени.
Дўст бўлсанг, Холбекадан хабар бер...

Бобо қўрбоши: — Баччағар, отдан туш энди. Бу кун ёт, эрта тонг отсин, кундуз бўлган сўнг борасан, шу ёрингни кўрасан, кўзи тушса ўласан, у ёғини ўзинг биласан, — деб тушириб, қирқ йигитини меҳмонхонага киргизиб, хачирларни, меҳмонларни жойлаб, дўстини сийлаб, хизмат қила берди.

Беклар ётди, қўрбоши уйига кетди. Қўрбоши хотинига: — Мен бир ўзбак билан дўст бўлиб қолдим. Шунинг касофати билан ўлмай қолсам, мингга қирар

эдим. Бола-чақаларимиз билан ўлиб кетамиз. Шу баччагар лоппи ўзбак қаёқдан келиб қолди, — деб ётиб қолди. Тўранинг йигитлари ётиб ухлаб қолди. Шаҳзода-нинг кўзига уйқу келмай ўтириб эди, эрта саҳар туриб, дўстининг деворидан осилиб, ички ҳовлисига қараб бақириб: — Тонг отиб кетди, дўстим, Холбекага бормайми-ми? Ҳой, — деб шовқин солиб юборди. Қўрбоши ҳам чала жонсарақ бўлиб ётиб эди, дўстининг товушини эшитиб, ирғиб туриб:— Кўп бақирма, бораётибман-ку, — деб чопиб олдига тушиб, бир кўчага равона бўлди. Беш-олти кўчадан қирқиб ўтиб кетди, бир катта кўчанинг устига бориб:— Дўстим, шу кўчадан адашма, бошқа йўлга бурилма, тўғри кўшкисининг олдига борасан, айтганингни кўрасан, кўзи тушса ўласан, у ёғини ўзинг биласан,— деб кетига қайтди.

Энди Кунтуғмиш шу кўча билан равона бўлиб, қаерга борарини билмай, паст кўча, рост кўча, мохов кўча, пес кўча, ўзи қоронғи кўча, ўзингиз кўрган кўп кўча — бир кўчага солиб кетди. Шу юргандан юра берди, тушга довур юрди, чорсининг устидан бориб қолди. Шаҳарнинг бозори экан, одамлар қумирсқадай қимирлаб ётибди. Тўра кимдан сўрарини билмай, бозордаги одамларга бақириб, бизнинг ёрдан кўрганларинг борми? — деб бир сўз айтиб турибди:

Узоқдан келаётибман,
Ғамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар,
Мен ёримни йўқотибман.

Неча дарбанддан ошибман,
Оловдай бўп туташибман,
Э ёронлар, биродарлар,
Мен ёримдан адашибман.

Боғчадан гул терган борми,
Элда даврон сурган борми,
Ёр дарагин берган борми,
Холбекадан кўрган борми?

Паст-пастгина паст кўчалар,
Ҳолин билмас бир нечалар,
Бедов минган бойваччалар,

Бойваччалар, бекваччалар,
Холбекадан кўрган борми?

Эшак ҳайдаган бовалар,
Дардингга борми даволар,
Калава сотган момалар,
Холбекадан кўрган борми?

Инглайин қанотим синди,
Қора бахтим қора дўнди,
Дўкондаги жуҳуд, ҳинди,
Холбекадан кўрган борми?

Бозордаги одамлар: «Баччағар, касофати ўзбак қаёқдан келди?» — деб савдо-сотигига қарамай қоча берди. Тўра одамлар тўда бўлган ерга бориб: «Холбекадан кўрган борми?» — деб сўраса, одамлар қочиб кетар эди.

Анда бир кампир бозорга кеч келиб, ярим нимча ипини қўлига олиб: «Тортмай олсанг сотаман»,—деб калавафурушлар билан жанжал қилиб ўтириб эди. Қараса, бир ёш бачча йўлбарсдай бўлиб: «Холбекадан кўрганнинг борми?»—деб келади. Кампир кўриб: «Ҳай аттанг, бу бачча бу элнинг расмини билмас экан, бул узоқдан келган экан. Мабодо подшонинг мулозим одамларига маълум бўлиб нобуд бўлмасин»,—деб жойидан ирғиб туриб, тўрага қараб хезлаб юриб, оёғининг бетини оёғи билан босиб, кифти билан бир уриб ўта берди. Шаҳзода кейинига қараса, бир кампир кўчага қараб, қоши билан ишорат қилиб кетиб боради. Тўра: «Шу кампир бир шумликни биледи»,—деб ортидан юра берди. Кампир кўп йўлларга бориб, у ёқ-бу ёққа қараб: — Сен қандай одам бўласан?—деб тўрадан сўраб, бир сўз деб турибди:

Зулфи зарафшоним, қайдин бўлурсан,
Тўти ғазалхоним, қайдин бўлурсан,
Сени тарзинг бу ерларга келмайди,
Тарафсиз полвоним, қайдин бўлурсан?

Пайдо бўлдинг қандай гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдинг манзилхонадан,
Сендай ўғлон кам-кам туғар энадан,
Э, дурри якдоним, қайдин бўлурсан?

Мусофирсан, болам, бизнинг элларга,
Қулоқ солгин алвон-алвон тилларга,
Сенинг жойинг тар очилган гулларга,
Беному нишоним, қайдин бўлурсан?

Қарарман, кўнглингда қайғуман доғинг,
Кўзларинг қамбардир, бодом қобоғинг,
Билагинг темирдан, пўлат тирноғинг,
Аждарҳо нишоним, қайдин бўлурсан?

Айланай, қаерда ўсган диёринг,
Бу ерларга не деб тушди гузаринг,
Ўз элингда кимдир шоҳи номдоринг?
Мусофир меҳмоним, қайдин бўлурсан?

Сен ҳам бир боғчада боғнинг гулисан,
Отангман энангнинг жону дилисан,
Мен билгимда улуғ шоҳнинг улисан,
Э даври давроним, қайдин бўлурсан?

Алқисса, тўра момога айтди: — Э момо, Холбекани биласанми? Мен Нўғой мамлакатидан уч ой йўл юриб, шу бугун шаҳрингга келиб турибман. Шаҳрингнинг пасту баландини билмайман; отим Қунтуғмиш, отамнинг оти Авлиёйи Қорахон, Нўғой элининг подшоси бўлади. Шунда Нўғойдай элини, ота-энамни, халқ-қариндошимни ташлаб, шаҳрингга Холбекани излаб келдим.

Кампир айтди: — Э жоним болам, ошиқлиги қурсин, бошга тушган сўнг кишини девоналар қилиб, эл-юртидан айириб, ғариблар қилган. Бу кимларнинг бошига тушмаган. Момонгнинг ҳам бошига кўп тушган. Эсиз, даври давронлар ўтиб кетди. Сен Холбека деб келган бўлсанг, Холбека менинг қўлимда. Ёзсам кетади, йиғсам келади. Юр, болам, икковингни бир уйга қўшиб, ошиқ-маъшуқни мурод-мақсадига етказиб, савобини ола қолайин, — деб уйига эртиб борди. Кампирнинг бир уйи бор экан, эшиги йўқ экан, одамлар эмаклаб кирадиган тешиги бор экан. Тўра қисила-қисила базўр кампирнинг уйига кирди. Кампир югуриб ўтиб, бир жуни қолмага и пўстакни тўранинг остига ташлаб: — Болам, палоснинг устига ўт,— деди. Шаҳзода момонинг уйининг у ёқ-буёғига қараб: «Хўп тентак бўлдик-да. Бу ерларда Холбе-

кажоннинг ўзи тугил, изъ ҳам топилмас»,— деб ўйлаб ўтирди. Анда кампир айтди: — Э хонзода, сиз уйда ўтиринг, мен бориб Холбекани олиб кела қолайин, қўйнингга сола қолайин, кўп савоб ола қолайин, — деб чиқиб кетди. Энди уйнинг сиртига чиқиб кампир ўйлайди: Холбеканинг қаёқда эканин билмайди, Холбека деб тўрадан эшитиб ўтирибди, кампирни ваҳм босиб, лол бўлиб, ўтириб эди, кўнглига бир гап кела қолди: «Топдим, топдим», — деб жойидан ирғиб турди. Кампир нимани топди? Бир қизи боб эди, отини Замонгул дер эди. Уч ойча бўлиб эди. Холбека каниз қилмоққа олиб кетиб эди. Шундан бир кун илгари «Менинг устимни ювиб берсин», — деб арз қилиб олиб келган эди.

Замонгул ҳовузнинг бўйида энасининг уст-бошини ювиб ўтириб эди, кампир қизга қараб равона бўлди. Йўлда ўзига-ўзи айтди: «Менинг Замонгул жоним ҳам тўладан кеган, ийлаб ташлаган пўладан кеган: качкул бет, бурни паст, қулоғи юқадан кеган қоринли, сийроқли, бўрбойли — ажабтовурроқ қиз ҳеч ким ҳам камситмайди. Холбека шу деб қўйнига соламан-да, қўяман, таниб-билиб етибми? Бир хонзода куёвли булиб қоламан»,— деб уриб Замонгул қизининг олдига бориб, бир сўз деб турибди:

Ички кўйлагинг кийинчи,
Тоблаб зулфингни туйинчи⁸,
Бир муносиб ёринг келди,
Замонгул, бергин суюнчи.

Номус билан оринг келди,
Қаторингда норинг келди,
Замонгул, бергин суюнчи,
Бир муносиб ёринг келди.

Кетар бахтингнинг қораси,
Битмас кўнгилнинг яраси,
Бир муносиб ёринг келди,
Келди Нўғойнинг тўраси.

Нард ўйнагин, нардин утгин,
Ошиқликдан қонлар ютгин.

⁸ Туйгин, ўргин маъносида.

Келди Нўғойнинг тўраси,
Отингни Холбека тутгин.

Кокилингнинг бандин туйгин,
Ярашиққа турли кийгин,
Келди Нўғойнинг тўраси,
Отингни Холбека қўйгин.

Сенинг ҳуснинг тоза гулдир,
Санам қизлар сенга қулдир,
Зинҳор, отим Холбека де,
Тайинлаган сўзим шулдир.

Кампир бу сўзларни айтди, Замонгулнинг қулоғига ёқиб кетди. Тоғорани олиб урди, икки бўлди, собунни отиб юборди, собунни ит олди. Қуруқ кийимнинг барисини сувга босиб олди. Бир кўйлакка барини солиб, эгнига олиб уйига қараб равона бўлди. Кўчага юрмай, йўлни тўғрилаб, бир пахса, икки пахса девордан оёғи тегмай ирғиб ошиб бораётибди. Кампир тирмалаб девордан ошолмай, қизига эргашолмай, орқасидан қичқириб: «Хў сиёҳбахт, қараб тур, беш-олти оғиз гапим бор, тайинлайин», — деса ҳам Замонгул қарамай, энаси ярим йўлга келгунча, уйига келиб қўйди. Устидагисини бир ерга қўйиб, юзининг терларини артиб, ўзига оро бериб: «Ассалом алайкум», деб кириб борди. Тўранинг ҳайбатига ботолмай, пастроқ ўтирди. Тўра бир қараб, ундан кейин қарамади. Шу фўрсатда момо келиб қолди. Қараса, иккови юзма-юз бўлиб ерга қараб ўтирибди. Момо айтди: — Э шахзода, бу ерда асло гумонтарс қилманглар, бу ерга ҳеч ким келмас, одам боласи гумон қилмас, излаб келган Холбеканг шу. Энди икковинг ўйнаб-кула беринглар, билганларингни қила беринглар. Мен ҳов ана у овулга олачиққа бораман, — деб кампир чиқиб кетди.

Замонгул бир фасл, икки фасл ўтирди, тўра гап қотмади. Замонгул ўзига айтди: «Кел э, ётиб қолгунча, отиб қол», деган экан.

Неча ерлардан тимсол қилиб, бир сўз деди:

Аё тўрам, айтмагунча билмадинг,
Е билмайман, бизни кўзга илмадинг,
Уч ойчалик йўлдан ёр излаб келиб,
Не бўлди, ёр билан ўйнаб-кулмадинг?

Баланд тоғнинг терскай бети қор билан,
Бозиргоннинг иши лўкча нор билан,
Уч ойчалик йўлдан ёр излаб келиб,
Не бўлди, кулмайсиз, тўрам, ёр билан?

Бу Зангарда элнинг сўзлар сўзиман,
Овозадор элатимнинг нозиман,
Бу элларда чин деганнинг ўзиман,
Излаб келган Шоир вазир қизиман.

Қизларнинг ичида сарвинозиман,
Санамлар ичида жоду кўзиман,
Не бўлди, кулмадинг, тўрам ёр билан,
Излаб келган Холбеканинг ўзиман.

Тўранинг қаҳри келиб, ҳар кўзи пиёладай бўлиб,
илондай тўлғониб, оловдай ёниб, бир сўз деди:

Холбекажон бу ерларга кemasди
Келган билан мен Холбека демасди,
Холбекага менгзай берма ўзингни,
Холбеканинг шакли сендай эмасди(р).

Қўлингдан учириб турна, ғозингни,
Заъфарондай ғам сарғайтиб юзингни,
Холбеканинг шакли сендай эмасди(р),
Холбекага менгзай берма ўзингни.

Оқизарман кўздан қонли ёшингни,
Йиғлатиб ортингда эмикдошингни,
Нопором сўзларни менга сўзлама,
Кесарман, жувонмарг, тандан бошингни.

Армон билан билмаганинг билдириб,
Ханжар чекиб, қора бағринг тилдириб,
Нопором сўзларни менга сўзлама,
Кетарман жувонмарг, дарров ўлдириб.

Қулоққа олмасман йиғлаганингни,
Хазон қилиб қизил гулдай танингни,
Холбекадан гапирмагин, жувонмарг,
Қиличман тўкарман ерга қонингни.

Замонгул ўзига айтди: «Бу яқин кўрган экан-да, айтдим, менга қарамайди, деб. Кел-э, энди, агар кўрмаган бўлса, ўзимни бир мақтайин, агар қаҳр қилса, қочиб кетаман-ку», — деб дасти алиф лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, тўрага қараб, бир сўз деб турибди;

Холбека қизнинг қораси,
Менман қизларнинг сараси,
Холбекангдан ўзим яхши,
Бетида овғон яраси.

Ярашиққа кўзин сузган,
Йигитларнинг жонин узган,
Холбекадан ўзим яхши,
Ўнг бетини овғон бузган.

Нақш олмадай юзим яхши,
Менинг сўзлар сўзим яхши,
Холбеканг қизнинг сараси,
Холбекангдан ўзим яхши.

Холбеканг бир қора қиздир,
Шоҳ кўзлари ола қиздир,
Холбекангдан ўзим яхши,
Ошиқларга бало қиздир.

Ишқ ўтига куйгин, тўрам,
Энди мени суйгин, тўрам,
Холбекангдан ўзим яхши,
Холбекангни қўйгин, тўрам.

Алқисса, тўранинг аччиғи келиб, исфиҳон шамширнинг дастасига қўл солди. Замонгул шошиб, суруниб далага чиқаман, деб манглайини бўсағага уриб олди. Бир кавуш оёғига илинди, бирови ичкарида қолди. Шу чопгандан ҳовлининг у бошига югуриб бориб, орқасига қараса, ҳеч ким йўқ. Аста кейинига қайтиб эшикдан сийғалаб қараса, тўра шу ўтиришида ўтирибди. Ичкари кириб, кавушини олайин деса, тўранинг ҳайбатида қўриқиб тўрага қараб бир сўз дегани, тўра жавоб бергани.

Савол:

Қулоқ сол, тўражон, айтган сўзима,
Жимма-жимма ёшим тўлган кўзима,

Холбекани мен кўрсатсам, тўрамжон,
Кирасига не берасан ўзима?

Жавоб:

Сен тила, қаторда берай норимни,
Нор устига юклаб берай заримни,
Аввал Холбекани кўрсат кўзима,
Андин сўнгра олгин ҳар даркорингни.

Савол:

Қизлар билан сайр этмоққа боғ яхши,
Қиморбозлар ўйнамоққа жоқ яхши,
Неча-неча насияндан куйганман,
Ҳарна берсанг, тўрам, бизга нақ яхши.

Жавоб:

Мард ўғлонман, ишим ҳақдин кўрайин,
Улмасам дунёда даврон сурайин,
Насиядан куйган бўлсанг, Гулзамон,
Эса тила, мақсадингни берайин.

Савол:

Сенинг ҳуснинг менинг ақлим олади,
Зулфинг офат, ҳар хаёлга солади,
Молу дунёнг даркор эмас Замонга,
Бир оқшом қўйнимда ётсанг бўлади.

Тўра ётсам ётайин, деб розилик бергандай бўлди...

Тўра айтди:— Холбекага бормаймизми?

Замонгул айтди: — Бугун ётсангиз экан.

Кунтуғмиш айтди:— Э, Замонгул, эсинг йўқ қиз экансан. Мен Холбекага борган билан олдимми, бир томошайи жамол учун кўрмак ҳавасидаман. Бориб кўрсам, кунда кечкисин қайтиб кела бераман-да,— деди. Замонгул аҳмоқ қиз эди:— Тўрам, шундай қилинг, бошқа ерга борманг, кунда бизникига кела беринг, — деб олди га тушиб кета берди. Холбеканинг кўшикига яқин боргандан кейин Замонгул айтди: — Тўрам, пулингиз борми? Агар пулингиз бор бўлса, шу турган тим, қуруқ

турганингиз бўлмас, икки бўғча мол олиб чиқсангиз, кўшкнинг остида ёйиб ўтирсангиз, дарров Холбека чиқади, кўрасиз, кўзи тушса ўласиз, у ёғини ўзингиз биласиз, — деб ўтиб кетди.

Тўра тимга кириб, икки бўғча мата сотиб олиб, базозбачча бўлиб, Холбеканинг кўшки остида маталарини кўшкнинг деворларига суяб, молларини ёйиб ўтириб эди. Бир вақт қараса, Холбека қирқин қизи билан, неча сарвинози билан, қанча жоду кўзи билан кўшкига чиқиб бораётибди. Бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш—ўни кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувга ботирган, бир ёғини нуқра сувга ботирган, тонг шамолига қотирган. Кўзи жовдираб, зулфлари шовдираб, зулфининг жилоси юзига уриб, юзининг жилваси зулфига уриб, яшин тушгандай бўлиб, мусичалар, тўрғайлар, ғазалайлар Холбеканинг жамолига ошифта-ю шайдо бўлиб, эғнига тегиб учиб бораётибди. Шаҳзода Холбеканинг жамолини кўриб, қайқайиб туриб, биқинини ушлаб, лабини тишлаб, кўзини ёшлаб, ияги қалтираб, кўзи ялтираб, қулоғи битиб, ҳисоби йитиб, ақлидан кетиб, «Сад офарин ҳусни жамолинга», деб довушининг борича бақириб, «Бу ёққа кел дейман», деб чақириб, бир сўз деб турибди:

Бандаман юзда холинга,
Сенинг қилган хаёлинга,
Шунча вақтлар интиқ бўлиб,
Бугун етдим жамолинга...

Қирқин қизи бирдай бўлиб,
Боғда очилган гулдай бўлиб
Жаннатдаги ҳурдай бўлиб,
Холбека чиқди кўшкига.

Қирқин қизи гулдай жайнаб,
Ҳаммаси суқсурдай бўйлаб,
Ўз зулфиман ўзи ўйнаб,
Холбека чиқди кўшкига.

Ойим қирқин қизи билан,
Неча жоду кўзи билан,
Олтмиш икки нози билан,
Холбека чиқди кўшкига.

Нози билан бир-бир босиб,
Мушку анбар, йипор сасиб,
Кўрганнинг кўкайин кесиб,
Холбека чиқди кўшкига.

Мавж уриб, дарёдай тошиб,
Кўрганларнинг ақли шошиб,
Қоши кўзига ярашиб,
Холбека чиқди кўшкига.

Холбека бир ойдаи бўлиб,
Қоши сари ёйдаи бўлиб,
Асовлиги тойдай бўлиб,
Ювошлиги қўйдаи бўлиб,
Ноз билан кулиб сўйласа,
Майин сари мойдай бўлиб,
Силкиниб чиқди зинага.

Олғир қарчиғайдай бўлиб,
Нози билан бир-бир босиб,
Минг қўйи бор бойдай бўлиб,
Холбека чиқди кўшкига.—

деб бақириб-чақириб турган вақтида, Холбека ойим пастга қараса, бир ўзбак: «Холбека қизлари билан кўшкига чиқди»,— деб шовқин солиб турибди.

Холбека кўшкининг устига чиқиб кетди. Ўз жойига бориб ўтириб, юзидан ниқобини олиб, оламга назар солиб, томоша қилиб, қизларидан сўради:— Э канизлар, пастдаги турган одамдин хабарларингиз борми, соғми, тентакми?

Шунда канизларнинг ичида ~~Чаққон каниз деган~~ бир қиз бор эди. Шу туриб арз қилди:— Э бувушим, пастда турган ўзбак янгигина Замонгул билан бирга келган эди. Мен кўриб таниб олдим. У чала баззоз бўлиб ўтирибди,— дегандан Замонгул:— Одамлар сўқмоқ билан шундай гапириб қўя беради, кўрсак кўр бўлайик, кўзимиз чиқсин,— деб турибди. Холбека айтди:— Э қизлар, яхши бўлибди. Агар баззоз бўлса, Замонгул билан Чаққон, икковинг бориб ҳар тусли маталаридан бир олчин-бир олчин олиб келинглар. Кўраман, ўз юртимнинг моли бўлса, мени кўрмоқ учун келиб ўтирган, ўзини ўлдириб, жазосини бераман ва агар икки ойлик, уч ойлик

ернинг матаси бўлса, менинг расмимни билмайди, молларини талатиб, ўзини бадарга ҳайдаб юбораман,— деб Чаққон билан Замонгул канизни юборди. Улар кўшкидан пастга тушиб тўрага қараса, шердай ҳайбатига, аждардай суратига, Ҳустамдай қувватига, арслондай сиёсатига, булутдай савлатига босиб келолмади, молига харидор бўлолмади, молини ололмади. Чаққон ҳайрон бўлиб, Замонгул узоқдан бетини беркитиб, қошига йўламай қочиб юрибди. Алҳол, иккови Холбеканинг олдига қайтиб чиқиб кетди.

— Ҳа, канизлар, маталаринг қани?— деди.

Шунда Чаққон жойидан туриб, даст алиф лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, бир сўз деди:

Мард ўғлонга даврон икки кemasди,
Мард ўлмай ҳақини душман емасди,
Билганимни бир-бир баён айлайин,
Келган одам сира баззоz эмасди(р).

Белига бойланган олмос қиёғи,
Кўнглида кўп экан қайғуман доғи,
Кўзлари қамбардир, бодом қабоғи,
Бу одамга ўшшамайди сиёғи,
Билаги темирдан, пўлат тирноғи,
Йигитнинг туйғунин кўрдим, бувушим.

Ўзи сардор экан, сардор сабоқли,
От устига минган кунни ўмоқли,
Халойиққа ёмон кунни керакли,
Қарчиғай келбатли, бургут қабоқли,
Йигитнинг лочинин кўрдим, бувушим.

Мунча хушруй бўпти, ҳақнинг фармони,
Уни кўрганларнинг кетар дармони,
Унга теккан қизнинг йўқдир армони,
Бир таъриф айлайин, куйгин, бувушим.

Ёшлигинда адаб опти мулладан,
Бир зувала ортиқ келган оллодан,
Бир кокили нуқра, бири тилладан,
Зулфи зарафшонни кўрдим, бувушим.

Гапирса келади гапнинг маъқули,
Мард ўғлоннинг бўлар пирга дохили,
Бири нуқра, бири тилла жокили,
Биҳиштнинг филмонин кўрдим, бувушим.

Қирғий деган қушлар бўлар қиёда,
Ўлимча ёмон иш борми дунёда?
Сулувлиги, бувим, сиздан зиёда,
Паризод инсонин кўрдим, бувушим.

Қокилингнинг бандин туйгин, бувушим,
Ярашиққа турли кийгин, бувушим,
Бир таъриф айлайин куйгин, бувушим,
Мени десанг, шуни суйгин, бувушим,
Дунёдан беармон ўтайин десанг,
Олмадай искалаб ётайин десанг,
Эрга тегсанг, шунга тейгин⁹, бувушим.

Холбека ойимнинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб:— Мен сенга мата олиб кел десам, сен менга эр топиб келар экансан. Менча бўлдию, бо зиёда ҳам қолдимми?— деб қаҳри билан Чаққонга бир чангал солиб, қирқ зиналик кўшкидан силтаб отиб юборди. Бечора Чаққон ерга тушганча бўлак-бўлак бўлиб кетди. Баҳрагул вазирига фармон қилди: — Замонгул билан бориб, ҳар тусли матасидан бир олчин-бир олчин олиб кел, — деб қайтадан юборди. Баҳрагул ҳам тўранинг ҳайбатига келолмай, қуруқ қайтиб кетди. Холбека айтди:— Баҳрагул, олиб келган маталаринг қани?

Баҳрагул Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Бувушим, ул одам баззоэ эмасди(р),
Жондан кечмай бу манзилга кemasди,
Билганимни бир-бир баён айласам,
Баззоэларнинг шакли ундай эмасди(р).

Бир ўғлондир, мисли дарёдай тошган,
Зулфлари ўралиб гарданга тушган,
Юзлари қизариб олмадай пишган,
Бормоққа ҳар кимнинг ақли шошган,

⁹ Теккин.

Қошида донолар сўздан адашган,
Душмани шер бўлса, қайтмай савашган,
Минган оти, кийган туни ярашган,
Жамолига қараган кўз қамашган,
Нур юзига ою офтоб талашган.

Билганимни бир-бир баён айласам,
Икки кўздан оққан қонли жаласи,
Исфиҳонни тебратади қилган ноласи,
Дойим раҳм айласин тангрим толаси,
Мен билгимда улуг шоҳнинг боласи.

Билганимни бир-бир баён айлайн:
Беклар минар бедов отнинг толмасин,
Мард бўлиб белига бойлаб олмасин,
Жудоликни қодир эгам солмасин,
Бу зоҳирда ёмон куни бўлмасин,
Сени излаб Нўғойдан тўра келмасин,
Гумоним шу, хон Кунтуғмиш бўлмасин,
Қодир мавлон менинг ақлим олмасин.

Ҳушни офат, ҳар хаёлга солмасин,
Чаққондай бувушим ғазаб қилмасин,
Дўст-душманга бу сўз шоён бўлмасин,
Келган одам сира баззоз эмасди(р),
Нўғойдан Кунтуғмиш тўра келмасин.

Шонаман зулфларни тоблаб ўрайик,
Ҳар иш бўлса яратгандан кўрайик,
Баззоз билан сенинг ишинг бўлмасин,
Кўшқидан ҳовлига қайтиб борайик,
Шу баззозни олиб бориб олдингга,
Аҳволини ўзидан, бувуш, сўрайик.

Холбека ойм:— Яхши маслаҳат бердинг,— деб сини ичида пўшида қилди.

Подшо ноғорани урди, қизлар ҳам пастга қараб юрди, келиб хос манзилга кирди. Анда Холбека ойм зар-

рин пештоқли айвонларин безаб, қирқин қизин ясаб, бор шоҳона кийимларини кийиб, ўзига оро бера берди. Тўртта дарбон канизларини буюрди:— Шу баззозбаччани олиб келинглар, келмаганига қўйманглар.

Энди сўзни Кунтуғмиш тўрадан эшитинг. Қизлар пастга тушиб кетиб эди, маталарин йиғиб, бойлай берди: «Фойдани биз қилдик, савдони тамом қилдик, кунда саҳар қилмоқ даркор, қизлар пастга тушганча шу ерда бўлмоқ даркор»,— деб бўғчаларини қўлтигига олиб кетиб бораётир эди. Қизлар қараса, баззоз жўнаб турибди. Қизлар орқасидан чақириб, қараб тур,— деб бир сўз деди:

Қизил гул очилур ғунчадин ғунча,
Тоқатим йўқ яна гул очилгунча,
Сен савдогар бўлсанг, қизлар харидор,
Тура тур, бўйингдан, савдогарбачча.

Сенга толиб, билсанг, бу ерда неча,
Ошиқнинг завқидир қоронғи кеча,
Сенинг билан қизлар савдо қилади...
Тура тур, бўйингдан, савдогарбачча.

Сенинг ҳуснинг менинг ақлим олади,
Хулқинг офат, ҳар хаёлга солиди,
Тура тур, бўйингдан, савдогарбачча,
Сенинг билан қизлар савдо қилади...

Ўқ отса, мерганнинг ўқи зирлайди,
Қамчи тегса, чин бедовлар пирлайди.
Сен савдогар бўлсанг, қизлар харидор,
Келсин деди, сизни бувум чарлайди.

Алқисса, тўра кетига қараса, тўрт қиз «тўхта-чи, тўхта»,— деб чопиб келади. Аввалги икки марта келган канизлардан ҳам хабари бор эди. Тўра тўхтамай:— Э қизлар, мени тўхтатиб нима қиласизлар, мата оламан де-

санг, тимдан ола бер, лекин мен хотин киши билан савдо-сотик қилмайман,— деб кета берди. Қизлар айтди:— Э, баззозбачча, буvuшим сизни олиб кел,— деб бизларни буюрди. Бизлар бувимнинг олдига олиб борамиз.

Тўра айтди:— Бизлар, ўзбак одам, тожикингга тушунмаймиз, буvuшинг қандай жондор, эркакми, урғочими?

Қизлар:— Вой-бўй, не балоси келди, сиз қандай одам эдингиз, бизларнинг каттамызни билмаган? Бизлар шу-нинг канизимиз.

Тўра айтди:— А, бувунг сизларнинг катталаринг бўлса, у ҳам аёл экан-да. Мен хотин билан савдо қилмайман. Хотин деган ўзини пишиқ билиб, бир пул учун таллашиб, одамнинг кўнглини қора қилади. Бор, бормайман,— деди. Қизлар айтди:— Бормайсан? Бормаганинга қўймасмиз, сени судраб олиб борамиз.

Икки қиз икки бўғчасини тортиб олиб, ул иккови тўранинг икки қўлтиғидан кириб, оёғини ерга тегизмай, олиб кета бердилар.

Холбека ойим қизларини ясаб, ўзларига оро бериб, хос меҳмонхонасида йигирма қизни бу ёғига ўтқазиб, йигирмасини бу ёғига ўтқазиб, зич бўлиб ўтирди. Қизларга тайин қилдики:— Шу одам эшикдан келса, битанг жой берсанг, ё ўрнингдан турсанг, ўлдираман,— деди. Шу вақтда тўра бориб қолди:— Ассалому алайкум,— деб эшикдан кириб борди. Тўрани кўргандан, Холбека ойим жойидан ирғиб туриб:— Ваалайкум ассалом, тўрага ўтинг,— деб ўзи пойгага югуриб ўтганини билмай қолди. Холбека туриб эди, қирқин қизи гуруллаб бари жойидан турди. Холбека тўрага тахтнинг устидан жой бериб, қўлига бир пиела қанд чой бериб, қизларига аввалги айтган сўзига тирра бўлиб, турага йўл бўлсин,— деб бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Кўнгли суйса, ёрнинг лаби бол бўлсин,
Қандай қўрқмай келдинг ажалхонага,
Жондан қўрқмай юрган жоним, йўл бўлсин?

Бу ерларга не гўзаллар йиғилган,
Олтин пиёлага майлар қуйилган,

Келган кетолмаган, бари сўйилган,
Жондан қўрқмай юрган ёрим, йўл бўлсин?

Бу ерларга не йўлбарслар келганди,
Бизнинг билан дасти дароз бўлганди,
Келган кетолмаган, бари ўлганди,
Жондан қўрқмай юрган жоним, йўл бўлсин?

Хабаринг йўқ сенинг қилган ишингдан,
Айрилиб келибсан тенгу тўшингдан,
Қайтиб келдинг қўрқмай, бачча, бошингдан
Жондан қўрқмай келган жоним, йўл бўлсин?

Жаллод қизлар ташна сенинг қонингга,
Ханжар қўяр қизил гулдай танингда,
Қандай раҳминг келмай ширин жонингда,
Жондан қўрқмай келган жоним, йўл бўлсин?

Сўзлагин, қаерда ўсган диёринг,
Не деб тушди бу ерларга гузаринг,
Ўз элингда шоҳинг кимдир, номдоринг?
Қўрқмай юрган жоним, сенга йўл бўлсин?

Сен ҳам бир боғчада боғнинг гулисан,
Расулга уммат, худойимнинг қулисан,
Қайси юртда қайси шоҳнинг улисан,
Жондан қўрқмай юрган жоним, йўл бўлсин?

Тўра Холбеканинг жамолини кўриб, юз шавқи-завқи билан кўнгил бериб, Холбеканинг бу ваҳшатига ҳайрон қолиб, нозига қойил бўлиб, ҳуснига мойил бўлиб, одамни ўлдирадиган жаллод қизларинг қайси?— деб баҳодирлик томирлари ҳаракатга келиб, аёл деган кишининг қўлидан нима келади, деб Холбекага қараб бир сўз деб турибди:

Фоний дунёнг барча қулдан ўтарми,
Куйсин ўлим, барчани йиғлатарми,

Уч ойчалик йўлдан бир ёр излаб келиб,
Уламан, деб ёрин кўрмай кетарми?

Оҳ уриб тўкканман кўздан ёшимни,
Мард ўғлонман, ҳақ ўнгарсин ишимни,
Нўғойдан от миниб сенга чиққанда,
Йўлингга дов деган ёлғиз бошимни.

Омонат, санамжон, одамнинг жони,
Қиличдан сесканмас ботирнинг тани,
Жондан кечмай бу ерларга келмайди,
Улимдан қўрқади, деб айтмагин мани...

Узим ёлғиз, ҳеч кимим йўқ қошима,
Қим раҳм этар кўздан оққан ёшима,
Уламан, деб мард талабдан қайтмайди,
Сеникидай лачагим йўқ бошимда.

Холбеканинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, қир-
қин қизларга қараб бир сўз деди:

Оғзига гап солсам, гапим олмайди,
Ўзбак экан, билганидан қолмайди,
Олиб кенглар, қирқин қизлар, нардимни,
Ажал ҳайдаб келган экан, бўлмайди.

Синаб кетсин номардимни, мардимни,
Миниб кетсин бедовимни, отимни,
Ажал ҳайдаб келган экан, бўлмайди,
Олиб кенглар, қирқин қизим, нардимни,

Албатта, эшитган менинг шартимни,
Қимга айтайин, дўстлар, ички дардимни,

Ажал ҳайдаб келган экан, бўлмайди,
Олиб кенглар, қирқин қизим, нардимни,

Бек бўлиб минибди отнинг толмасин,
Белига бойлабди кескир олмасин,
Олиб кенглар, қирқин қизлар, нардимни,
Еш бачча-де, ҳеч армони қолмасин.

Янгилмайди энди айтган сўзидан,
Қўлларнинг учирган турна, ғозидан,
Ҳарна бўлса тўра кўрсин ўзидан,
Домонгир бўлмасин Зангар қизидан.

Икки қиз бўланглаб жойидан турди,
Борди-да, ойимнинг нардин келтирди,
Йигирмадан бўлинишиб канизлар
Ўтириб нардининг донасин терди;
Икки шаҳзод чорзони бўп ўтириб,
Кишт, дейишиб иккови ўйнай берди.

«Зангарнинг элинда манзилим, жойим,
Кўкрагимга солма қайғуман войим,—
Қирқ каниз дилида айлар муножот.—
Шаҳзодага иқбол бергин, худойим,

Бу золим тўкмасин ерга қонини,
Қабул қил қизларнинг йиғлаганини.
Шаҳзодага иқбол бергин, худойим,
Бориб кўрсин Нўғойда маконини,
Омон сақла валлакатнинг жонини.

Ривож бергин шаҳзоданинг ишига,
Ёмон савдо касод қилар кишига,
Шаҳзодага иқбол бергин, худойим,
Кўп савдо солмагил ёлғиз бошига.

Армон билан билмаганин билдирар,
Ханжар чекиб қора бағрин тилдирар,
Ўзинг раҳм айлагин, нодон қўзига,
Утса раҳм айламас, мардни ўлдирар».

Икки толиб бир-бирига дуч бўлди,
Жамолига шаҳзод вақти хуш бўлди,

Чоштгоҳда қурилди ойимнинг нарди,
Ўйнай-ўйнай билинг роса туш бўлди.

Шаҳзода тўкади кўзининг ёшин,
Холбека, деб қаттиқ тутди койишин,
Икки барно утишолмай ўтири¹⁰,
Кун бўлди шу вақтда, билинглар, пешин.

Холбека, деб шаҳзод хун ила жигар,
Мот бўлса раҳм этмас, қонини тўкар,
Утишолмай ўтирибди иккови,
Шу вақтда бўлибди номозидигар.

Шом бўлибди, булар жудо бўлмайди,
Ўйини буларнинг одо бўлмайди.
Икки барно кишт дейишиб ўтири,
Қайсисин утарин киши билмайди.

Шаҳзода утсам деб жонини сотар,
Ва лекин утгунча кўп эрур хатар.
Кишт деди, ўйнай берди иккови,
Шу вақтда кун бўлди, билинглар, ётар.

Йиғламай, найлайн, қисмати қатти¹¹,
Нард учун шаҳзода жонини сотди,
Утишолмай ўтирибди иккови,
Шу вақтда тун ярим оқшомдан ўтди;
Балки ўтиб, билинг, саҳарга етди,
Шаҳзода дилинда муножот этди.

Узоқда қолгандир манзилим, жойим,
Сабил бўлиб қолди тилла саройим,
Гирифтор айлама золим қўлига,
Ўзинг обрў бергин қодир худойим.

Узоқда қолгандир манзил, диёрим,
Бехабар қолгандир кўп ич куярим,
Мен дар қолдим бу золимнинг қўлида,
Ўзинг обрў бергин парвардигорим...

Қоса олиб шароб ичган қирқ чилтон,
Хизир Илёс пирим, ё шоҳи жаҳон,

¹⁰ Утирур.

¹¹ Қаттиқ.

Бу қизнинг қўлида қўйма саргардон,
Бу мушкул ишимни айлангиз осон...

Холбека ойимнинг кўзига бир уйқуи галабани келтирдиким, уйқуниг мастлигидан ҳушини йўқотиб, гафлат хаёли билан бир кишти бежой босиб юборди. Шу вақтда тонг ёриб, субҳ бўлди. Шаҳзода Холбеканиг гафлат уйқуга кетганини билиб, бир кишти бежой босиб, Холбека ойимни мот қилди. Холбека хушига келиб қараса, шаҳзода мот қилиб ўтирибди. Жойидан туриб, иззат қилиб:— Менинг шартимни бажо келтирдинг, мен сеники бўлдим,— деб иккита муччини шаҳзодага нақд берди. Базм, суҳбатини қуриб, айшу ишратини қила берди. Буларни айшу ишрат қилмоқда қўйиб, энди икки калима сўзни шу шаҳарнинг подшоси Буврахондан эшитинг.

Холбекага ошиқ бўлгандан сўнг, у ҳам қирқ зинали ноғорахона қилдириб эди. Холбекага киши юбориб айтган эдики: «Ҳар кун намоз вақтидан кичик чоштгоҳга довуру кўшкисига чиқсин, юзидан ниқобини олсин, оламини томоша қилсин». Шу сабабдан ҳар кун бир марта Холбека кўшкига чиқар эди, бир соат турар эди. Подшо ҳам ноғорахонага чиқар эди, шу жойда Холбеканинг томошайи жамолини кўрар эди. Шаҳрига жарчи қўйиб қичқиртган эди: «Ҳар ким подшонинг ноғорасини эшитмай, подшо ноғорахонадан тушмай [далага чиқмасин]». Ҳар вақт подшо пастга қайтар бўлса, ноғорани уриб қайтар эди. Аҳли шаҳар муайян эшитар эди. Ундан илгари ҳеч ким далага чиқолмас эди. Амри подшо шу эдики: «Ҳар ким томга чиқса, эшикдан қараса, тешикдан қараса — боши ўлимда, моли таловда»,— деб эди.

Алҳол, подшо уч кун ноғорахонага чиқди, Холбека ойим кўшкига чиқмади. Подшо икки юз жаллод, тўрт юз мирғазабни буюрди:— ~~Бориб кўринглар, Холбека касал бўлдими, ё-иш ўсал бўлдими?~~

Подшонинг ҳукми билан жаллод, мирғазаб босиб кела берди. Кам ақл барча канизлар Холбеканинг тоби йўқ деб айтолмай, жаллодлардан қўрқиб, ол келди,— деб қоча берди. Мирғазаблар: «Бир шумлик бўлга экан»,— деб ҳужраларнинг эшигини бузиб кела берди. Қирқ уч ҳужра ичкима-ички, бир-бирининг устидан бўлган эди, бир тарафи Холбеканинг кўшки эди. Баҳрагул

чиқиб қараса, жаллодлар қарийб ўттиз ҳужрани бузибди, канизлар йиғлаб, чувлаб қочиб келаётибди. Анда Баҳрагул Холбеканинг олдига келса, оламдан беҳабар, тўраси билан бир тўшакда ухлаб ётибди. Шунда Холбекани уйғотиб, жаллодлардан хабар бериб, бир сўз деди:

Оқизиб кўзингдан қонли ёшингни,
Худойим ўнгласиң сенинг ишингни,
Шоҳдин фармон бўлди, келди мирғазаб,
Бувушим, уйқудан кўтар бошингни.

Ривожинг айладим худодан талаб,
Доим ишинг эди илм ила адаб,
Ғафлатдан кўтаргин, бувум, бошингни,
Шоҳдан фармон бўлди, келди мирғазаб,

Ойимлар шонаман зулфин таради,
Шона ташлаб қора зулфин ўради,
Ғафлатдан кўтаргин, бувум, бошингни,
Сени деб бир йўлбарс ўлиб боради.

Қулоқ солгил канизингнинг тилига,
Булбул ошно бўлар боғнинг гулига,
Уйқудан кўтаргин, бувум, бошингни,
Тушар бўлдик золимларнинг қўлига,

Мерган отар сувсиз чўлнинг ғозини,
Ким кўтармас санам ёрнинг нозини,
Эшитиб Баҳранинг айтган сўзини,
Уйқудан Холбека очди кўзини.

Алқисса, тўра ҳам уйғониб қараса, тўрт юз мирғазаб, икки юз жаллод, ҳайбат болтаси қўлида, кескир ханжари белида келиб қолибди. Тўра айтди:— Э, Холбекажон, дунёга келмоқдан мурод—ўлмоқ; боғона¹² сени олмай ўлиб кетганимда, юрагимда от бошидай армон кетар эди, алҳол бир кун ҳам бўлса, бир йил ҳам бўлса, минг йил ҳам бўлса, олдим, мақсудимга етдим, дунёдан армоним йўқ. Энди шу ёмонларнинг қўлида ўлганча, худонинг йўлида ўлсам бўлмасми? Холбека:— Мен ҳам қабул қилдим, — деб иккови биров-бировини қўлма-қўл

¹² Боя.

ушлаб, қучоқлашиб, кўшкдан ўзини ташлаб юборди. «Ҳақ сақласа бало йўқ, ҳақ қарғаса даво йўқ», ўтнинг ичида пахтани сақлайди. Икковининг ҳам кўйлагига шамол кириб, мисли қанотдай бўлиб, беозор, сиҳат ва саломат ерга тушди.

Холбека ғурури ҳуснда ҳеч кимни одам демай юрган эди, қаёққа борарини билмай:— Э тўрам, ошнохонанг бормиди? — деди. Анда шаҳзода ёрининг қўлидан ушлаб, кампир энасиникига олиб қочиб кетди. Кампир жойидан туриб, шаҳзоданинг бошидан парвона бўлиб, айланиб, томининг ичида бир ғўсалахона-ўрачаси бор эди, икковини шу ўрага солиб, устидан тахтаини қўйиб, устидан пўстагини солиб, чархини олдига олиб, пахта ипини йигирди-да, ўтирди.

Подшонинг жаллод, мирғазаблари Холбекани тополмай, ҳамма манзилларини бузиб: «Холбека қочибди»,— деб қайтиб борди. Подшо бу сўзни эшитиб уйқуда эди, бедор бўлди — уйғонди; ё маст эди, ҳушёр бўлди, балки жонидан, жамий умридан безор бўлди. Холбеканинг ишқига тоқат қилолмай, дарвоза-дарвозага одам қўйиб беркитди. Ҳеч кимни далага чиққали қўймади, ҳаммага йўл банд бўлди. Жарчилар: «Ҳар ким Холбекадан хабар берса, балки қошидаги жўраси билан олиб келса, бўйи баробарли зар бераман»,— деб кўчама-кўча, гузарма-гузар, маҳаллама-маҳалла чақириб юрибди. Бир тафтиш, тараддуд бўлди, шаҳарнинг ичи остин-устин, талотўп бўлиб қолди. Кампир жарчиларнинг сўзини эшитиб: «Подшонинг зари бошидан қолсин, менга ошиқ-маъшукнинг алқаган савоби ҳам бўлади»,— деди.

Уч кун шаҳарга чақирув бўлди. Уч кундан кейин бо қичқирди: «Ҳар кимнинг ҳовлисини, уйини подшолик одамлари бориб қарайди, ҳар кимникидан топса, ўзини ўлдириб, молини талайди».

Кампир бу сўзни эшитиб қўрқди. Кунтуғмиш тўра билан Холбекага:— Э болаларим, менинг уйимни қараб ўтиб кетганча, подшонинг бир кўҳна сомонхонаси бор, шунга олиб бориб қўяйин, уйимни кўргандан кейин сизларни тағи қайтариб олиб келаман,— деб икковини оқшом ҳеч кимга кўрсатмай, подшонинг сомонхонасига олиб бориб беркитиб кетди.

Энди гапни кимдан эшитинг.

Подшонинг Замонқул деган бир қари эски қули бор эди. Давлатхонага сомон даркор бўлиб қолди. Йигир-

ма-ўттиз қанорни олиб келиб, сомонга ётқизиб, сомонни тиқиб жойлай берди. Йигирма қанор тиқиб эди, ўнтаси қолиб эди, иккови жуппай бўлиб оғзига йиқилиб қолди. Замонқулнинг кўзи тушди, тура солиб қочди. «Ўзим ҳам гумон қилиб юрар эдим, ажинаси бор деб, нармода экан»,— деб қоча берди. Холбека ойим орқасидан ҳез қилиб қувди. Замонқул ушлатмай, далага қочиб чиқиб, орқасига қараса, Холбека эшикнинг олдига келиб қопти. Тўра шу жойида туриб қолибди. Шунда Холбека эланиб-ёлбориб, қулни алдаб бир сўз деб турибди:

Оқизинг кўзидан қонли ёшини,
Учиринг қўлидан давлат қушини,
Тан бағишлаб, бобо, сизга тегайин,
Келиб кесгин шаҳзоданинг бошини.

Армон билан билмаганин билдиргин,
Ханжар чекиб қора бағрин тилдиргин,
Тан бағишлаб, бобо, сизга тегайин,
Энди келиб шаҳзодани ўлдиргин.

Кокилимнинг бандиң тоблаб туяйин,
Ярашиққа турли либос кияйин,
Кесиб олгин шаҳзоданинг бошини,
Тан бағишлаб, бобо, сизга тияйин¹³.

Алқисса, Замонқул Холбека эканлигини таниб: «Бахти бадга қайтган баччағарга қара, мени сиҳр-найранг билан фириб-фусун қиламан дейди, бобонг бу соқолни қаерда оқартган»,—деб Холбекага қараб бир сўз деди:

Кўзлари қамбарсан, қоши қаламсан,
Кўрганларга солган қайғу-аламсан,
Сендай санам мендай қулга тегарми,
Жодугар, сиҳргар, баттол санамсан.

Қочмоққа қўймассан, йўлим тўсарсан,
Поралаб-поралаб гўшим ўсарсан,
Жодугар, сиҳргар, баттол санамсан,
Алдаб ушлаб Замонқулни босарсан.

¹³ Тегайин.

Шаҳзодангни сира кўзинг қиярми,
Сендай санам қора зулфин туярми,
Алдаб ушлаб Замонқулни босмоқчи,
Сендай барно мендай қулга тиярми?

Замонқул шоҳдан суюнчи олади,
Бек Замонқул бегларбеги бўлади,
Бегларбеги насиб қилсин ўзига,
Банди боши озод бўлиб қолади.

Алқисса, Холбека лаълими қасамлардан ичиб:— Шу сўзимдан қайтсам, елкамнинг чуқуриң кўрмай ўлайин, босган изим орқамда қолсин,—деб шундай «катта» қасамлардан ичиб, Замонқулни арбаб¹⁴ туриб эди. Замонқул ҳам фириб емас эди, лекин томошайи жамол қилиб туриб эди.

Узоқдан сўзлашиб турган вақтда бир Мутавалли кал деган бенаво шу гузарнинг подасини боққан эди. Бир қаллоб чатоқ қилиб, икки поданинг ҳақили бермай юриб эди. Унда кал: «Подшога бориб, ўттиз поданинг ҳақи, деб уйини куйдириб юбормасам»,—деб кўчада келар эди. Қулоғига гунг-гунг одамнинг довуши келиб, деворнинг тешигидан қараса, тўра томнинг тўрида, Холбека ўртада, Замонқул эшикнинг олдида гаплашиб турибди. Кал... чопиб кетди. Подшонинг тахтининг олдида бориб дўстуман йиқилди. Анда дарбонлар:—Тур э, сасиқ кал,—деб тепки остига олди.

Кал: — Тепма, хушхабар келтирдим, — деб эди, подшо айтди: — Айт, э, ўлдим, бўйинг баробарли зар бераман.

Анда кал айтди: — Бўйим баробарли заринг бир кўнлик ичкилигимга бўлмайди.

— Кўп катта харж кал, агар топса, — деди подшо.— Эса, нима оласан? Кал айтди:— Қўрғонхони, қўрғон.

Подшо айтди: — Бор, фалон қўрғонни сента бердим, ўлганча еб ётабер.

Анда кал, қуллуқ, деб подшога бир сўз деди:

Оқизинг кўзидан қонли ёшини,
Қўлидан учиринг давлат қушини,
Аввал кесинг Замонқулнинг бошини,
Ташиб берар экан нони ошини.

¹⁴ Авраб.

Аввал олинг Замонқулнинг жонини,
Ерга тўкинг бунинг қизил қонини,
Учови ўтирур сомонхонада,
Ташиб берар экан оши нонини.

Армон билан билмаганин билдиринг,
Ханжар солиб, қора бағрий тилдиринг,
Аввал бошлаб Замонқулни ўлдиринг,
Уларни бойлатиб, олиб келтиринг.

Қулоқ солгин турли-турли намога,
Улим ҳақ буйруғи шоҳу гадога.
Аввал бошлаб Замонқулни ўлдиринг,
Учови ўлтирур сомонхонада.

Подшонинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, аж-дарҳодай тўлғониб:— Замонқулни кўргандан ўлдиринг. У икковини аркони давлатга ўлдирмай ҳозир қилинг,— деди. Икки юз жаллод, тўрт юз мирғазаб, қанча оло-мон билан сомонхонага қараб равона бўлди. Замонқул ҳам Холбеканинг олдидан чиқиб: «Подшодан суюнчи оламан», — деб келаётир эди. Бир одам кўриб: — Қоч, Замонқул, ўласан, — деди. Замонқул айтди: — Замонқул ўлади? Замонқул хушxabар олиб бораётибди, бегларбеги бўлади, ҳеч нарса бермаса ҳам банди боши озод бўлиб қолади.

Замонқул бораётир эди, бир жаллод чопиб келиб қилич билан қўйиб юборди, бечоранинг банди боши озод бўлиб қола берди.

Подшонинг мирғазаб, жаллодлари сомонхонага кириб, тўра билан Холбеканинг икки қўлини боғлаб, сийнасини доғлаб, олдига солиб ҳайдаб, қор-ёмғирдай бошига қамчи ёғдириб, ҳар қайсисининг бошига бирдан беш юз, олти юз қамчи уриб борар эди. Шунда Холбека ойим ўзининг таёғи ўзига билинмай, тўрасига раҳми келиб, жаллодларга эланиб бир сўз деди:

Барчани яратган қудратли жаббор,
Ҳар кимни бир кўйга қилди гирифтор,
Қўлинг дард кўрмагур, жаллод, мирғазаб,
Қулоқ сол, жаллодлар, айтар арзим бор:

Узоқда қолгандир манзили-жойи,
Сабил бўлиб тилла нақшин саройи,

Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Бу ишда тўрамнинг йўқдир гуноғи.

Утар дунё, қиёматни ўйланглар,
Тил боринда турфа-турфа сўйланглар,
Қанча гуноҳ десанг, менинг бўйнима,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,

Қулоқ сол, жаллодлар, қилган додима,
Қайтайин етмай ўлдим мақсадима,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Бир ўғлон ўлмасин касофатима.

Беклар минар бедов отинг толмасин,
Ҳеч кимса дунёда мендай бўлмасин,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Менинг учун бир шаҳзода ўлмасин.

Қорахоннинг юрти сабил қолмасин,
Бек бўлган белига бойлар олмасин,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Мени деб мард ўғлон нобуд бўлмасин.

Қулоқ сонглар Холбеканинг тилига,
Булбул ошно бўлар боғнинг гулига,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Мусофирдир, эсон кетсин элига.

Жаллодлар: — Бу бахти қайтган баччағар, ҳали ҳам аввалги ҳукумати¹⁵ қилади, ҳали гаёқ ўтган йўқ, қаттиқроқ уринг, — деб илгаригидан кўпроқ урди. Шунда тўра ёрининг аҳволига раҳми келиб, жаллодларга эланма, деб бир сўз деди:

Аё, нозим, бир гапим бор англаб ол,
Мен сўзлайин, зиҳнингни қўй, қулоқ сол,
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Гавҳарни не билсин ушалган сопол.

Емоннинг қарори бўлмас бир ерда,
Кишига касоди тегар тор ерда,

¹⁵ Катталигини.

Гавҳарни не билсин ушалган сопол,
Зарнинг қадрин заргар билар ҳар ерда.

Бефарзанднинг кўрган куни зояма¹⁶,
Йўқчилик жўмарднинг кўзин ўяма?
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Сен қўй деган билан жаллод қўяма?

Аттанг-а, даври давроним бўлмади,
Бул ишлардан пушаймоним бўлмади.
Мен шунингдай банди бўлган кунимда,
Во болам, деб отажоним бўлмади.

Уч лак эди олдимдаги сипоҳим,
Саваш излар паҳлавоним бўлмади,
Қайтайин, ўсган диёрим бўлмади,
Жон ачирим, ичкуярим бўлмади.

Бир неча хешу тоборим бўлмади,
Мен шунингдай банди бўлган кунимда,
Энам бебахт ул ночорим бўлмади,
Армон билан ўлар бўлдим мен энди,
Ҳай аттанг, тайин мозорим бўлмади.

Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан,
Ўлим учун ғам емайман, бўйингдан,
Бир армоним, ёлғиз эдим энадан.

Белима бойланган заррин пўтадан,
Қамлигим йўқ эди атлас-кимхобдан,
Ўлим учун ғам емайман, бўйингдан,
Бир армоним, ёлғиз эдим отадан.

Белима бойланган олмос қиёғим,
Ғам билан сарғайган гулдай сиёғим,
Ўлим учун ғам емайман, бўйингдан,
Қолмади оламда бирор туёғим.

Дона эдим, сомон бўлдим,
Олтин эдим, чўян бўлдим,

¹⁶ Зоёми.

Қиммат эдим, арзон бўлдим,
Бир шоҳ эдим, чўпон бўлдим,
Барисидан суво бўлдим.

Ғарибликда эътиборим бўлмади,
Исфиҳон — кескир ханжарим бўлмади,
Нўғой элдан бирга келган, қошимда —
Қирқ йигитим, аждаҳорим бўлмади.
Кичикликда бирга юрган бекларим —
Не шаҳзодлар, номдорим бўлмади.

Холбека тўрасининг бу сўзларини эшитиб: «Ҳай ат-
танг, тўрам ёлғиз экан»,— деб кўнгли бузилиб, кўзи-
дан ёши тизилиб, бағри эзилиб, жаллодларга бир сўз
деб турибди:

Жаллодлар, айтайин сенга бир сўзни,
Мени деб тарк этди кеча-кундузни,
Эсиз, тўрам ёлғиз экан энадан,
Мерганлар ирим қип отмас ёлғизни.

Пайдо бўлган икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учиб қўнган хонадан,
Мерганлар ирим қип отмас ёлғизни,
Эсиз, тўрам ёлғиз экан энадан.

Белига бойланган заррин пўлатдан,
Бандасининг иши кори хатодан,
Мерганлар ирим қип отмас ёлғизни,
Эсиз, тўрам ёлғиз экан отадан.

Жаллодларга элангани қўймайди,
Тўрасини сира кўзи қиймайди,
— Урҳа-ур,— деб сатта золим мирғазаб,
Ҳалиям энағар тилдан тоймайди.

Чинқирмоқдан бунда армон қолмади,
Довушига тоғлар тоқат қилмади,
Зангар элда катта-кичик халойиқ,
Йиғламаган элда одам бўлмади,
Мурувватсиз, соп бераҳм жаллодлар,
Шаҳзоданинг қадрини ҳеч билмади.

Йиғлайди Холбека, ёшин тиймайди,
Кўп маҳосил бирор фасл қўймайди,
Узин жабри кўринмайди кўзига,
Тўрасини асло кўзи қиймайди:

— Мени излаб Нўғойдан нега келдинг, деб,
Мен бебахтга нега ошиқ бўлдинг, деб,
Ёринг бўлиб не кунингга ярадим,
Менинг учун армон билан ўлдинг, деб.

Заррин рўмолимни бошга ўрадим,
Туш кўрганда яхшиликка жўрадим,
Озорингдан танда жоним айлансин,
Ёринг бўлиб не кунингга ярадим.

Савдо тушган шаҳзоданинг бошига,
Қул қойил қудратли ҳақнинг ишига,
Зулм билан қонга бўяб золимлар,
Ҳайдаб борди подшосининг қошига.

Алқисса, подшонинг олдидаги умаролари, маҳрам, ясовул, ўгачи, шиғовул, дарбон, баковул, асабадор, туғдор, қози, муҳрдор — ҳеч қайсиси шаҳзодага совуқ шамолни раво кўрмай, нима қиларини билмай, шаҳзодани тилаб ололмай, шоҳига бир гапни маъқул қилолмай, дол бўлиб туриб эди, подшо маслаҳат сўраб айтди:— Аркони давлатим, уламо-муфтиларим, иноқ вазирларим, кенгашдон доноларим! Мендай улуг подшонинг ҳайбатидан қўрқмай, қиличдан хавфи тарс қилмай, [подшо] хонадонига хиёнат қилгувчиларни нима қилмоқ керак?

Ҳамма умаролар маслаҳат қилиб кенгашдиларки: «Бу гапни шоҳ яхши айтди. Бир иш-э қилинг, шу бегуноҳлар ўлмасин. «Хон ғазоби — худо ғазоби» деган экан. Буларни шаҳардан тирик чиқариб юборайлик, банди бўлса ҳам тирик кетса, ажали етмаса, бир ердан чиқар, агар ўлиб кетса, гуноҳи шоҳнинг бўйнига-да», — деб аркони давлат гуруллаб бирдан арз қилдики: — Э тақсир подшоҳим; осиб ўлдирдингиз — кўрдик, босиб ўлдирдингиз — кўрдик, минордан ташладингиз — кўрдик, тўпга солиб отдингиз — кўрдик. Бу беадабларга шундай жазо буюрамиз: бир тув бияни олиб келиб сўйсангиз, терисини тулуп қилиб олсангиз, хом терига ик-

ковини зич қилиб тиқсангиз, бир асов байталнинг думига тақиб, чўл-жазирага ҳайдаб юборсангиз, буларнинг ўлигини ғажир-қузғунлар еб кетса, — деб арз қилди. Подшога маъқул қилдилар. Подшо буюриб, бир тув бияни тулуп қилиб сўйиб, икковини зич қилиб, хом терига тиқиб, дарвозадан чиқариб, бир асовнинг думига тақиб, бир чўл жазирага қаратиб, кўп одам чувлаб ҳуркитиб, ҳайдаб юборди.

Асов байтал ҳуркиб, икковини судраб, чўлга улоқиб кетди. Байталнинг думи бир тол, ярим тол узила-узила, олти кун деганда [тулуп] бир ерда тушиб қолди. Хом тери офтобнинг ҳарорати билан қуриб, чунон қисдики, темирдай бекитди. Шу вақт Холбека ойим узилиб қолганин билиб, тўрасини уйғотиб бир сўз деди:

Гапирсам келади гапнинг маъқули,
Мард ўғлоннинг пирга бўлар дохили,
Валламат рамақда жонинг бормиди,
Воллоқ аълам, бизлар қолдик шикили.

Наркас-наркас хумор кўзлар сузилиб,
Ҳасратингдан юрак-бағрим эзилиб,
Валламат, танингда қувват бормиди,
Бизлар қолдик дейман чўлда узилиб,

Бир боғчада олмамиди, нормиди,
Парвардигор сизга войим ермиди,
Бизлар қолдик, дейман бунда узилиб,
Мард тўрам, ёнингда ханжар бормиди?

Тўра ёридан бу сўзларни эшитиб, бир сўз деди:

Қокилингнинг банди-бандин туйдирма,
Қошинг кериб, қабоғингни уйдирма,
Ўз куйганим бўлар менинг ўзима,
Ургилай, ўртанган жоним куйдирма.

Қулоқ сол, бўйингдан, айтган сўзима,
Мард ўғлонман, душман тушди изима,
Санамжон, ўртанган жоним куйдирма,
Ўз куйганим бўлар менинг ўзима.

Оҳ, деса тўкилар кўзлардан ёшлар,
Олло, дейди хонақода дарвешлар,

Ҳайрон қолдим, нозим, айтган сўзингга,
Банди бўп тушганда ханжар нимишлар?
Ҳар нима деб сўзлар экан бувушлар,
Қўлларида нигин, тилла-кумушлар.

Еронлар, худонинг қудрати кучли, ✓
Ху тоғдан бир қузғун давр олиб учди,
У жонивор парвоз айлаб осмонга,
Ногаҳондан кўзи қудоққа тушди.

Қанотин чимириб қўниб устига,
Амри худо бўлди, чўқиди, тешди.
Қўлин солиб иккаласи йиртишди,
Соғ-саломат шу қудоқдан чиқишди.

Шаҳзода омон-эсон, сиҳат-саломат ёри билан қудоқдан чиқиб қарасалар, бир чўл-жазира, қўрқинчлик нангалзорда тушиб қолибдилар. Эл қаёқда, йўл қаёқда— ҳеч нарсани билмадилар. Атрофга қарайди, на тоғ ва на бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Тўранинг кўзига узоқдан соядай қорайиб бир нарса кўринади. Шаҳзода кўнглида: «Шу қора ё тоғ бўлғай, ё бир қора дарахт эл бўлғай», — деб иккови қўл ушлашиб, шу тарафга қараб равона бўлди.

Тўранинг муножоти:

Элимдан бўлдим жудо,
Бу жоним сенга фидо,
Адашганда йўлга сол,
Отингдан қодир худо.

Мен йиғлайин зор-зор,
Кетди қўлдан ихтиёр,
Адашганда йўлга сол,
Отингдан парвардигор.

Унутибман йўлимни,
Узоқ ташлаб элимни,
Адашганда йўлга сол,
Ушла, эгам, қўлимни.

Тўкдим кўздан ёшимни,
Қабул қил нолишимни,

Адашганда, худойим,
Унгга бошла ишимни...

Белимда заррин пўта,
Қилганим бўлди хато,
Адашганда қўлим ол,
Болам, деб Одам Ота...

Сувдай қайнаб тошайик,
Дарёдай бўп жўшайик,
Қўлим олиб йўлга сол,
Кулли ўтган машойих.

Қолди соҳибтамизлар,
Йўлда адашиб бизлар,
Қўлим ушлаб йўлга сол,
Кулли ўтган азизлар.

Тақдирдан кўранлар,
Элда даврон суранлар,
Мадад қилиб қўлим ол,
Жами ўтган эранлар.

Бўлди бу ишлар бўҳтон,
Чўлларни қилиб ватан,
Мадад қилиб қўлим ол,
Шароб ичган чилтонлар...

Алқисса, шаҳзода иссиқ қумда оёқларини олдириб, йўл юролмай, жазиранинг ҳайбатидан баданларида нам қолмай, ташналик-сувсизликлари ғолиб бўлиб, кўзлари тиниб, бошлари айланиб, гиёҳларнинг томирларини қазиб сўриб: «Шу сув бўларми?»—деб, баъзи томирларни қазиб: «Овқат бўларми?»—деб неча кунлар оч, сувсиз чўлларда кезиб, қувватдан мадори кетиб, аввалги кунлари ёдланиб, фалакдан шикоят қилиб, бир сўз деди, шикояти бу турур:

Бир вақтинда эдим Нўғойнинг шойи,
Хизматимда эди уч лак сипойи.
Қанча хор айласанг, фалак, ризоман,
Бўлдим энди қултум сувнинг гадойи.

Талхи бор деб емовчедим наботди,
Гарди бор деб тўшамовчедим банотди,

Энди бўлдим парча ноннинг гадойи,
Шу такаббурчилигим бошимга етди.

Бир боғчада боғнинг тоза гули эдим,
Отамман энамнинг жони, дили эдим,
Талхи бор деб емовчедим наботди,
Эндиликда оч бўридай улудим.

Юрмакка, қайтайин, йўқдир тоқатим,
Сувсиз чўлда чиқар оҳ билан додим,
Нонхуришга емовчедим асални,
Бу чўлларда гиёҳ бўлди овқатим.

Йиғламай, найлайин, қисматим қатти(қ),
Куйсин ўлим, барча қулни йиғлатди,
Кўп такаббурлигим бошига етди,
Менга худо лутфи билан кўрсатди.

Оҳ урганда эсга келар бояғим,
Бурунгидай эрмас менинг сиёғим,
Сувсиз чўлда гиёҳ бўлиб овқатим,
Юрай десам бостирмайди оёғим.

Шаҳзода олти кун оч, ташна кетиб бораётиб эди,
Холбека ойим ташналаб, лаблари газариб, танда мажол
ли қолмай, қумга йиқилди. Шунда тўрасига қараб:—
Мен сенга ияролмаيمان, бир манзилга етолмайман,
қумда ўлиб қоламан, менга қараб сен ҳам нобуд бўл-
ма, сен элга етиб, одамларга қўшилсанг, юртингга
борсанг, мен сендан розиман, зинҳор менга қайрилма,
орқангга боқмай кета бер, менинг касофатимга шунча
ранжлар кўрдинг, қаттиқ машаққатлар кўрдинг, менинг
учун кўрдинг. Э, мард тўрам, мендан рози бўл, мен
ҳам сендан розиман, кет,— деб бир сўз деди:

Гапирсам келади гапнинг маъқули,
Мард ўғлоннинг пирга бўлар доҳили,
Қарамайин кета бергин орқангга,
Бахтим қора, ярамайман шикали.

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмагин,
Ёрим қолди дебон кўнглинг бўлмагин,
Қарамайин кета бергин орқангга.
Мени деб, мард тўрам, чўлда ўлмагин.

Сувсиз чўлда менинг етди ажалим,
Юрмакка, қайтайин, йўқдир мажолим,
Қарамайин кета бергин орқанга,
Менга ситам қилди бу фалак золим.

Тоза гулдай сўлар бўлдим мен эмди,
Дарёдай бўп тўлар бўлдим мен эмди,
Сендан жудо бўлар бўлдим мен эмди,
Сувсиз чўлда қолар бўлдим мен эмди.

Армон билан ўлар бўлдим мен эмди,
Ғариб мазор бўлар бўлдим мен эмди,
Қарамайин кета бергин орқанга,
Тақдиримга кўнар бўлдим мен эмди.

Алқисса, Холбека ойим йиглаб йиқилиб қолди. Шунда тўраси Холбеканинг бошига соя солиб, ёрини суяб, кўнглини овлаб:— ~~Бир ғайрат қил, йўлимиз яқин қолди,~~— деб кўнглини кўтариб бир сўз деди:

Узоқдан чопилар отнинг сараси,
Кўринади бир нарсанинг қораси,
Бир фаслга ғайрат қилгин, бўйингдан,
Яқин қолди манзилимнинг ораси.

Бандадирман, оллони ёд этарман,
Елбориб ҳаққа муножот этарман,
Бир фаслга ғайрат қилгин, бўйингдан,
Кўзим билан қайтиб ташлаб кетарман.

Пўлат найза қор остида ётарми,
Темир найзанг эговласанг ўтарми,
Сенинг тўранг номардлардан эмасдир,
Мард ўғлон севдигин ташлаб кетарми?..

Илоҳи келмасин сенга маҳосил,
Қайтайин, бўлмади мақсудим ҳосил,
Юрарга қувватинг, ҳолинг қолмаса,
Кел, орқамга кўтарайин бир фасл.

Юролмайдӣ оч буйричи аяниб,
(Хизматкорлар хон олдидан жой олиб),
Сувсиз чўлда келаётир муштипар,
Ўлдим дейди, тўрасига суяниб.

Кунтуғмиш тўра ёрига ғайрат бериб, шу қора та-
рафга тусмоллаб, оқшом юриб, кундузлар иссиқ бўлса,
чангалларнинг соясида ором олиб, бо уч кун деганда,
Муғолнинг тоғига етдилар. Икковлари ҳам хурсанд
бўлиб: «Шукур, ажалимиз етган йўқ экан, ўлмай шу
тоққа келдик, албатта, чашмазор сувлар, ҳар алвон
мевалар бўлса керак»,— деб чунон ғайрат қилиб юриди-
лар. Тоғнинг дарасининг ичига келиб кўрсалар, ёввойи
ёнғоқлар, писталар, жийдалар ва ёввойи тоқлар— ҳар
алвон мевалар пишиб турибди. Икковлари қоринлари-
ни тўйғазиб, бир жойдан оқмайдиған бир чашма ҳам
топдилар. Шу чашманинг бўйини манзил қилиб ўтира
бердилар. Кунтуғмиш: «Эл дарагини топаманми, йўл
дарагини топаманми?»— деб ҳар кун чиқиб шу тоғлар-
ни излар эди. Муғол шундай тоғ эди... Ёввойи мева чу-
нон кўп эди. Ёз кунларида ёввойи меваларни қуришиб,
бир ерни қазиб, қишлик овқатини беркитиб олар эди.

Кунтуғмиш тўра эртангисин туриб кетар эди, бир
баланд чўққига чиқиб қарар эди, эл тополмас эди. Шу
қишу ёз шу ерда қолдилар. Холбека ойимнинг бўйида
ҳомила пайдо бўлиб, ойи куни етиб, вақти куни яқин
бўлди. Шаҳзода дойимги одатини қилиб, тоққа чиқиб
кетиб эди.

Холбека иккита ўғил туғиб, болаларини қўлига
олиб, аввалги кунлари эсига келиб: «Очдан ўлдириб
қўйсам қандай қилар эканман?»— деб йиглаб ўтириб
эди. Қараса, Кунтуғмиш тўра ҳам эл-йўл дарагини то-
полмай, ғамгин бўлиб келаётиб эди. Холбека болалари-
ни қўлларига олиб, тўрасининг олдига чиқиб, гўдакла-
рини кўрсатиб, бир сўз деди:

Қулоқ солгин алвон-алвон сўзларга,
Бизлар юридик одами йўқ тузларга,
Икки гўдак олло берди бизларга,
Очдан ўлса, норастангни найларман?

Дойимгидай даври-даврон бўлмаса,
Салтанатли кўшки-айвон бўлмаса,
Берай десам бир парча нон бўлмаса,
Очдан ўлса, норастангни найларман?

Икки гўдак йиғлашиб дод дейишади,
Очликдан иккови фарёд дейишади,

Гўдаклар зор йиглаб овқат дейишади,
Очдан ўлса, норастангни найларман?

Бу гўдаклар бизни қилар саргардон,
Сабил бўлиб қолган манзилман макон,
Энди бўлди, тўрам, аҳволинг ёмон,
Очдан ўлса, норастангни найларман?

Раҳмим келар бунинг йиғлаганига,
Ўт тушар кўрганнинг, билсанг, танига,
Очдан ўлса, зомин бўлдик қонига,
Очдан ўлса, норастангни найларман.

Шаҳзода ёрининг кўнглини овлаб, гўдакларини қў-
лига олиб, кўнглини кўтариб:— Асло хафа бўлма,—
деб бир сўз деди:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Сўйдигим, салланган нозим, санамжон,
Гўдак учун асло, ёрим, ғам ема.

Қулоқ солгин мард тўрангнинг сўзига,
Жимма-жимма ёши тўлган кўзига,
Сўйдигим, салланган нозим, ғам ема,
Гўдакларни топшир ҳақнинг ўзига,

Узоқда қолгандир, манзилим, жойим,
Сабил бўлиб тилла нақшин саройим,
Гўдакларни топшир ҳақнинг ўзига,
Тиш берибди, ризқин берар худойим...

Мард ўғлонман, савдо тушди бошим,
Ўзим ёлғиз, ҳеч кимим йўқ қошим,
Ҳайрон эдим бу ишим, бўйингдан,
Уч кун бўлди, отам кирар тўшим.

— Э санамжон, уч кундан бери отам кунда туши-
ма кирар эди, мен ҳайрон эдимки, нега бундай қилди
деб. Энди хотирим жам бўлди. Шу гўдаклар учун ай-
налиб юрган экан,— деб жойига келиб, баччаларнинг
тарбиятига машғул бўлди.

Шу йил ҳам ўтди. Тўра асло эл-йўл тополмади. Ал-

хол, баччалар учга кирди. Энди тўранинг шу тоғда ҳеч бир чиқмаган чуққиси қолмади. Лекин узоқда, бир баландда қияли чуққи кўринади. Неча сафар бораман, деб чиқди, кун кеч бўлиб етолмай, Холбека ёлғиз, деб қайтиб жойига келиб эди. Бир куни тўра ўйлади: «Кел-э, кечга қолсам, Холбеканинг мана икки боласи бор-ку, мен шу тангининг устига чиқиб, атроф-оламга қарайин. Агар эл дарагини топмасам, йўл дарагин топмасам, андан сўнг умидимни узиб, шу тоғда ваҳший ҳайвонлар қатори ўтайин-да кетайин»,— деб туриб, ғўғадан белбоғ қилиб эшиб олди, белини икки жойидан маҳкам боғлаб бўтиб олди. Холбека ойим тўрасининг ҳаракатини илгаридан зиёд англаб, кўнглида айтди: «Ҳай аттанг, бу тўрам кетади экан, шу вақтга довур йўл тополмай юрган эди, алҳол, элига кетмоқчи бўлди, мен қолар эканман»,— деб тўрасига қараб:— Йўл бўлсин, тўрам? Айтувчи эдинг, мард ёрини ташлаб кетмайди, деб. Бугун қандай номард бўлдинг? Мени ташлаб кетиб бораётибсан, қайтиб келмайсан. Агар кетсанг, болаларингни олиб кет. Мен ёмон бўлсам, болаларинг ҳам ёмонми?— деди. Шаҳзоданинг кўнглига қаттиқ тегиб:— Э аттанг, сендан бу сўз лозим эмас эди. Наҳотки сени ташлаб кетсам?— деди.

Холбека ойим:— Энди кетасан, билдим энди,— деб бир сўз айтди:

Утар дунё қиёматни ўйладинг,
Ёрим дединг, охир кўздан тайладинг,
Валлоҳ аълам, кетар бўлдинг шикали,
Икки ердан белинг маҳкам бойладинг.

Гапирсам келади гапнинг маъқули,
Зарафшон бўйлаган ойим кокили,
Икки ердан белинг маҳкам бойладинг,
Мен билгимда кетар бўлдинг шикали?

Изладинг, топмадинг ўсган элингни,
Ахтариб топмадинг юрган йўлингни,
Мен билгимда кетар бўлдинг шикали,
Кетсанг, олиб кетгин икки улингни.

Узоқда қолганди манзил диёринг,
Беҳабар қолганди кўп ичкуяринг,

Кетсанг, олиб кетгин икки улингни,
Сен кетсанг, болларга тутар хуморинг.

Куйган қуллар дарёдай бўп тошмайми,
Уртанганлар қайнаб-қайнаб жўшмайми
Шу кетгандан агар қайтиб келмасанг,
Гўдакларинг отам қани дейишмайми?

Ойим қизман, ишим ҳақдан кўраман,
Шонаман зулфимни тоблаб ўраман,
Агар кетсанг, олиб кетгин болангни,
Юртингни топ, тўрам, жавоб бераман.

Шаҳзода айтди:— Мен Нўғой мамлакатимни, арко-
ни давлатимни, шоҳлик ҳукуматимни тарк қилиб, се-
нинг йўлингга йўқ қилганман, асло ташлаб кетмасман.
Э санамжон, тўрт йилдан бери мен чиқмаган танги-
чўққи қолмади, асло нул тополмадим. Аммо узоқдан
бир баланд танги кўринади. Неча марта бораман, деб
чиқдим, сени ёлғиз, қўрқади деб йўлдан қайтдим. Энди
сенга сўзим шуки, шу тангига ҳам чиқиб, қарайин, йўл
дарагини топмасам, эл дарагини топмасам, андин сўнг
шу тоғда ваҳший ҳайвонлар қатори ўтайин-да-кета-
йин,— деб бир сўз деб турибди:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Букун кетсам, тонгла қайтиб келарман,
Кетади деб, санамжоним, ғам ема.

Тоза гулман, офтоб тегса сўларман,
Мавж уриб, дарёдай тошиб тўларман,
Кетади деб, суйдук ёрим, ғам ема,
Букун кетсам, тонгда қайтиб келарман.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солгин гапимнинг пайвастига,
Букун кетсам, тонгла қайтиб келарман,
Чиқиб келай бир тангининг устига.

Бир боғчада олмамикан, нормикан,
Парвардигор бизга войим ермикан,
Чиқиб келай шу тангига, санамжон,
Эл дараги, йўл дараги бормикан?

Сенсиз бу тўранга оламдир зиндон,
Сен бўлмасанг, найлар ҳур ила ғилмон?
Мард ўғлон суйдугин ташлаб кетмайди,
Кетади, деб хафа бўлма, санамжон.

Сенинг тўранг йигитларнинг оғаси,
Унга теккан Шоҳимардон дуоси,
Чиқиб келай бу тангининг устига,
Жилваланиб кўринади қораси.

— Шу тангига неча бораман дедим, сени қўрқади,
деб қайтдим. Энди, мана, болаларинг бор, қўрқмайсан,
мен бу кун юриб, эртан келаман,— деб жўнай берди.
Холбека ойим йиғлаб қола берди.

«Лекин тўрам менинг кўнглимга қараб айтди, энди
келмайди»,— деб хўрак меваларидан олиб, икки бола-
сини кўтариб, қорама-қора тўрага билдирмай кела бер-
ди. Тўра шу юргандан уч кун йўл юрди. Шу чўққи тоғ-
нинг ода бўлган ери эди. Шаҳзода пастга қараса, бир
ангқиллаган, карвон юрган катта йўл тоғнинг тумшуғи-
дан ўтиб кетибди. Шаҳзода йўлни кўриб: «Худоё шу-
кур, мен ҳам йўл кўрар эканман-а, йўл кўрдим, элни
ҳам кўрарман, пастроққа тушиб қарайин, шу йўл қаёқ-
дан келиб, қаёққа борар экан»,— деб пастга тушиб қа-
раса, йўлнинг икки тарафида катта икки сарой туриб-
ди. Бир саройга қарийб йигирма минг карвон тушиб
ётибди. Шаҳзода айтди: «Мен ҳам одам кўрар эканман.
Кел-э, Холбека бўлса бир кунини кўрар-да, пастга ту-
шай, шу карвонлардан бир коса сув, ~~бир~~ нон тилаб
олиб еб кетай»,— деб пастга тушиб кела берди. Келиб,
карвонларни оралаб:— Э ёронлар, нон худойи борми?—
деб ўзининг кам-кўстлигига кўнгли бузилиб, бағри эзи-
либ, ўзини тўхтатолмай, бир сўз деб турибди:

Бир вақтида эди Нўғойнинг шойи,
Хизматинда эди уч лак сипойи,
Мўмин бўлар мўмин билан биродар,
Бормиди, карвонлар, нони худойи?

Куйган қуллар гапни гапга улайди,
Тўхтатолмай ўзин, хонзод жилайди,
Бир вақтида арк сўраган шундай хон,
Карвонлардан эланиб нон тилайди...

Шаҳзода ўксиниб, кўзининг ёшини тиёлмай йиглаб туриб эди, шу карвонларнинг каттаси — Азбархўжа деган карвонбошиси бор эди, шаҳзодага кўзи тушиб, қошига чақириб олиб, бир сўз деди:

Қизил гул очилар гунчадан-гунча,
Тоқатим йўқ, яна гул очилгунча,
Сувратинг қаландар, шаклинг хонзода,
Йўл бўлсин, қаддингдан, қаландарбачча?

Не сабаблик¹⁷ бундай бўлдинг афтода?
Ғам билан берибсан умринг барбода,
Сувратинг қаландар, тарзинг хонзода,
Йўл бўлсин, қаддингдан, қаландарбачча?

Булбул деган қушлар қизил гулларга,
Сўнанинг мавсими ойдин кўлларга,
Гадо деган шавқи келар элларга,
Қуш учса қаноти куйган чўлларга,
Хон қаландарбачча, сенга йўл бўлсин?

Қаландар, қаерда ўсган диёринг,
Бу жаҳонда недур касб ила коринг,
Бу ерларга не деб тушди гузаринг,
Хон қаландарбачча, сенга йўл бўлсин?

Шаҳзода йиглаб:— Э қофилабоши, мен умрим бўлиб, бир кишининг бир нима нарсасини олган эмас эдим, алҳол, мусофирчилик ва ғариблик, бир коса сув ва нонга зарур бўлганимга шу карвонлардан тиланиб, йиглаб турибман,— деганда, Азбархўжа бир сўз деди:

Узоқ ердан яхши тулпор чопилмас,
Чопилмайин хаса тулпор совулмас,
Ундай десанг, бизнинг элдан топилмас,
Талабингни олло берсин, қаландар.

Бозиргонман, тиркаганим нор эди,
Нор устига юклаганим зар эди,
Ул саройда бир чашмамиз бор эди,
Талабингни олло берсин, қаландар.

¹⁷ Сабабдан.

Чашманинг кўзини юҳо¹⁸ тутибди,
Менигдай нечовни борса ютибди,
Карвонлар ҳолини хароб этибди,
Талабингни олло берсин, қаландар.

Билмайман, аҳволим қандай бўлади,
Барчани яратган тангрим толоди (р),
Бир коса сув, бир нон берсам мен сенга,
Чокаримнинг бири чўлда ўлади,
Талабингни олло берсин, қаландар.

Шаҳзоданинг аччиғи келиб айтди:— Ўзинг худодан қайтган ёмон хўжа экансан. Шу йигирма минг одамга бир коса сув билан битта нон нима гап экан. Кел, энди сен менга бир коса сув, бир нон бергин, нонни еяйин, сувни ичайин, қўлимга бир ўткир исфиҳон қилич бер, шу юҳо — аждар билан урушайин, агар аждарҳони ўлдирсам, бир коса сув, бир нонингга рози бўл, агар ўлиб кетсам, менинг хуним бир коса сув, бир нон бўлсин,— деди. Анда Азбархўжа, худодан қайтгани рост эди:— Сен жонингни сотмоққа харидор топмай юрган экансан,— деб бир коса сув, бир нонни жонига барака қилиб берди. Шаҳзоданинг кўзининг ёши ҳали ҳам тийилмай, сувдан пича ичиб, нондан еб, нон ярим бўлиб эди, қолган нон томоғидан асло ўтмади. Карвонларнинг кўзини олиб, нонни қўйнига солди: «Агар ажалим етмай, ўлмай борсам, гўдақларим эмаклаб олдимга чиқса, икковининг қўлига бўлиб бераман»,— деб қолган сувни ичиб:— Қани, қиличингни бер,— деди.

Шаҳзода Нўғойда юрган вақтида чилсимотни билар эди. Анда шаҳзода қилични қўлига олиб, босган қадами ўнгмай, фалакдан шикоят қилиб: «Аввал подшо қилиб, охир олиб келиб бир нонга сотдинг-а»,— деб кўнгли пор-пора бўлиб, ичи гамга тўлиб, бир сўз деди:

Узоқда қолганди манзилим, жойим,
Сабил бўлиб тилла нақшин саройим,
Армон билан ўлар бўлдим мен энди,
Ўзинг обрў бергин, қодир худойим.

Қуйган қулман, чиқар оҳ билан зорим,
Қайтагин, танамдан кетди мадорим,

¹⁸ Аждарҳо.

Гирифтор айлама аждар дамига,
Ўзинг обрў бергин, парвардигорим.

Қайтайин, топмадим ўсган элимни,
Найлайин, унутдим соғу сўлимни,
Агар ўлсам шу золимнинг дамида,
Тоғда етим қилдим икки улимни...

Оқизиб кўзимдан қонли жоламни,
Қодир мавлон мўл қилган ноламни,
Агар ўлсам шу золимнинг ламида,
Тоғда етим қилдим икки боламни.

Улуғ дедим остонага бош урдим,
Сиримни айтмай ғанимдан яширдим,
Агар ўлсам шу аждарнинг дамида,
Худоё, гўдакни сенга топширдим.

Қайтайин, бошимга бўлди қиёмат,
Кеча-кундуз ишим оҳу надомат,
Худоё, гўдаклар сенга омонат,
Омонатга қилмагайсан хиёнат,
Сақлагин гўдакни соғу саломат.

Янги туққан ойдаи ботиб бораман,
Ажал ёқасини тутиб бораман,
Ўзинг раҳм этмасанг ғариб ҳолима,
Борса келмас йўлга кетиб бораман.

Бир вақтида арз сўраган хон эдим,
Ўзимни бир нонга сотиб бораман,
Худоё, гўдаклар сенга омонат,
Қўш боламни етим этиб бораман.

Армон билан йиғлаб қолди ортимда,
Санам ёримни унутиб бораман,
Худо, раҳм айлагин ғариб ҳолима,
Охираи йўлини тутиб бораман.

Ўз элинда эди гулдан озода,
Ғариблик юртинда бўлиб афтода,
Қўлида қиличи марднинг ялонғоч,
Ташқарида арбай¹⁹ берди шаҳзода.

¹⁹ Аврай.

Ғамгин бўлиб икки кўзга ёш урди,
Улуғ деди, остонага бош урди,
Ташқарида арбай берди шаҳзода,
Арбов билан илоннинг ақлин шоширди.

Бу ғариблик мардни қилган саргардон,
Излайди, топмайди дардига дармон,
Шаҳзода илоннинг ақлин шоширди,
Ичкарида тикка бўлди ул илон.

Дам-бадам пишқириб дамга тортади,
Даштларнинг юзини тўзон туттади,
Ҳар пишқириб дамга тортса аждарҳо,
Тоғларнинг тошини ларзон этади.

Садоғини юз қайтариб ийнига,
Душман юрар мард ўғлоннинг кейнига,
Йўлларнинг рошини тўзон туттади,
Жами карвон ридо солди бўйнига.

Қиёмат бўлгандай бўлди бу дашга,
Зилзилалар тушди тоғ билан тошга,
Жами карвон ридо солди бўйнига,
Одам бўлса, офарин дер бу ишга.

Монанди бўлгандай бўлди қиёмат,
Аждарҳоний арбаётир азамат,
Шаҳзоданинг бу ишини кўрганда,
Одам бўлса, дер эди, офаринбод.

Шаҳзоданинг [энди] ақлин шоширди,
Золим илон зўрлигини оширди,
Уст-устига дамга тортди аждарҳо,
Шаҳзоданинг баданини шиширди.

Шаҳзоданинг қадди ёйдаи букилди,
Икки кўздан селоб ёши тўкилди,
Турмоққа шаҳзоданинг қолмай мажоли,
Эсанкираб, эсиз, шаҳзод йиқилди...

Бошида кулоҳи, эгнида жанда,
Етиб келди Бурқсармаст девона:
— Бошинг кўтар, Нўғой элнинг шаҳзоди,

Фарзандим, Тўймадир илоннинг оти,
Мен ўзингга айтмас эдим отини,
Тоғда қолган норастангнинг ҳурмати.

Золим илон қадди ёйдай букилар,
Қаҳр айласанг, танда қони тўкилар,
Фарзандим, Тўймадир илоннинг оти,
Уч марта Тўйма деб айтсанг, йиқилар...

Оқизди кўзидан қонли ёшини,
Қиёмат савдога қўйди ишини,
Ханжари қўлида марднинг ялонғоч,
Кесиб олди аждарҳонинг бошини.

Армон билан билмаганин билдирди,
Ханжар солиб қора бағрин тилдирди.
Ханжари қўлида марднинг ялонғоч,
Мардлик билан аждарҳони ўлдирди.

Шаҳзода қўлидаги ханжари билан аждарҳонинг танасини беш гўла қилди. Ҳар гўласини жўхори қурийдиган бир мўла қилди. Ғайрат-уди келиб шундай каттакоп аждар эди, дабдала қилди. Чашманинг сувларига ки-йим, ханжарларини ювиб, карвонларнинг қошига бо-риб қараса, жами карвон юкини ортиб, йўлга тушиб, қочиб кетиб бораётибди. Шаҳзодани кўриб тўхтаб, жа-мий карвон кетига қайтди. Келиб саройга қайтадан тушди. Шаҳзодани иззат-ҳурмат қилиб, ҳаммаси жони-дан ортиқ билиб, ҳар тарафдан офаринбод қилишди-лар. Азбархўжа айтди:— Э қаландар, баракалла, эр бўлганингга. Шу аждарҳо йигирма йил бўлиб эди, шун-дай катта йўлни қатаган қилиб эди. Бизлар йигирма минг савдогар бўлиб юрганимизнинг маъниси шуки, аждарҳодан қўрқиб, кўп бўлиб, тўп, жазойилимиз би-лан юрамиз. Агар шу илон чиқса, тўпни отсак, кўпга ботолмас эди. Агар тўпи бўлса ҳам икки юз, уч юз одам бўлса, бехарос ютиб кетар эди. Сенинг шу қилган ишингни оламнинг борича таъриф қилсак ҳам тамом бўлмайди. Агарда аввалда сенинг шундай эканингни билсак эди, изингни кўзларга сурма, ўзингни бошимиз-га тож қилмасмидик. Э қаландар, бурунгилар айтибди: «Айтмасанг, ким билади, очмасанг, ким кўради». Одам-лар расми дўстликка муҳаббат қўйиб жўра бўлади,

Дўст отини ҳурмат қилиб, бир-биридан қайта олмайди. Мен каломуллони кўкрагимга қўйиб, ўттиз пора қуръонни ўттиз марта ўртага олиб, сенинг билан дўст бўлман. Бир исми дўстликдан мардум қайтолмаса, каломуллодан мусулмон киши қандай қайтади,— деб ўттиз сафар қучоқлашиб дўст бўлди. Ҳамма мардум кўрди, муборакбод қилди. Яна айтди:— Э дўстим, жиғаримдан бўлинган, кўзимнинг равшани фарзандимни сендан илгари кўрсам, каломуллога урдираман. Сен ҳам мендай эътиқод қилгайсан. Э дўстим, сендан бир гап сўрайман, албатта, рост айтгайсан. Сен келиб, жонингга барака қилиб бир нон билан бир коса сувни олдинг, ярмини единг, қолган ярмини ким учун қўйдинг? Энди, жўра, сенинг шу тоғда бир жўранг бор, жонинг билан баробар кўрасан, балки зиёда.

Шаҳзода лол бўлиб айтди:— Танҳо келиб эдим, танҳо эдим.

Ийгинга, ёлғиз шу саройга келганини айтди.

Азбархўжа қаради, дўсти ҳамроҳини айтмади. Давлат деган бир кули бор эди қанотли қушдай бир бодпойи бор эди. Баландга, пастга илондай шувшиб кетар эди, учар қушдай эди. Азбархўжа:— Э Давлат, бодпойни мин, тоғнинг офтобрўй бетини излагин, дўстимнинг ҳамроҳи бор, олиб кел,—деб буюрди.

Давлаткул тоғнинг офтобрўй бетини излаб борар эди. Холбека ойим икки боласини кўтариб шу ерга келган эди, офтобнинг иссиғидан болаларини тошнинг соясига ётқизиб, гўдакларнинг ҳалқуми куюниб, лайлак қушдай чирпиниб, гоҳ бунисининг оғзига, гоҳ бунисининг оғзига туфригини солиб ўтириб эди. Давлат устидан бориб қолди. Холбекани кўриб, отини тўхтатиб:— Юринг, мен сизга келдим, қаландархон чарлайди-чақиради,— деб Холбека ойимга қараб бир сўз деди:

Уқ отса мерганнинг ўқи зирлайди,
Қамчи тегса чин бедовлар пирлайди,
Тоғда ўтирган қаландарнинг дилбари,
Юринг, сизни қаландархон чарлайди.

Қаландар бўлгандир карвонлар шоҳи,
Хусни, билсанг, мисли фалакнинг моҳи,
Тоғда ўтирган қаландарнинг ҳамроҳи,
Юринг, сизни қаландархон чарлайди.

Кўзлари қамбардир, қоши қалами,
Кўрганларга солган қайғу-алами,
Тоғда ўтирган қаландарнинг санами,
Юринг, сизни қаландархон чарлайди.

Холбека ойим Давлатқулдан бу сўзларни эшитиб,
зор йиғлаб:— Жон ака, мени юр дема, қаландарнинг
ўзини юбор,— деб панада бир сўз деди:

Бул жудолик мени қилди саргардон,
Қайтайин, топмадим дардима дармон,
Айтиб юбор қаландарнинг ўзини,
Мўмин бўлсанг, юр демагин, акажон.

Жудоликнинг дарди мени йиғлатар,
Уйласам бу дунё ҳаммадан ўтар,
Мўмин бўлсанг, юр демагин, акажон,
Қаландарнинг ўзи келиб опкетар.

Қулоққа ол муштипарнинг сўзини,
Кўзининг ёшига ювар юзини,
Мўмин бўлсанг, юр демагин, акажон,
Айтиб юбор қаландарнинг ўзини...

Давлатқул лол бўлиб:— Э синглим, қаландархон
карвонларнинг ичида мисли подшо сурат бўлиб ўтирур.
Мен бир кишининг қулиман. Агар келмади, деб бор-
сам, бегумон мени ўлдиради, менинг қонима зомин бў-
ласан,— деб бир сўз деди:

Мен борган сўнг яна биров келади,
Ким бодпойни минса, топиб олади,
Андан сўгин мендай Давлат ўлади,
Жигарим, маслаҳат қандай бўлади?

Олқорга сув берар чўлларнинг қоқи,
Жондорни қутқармас ажалнинг ўқи,
Худо ҳақи, ака, дегин сен мени,
Синглим, дедим сени, оллонинг ҳақи...

Холбека ойим ҳеч илож-чора тополмай, икки гўда-
гини Давлат акасининг қўлига бериб, карвонга қараб
равона бўлди. Кунтуғмиш тўра қараса, Холбека ойим

ҳам келаётибди. Увиз эти ув бўлиб, тўла бадани сув бўлиб, ёрига раҳми келиб, жойидан тура келди. Азбархўжи айтди:— Э дўстим, ҳамроҳинг аёл экан-ку, аёлни жўрам йўқ деса ҳам бўлади. Шуйтиб айтмаган экансан.

Шаҳзода ёрининг олдига чиқиб, Давлатқулнинг қўлидан гўдақларини олиб, фарзандларини суйиб, ёрига дилдорлик бериб:— Э санамжон, иншоолло энди Нўғойга кетармиз, бизлардан бу кунлар ҳам унут бўлар,— деб бир сўз деди:

Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Бу меҳнатга хафа бўлма, бўйингдан,
Тўранг эсон, сарвинозим, ғам ема.
Камликнинг камоли бордир, санамжон,
Менманнинг заволи бордир, бўйингдан.

Қисмати азалда бизга чизилган,
Бу меҳнатлар пешонага ёзилган,
Хумори, ола, шаҳло кўзлар сузилган,
Тўрам кетди дебон кўнглинг бузилган.
Камликнинг камоли бордир, санамжон,
Менманнинг заволи бордир, бўйингдан...

Сен билан тўрангнинг даври даврони,
Сенсиз хазон бўлар боғу бўстони,
Омон-эсон борсанг Нўғой юртига,
Хизматкоринг париларнинг султони.
Камликнинг камоли бордир, санамжон,
Менманнинг заволи бордир, бўйингдан.

Иншоолло Нўғойга, нозим, борарсан,
Сулув барнолар билан суҳбат қиларсан,
Нўғойнинг сулувин каниз оларсан,
Қадимгидай даври-даврон сурарсан.
Камликнинг камоли бордир, санамжон,
Менманнинг заволи бордир, бўйингдан.

Алқисса, шаҳзода ёрининг кўнглини овлаб, болаларини кўтариб, саройнинг бир томонига келиб киргазди. Ерига ва гўдақларига нон бериб, сув бериб, қорнини тўйғозди. Холбека ойим бечора, тўрасига миннатдорликлар қилиб:— Бизлар ҳам одамга қўшилар эканмиз,

одамга аралашиб юрар эканмиз,— деб беадад-беҳисоб шукурлар қилиб, бениҳоят вақти хуш бўлди. Шаҳзода ёрининг вақти хуш бўлганига кўп хурсанд бўлиб, ҳусни гул-гул ёниб, карвонларнинг олдига чиқди. Дўсти айтди: — Ов жўра, бу саройда карвонлар кўп, бирови чиқса, ўни кирар, сенинг хотирингни паришон қилар, у саройга юборсам, сув учун унда ҳам кўп борар, энди, дўстим, у саройга биз ўтайик, сен аёлинг билан бу саройда тур,— деб бир яхши томга қимматбаҳо палослар солиб, тўрани шу саройга ташлаб, карвон у саройга ўтиб кетди.

Тўра Азбархўжа билан суҳбат қилиб, гаплашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб билдики, шу карвонлар ~~Холбеканин~~нинг юрти ~~Зангардан экан~~, лекин ўзлари тўранинги юрти ~~Нўғойдан келаётган экан~~. Шаҳри Зангарга қараб бораётган экан.

Бир ҳафта ҳамсуҳбат бўлди. Туялари хўб дам олди. Тўрага ҳам иккита от инъом қилди. Йўл харжи, ~~обозик~~ ҳам берди. Ҳафтадан кейин дўсти айтди:— Бизлар эртан кучамиз. Сен ҳам Зангар борсанг, бирга олиб кетар эдик.

Тўра айтди:— Мен Нўғой бораман.

Дўсти айтди:— Эртан саҳар кел, туячи халқи саҳар юк ортади, бизнинг билан хушлашиб қолгил, балки баробар салқинда сенинг ҳам жўнаганинг яхши,— деб ваъда қилдилар.

Етарда тўра Холбеканинги олдига келиб ётди. Бахтибад тўрага шумлик қилиб, бир уйқуни гафлат олди. Иккови ҳам уйғонмай қолди. Карвонлар эрта саҳар юкларини ортиб, туяларини жўнатиб, ўзлари ҳам жўнамоқчи бўлди. Азбархўжа:— Эй карвонлар, дўстим ухлаб қолди, икковинг бориб, дўстимни чақириб келинглар,— деб буюрди. Икки худо беҳабар карвонсаройга бориб кўрсалар, қаландарнинг уйдан ёруғ чиқади. Уй равшан, мунаввар бўлиб турибди. Бир-бирига: «Қаландар уйғоқ²⁰ экан»,— деб аста-аста эшикнинг орасидан сийғалаб қараса, булар ухлаб ётибди. Уйда чироқ ҳам йўқ, уйи равшан-мунаввар бўлиб турибди. Тоза сийғалаб кўрса, Холбека оймнинг юзидан ниқоби силжиб кетибди. Юзи очилиб ўн тўрт кечалик ойдай бўлиб, уйни мунаввар қилиб турибди. Карвонлар ўзларини бил-

²⁰ Қўлёмада уёв.

дирмай, кетига қайта бердилар. Бориб Азбархўжага:— Дўстингда не бор экан, хотин бор экан. Жамоли қоронғи кечани мисли кундуздай равшан қилиб турибди. Ана хотин-мана хотин,— деб кўп таъриф-тавсифлар қилиб мақтади. Азбархўжа айтди:— Ерил-э, баччагарлар, лоф, дебди, наинки Кўхиқоф бўлса, ҳеч вақтда одамнинг юзи ҳам қоронғи кечани ёруғ қиладимиз?

Шу вақтда карвонларнинг бирови айтди:— Э, қофилабоши, ўзимизнинг элда Шоир вазирнинг кизи — Холбеканинг жамоли қоронғи кечани ёруғ қилмасмиди?

Азбархўжа айтди:— Э карвонлар ва э чокарлар, бу қаландар Кунтуғмиш тўра экан. Шу аёл Холбека; бунинг ишқида подшомиз ҳали ҳам бағрини нам ерга бериб ётибди. Энди тўрани ўлдирмоқ даркор. Холбекани олиб кетамиз. Бор туяларни қайтар,— деб қайтадан олиб келиб туширди. Жамий карвон тўрага душман бўлиб, иттифоқ бўлиб турдилар. Азбархўжа бир маҳрами хосига буюрди:— Мен тўра билан ичкилик ичаман, сен кесагүл булиб соқи бўласан. Шаробни сузганда, менга совиб қолган чой берасан. Тўрага ароқ берасан,— деб қўхна-эски ароқлардан чоқлаб қўйдилар. Энди тўрадан эшитинг.

Тўра сачраб уйғонса, тонг отайин депти. «Ҳай атанг, дўстим кетиб қолгандиров»,— деб жойидан турганда, тўрасининг шарпасидан Холбека ойим уйғониб, тўрасига «тўхта», деб бир сўз деди:

Савдогар юк ортар мояли, норли,
Шакаман ўқ тортар садоғи парли,
Ётган карвон, тўрам, сизга эл бўлмас,
Эртароқ отланинг, йўллар хатарли.

Чорвадор мол солмас, чийир йўл бўлмас,
Сўнасиз, суқсурсиз ойдин кўл бўлмас,
Эртароқ отлангин, йўлинг хатарли,
Ётган карвон, тўрам, сизга эл бўлмас.

Шу карвоннинг дўстликлари гумондир,
Асли душман, сенга хасми ёмондир,
Эртароқ отлангин, йўлинг хатарли,
Сенинг йўлинг очиқ эмас, тумандир.

Ётиб эдим, валлакатим, туш кўрдим,
Мен тушимда бир қабоҳат иш кўрдим,

Мабодо кўнглиннга оғир олмасанг,
Эк²¹ қаноти майиб бўлган қуш кўрдим.

Вақти тонг кўрибман, мард тўрам, тушди,
Бу тушдан кўнглим айлар хурушди,
Тушимда қўлингдан шунқоринг қочди,
Борди-да, сайёднинг тўрига тушди,
Мабодо кўнглиннга оғир олмасанг,
Икки бирдай ёнган чироғинг ўчди.

Ойим қизман, ишим ҳақдан кўрайин,
Шонаман сочимни тоблаб тарайин,
Мабодо кўнглиннга оғир олмасанг,
Шу тушимни, тўрам, ўзим жўрайин:

Мард ўғлонсан, номусингни, орингди,
Торож этиб қўлда ҳарна борингди,
Шу тушимни, тўрам, ўзим жўрайин,
Қочган шунқор, бахти қора ёрингди(р).

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмагин,
Шу карвонни асло дўст деб билмагин,
Қочган шунқор, бахти қора ёрингди(р).
Бир гап билан айрилиб, тўрам, қолмагин.

Қўлингдан учирган турна, ғозингдир,
Энди сенга дуо қилмоқ лозимдир,
Икки қаноти майиб бўлган — ўзингдир,
Қочган шунқор — шўрли сарвинозингдир,
Учган чироқ — икки бирдай қўзингдир.

Шаҳзода Холбека ойимнинг бу сўзларини кўнглига қаттиқ олиб:— Туш ҳам гап эканми, шуни ҳам сўз деб юрибсан,— деб ёрига итоб қилиб бир сўз деди:

Савдо тушар мард ўғлоннинг бошига,
Дўсту душман келар марднинг қошига,
Гоҳи туш шайтоний, гоҳи раҳмоний,
Чап чиқар сипойи бўлган кишига.

Ўзинг санам қизсан, ҳуснингдир алвон,
Жамолинг мунаввар, руҳларинг хубон,

²¹ Икки.

Гоҳи туш шайтоний, гоҳи раҳмоний,
Туш кўрдим деб хафа бўлма, санамжон.

Алқисса, тўра ёрига тасалли бериб, чиқиб кетди; карвонларга борса, бари базм-суҳбат қилиб, хотиржам ўтирибди, жўнамабди. Шаҳзода айтди:— Э биродарлар, бугун юк қўймадингларми?

Азбархўжа айтди:— Жўнамоқчи эдик, мен тўхтатдим. Бугун ҳам турунглар, дедим. Дўстим бу ёққа кетса, мен бу ёққа кетсам, биров-бировимизни кўраимизми, кўрмаймизми, деб. Энди жўра, бир ўтириш қилиб, суҳбат тутиб, ичкилик ичиб, юракларнинг бир черини кеткизиб [олайлик], шу дам ғанимат.

Неча яхши сўзлар билан, иззат-икромлар билан Азбархўжа иккови хос ўтириш қилиб, ўзга карвонларга:— Сизлар ҳам бошқа томда суҳбат қилинглар, — деб чиқариб юборди. Икковлари хос ўтириш қилиб, чорзона ўтириб, иккита ўғлон косагул бўлиб, икковига бостириб коса бера берди. «Суҳбат қилдим», — деб шаҳзода гўл ароқ ичаётибди. Азбархўжа золим совиб қолган чой ичаётибди. Уч шиша, тўрт шиша ароқ ичиб эди, шаҳзоданинг кайфи бошига чиқиб, оламдан хабари бўлмай, чаппа бўлиб йиқилди. Тўра йиқилгандан ўн шиша қўқна ароқни оғзи-бурнидан, қулоғидан қуйди. Тура ўн йиллик уликдан ҳам ёмон бўлиб қолди. Шу вақт Азбархўжа золим дунё деб дўстидан қайтиб, бир обдор кескир қилични қўлига олиб, тўрани ўлдирмоқчи бўлди. Шу карвонларнинг ичида бир муллавачча қашшоқ, пок эътиқод, азбаройи таҳсили илм бирга бўлиб келатиб эди, ҳамма карвонлар ҳам қарашиб турган эди, шу муллавачча бечоранинг тоби-тоқати қолмай, қандай югуриб борганини билмай, чопиб бориб хўжанинг қиличини ушлай кетди. Шунда Азбархўжага қараб бир сўз деди:

Ўз элингда даври-даврон этганинг,
Ўтган ишдан кўп пўшаймон этганинг,
Аждарҳони ўлдирганда шу ўғлон,
Қани, эшон, аҳду паймон этганинг?!

Ичкилик шарбатин ичмай маст бўлдинг,
Аввал дўст бўп, эндиликда қасд бўлдинг,
Дўст отига сен қаноат қилмайин,

Ҳақ каломин гувоҳ қилиб дўст бўлдинг,
Қани, эшон, аҳду паймон этганинг?!

Ҳали қўлингдасиз даври-давронинг,
Дўстинг эди аввал азиз меҳмонинг,
Агар шундан сўйиб кетсанг, Азбархон,
Тайин билгин, куйиб кетар имонинг,
Қани, эшон, аҳду паймон этганинг?!

Ҳеч кимдан кам эмас иззат-ҳурматинг.
Мусулмонсан, қайда кетди мурватинг?
Агар шундан сўйиб кетсанг, Азбархон,
Тайин билгин, куйиб кетар охиратинг,
Қани, тақсир, аҳду паймон этганинг?!

Азбархўжанинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб:— Сенми менинг қўлимни ушлайдиган, шунга қўшиб ўлдириб қўйганимда, қўлингдан нима келади?— деб мулла бечоранинг бошига солиб-солиб юборди. Шу карвонларнинг ичида Қосим қофилабоши деган бир ёш бачча карвонларнинг бир бўлагига катта эди, югуриб келиб, Хўжанинг қўлини ушлади:— Сенга бир бало бўлдимми? Сенга Буврахон подшо Холбекани олиб келиб бер деб пул берибмиди? Холбекани олиб келиб берман деб тилингдан хат берибмидинг? Шу шаҳзоданинг қилган яхшилигини унутиб, ёмонлик қилсанг. Бурунгилар айтибди: «Подшо беназар бўлмайди», агар назаркардалиги рост бўлса, «Мен шаҳзодани ўлдир деб-мидим», деб сени ўлдиради, ёлғон бўлса, билмайман,— деб эди, Қосим қофилабоши билан ҳам тўбалашиб қолди. Беш минг одам Қосимга қарар эди, ўн беш минг одам Азбархўжага қарар эди. Карвонлар урушиб, ўз-ўзи қирилишиб қоладиган бўлди. Азбархўжа кўрди, бўлмади. Булар ўлдирмоққа қўймайди. Агар урушса, кўп одам нобуд бўлади. Иложин топмай, бир катта ўрам кийизни олиб келиб, бўйрани ўрагандай тўрани ўраб ташлади. Оломонларига буюрди:— Икки бошига икки катта тош олиб келиб бостириб ташланг, ичида дами кеп²² ўлиб қолсин,— деб далага чиқиб туяларига потирда-путир юкни орта бердилар. Иккита золим хубобехабарга буюрди:— Бор, Холбекани олиб чиқ!

²² Димиқиб.

Иккита карвон чопиб борди: «Чиқ, Холбека!»— деди. Холбека бечора карвонлардан отини эшитгандан: «Оҳ шўрим қурсин, булар менинг отимни қаёқдан билди, тўрамни ўлдириб қўйди»,— деб довшининг борича чинқириб йиғлаб қўя берди. Икки боласи ухлаб ётиб өди, өнасининг довуши билан улар ҳам йиғлаб тура келди. Карвонлар:— Чиқ!!— деди. Холбека чиқмади. Икки золим югуриб келиб, қор-ёмғирдай таёқни ёғдириб, бирови уриб, бирови судраб чиқиб кета берди:

Икки золим чопиб бориб қошига,
Қор-ёмғирдай таёқ ёғиб бошига.
Еру осмон тоқат қилмас, ёронлар,
Холбеканинг чинқирган довушига.

Холбека шўр зор йиғлайди, ўлдим, деб,
Мард тўрамдан энди жудо бўлдим, деб,
Даргоҳингга нима қилдим, худойим,
Мен муштипар бунча ғамга қолдим, деб.

Йиғлайди муштипар, ёшин тиймайди,
Болларини сира кўзи қиймайди,
Икки гўдак зор йиғлайди қолдик, деб
Осилибди, Холбекани қўймайди.

Холбека юрмайди, карвон уради,
Ўлдим, дейди Холбека, чинқиради,
Гоҳ туради, гоҳ ўтириб муштипар,
Зулмман золимлар судраб боради.

— Эшитинг, карвонлар, айтган сўзимни,
Йиғлатманглар икки нодон қўзимни,
Мен сизлардан розидирман, халойиқ,
Бунча урма, ўлдириб кет ўзимни.

Кўлларнинг учирган турна, ғозиман,
Худойим қарғаган қулнинг ўзиман,
Болларимдан айирманглар, карвонлар,
Ўлдириб кет, мен силардан розиман.

Жудоликни менга эгам солмасин,
Ҳеч кимса дунёда мендай бўлмасин,
Икки гўдак армонман йўлда ўлмасин,

Мендай бўлса, бу дунёга келмасин,
Жон оғалар, мени ўлдириб кетинглар,
Гўдаклар қолганин кўзим кўрмасин.

Қизил гулим сўлганига йиғлайман,
Паймонамнинг тўлганига йиғлайман,
Бахтим қора бўлганига йиғлайман,
Мард тўрамнинг ўлганига йиғлайман,
Болам етим қолганига йиғлайман.
Қодир мавлон, даргоҳингга не ёздим,
Мунча алам солганига йиғлайман,
Бу дунёнинг ёлғонига йиғлайман.

Аждарҳодан карвон ўлмай қолсин, деб
Энди ўзи ўлганига йиғлайман.
Душманларни менинг яхши дўстим, деб,
Дўсти душман бўлганига йиғлайман.
Қатта юртнинг ғам кўрмаган азизи,
Бунда хор бўп қолганига йиғлайман.
Илоҳи бузилсин фалак гардиши,
Жудоликни солганига йиғлайман.
Азалда тақдирда мунча меҳнатни,
Менга насиб бўлганига йиғлайман.

Қайтайин, танимда қолмади тоқат,
Елғончи дунёда топмадим роҳат,
Илоҳи бузилсин фалак гардиши,
Фалак, сендан шод бўлмадим бир соат,

Савдо тушди Холбеканинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Ура-ур, деб торта-торт, деб золимлар,
Олиб борди кўп карвоннинг қошига.
Ўлдим дейди, зор йиғлайди муштипар,
Фалак титрар чинқирган нолишига.

Золим фалак алвон-алвон дўндирди,
Уриб-сўкиб Холбекани кўндирди,
Чирқиратиб, вой-войлатиб шўрлини,
Қўлин боғлаб, бир туяга миндирди.

Йиғлайди Холбека, ёшин тиймайди,
Кўп золимлар ўртага олиб қўймайди,

Кетарини билгандан сўнг муштипар,
Болларини сира кўзи қиймайди.

Алқисса, Холбека ойим иложин тополмай, карвон-
ларга қараб, эланиб, бир сўз деди:

Болаларим эр етган йўқ, бўлган йўқ,
Ҳали нодон, ҳеч нарсани билган йўқ,
Қанча эди гўдакларнинг гуноҳи,
Норасталар ўйнаган йўқ, кулган йўқ.

Эрта билан уйқусидан турган йўқ,
Ҳали оч-да, оқ сутимга тўйган йўқ,
Икки нодон бегуноҳга раҳм айла,
Янги турди, нодонларим эмган йўқ.

Ўзи нодон алвон-алвон дўнган йўқ,
Ҳали булар етимликка кўнган йўқ,
Қанча эди норастамнинг гуноҳи,
Қорни очдир, эрта билан эмган йўқ.

Икки гўдак бегуноҳга раҳм айланг,
Мендайн бахти қорага раҳм айланг,
Қанча эди норастамнинг гуноҳи,
Йиғлаб қолган мубталога раҳм айланг.

Ким эмиш кўзини ёшлаб кетмайди,
Меҳрибонлар кўнглин хушлаб кетмайди,
Сизлар баринг мусулмонсан, карвонлар,
Мўмин тугур, кофир ташлаб кетмайди!

Саргардонсан, ҳайдагаңинг лўкмиди,
Кўнглиннга олганинг сенинг кекмиди,
Қандай кўнглинг тошдан эди, золимлар,
Уйингда шунингдай боланг йўқмиди?!

Ҳар гап бўлсам, болаларимман бўлайин,
Ё бўлмасам мен ҳам шунда ўлайин,
Икки гўдак сувсиз чўлда ўлмасин,
Оббергин гўдакни қўлга олайин.

Тўрам ўлди, гўдакларим ўлмасин,
Ҳеч кимса дунёда мендай бўлмасин,

Мендай бўлса, бу дунёга келмасин,
Менга солган бундай қайғу-войимни,
Бу ёлғонда ҳеч бандага солмасин.

Бегуноҳга раҳм айланглар, карвонлар,
Икки нодон сувсиз чўлда ўлмасин,
Мен шўрлига мунча зулм қилманглар,
Таним кетиб, бунда жоним қолмасин,

Бандадирман, оллони ёд этайин,
Елбориб, ҳаққа муножот этайин,
Кўнгли қаттиқ, бағри тошдан, золимлар,
Ҳеч бўлмаса, бир эмизиб кетайин.

Карвонларга ғалағул тушиб, бу бечораларнинг ҳоли-аҳволига йиғламаган одам қолмади. Баъзи худобехабарлари:— Э, ўлмаса, ўронласин, отаси дўстлик қилмаганнинг боласи эл бўларми? — деди. Баъзи раҳми бор кишилари:— Отаси дўстлик қилмай, [нима қилди?]. Иккита худобехабарнинг иши-да. Шу икки нораста гўдакнинг кўз ёши ҳеч кимни омон қўймас. Эмизса, эмиза қолсин-да, нима қилади,— деб андак ишорат қилди:

Алам тортиб банди бўғнин бўшлади,
Во ҳасрато, хумор кўзни ёшлади,
Андак ишоратни англаб муштипар,
Туядан ўзини отиб ташлади.

Савдо тушди Холбеканинг бошига,
Фалак титрар чинқирган нолишига,
Туядан ўзини отиб ташлади,
Йиғлаб борди болларининг қошига.

Қулоқ солинг, куйганларнинг сўзига,
Жимма-жимма ёши тўлган кўзига,
Йиғлаб борди болларининг қошига,
Бориб олди гўдакларни тизига.

Энасидан не ўтганин билмайди,
Норасталар зулм этганга кўнмайди,
Упкасини босолмайди энтикиб,
Икки гўдак Холбекани эммайди.

Холбека шўр дарёдай бўп тўлади,
Бўла-бўл,— деб карвон ғазаб қилади,

Эмолмайди ўпкасини босолмай,
Бир-бирига иржайишиб кулади.

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўласан,
Мавж уриб, дарёдай тошиб тўласан,
Мен кетган сўнг икки гўдак ўласан,
Энанг банди бўлган карвон қўлига,
Энангдан айрилиб йўлда қоласан.

Илоҳи толеинг қурсин, гўдаклар,
Не ҳолингга иржайишиб, куласан?!
Ҳали сенинг ақлинг йўқ, ҳушинг йўқ.
Ўлиминг билмаган қандай боласан.

Энанг банди бўлди карвон қўлига,
Йиғлай-йиғлай сувсиз чўлда қоласан,
Эна, дейсан, танда жоним оласан,
Мен кетган сўнг армон билан ўласан.

Болларим, эминглар-да, тўйинглар,
Букундан кай²³ эна дерни қўйинглар,
Букундан кай эна сенга қайдадир,
Охират либосин энди кийинглар.

Бир вақтида заррин рўмол ўрадим,
Ойна олиб оқ юзимга қарадим,
Гўдакларим, эна бўлмай кетайин,
Эна бўлиб не кунингга ярадим?!

Ойим қизман, ишим ҳақдан кўраман,
Сувсиз чўлда болам, деб чинқираман,
Эна бўлиб не кунингга ярадим,
Кўзим билан тирик ташлаб бораман!

Энанг кетди карвонларнинг қўлига,
Қолдинг энди Зарчаманнинг чўлига,
Шу кўрганим, энди қайтиб кўрмайман,
Сенсиз қайтиб²⁴ юрар Зангар элига...

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солгин гапимнинг пайвастига,

²³ Кейин.

²⁴ Қандай қилиб.

Дийдор қўшса, маҳшар куни кўргаймиз,
Топишгаймиз Олатоғнинг остида.

Гўдак қолдинг, тақдирингдан кўринглар,
Сувсиз чўлда эна деб жон беринглар,
Топишгаймиз Олатоғнинг остида,
Энам, деб шу ерга излаб боринглар.

Еқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Ким кўнмас қудратли ҳақнинг ишига,
Ур-а ур, деб, тур-а тур, деб золимлар,
Депсиб борди Холбеканинг қошига.
Болларини шўрли кўзи қиймайди,
Қор-ёмғирдай қамчи ёғди бошига.

Алам тортиб банди бўғнин бўшлади,
Икки хумор ола кўзин ёшлади,
Таёқ зарби ўтиб эди шўрлидан,
Болларини силкиб қоқиб ташлади;
Икки гўдак зор йиғлашиб шу вақтда
Эна дед-да²⁵ этагидан ушлади.

Холбека шўр ўлдим, деб чинқиради,
Довушига ерлар ларзон беради,
Икки гўдак этагидан ушлади,
Бераҳмлар билагига уради.

Икки гўдак зор йиғлайди қолдик, деб,
Эна, бизлар нима гуноҳ қилдик, деб,
Холбека шўр зор йиғлайди, инграйди,
Ҳар қайсимиз ҳар чуқурда ўлдик, деб.

Алқисса, карвонлар Холбекани боғлаб, сийнасини,
доғлаб, ўлдиргали чоғлаб, Холбека шўр дод деб йиғ-
лаб, олдинги туяга миндириб, тез юр, деб таёқлаб [олиб
кетдилар]. Холбека шўр болаларидан айрилиб, бўйни
ортига қайрилиб, азалда қисмати айра²⁶ буюрилиб, то
кўзи кўрмагунча орқасига қараб, тиклаб кетди. Кўзи
кўрмасдай бўлгандан кейин, болаларидан умид узиб,
уз ҳоли-аҳволига йиғлаб кетди... Холбека бечоранинг

²⁵ Деди-да.

²⁶ Айрилиқ.

дод-фарёдига ер-осмон чидамай, баъзи карвонларнинг захраси об бўлиб, қўшилиб йиғлаб. кетиб бораётиб эди, баъзилари эса: «Хўп қилдик, подшога яхши ўлжа топдик»,— деб кулиб бораётиб эди. Шунда Қосим қофилабоши одамларига махфий айтар эди:— Ҳали ҳам яхши бўлди, тўра ўлмай қолди. Бу золим баччағар ўлдирганда, кўп ёмон бўлар эди, баччалар ҳам ўлар эди. Умидим шу: Тўра бир кун-ярим кун ўтса, мастлиги тарқаб турар, гўдакларини топиб олар, бизларга қараб юрар. Агар етолса, шу баччағар Азбархўжани одамлари билан қирар. Билмайман, етолмай қолса, тўра сира бир тўғишмай²⁷ кетмас. Сизларга сўзим шулки, шу баччағарларга билдирмай, ҳар маҳалла, бандаргоҳларга, йўлнинг лабига, бир кунлик, ярим кунлик ерга, бир кўзача сув, пича овқат қўйиб кетинглар. Тўра келса, ташналаб, очқаб мажоли кетиб қолмасин. Агар тўра етса, мен ҳам жонимнинг борича шу баччағар билан бир курашмасам бўлмас,— деб одамларга тайинлаб, ўзи Азбархўжа билан баробар бораётиб эди.

Энди иккита гўдак энасининг шу ёққа кетганини билиб, гоҳ эмаклаб, гоҳ судралиб, йўлда иккови йиғлаб, эмаклай-эмаклай қирга чиққан эди. Азбархўжа ҳам тўрадан хавотир қилиб, карвонларни қичаштириб, қаттиқ юргизиб борар эди. Энди гапни тўрадан эшитинг.

Шу кун ётди, оқшом ҳам ўтди. Бу кун пешин-пешинда тўранинг мастлиги тарқаб, ҳушига келиб, бир тўлғонди, кийизнинг бир ёғи тошдан жудо бўлди. Тўра кийиздан чиқиб қараса, саройлар дабдала бўлган, саройдан карвонлар кетиб қолибди. Чопиб у саройга борса, Холбека ҳам йўқ, гўдаклар ҳам йўқ. Шаҳзода оҳ тортиб, шердай чирпиниб, йўлбарсдай ютиниб, ўрдасини олдирган бўридай ачиниб, қоплондай чопиниб белини маҳкам боғлаб, этагини қайтариб: «Шу карвонларни шу йўлда бир кўриб қолсам, беармон бўлар эдим»,— деб айиқдай ҳайқириб, аждарҳодай ишқириб, йўлнинг юзи билан, карвонларнинг изи билан, отдай чопиб, кийикдай сакраб равона бўлди. Шунда ўзининг ҳол-аҳволига, ёридан жудо бўлганига, болаларидан айрилиб қолганига, фалакдан шикоят қилиб, бир сўз деб юра берди:

²⁷ Тўқнашмай.

Қодир мавлон, мени солдинг савдога,
Қайта бошдан мен ёримдан айрилдим,
Ёрим кетиб, ўзим қолдим балога,
Кўнглим олган дилдоримдан айрилдим.

Айрилдим, армонман ўсган жойимдан,
Бошим қутулмади қайғу-войимдан,
Қариганда отам қиблагойимдан,
Ғамхўр отам, ғамхўримдан айрилдим.

Айрилдим, армонман қулбаҳонамдан,
Меҳрибон, мушфиқим, гавҳар донамдан,
Боз айрилдим оқ сут берган энамдан,
Қаъбам энам, ночоримдан айрилдим...

Қарчиғай бўйнига тақдим жиғовул,
Хизматимда соп ўгачи, шиғовул,
Олдимда неча саф маҳрам, ясовул,
Улуғ беклар, давронимдан айрилдим.

Жудо бўлдим энди ҳарна боримдан,
Фалак титрар қилган оҳу зоримдан,
Ғарибликда кўнглим олган ёримдан,
Нозли, шакар гуфторимдан айрилдим.

Икки кўздан оққан қонли жоламдан,
Бу фалакка чиққан оҳу ноламдан,
Боз айрилдим икки бирдай боламдан,
Сўзлар тилим ҳам жонимдан айрилдим.

Армонман айрилдим ўсган элимдан,
Булбул бўлиб учди тоза гулимдан,
Мен айрилдим икки бирдай улимдан,
Бел қувватим — мадоримдан айрилдим.

Ёрим, сабру қароримдан айрилдим,
Ўғлим, гулу гулзоримдан айрилдим,
Қўлимда ихтиёримдан айрилдим,
Тар очилган баҳоримдан айрилдим.

Соғинганда хуморимдан айрилдим,
Бахтим, қизиқ бозоримдан айрилдим,
Боғимда олма, норимдан айрилдим,
Найлайин, йўғу боримдан айрилдим.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг, гапимнинг пайвастига,
Майиб нордай ингранади Қунтуғмиш,
Чопиб чиқти катта қирнинг устига.

Еш олгандир валлакатнинг кўзини,
Ғам билан унутган шаҳзод ўзини,
Чопиб чиқса битта қирнинг устига,
Йўлда кўрди гўдакларнинг изини.

— Ҳай аттанг, қиёмат бўлган эканди,
Тар очилган гулим сўлган эканди,
Йиғлайин, паймонам тўлган эканди,
Золим карвон зулм қилган эканди.

Гўдаклар айрилиб қолган эканди,
Неча кун ўтганин хонзод билмайди,
Армон билан болларим ўлган эканди,
Холбека йўқ, ҳасрат билан қон ютиб,
Армон билан банди бўлган эканди.

Золим карвон жуда узаб кетибди,
Куйсин ўлим, барчани йиғлатибди,
Шаҳзода кўзин очиб қараса,
~~Икки гўдак қумда ағнаб ётибди.~~

Шаҳзоданинг кўнгли дарёдай тошиб,
Нодон гўдак энасидадан адашиб,
~~Икки ўгли қумда ағнаб ётибди,~~
Қучоқлашиб қўзидай бўл айқашиб.

Булбул ошно бўлар богнинг гулига
Куйсин ўлим, ким чидайди ҳилига,
Ҳай аттанг-а, ўлиб қолган экан, деб
Бориб олди болларини қўлига.

Мерган отар сувсиз чўлнинг ғозини,
Олдирган қўлидан сарвинозини,
~~Болларин кўтариб олса қўлига,~~
~~Гўдаклар эна деб очди кўзини.~~

Икки гўдак йиғлашиб дод дейишади,
Эна, дейди боллар, фарёд дейишади,

Қармалайди отасининг кўкрагин,
Оч қопти гўдаклар, овқат дейишади.

— Нўғойдай ўсган элатим бўлмаса,
Дойимгидайин давлатим бўлмаса,
Йиғласанг худога йиғла, гўдаклар,
Қайтайин кўкракда сутим бўлмаса;
Икковгинанг очқаб қопсан чўлларда,
Берайин десам, овқатим бўлмаса.

Учайин десам, қанотим бўлмаса,
Турмоққа, найлай, тоқатим бўлмаса,
Ерга кирмакка нажотим бўлмаса,
Икковгинанг чўлда очқаб қолибсан,
Гўдаклар, найлай, овқатим бўлмаса.

Алқисса, шаҳзода болларини қўйнига солиб, карвонларнинг изини олиб, чопган отдай равона бўлиб, югуриб қува берди. Шу сувсиз чўлда ўзи ҳам очқаб, сувсаб, мажоли кетиб келаётиб эди, бояги Қосим қофилабошининг одамлари қўйиб кетган нон-сувнинг устидан келиб, топиб олиб, ўзи ҳам еб, нон, сув бериб, болаларининг ҳам қорнини тўйдириб, йўлга тушиб, кўнглида айтди: «Во ажабо, карвонларнинг ичида ҳам худотарс, сахийлардан бор экан. Мабодо тўра орқамиздан келса, очқаб, сувсаб ўлмасин, деб қўйиб кетган эканда»,— деб орқасидан тушиб қува берди. Анда тўра икки боласини кўтариб, бир ҳафта қувди. Ҳар кунда йўлнинг лабидан бир кунлик овқат, бир кўзача сув топиб, еб, ичиб қува кета берди. Бир ҳафта деганда Тажан дарёнинг лабига борди. Шаҳзода қараса, Азбархўжа хавотир қилганидан: «Мабодо орқамиздан тўра келса сувдан ўтолмасин, маътал бўлиб, орқамиздан етолмасин»,— деб дарёнинг қайиқча кемаларини ҳам сувга оқизиб ўтиб кетибди. Шаҳзода у ёқ-бу ёққа югуриб кўрди, кемақайиқ тополмади. Охир иложини топмай, икки боласини йўргаклаб, ўзин сувга чоғлаб, дарёдан юзиб ўтмоқчи бўлди. Биттасини оғзига тишлаб, у биттасини шу дарёнинг лабига қўйиб, дарёга кириб бирор ўттиз қулоч уриб эди. Энди бахти қайтган тўрани кўринг, «Давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам эгиз», шу баччани қўйган ернинг олдида бир туп гиша бор эди, шунинг остида бир қизил ияк қари бўри писиб ётиб эди. Шаҳзоданинг дарёга

тушганини кўриб, тўра узагандан кейин, баччанинг белидан тишлаб олиб кета берди. Бола қўрқиб: «Ота!»— деди. Шаҳзода қараса, бўри тишлаб олиб бораётибди. «Воҳ!»— дейман деб эди, оғзидагиси ҳам сувга тушиб кетди, бир балиқ ютиб ўта чиқди. Шаҳзода айтди: «Буку ўлди, ана усига етар эканманми?»— деб сувдан чиқиб қувди. Икки оёклига тўрт оёкли нега етқизсин, у ҳам қутулиб кетди. Анда шаҳзода икки боласидан умид узиб, болаларидан айрилиб, қанотидан қайрилиб, икки боласининг фироқидан Холбекани ҳам эсидан чиқариб: «Эй замона, қиш-ёзингни, кўп-озингни, ўрдак-ғозингни, кеча-кундузингни, ой, офтоб, юлдузингни, осмон ерингни, ҳарна борингни бор энангни...»,— деб шаҳзода диловарнинг қадди букилиб, ҳар бир кўзидан олтмиш қатра ёши [тўкилиб], бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб, жунун савдоси қўзғолиб, фалак кажрафтордан шикоят-шиквалар қилиб, ўз холи-ахволига наъра тортиб айтган сўзи:

Хони моним бўлди чун барбод дастингдан, фалак,
Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак,
Қилмадинг асло дилим обод дастингдан, фалак,
То қиёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Шоҳларнинг шоҳи эрдим, ҳукм этардим ўлтириб,
Золимига жабр айлаб, ўғри бўлса ўлдириб,
Ҳукми шоҳликнинг адолат бирла даврини суриб,
Золимилар қўрқар эрди, бу ёмон ҳукмим кўриб,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Неча шаҳзодлар билан ҳар ерда майдон ўйнашиб,
Гоҳларда от чопиб, гоҳларда чавгон ўйнашиб,
Гоҳи гўйбозлик қилиб, майдонда ҳар ён ўйнашиб,
Гоҳ қиличлар силташиб, тиг ила жавлон ўйнашиб,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отлар бўлсам, қўшин мағрибу машриқ томон,
Айланиб кетмас эди бошимда ҳар кун минг ғулом,
Шоҳлардан минг киши ҳар эрта келарди салом,
Кунда минг мулло келиб тафсирдин айларди баён,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Отланар бўлсам, қўшин чиқар эдилар лак-балак,
Минг хачир хизматда эрди, яна эрди минг эшак,
Яна сонсиз сувор ташир эди хору хашак,
Яна юзта фил юарди устида заррин тўшак,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан фалак!

Отимни Кунтуғмиш дейди, мен Нўғойнинг хониман,
Дилбаридан айрилиб, мен бир ажаб сарсониман,
Олдириб икки қўзимни дийдайи гирёниман,
Онадан бахти қаро туғдим²⁸, шунинг ҳайрониман,
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан фалак!

Шаҳзода фарзанд доғига тоқат келтиролмай, ноли-
шига осмон-ер тебраниб, йиғлаб туриб эди. Шу вақтда
тўранинг ноласини эшитиб, бир чўпон келиб қолди. Қа-
раса, бир одам, шер ҳайбатли, йўлбарс сифатли бир
киши, фалакдан шикоят қилиб йиғлаганига тоғу тош-
лар сув бўлиб турибди. Чўпон бечора қўйни қўйиб, тў-
ранинг олдига келиб:— Нега мунча йиғлайсан?— деб
бир сўз деди:

Э, ёр, алам кўрган, қайдин келасан, айғил,
Кўп ранжу ситам кўрган, қайдин келасан, айғил.

Ким эрдинг гули сўлган, шум паймонаси тўлган,
Ёки боласи ўлган, қайдин келасан, айғил.

Диёридан айрилган, қанотидан қайрилган,
Ё ёридан айрилган, қайдин келасан, айғил.

Сен мунча бўлиб шайдо, мунча қилиб вовайло,
Юсуфмисан Зулайҳо, қайдин келасан, айғил.

Сен мунча бўлиб пурхун, кўз ёшинг оқар Жайхун,
Ё Лайлимисан Мажнун, қайдин келасан, айғил.

Йиғлайсан бози-бози, кўкка чиқар овози,
Ё Зебомисан Ёзи, қайдин келасан, айғил.

Ёинки қаландарсан, ё марди диловарсан,
Қилгин буни боварсан, қайдин келасан, айғил.

Айғил менга²⁹ отингни, бергил баён зотингни,
Қўй энди уётингни, қайдин келасан, айғил.

²⁸ Туғилдим.

²⁹ Қўлёзмада меған.

Анда Шаҳзода диловар чўпондан хабари йўқ, ўз ҳолларига йиғлаб турган эди, кўзларини очиб қараса, бир қўй қувувчи келиб, «қайдан келасан»,— деб сўз сўраб турибди. Анда шаҳзоданинг тутун-оловлари жўш қилиб, кўнгиллари қайнаб, бир дардманд тополмай, ичи ғамга тўлиб турган эмасми, чўпонни мунгдош билиб: Э бечора, бери кел,— деб чўпонга қараб, бошидан ўтган машаққатларини айтиб, бир-бир баён қилиб бир сўз деди:

Ярақ

Нўғой юрти — ўсган жойим,
Кўкка чиқар қилган оҳим,
Қорахон дер қиблагоҳим,
Отам элга султон бўлди.

Нўғойдадир мамлакатим,
Қайрилиб синди қанотим,
Кунтуғмиш дер менинг отим,
Тўра номи-нишон бўлди.

Қулоқ солгин нолишима,
Йўқ савдо тушди бошима,
Мен кирдим ўн тўрт ёшима,
Бир куйгур тушди тушима,
Хотирим паришон бўлди.

Сўзламакка кўнглим толиб,
Зулфим белимга ирғалиб,
Қошима қирқ йигит олиб,
Кўнглим йўлга равон бўлди.

Кўзимдан оққан ёшимман
Шу фалакнинг гардишиман
Уч ой юриб Зангар келдим,
Ошна бўлдим қўрбошиман.

Ёр, ёр дедим қонлар ютиб,
Ҳар тарафга кўзим тутиб,
Олдим ёрнинг нардин утиб,
Жойим — кўшқу айвон бўлди.

Йиғлайин, қанотим синди,
Қора бахтим қора дўнди,

Подшосига бўлдим банди,
Қутулмоғим гумон бўлди.

Кўндим ҳақнинг тақдирига,
Қойил манглайнинг шўрига,
Бизларни тикди терига,
Бу кенг дунёнг зиндон бўлди.

Қилди душманлар маломат,
Кўрдим бир неча аломат,
Чиқдим теридан саломат,
Яна кўнглим равшан бўлди.

Қулоқ солғил ушбу доққа,
Кўзимни солдим ҳар ёққа,
Неча вақтлар чўлда кезиб,
Охир келдик Муғол тоққа,
Муғол тоғи ватан бўлди.

Бир-бировга бўлиб пайванд,
Кўнгилларни қилиб хурсанд,
Худо берди икки фарзанд,
Яна кўнглим равшан бўлди.

Қидирдим алвон-алвонга,
Сигиндим қодир мавлонга,
Тўрт йил юрдим Муғол тоғда,
Дучор келдим кўп карвонга.
Нўғой юртнинг хони эдим,
Ўзимни сотдим бир нонга,
Қимматимиз бир нон бўлди.

Омонат одамнинг жони,
Ҳар кимнинг элда бўлар даврони,
Ўзимни сотиб бир нонга,
Мен ўлдирдим аждарҳони,
Илон ер билан яксон бўлди.

Номус билан орим кетди,
Қаторимда норим кетди,
Ароқ бериб маст қип мени,
Шу карвонда ёрим кетди,
Дўст карвоним — душман бўлди.

Сўзламакка кўнглим толиб,
Зулфим белимга ирғалиб,
Қўш боламни топиб олиб,
Кўнглим йўлга равон бўлди.

Бирини солиб ийнима,
Бирини солиб қўйнима,
Қўш боламни топиб олиб,
Келдим Тажаннинг бўйнига,
Утмаклигим гумон бўлди.

Барчани яратди холиқ,
Бор эди вазир оталиқ,
Бировини ютди балиқ,
У ер билан яксон бўлди.

Шул бўлди ҳақнинг тақдири,
Айрилмай манглайнинг шўри,
Биттасин оп кетди бўри,
Уни кўрмак гумон бўлди.

Қарорим йўқ, турай десам,
Мадорим йўқ, юрай десам,
Уйим йўқдир, борай десам,
Ватаним йўқ, кирай десам,
Ёрим йўқдир, кўрай десам,
Қўзим йўқ, ўргилай десам,
Ажал етмас, ўлай десам,
Чўпон, бошим сарсон бўлди.

Чўпон: «Э бечора»,— деб ўтиб кетди. Анда шаҳзода Холбекани ҳам унутиб, бораётган йўлини ҳам қўйиб, бошқа бир ёмон йўлга тушиб, кўнгли жўш уриб: «Бор дунёнгдан кечдим»,— деб бир сўз деди:

Мосуводай кўкка учдим,
Ажал шаробидан ичдим,
Бу дунё баҳридан кечдим,
Қаландар бўлганим бўлган.

Қиёмат тонги отгунча,
Оламни фони тутгунча,
Исрофил сурин тортгунча,
Қаландар бўлганим бўлган...

Қокилимнинг бандин йиғиб,
Қошу қабоғимни уйиб,
Бошима бир кулоҳ кийиб,
Қаландар бўлганим бўлган.

Сўзламакка кўнглим толиб,
Зулфим белимга ирғалиб,
Қўлимга бир мудбақ олиб,
Қаландар бўлганим бўлган.

Боғларда бордир навбаҳор,
Гуллар очилар ҳар саҳар,
Қидириб шаҳарма-шаҳар,
Қаландар бўлганим бўлган.

Шу бўлди ҳақнинг фармони,
Кетди танимнинг дармони,
Гоҳ ўрус, гоҳ армани,
Қаландар бўлганим бўлган.

Гапга етар ақли расо,
Унг қўлимга олдим асо,
Гоҳи яҳуд, гоҳи тарсо,
Қаландар бўлганим бўлган.

Йиғлайин, қанотим синди,
Қора бахтим қора дўнди,
Гоҳи муғман, гоҳи ҳинди,
Қаландар бўлганим бўлган.

Азроил жоним олгунча,
Сановли дамим тўлгунча,
Ҳисобли куним бўлгунча,
Қаландар бўлганим бўлган.

Шаҳзодани кета бермоқда қўйинг, энди сўзни кимдан эшитинг? Тўранинг қўлидаги боласини ютган балиқ муғдор ўн газ ер ҳам борган йўқ эди. Олим сайёд деган қатағанлик катта сайёд бир катта тўрни ёзиб ўтириб эди. Шу балиқ борувчи билан тўрига тушди. Кўтариб олсалар, бир катта балиқ тушибди. Ичини ёрди. «Ота» деб ичидан бир бола чиқа келди. Олим сайёд ҳайрон қолиб:— Ажаб қудратларинг бор,— деб болани

уйига олиб бориб, фарзанди йўқ эди, тарбия қилиб боқа берди.

Энди бўри олиб қочган боладан сўзни эшитинг.

Бўри тўранинг боласини олиб қочди, бир, икки қирдан ошди. ~~Унта чўнен итига ош~~ пишриб ётиб эди, бўрининг гузари устидан тушди. Чўпонларнинг кўзи тушди, итни қўшди, бўри шошди, баччани ташлаб қочди. Чўпонлар болани тушириб олиб, ҳайрон қолиб, бирови айтади:— Қирга чиққан хотиннинг боласи.

Бирови айтади:— Мўлтонининг боласи.

Бирови айтади:— Қозоқнинг боласи.

Бирови айтади:— Бир уйқучи бефарқ хотиннинг боласи.

Шу ерда ўи бир чўпоннинг қўши дойим бир эди. Кунда кечкисин бари йиғилиб келар эди. Эрта туриб, қўйларни ҳар тарафга ҳайдаб кетар эди. Кечкисин бояги тўрага учрашган чўпон қўйини ҳайдаб келса жўралари:— Э биродар, бизлар букун бўридан бир бола тушириб олиб қолдик,— деб ўртага олиб ўтирибди. Чўпон кўнглида айтди: «Ҳалиги шўрлининг боласи».

Орадан бир-икки кун ўтмай овоза бўлиб қолди: «Олим сайёд қатаган балиқнинг ичидан битта тирик болани топган эмиш». Буни ҳам ҳалиги чўпон эшитди. «Ҳалиги шўрлининг боласи»,— деб юрди. Чўпонлар бўрини гурк дер экан, ўз оти ўзи билан, боланинг отини Туркибой қўйдилар. Балиқни сайёдлар моҳи дер экан, унисининг отини Моҳибой қўйдилар. Болаларни тарбиятда қўйиб, энди сўзни Холбека ойимдан эшитинг.

Азбархўжа неча вақт, неча кунлар йўл юриб, Зангарнинг шаҳрига дохил бўлди. Зангарга: «Холбека келаётган эмиш»,— деб овоза бўлди. Катта-кичик, хурду калон, қизу жувон, марду зан томларнинг устига чиқиб, томоша қилур эрди. Азбархўжа Холбекани Буврахон подшога кўриниш қилди. Подшо қараса, Холбека ойимнинг қадди букилиб, ранглари сарғайиб, қовоғи тортиб, таёқдай қотиб, қизил ола қонига ботиб, илгариги ҳусни жилваларидан юздан бири ҳам қолмабди. Шунда Буврахон подшо: «Ҳай аттанг, эсиз Холбека, соп бўпти-я»,— деб аркони давлатнинг ичида Холбекага қараб, бир сўз деб турипти:

Бир вақтинда банот бичдинг тўнликка,
Қарайман этагинг кепти енгликка,

Қайда қолди қошингдаги ҳамроҳинг,
Ўзинг кепсан карвонларман, Холбека?!

Бир вақтингда Зангаримни жойладинг,
Бошингга зар уқа рўмол бойладинг,
Ўзинг кепсан карвонларман, Холбека,
Қошингдаги ҳамроҳингни найладинг?

Ўртадинг бир марднинг жони-дилини,
Осмонга совурдинг марднинг кулини,
Ўзинг кепсан карвонларман, Холбека,
Қайда ташлаб келдинг шоҳнинг улини?

Сени деб шаҳзода бўлди афтода,
Бу умрин фалакка берди барбода,
Ўзинг кепсан карвонларман, Холбека,
Қайда қолди қошингдаги шаҳзода?

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,
Жон қутулмас азроилнинг қасдидан,
Қайда қолди қошингдаги шаҳзода,
Ёлғон дема, сўзла, нозим, ростидан.

Холбека ойим шоҳдан бу сўзларни эшитиб, довуши-
нинг борича чинқириб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб,
кўзининг ёши маржондай тизилиб, бир сўз деди:

Хоним, сизга дейин гапнинг бўлганин,
Орага солмайин сўзнинг ёлғонин,
Саҳар вақти икки қўлим боғланди,
Билмайман тўрамнинг тири-ўлганин.

Во ҳасрато, ичар сувим лойланди,
Фалокат бошима ёмон айланди,
Қор-ёмғирдай қамчи ёғиб бошима,
Саҳар вақти икки қўлим бойланди.

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ер ютар одамнинг ахир барисин,
Саҳар вақти икки қўлим бойланди,
Билмайман тўрамнинг тири-ўлганин.

Бир боғчада олма эди, нор эди,
Айрилган қул бир кўрмакка зор эди,

Билмайман тўрамнинг тири-ўлисин,
Эна деган икки ўғлим бор эди.

Армонман айрилди қаноти синиб,
Йўлима тўрт бўлди кўзлари тиниб,
Қола берди Зарчаманнинг чўлида,
Эна дейишиб, ойдаи бўлиб талпиниб.

Сувсиз чўлда болларим ўлгандир,
Армонман гўдаклар нобуд бўлгандир,
Гўдакларнинг кими борсин қошига,
Танасини қарға-қузғун олгандир.

Гўдакларнинг кими борсин қошига,
Ким раҳм этсин [кўздан] оққан ёшига,
Сувсиз чўлда болларим ўлгандир,
Қарға-қузғун қўниб ётир лошига.

Оҳ тортганда оҳим ипдай эшилди,
Айриликдан сийна-бағрим тешилди,
Гапнинг бўлгани шул, тақсир подшойим,
Дийдор букун сизга келиб қўшилди.

Холбеканинг шу сўзига аркони давлатдан эшитган одам йиғламай қолмади. Подшо ҳам кўнгли кўп паршон бўлиб, аркони давлатдан савол қилди: — Э ёронлар, вой умаролар, вазир донолар, подшо ғазаб қилиб, икки одамни бир терига тикиб, бир асовнинг думига тақиб, бир жазираи ваҳмнокил оташга ҳайдаб юборса, шундан чиқиб, бола-чақали бўлган,—деб ҳеч эшитганларинг борми?

Аркони давлат бари жойидан туриб, қўл қовиштириб:— Тақсир подшойим, бу синоатни бизлар тугил, илгари ўтган пайғамбарлар ҳам кўрган эмас,—деб жавоб бердилар. Подшо айтди:—Э халойиқлар, шу иккови тери ичида чўл жазирада омон қолган экан, шу икки гўдак ҳам чўлда омон қолармикан? Халойиқ гуруллаб айтди:— Тақсир подшойим... агар сақлайман деса, қудрати етади.

Подшо айтди:—Э ёронлар, шу икки гўдак ўлмас, қасос қиёматга қолмас. Шу Хўжадан шу гўдаклар отасининг қасосини, ўзларининг қасосини олмай қўймас. Мен шу баччағар Хўжага Холбекани олиб келиб бер,

деган эканманми? Азбархўжани тагизаминдаги зиндонга олиб бориб ташланглар, молларини печат қилиб қулфлаб ташланглар.

Ахир шу баччалар келар, шу Хўжадан ўчини олар,— деб фармон қилди.

Жаллодлар келиб, Хўжанинг ёқасидан олиб, шоҳи буюрган обхонага ташладилар, молларини беркитдилар. Анда подшо Холмўмин ясовулбошига қараб, фармон қилдики:—Ов Холмўмин ясовулбоши, бор, Холбекани сенга бердим.

Холмўмин ясовулбоши жойидан ирғиб туриб, қўл қовуштириб, қуллуқ тақсир,— деб Холбекани уйига олиб бориб боқа берди. Холбека ойимни боқмоқда қўйиб, икки калима сўзни ўзга жойдан эшитинг.

Алқисса, баччалар бир иш буюрса, қилгудай бўлди, бир ерга буюрса, бориб келгудай бўлди. Ойдан-ой ўтди, йилдан-йил ўтди, баччалар ўн бирга етди. Лекин юртга овоза бўлиб эди: «Холбекани Зангар подшоси Холмўмин ясовулбошига берган эмиш». Ҳалиги чўпон бунни ҳам эшитди. Лекин ҳалиги чўпон ҳар замон қўй ҳайдаб Қатағанга борса, Моҳибойни ҳам кўрар эди. Чўпон пулиени бериб:—Икковимиз ошна бўламиз,—деб таниш бўлиб юрар эди. Чўпон бечора кўнглида айтар эди: «Шу баччалар йигирмага борса, Нўғой мамлакатига олиб бориб, Авлиёйи Қорахонга бир таништириб, набира эканлигини билдирсам, мен-ку ҳеч нима эмасман, шу баччалар туфайли бир нарса бўлиб қоламан», —дегич эди.

Гуркибой ўнга киргандан кейин, чўпонлар қўй боқтириб, ҳар кун бировининг қўйини боқиб келар эди, шу кунни чўпон ўзи қўшда ётиб қолар эди. Ҳар ўн бир кунда навбати бир айланиб келар эди. Бояги отасини кўрган чўпонга навбат келса, Гуркибойни иззатлаб, эшагига миндириб, қўйини ўзи боқар эди. Отасини кўрган сабабли бошқа чўпонлардан бу кўп меҳрибон эди.

Баччалар ўн иккига кирди. Бир кун ёғин кўп бўлиб, қўй ҳам кўплик қилиб, Гуркибой югуриб чарчади. Қўйни ҳайдаб келиб, хўрагини еб, ундай ерга бориб ётиб қолди. Чўпонлар қўйнинг қийига олов бериб, этак уриб, чўғ қилиб, устларини кептириб гаплашиб ўтириб эди. Бир чўпон гапириб солди:—Э биродарлар, шу Гуркибойни бизлар бир бўридан тушириб олдик, бир одам ҳам излаб келмади-я.

Буни Гуркибой эшитиб: «Қани чўпонлар нима дейди экан»,— деб дарров қулоқ солди. Бояги тўрани кўрган чўпон йиғлаб қўя берди. Бу чўпонлар айтди:— Сен бир нимани³⁰ биласан, бизларга айтмайсан, Гуркибойни ҳам кўп иззат қиласан. Бизлар Гуркибой, деб эдик, сен йиғладинг. Сен шунинг сабабини айтмайсан, агар айтмасанг сени ўлдирамиз,— деб ёмоннинг ҳазили ҳам ёмон бўлади, ўн чўпон деҳқоний муштан йигирма муштни ясади.

Гуркибой ҳам қулоғига тикиб ётибди. Шунда чўпон жўраларига қараб бир сўз деди:

Наркас-наркас хумор кўзлар сузилар,
Ҳасратингдан юрак-бағрим эзилар,
Гуркибойнинг зотин айтсам сизларга,
Гурки десам, менинг кўнглим бузилар.

Қулоқ сонглар алвон-алвон сўзларга,
Қўй боқамиз одами йўқ тузларга,
Гурки десам, менинг кўнглим бузилар,
Гуркибойнинг зотин айтай сизларга...

Бу гўдак бу ерда бўлган саргардон,
Қўй қайтариб, тилаб ейди парча нон,
Гуркибойнинг зотин айласам баён,
Туб бобоси Авлиёи Қорахон.

Нўғой дейди бунинг асли жойини,
Етимлик қайтарган бачча раъйини,
Туб бобоси Авлиёи Қорахон,
Кунтуғмиш тўра дер қиблагойини.

Узоқда Гуркининг манзил-диёри,
Беҳабар баччанинг кўп ичкуяри,
Қатағанда сайёдларнинг қўлинда,
Гуркининг бор Моҳи деган жигари.

Қуймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,
Ўртанмасин қизил гулдай танаси,
Зангар элда Холмўминнинг қўлинда,
Гуркининг бор Холбека отли энаси,
Холмўмин ясовулбоши тоғаси.

³⁰ Қўлөзмада нингани.

Чўпонлар айтди:— Бизга тожикини қўй, ўзбаки қилиб, айтиб бер.

Чўпонлар саҳронишин-да, ғазални ҳам тожики дейди экан, уларнинг ўзбакиси жўн сўз экан.

Анда чўпон бечора оғзаки айтдики:— Э чўпонлар, Гуркининг юрти Нўғой, бобосининг оти Авлиёйи Қорахон, Нўғой шоҳи. Отасининг оти Кунтуғмиш тўра, Зангарга келган, Холбекани нард ўйнаб утиб олган, подшосига банди бўлган, бир терига тикиб, асовга судратиб, бир чўл-жазирага ҳайдаб юборган. Булар омон-эсон чиқиб, Мугон тоғида эл тополмай, тўрт йил қолган. Шунда Холбека ҳомиладор бўлиб, икки ўғил туққан. Шу баччалар учга кириб, тўртга чиқар бўлганда, бир савдогарга дучор бўлган. Савдогарлар шахзодага ароқ бериб, маст қилиб, Гуркининг энаси Холбека ойимни подшога олиб борамиз,— деб олиб қочган. Шу икки бола чўлда қола берган. Тўра мастлиги тарқалгунча неча кун ётган. Андин сўнг жойидан туриб, икки боласини топиб олиб, карвонларнинг орқасидан тушиб, Тажан дарёсининг лабига келиб, икковини бирга кўтариб ўтолмай, бировини шу ерга қўйиб, бировини оғзига тишлаб, сувда сузиб бораётганда, буни бўри олиб қочган, у бировини дарёда балиқ ютган. Буларнинг зотини билсанглар шу,— деди.

Гуркибой бунинг барисини эшитиб олди... Тонг отгунча йиғлаб чиқди. Чўпонлар:— Энди Гуркибойни катта қилайик, қаттиқ ишга буюрмайик,— деб ҳаммалари ваъдалашиб қўйдилар. Оқшом ётди, эрта-мертан тонг отди. Гуркибойнинг олдига бир қўра қўйни ҳайдатди. Анда бачча қўйни ёйиб, бир жойга бориб, оқшом йиғлаб чиққан эди, ёнбошлаб ётиб ухлаб қолди. Ўзи чилланинг ичи эди, бўрининг илиққан вақти эди. Беэга қўйга ўнта оч бўри тегди, бўғиб, ўлдириб кета берди. Бир палла чўчиб, уйқудан уйғонса, қўйнинг бари тўмпайиб бўғизланиб ётибди. Қараса, қўй учдан бир бўлибди. Гуркибой сўкиб: «...Қириб кетибди-ку. Агар бундан борсам чўпонлар урар, балки ўлдиар. Мени кимим сўраб ётибди. Бировнинг боласини кўтарсам ҳам куним ўтади-ку, менинг нимамага етмаётир»,— деб сойни этаклаб қоча берди. Энди гапни Моҳибойдан эшитинг.

У ҳам кашишлик, нуруналик, мартабалик бачча бўлган эди. Ҳар ким бир сўз қотсам дер эди. Сайёд Моҳининг қўлига кабоб берса, бошқа шогирд пешала-

ри бир сават балиқ сотгунча, Моҳибой беш сават, олти сават балиқ сотар эди. Шу сабабдан сайёдлар кўп яхши кўрар эди. Бир куни Моҳибой саватни бошига қўйиб, бозорни оралаб: «Ёғли кабоб, доғли кабоб, олиб есанг топасан савоб»,— деб қанқиллаб, кабоб сотиб келаётир эди, қараса, бир чолдевор-вайронанинг ичида, деворнинг остида, тўртта сочи ўсган, бир-бирига юзмаюз ўтириб: «Кел-е, гарткам»,— деб ўтирибди. Моҳибой айтди: «Ўтириб қиладиган яхши касб экан».— Жойни кеңгайт,— деб бу ҳам ошиқни олиб, гарткам,— деб ота берди. У худобехабарлар Моҳибойнинг андилигини билиб, дуқор турса ҳам, ола турса ҳам нарсаларини ола бердилар. Бир фаслда кабобнинг пулини, устидаги бирикки юпқа озода тўнини бой берди. Пули қолмагандан кейин: «Э, бу ҳам касб эмас экан»,— деб бу Моҳибой ўйлади: «Энди борсам, сайёдлар қўлимга кабоб бермас, дойимгидай кўрмас, урар, балки ўлдирар. Мени кимим сўраб ётибди»,— деб бу ҳам бир йўлга солиб қоча берди. Дарёнинг бу ёғидан Гуркибой, у ёғидан Моҳибой келиб қолди. Гуркибой қараса, дарёнинг у ёғидан ўзига ўхшаган бир етим келаётибди. Қараб турса, етимликдан камийўқ, ченомоқдан энгийўқ. Гурки қараб бир сўз деди:

Баланд бўлма, паст бўлайик,
 Ганим билан қасд бўлайик,
 Дарёдан ўтгин берёққа,
 Кел, икковимиз дўст бўлайик.

Икковимиз бирдай етим,
 Боғда очилган гулдай етим,
 Жаннатдаги ҳурдай етим,
 Икки етим дўст бўлайик.

Мавж уриб дарёдай тошиб,
 Бир-биридан ҳол сўроғлашиб,
 Икковимиз кучоқлашиб,
 Икки етим дўст бўлайик.

Куйиб қолган кулбахонам,
 Утга куйган гулдай танам,
 Менинг ҳам йўқ ота-онам,
 Икки етим дўст бўлайик.

Қулоқ солгин ушбу доққа,
Киргаймиз бўстонли боққа,
Дарёдин ўтгин биз ёққа,
Икки етим дўст бўлайик.

Алқисса, Моҳибой қараса, нақ ўзига ўхшаган бир етим келаётган экан, дарёдан буёққа ўт, деб чақириб турибди. Дўст бўламиз дейди. «Оббо, муғамбир экан-а, дўст бўламан, деб алдаб-сулдаб, менинг устимдаги ҳарна қолган юқа чопонни оламан дейдигансанда»³¹. Менга сен дўст бўлиб, шу кебанакингни берасанми? Кебанакларингга»,—деб сўкиб бир сўз деди:

Юрган йўлим бўта кўзли, жўнағар,
Найза тегса, оқбадан қон оқар,
Биров ўйга, биров қирга юради,
Юрганимман ишинг нима, энағар...

Ойимлар шонаман зулфин ўради,
Иш таваккал, худойидан кўради,
Юрганимман ишинг нима, энағар,
Биров ўйга, биров қирга юради.

Тарзимга қарасанг нодон боламан,
Мавж уриб дарёдай тошиб тўламан,
Юрганимман ишинг нима, энағар,
Қиморга бой бериб қочиб келаман.

Моҳибой айтди:—Э энағар, мен сен билан дўст ҳам бўлмайман сен шекилли саҳройи билан юрмакка ор қиламан. Менга нима ишинг бор,—деб чапанилаб сўка берди. Анда Гуркибой меҳри тоблаб, укасига қараб, яхши гапириб, аччиғланмай жавоб бергин, деб турибди:

Яхшиларнинг юзин кўрсанг — жаннатдир,
Ёмон одам қилган иши — миннатдир,
Аччиғланмай жавоб бергин, чироғим,
От сўрамоқ, зот сўрамоқ суннатдир.

Жавоб бер, сўрайман, укам, отингни,
Баён бергин ўсган мамлакатингни,

³¹ Дейдигандирсан.

От сўрамоқ, зот сўрамоқ суннатдир,
Отанг ким, энанг ким, айтгин отингни.

Қуйган қулман, гапни гапга улайман,
Улуғ дейман, остонани тунайман,
От сўрамоқ, зот сўрамоқ суннатдир,
Отинг билан элатингни сўрайман.

Айтган сўзлари таъсир қилиб, Моҳибойнинг кўнгли эриб: «Мен отимни айтганда таниб олиб қўями шу баччағар. От сўрамоқ суннат бўладиган бўлса, айтсам айта қолайин-чи»,— деб бир сўз деди:

Қовмим йўқ, оғажон, қариндошим йўқ,
Сир айтайин десам, эмчакдошим йўқ,
Бир худодан бошқа раҳбар кишим йўқ,
Қувондисиз бепадардин бўламан.

Оғажон, кўп турур қайғуман доғим,
Ғам билан сарғайган бошдан адоғим,
Бормоққа боғим йўқ, ботмоққа тоғим,
Ватани йўқ, беватандин бўламан.

Ўзим етим, етимликда камим йўқ,
Танҳодирман, қошимда ҳамдамим йўқ,
Ҳеч мураббим, ёнимда одамим йўқ,
Мураббийсиз бепадардин бўламан.

Оҳ урсам ғамхона кўнглим жўшади,
Алам тортсам банди-бўғним бўшади,
Чиққан эканман балиқнинг қорнидан,
Отимни Моҳибой етим дейишади.

Моҳибой бу сўзни айтгандан, Гуркибой бечоранинг юрак-пураги ёрилгидай бўлиб, ёқасини ушлаб, ҳазор-ҳазор шукурлар қилиб: «Укамни кўрсатдинг», — деб укаси эканлигини билиб, неча ширин забонликлар билан: — Дарёдан ўт, — деди. Бу хумса асло ўтмади. Ахири ўзи дарёдан оқа-оқа ўтди. Анда Моҳибой: «Бу дашликнинг сувга оқиб энтикканига қара»,— деб мазақ қилиб туриб эди, Гуркибой сувдан чиқиб, укаси билан кўришиб, иккови чиначоқ олишиб, болаларнинг расмини қилиб, иккови дўст бўлди. Гуркибой қараса, Моҳи

укаси ёмон тезабон, бир гапни асло тўхтата олмайди-ганга ўхшайди. Кўнглида айтди: «Кел-е, бунга аканг-ман, деб айтмайин, бизлар хонзодамиз, деб айтсам, оғзи ёмон тезоб экан, ҳар кимга бизлар подшозодамиз, деб айта берар. Подшоларнинг душмани кўп бўлар эмиш, мабодо бир ҳодиса рўй бермасин»,— деб иккови дўстлик муҳаббатини маҳкам қилиб, йўлга тушиб кета берди. Бир-бировига шундай меҳр қўйиб қолганки, бировини-бирови бир лаҳза кўрмаса, асло тоқат қилолмайди. Икки бачча бу юрганларича, уч ҳафта йўл юриб, Зангарнинг шаҳрига етдилар.

Шаҳар халқининг мазороти кўп бўлади. Гуркибой мазоротни кўриб, оғзи очиб, Моҳибойдан: — Бу нима?—деб сўраб, Моҳибой: — Билмайсанми, қабристон,— деб жавоб бериб турибди:

Савол:

Оҳ урсам ғамхона кўнглим жўшади,
Алам тортсам, банди-бўғним бўшади,
Ҳайрон қолдим минам⁸² элнинг расмига,
Моҳи, ётганларни нима дейишади?

Жавоб:

Бу сўзларинг қилди мени саргардон,
Чўпчак териб, тилаб ейбер парча нон,
Мен ҳам ҳайрон қолдим Турки ақлингга,
Билмайсанми, ётганлардир қабристон...

Савол:

Бир нечаси кўҳна бўлиб сепилган,
Баъзисига янги тупроқ тўкилган,
Баъзининг бошига ялов тикилган,
Моҳи, ётганларни нима дейишади?

Жавоб:

Ажал тоймас, одамзодга баҳона,
Агар келса қўймас фасли замона,
Ялов тикса, бузруклиги нишона,
Билмайсанми, ётганлардир қабристон...

⁸² Мана бу.

Алқисса, шаҳарнинг ичига кириб эди, Гуркибой шаҳардаги одамларни кўриб, оғзи очилди-қолди. Лекин Моҳибой шаҳар жойда ўсган эмасми, жалтанглаб ўтиб, уриб кетиб бораётибди. Бу баччаларни ҳар ким кўрса, йўл бўлсин, — деб бир гап қотади. Анда Моҳибой: — Бизлар нон талаб, — деб жавоб беради. Улар айтади: — Ундай бўлса, бировинг бизникида туринглар. Моҳи айтади: — Биз икковимиз айрилмаймиз, агар айрилсак тонг ҳам отмас, кун ҳам ботмас. Ҳар кимнинг кўнгли бўлса, бировига юрамиз. Улар айтади: — Бу шаҳарнинг ичида ҳеч одамниқига сиғмайсан. Анда Моҳи: — Минг эшик ёпиқ бўлса, минг бир эшик очиқ, — деб жалтанглаб уриб кетиб бораётибди. Гуркибой оғзи очилиб, ҳар дўконга бир қараб: «Одам ҳам бундай кўп бўлади экан», — деб кейин-кейин қолади. Анда Моҳибой тўхтаб: — У, арвоҳ урган, тез юрсанг-чи, — деб чақириб туради. Гуркибой: — Бораётибман, — деб тағи кейин қолади. Шундай қилиб, иккови кетиб бораётиб эди, бир палла Моҳибой қараса, ~~бир қатта одам келаётибди. Отига тилла довирни солган, иккита маҳрамбачча икки жиловидан олган, олдидаги одамлар дўконидан тушиб, кўчада қўл қовуштириб, салом бериб турибди. Орқасида қолганлар дўконига чиқиб ўтираётибди.~~ Шу вақт Моҳибойга у одамнинг кўзи тушиб, отини тўхтатиб: — Қайдин бўласан, — деб бир сўз деб турибди.

Савол — жавоб:

Савол:

Боғчали бўстоним, қайдиң бўлурсан,
Тўти ғазалхоним, қайдин бўлурсан,
Сени тарзинг бу ерларга келмайди,
Еш гўдак, нодоним, қайдин бўлурсан?

Жавоб:

Оға, бизлар юз минг ғамдан бўламиз,
Ҳар замон юз минг мотамдан бўламиз,
Сўрма, оға, тор сийнамнинг дардини,
Бизни сўрсанг Қатағандин бўламиз.

Савол:

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Узундир, калтадир — ҳар тўн мўл бўлсин,

Қатаған юртидан бўлсанг гўдаклар,
Зангарнинг шаҳрида сизга йўл бўлсин?

Жавоб:

Гардиши қач экан бу вайрон фалак,
Ҳар кимни ҳар куйга айлади ҳалак,
Бизни сўрсанг Қатағандан бўламиз,
Оғажон, юртингга келдик нон талаб.

Холмўмин ясовулбоши айтди: — Во ажабо, сизлар нон талаб бўлганда, нима иш қиласизлар?

Моҳибой айтди:— Э ака, ҳар кимнинг қўлидан келгани. Бизларнинг ишимиз шуки, ўзингиздай яхшиларнинг бойбичаларининг боласини кўтарамиз, йиғласа юпатамиз, ўйнатамиз, отини суғориб келамиз. Агар меҳмонхонасига меҳмони келса, уйдан нон-сув олиб чиқамиз. Шу-да бизларнинг ишимиз.

Холмўмин ясовулбоши айтди: — Ундай бўлса, бировинг меникига юринглар, олиб кетайин.

Анда Моҳибой: — Йўқ, ака, бизлар биров-бировимиздан айрилсак, тонг ҳам отмас, кун ҳам ботмас. Ҳар кимникида юрсак, бировига юрамиз, — дегандан атрофдаги одамлари бари чуваб: — Холмўмин ясовулбоши, иккови ҳам сизга боб баччалар экан, икковини ҳам олиб бора қолинг,— дей бердилар. Анда Гуркибой тоғаси эканлигини билиб, бетини деворга қилиб, йиғлай берди. Моҳибой айтади: — Э арвоҳ урган, нега йиғлайсан? Сен йиғлай юриёқ мени куйдирдинг.


Шунда Гуркибой бечора нима дерини билмай: — Э Моҳижон, етимлиги курсин, рангинга қарасам, заъфарондай сарғайибсан. Менинг ҳам рангим сарғайган, деб йиғлайман. Менга ишинг бўлмасин сен савдонгни қила бер,— деди. Моҳибой нима деди, нима қўйди — ясовулбоши билан чиқишиб, тоғаси билан қўшилиб, ҳовлисига бориб юра бердилар. Гуркибой шу ҳовлида энасининг борини билади. Моҳибой билмайди.

Баччаларнинг борганига беш ой, олти ой бўлиб эди, шу шаҳарнинг подшоси Бувражон подшо ўлди. У вақтида подшоларга расм шу эди: давлатқуш деган қушини учирай эди, кимнинг бошига қунса, подшо қилар эди. Шу давлатқушни учирганига уч кун бўлиб эди. Зангар шаҳрининг жамий катта-кичик одами далада эди. Қуш

гоҳ дарахтга, гоҳ деворга қўниб юриб эди. Баногоҳ шу вақтда Кунтуғмиш тўранинг ҳам гузари шу ерга тушиб қолган экан. Кунтуғмиш тўра катта бир чилимни белига бойлаб олибди, ўзини ҳеч одамга ўхшатмай, ёмон жандаларни кийиб, ўзини шайлаб олибди. Ҳеч ким билан иши йўқ, одам билан ҳуши йўқ, ўзидан бошқа киши йўқ; чекади банг, айтади вадаванг. Бир қуриб қолган дарахтнинг остига бориб, кўмир қилмоқчи бўлиб, олов ёқиб, нашанинг тараддудида эди, давлатқуши бориб тўранинг бошига қўнди. Шаҳри Зангарнинг одамлари қушни қувалаб борса, қуш бир девонанинг бошига қўниб турибди. Аркони давлат отдан тушиб, иззат-икромлар билан салом бериб:

— Тақсир подшойим, юртингиз қутли бўлсин,— десалар, тўра тескарига қараб, дим индамайди. Охирда одамлар қушни олиб кетдилар. Подшонинг аркидан боз учирдилар. Боз яна келиб [Кунтуғмишга] қўнди. Бу мавруд ҳам «Юртингиз қутли бўлсин», — десалар, дим индамайди. Тағи қушни олиб кетдилар. Олиб бориб қушни яна аркдан учирдилар. Боз келиб, учинчи мартаба ҳам бангининг бошига қўнди. Бу мавруд шаҳри Зангарнинг уламолари, фузалолари, катта-улуғлари келиб, муборакбод қилиб: — Тақсир подшойим, юртингиз қутли бўлсин, — деса, тескарига қараб, жавоб бермади. Шунда катталар туриб айтди: — Э ёронлар уч дебди, учдан кейин пуч дебди. Энди шу одамни олиб бориб, подшо қилмоқ даркор. Ҳар вақт бир одам подшо бўлади-да³³. Шу ишга қараганда, шу одам назокатли одам, ё бўлмаса, қушни арвоҳ урган. Агар банги бўлса, жинни бўлса, бир куни подшолик тахтини ташлаб кетиб қолар. Бировинг подшо бўласан-да ва агар бажарса шундай бир одам подшо бўлади-да,— деб қўлидан чилимини тортиб олиб, отиб юбордилар. Бир оқ кигизнинг устига чиқариб, чир теварагидан кўтариб, жарчилар: — Замон кимнинг замони, Қаландархоннинг замони,— деб кўча-кўчаларга жар солиб қичқира бердилар. Тўрани кўтариб, тахти шоҳига келтириб, тилла тахт устига ўтқиздилар. Устига подшоҳона хилватлар кийгизиб, бошига тилладан бўлган тожни қарқара қилиб ўтқизиб, ҳукумат нигинни қўлига солиб, жамий мардуми шаҳар дасти байъат бердилар. Ана Кунтуғмиш тўра бир қа-

³³ Қўлёзмада бўлатта.



ричдан бери юрт сўраб юрган эмасми, жамий оламни узукдай чангалига олиб, чирсиллатиб сўраб кета берди. Анда жамий чулонхўр умароларига фармон бўлдики: «Менинг чулон ошимга келган амалдорларким, бир ҳафта-бир ҳафтадан жиловхонамда истиқомат қилиб кетсин». Аввал навбат Холмўмин ясовулбошига тегди.

Ясовулбоши ҳовлисига келиб, аввал баччаларига тайин қилдики:— У, баччалар, мен янги бўлган подшонинг жиловхонасида бир ҳафта туриб келаман, лекин сизлар оқшом ухламанглар, кундуз ухланглар. Сипойи халқининг душмани кўп бўлади, намоздигардан кейин асло дарвозани очманглар, мабодо бачалик қилиб, гофил қолиб, бир ҳодиса рўй бермасин, — деб кўп тайинлади. Андин кейин ичкарига кириб аёлига тайин қилдики:— У, хотин, мен иккита етим бола сақлаб қўйибман, илгариги етимлардай бепарво қолиб кетиб қолмасин, ҳоли-аҳволдан кўп хабардор бўл, э, етим-да, дема. Мен буларнинг охирини кўраман деб юрибман. Умидим шулки, булар сояси ерга тушмаган хонзода чиқар, агар ҳеч нима бўлмаса, бир асл сайидзода чиқар. Буларни асло етим демагайсан, — деб хотинига кўп тайинлади. Андин сўнг ҳовлисидан чиқиб, подшонинг давлатхонасига кетди.

Холбека ойим чечасига айтди:— У, янга, акам сира етимни етим демас эди, икки етим бор, деб озгидан туширмайди. Шу етимларни бир кўрсак қайтади?³⁴

Холмўминнинг хотини айтди:— Акангиз бўлса чиқиб кетди, кўрсанг, юр эса кўрсатиб келайин,— деб битта нон бир коса сув олиб меҳмонхонанинг эшигидан узатиб эди Моҳибой келиб қўлидан олиб кетди. Анда ўтириб нонни ўртага қўйиб емакчи бўлиб туриб эди. Холбека ойим меҳмонхонанинг такча тешигининг ичидан қараб, икки гўдакни кўрди. Икковини кўрган ҳамоно, увуз эти ув бўлиб, тўла бадани сув бўлиб жамий аъзосига ларза пайдо бўлиб эмчагига сут келгандай бўлди. Қадди букилиб, кўзидан ёши тўкилиб, довшининг борича чинқириб йиғлаб қўя берди. Чечаси келиб айтди:— Э сиёҳбахт, мен сенинг кўнглинг очилсин, деб олиб келсам, сен қайта дарди-аламингни зиёда қилдинг-ку.

Шунда Холбека ойим янгасига қараб, илоҳи Холбека ўлсин, сўрама, деб бир сўз деб турибди:

³⁴ Қандай бўлди?

Бу жудолик мени қилди саргардон,
Айролиқдан³⁵ юрак-бағрим тўла қон,
Илоҳи, Холбека ўлсин, сўрама,
Мен йиғласам, сен ҳам йиғла, янгажон.

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Бевафо дунёга кўнгил бермагин,
Мен йиғласам, сен ҳам йиғла, янгажон,
Илоҳи, Холбека ўлсин, сўрмагин.

Етолмадим кўнглимда ҳавасима,
Тобе бўлдим душманима, дўсима,
Мен йиғласам, сен ҳам йиғла, янгажон,
Чўлдаги қўш гўдак тушди эсима.

Бу бевафо дунё ичида ким қолди,
Икки зулфим гарданимга иргалди,
Шу болларни кўрган замон, янгажон,
Зор йиғлайман, кўҳна дардим қўзғалди.

Ўтди умрим барчаси ғоза бўлди,
Юракнинг рустаси андоза бўлди,
Шу болларни кўрган замон, янгажон,
Кўҳна бўлган аламлар тоза бўлди.

Боламдан айрилдим қанотим синиб,
Йўлига термилдим кўзларим тиниб,
Шу болларни кўрган замон янгажон,
Кўкрагимга сутим келди ийсиниб.

Қоқ бўп қолган кўкрагимга сут келди,
Сутим оқиб кўйлақларим ҳўл бўлди,
Мен йиғласам, сен ҳам йиғла, янгажон,
Билмайман ҳолима менга не бўлди.

Омон бўлсин болларим, ўлмасин,
Тоза гул-да, офтоб тегиб сўлмасин,
Афти-андоми қоши-кўзи ўхшайди,
Шу иккови икки болам бўлмасин?

Оҳ урсам ғамхона кўнглим жўшайди,
Алам тортсам банди бўғним бўшайди,

Афти-андоми, қоши-кўзи шуларнинг
Чўлда қолган шўрлиларга ўхшайди.

Энасин келганин Гуркибой билди,
Моҳини қўйнига олиб йиқилди,
Гуркибой, кўр, гапни гапга улайди,
Моҳини айқалаб бебахт йиғлайди,
Йиғлаганга ҳайрон қолиб Моҳибой:
— Нега мунча йиғлайсан?— деб сўрайди.

Гуркининг Моҳига берган жавоби:

Эшикка бир аёл келган эканди,
Шу аёлнинг ўғли ўлган эканди,
Бизни кўриб зор йиғлайди муштипар,
Ўйласам, бизлардай бўлган эканди.

Бу ерда юрибмиз икковгинамиз,
Ғам билан сарғайган гулдай танамиз,
Бизни кўриб зор йиғлайди муштипар,
Йиғлаб юрган бизларнинг ҳам энамиз.

Узоқда қолгандир манзилим, жойим,
Кўкрагимда кўпдир қайғуман войим,
Дунёда ҳеч кимса биздай бўлмасин,
Ҳар кимнинг муродин берсин илойим.

Алқисса, Холбека ойим янгасига айтган сўзига пушаймон еди. Лекин кўнглида: «Шу иккови менинг болам», — деди.

Энди Холбеканинг янгасидан эшитинг. Айтдики: — Эй, қизлар, мен бир ёққа бораман десам, акангиз уришадди. Фалончи ўлган, фалончининг энаси ҳам ўлган. Тағи бировникига қутли бўлсин ҳам лозим бўлган; шундай акангиз йўқ вақтида бормасам бўлмайди, акангиз келса юбормайди. Акангиз йўқда бориб кела қолайин.

Холбека ойим: — Борсангиз, бориб кела қолинг, — деб бир-иккита чўзма, бир-иккита чалпак қилиб берди, ҳовлидан чиқариб юборди. Уйни овлоқ қилиб, икки гўдакни олдига чақириб олиб, нонга тўйғазиб, икковига қараб, Холбека ойим бир сўз деб турибди:

Бизникида етим юрган етимлар,
Пойгадан тўрга термилган етимлар,

Бир гапим бор, қулоқ солинг, гўдаклар,
Далалардан чўпчак терган етимлар.

Бир гапим бор мендан ибо қилманглар,
Мени айтди деб сиз ас³⁶ уялманглар,
Бизникида етим юрган етимлар,
Сен икковинг икки болам бўлманглар?

Оҳ урсам ғамхона кўнглим жўшайди,
Алам тортсам банди-бўғним бўшайди,
Афт-андоминг, қошу кўзинг иккингнинг
Чўлда қолган бир шўрлига ўхшайди.

Қолибинглар³⁷ Зарчамандан иралмай,³⁸
Энажон, деб қаватимда юролмай,
Сен икковинг икки болам бўлманглар,
Эрта билан оқ сутимни эмолмай.

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,
Қулоқ солгил гапимнинг пайвастидан,
Сен икковинг икки болам бўлманглар,
Гўдаклар, сўзланглар менга ростидан.

Холбека оймнинг бу сўзини эшитиб, Гуркибой:
«Мабодо Моҳибой ҳақиқат ҳолни айтиб қўярми? Холбе-
кага жавоб бериб, бизларда ота-эна қаёқда, осмондан
думалаб тушиб, талтайиб чиқиб, шамолга юмалаб катта
бўлганмиз деб айтиб солмасин», — деб олдини олиб,
Холбека оймнинг ҳам кўнглини қайтариб, Гуркибой
бир сўз деди:

Сен оймсан, банот бичдинг тўнликка,
Бизлар етим, этак келган энгликка,
Ковлай берсанг маконингдан кетармиз,
Уй³⁹ дей берма, кўнглим ярим, Холбека...

Бизларни сўрасанг нодон боламиз,
Мавж уриб дарёдай тошиб тўламиз,
Ковлай берма, кўнглим ярим, Холбека,
Икковимиз икки юртдан бўламиз.

³⁶ Асло.

³⁷ Қолиб эдинглар.

³⁸ Ияра (эргаша) олмай.

³⁹ Ундай.

Куймасин ҳеч кимнинг кулбахонаси,
Ўртанмасин қизил гулдай танаси,
Икковимиз икки юртдан бўламиз,
Икковимиз икки одам боласи.

Бизлар ҳам бировнинг кўнгил хурсанди,
Осоишта азиз жоннинг дилбанди,
Ковлай берма, кўнглим ярим, Холбека,
Икковимиз икки одамнинг фарзанди.

Холбека ойим айтди: «Булар менинг болам эмас экан, менинг болаларим ҳам шулардай етим бўлиб юрган бўлса, мен шуларга яхшилик қилай, шояд шуларнинг олдига келгай», — деб кўп-кўп қарашар эди.

Холмўминнинг кетганига тўрт кун бўлиб эди. Баччалар оқшом ухлмас, бедор эди. Гуркибой айтди: — Э Моҳижон, уйқу ҳам гаранг қилди-я. Уйқу бўлмаса, бу ҳам бало экан, шу бугун тикка туриб, ухлаб қолмасак дейман.

Анда Моҳибой айтди: — Уйқуни қочирадиган ишлар бор. Мен бир иш қиламан десам, сен сўка берасан, шуйтиб сенга айтолмайман. Гуркибой: — Сен бир касофат ишни қиламан дейсан, шуйтиб қўйсин деб сўкаман. Бўлмаса, нега сўкайин. Уйқу келмайдиган ишинг бўлса, шуни қил, — деди. Анда Моҳи айтди: — Уйқунинг офати бўза-да, жонингдан, бўзани ичиб маст бўлгин, уйқунг қаёққа қараб кетади экан.

Гуркибой айтди:— Э жувонмарг, дойим сен касофати ишни қиламан дейсан. Бўзани сотиб олмоққа пулинг бўлмаса, бўзага маст бўлиб далбанглаб юганда, қўлга тушсанг: «Э, бу бола-да», — деб қўллаб оладиган элинг бўлмаса. Мен чўпонлардан эшитар эдим, бўзани қирқ одам ичар эмиш, бўлмаса чортанг бўлиб ичар эмиш.

Моҳибой айтди: — Э учангдан урсин, арвоҳ урган, одам бўлмайдиган қурғур, мужмал, бўзага ҳам пулми? Ясовулбошининг отини сувга олиб чиққанда, бир-иккита бўза сотгувчилар ясовулбошининг бесоқоли, деб ўлиб юрибди. Ясовулбоши буюрди, — деб катта бир кўзасини олиб келаман,— деб югуриб чиқиб кетди. Чопиб бориб, бўзахоҳанинг эшигини тақ-тақ урди. Бўзафуруш айтди: — Қист?

— Ясовулбошининг еtimi, — деди. Шундай деган-

дан [бўзафуруш] ирғиб туриб, чирогни ёқиб, эшикни очиб:— Э укажон, кела беринг, кета беринг, бизлар билан ошна-ганиш бўла беринг, ҳар қанча бўза керак бўлса, олиб кета беринг, асло, бемалол — деб катта бир кўзани орқалатди. Моҳи бир катта кўзани кўтариб етиб келди. Гуркибой айтди:— Қирқ бўлмаса чортанг бўлиб ичар эмиш.

Моҳибой айтди: — Сен Гурки гапни нима биласан, сени бий қиламан, ўзим косагул бўламан, сенинг телпагинг ўнг оталиқ бўлади, менинг телпагим чап оталиқ бўлади, чортанг бўламиз. Холбека пиёла-тоғорани беради-да,— деб югуриб чиқиб кетди. Холбеканинг ётган томига бориб, эшикни тақ-тақ урди. Холбека айтди: — Ким?

Моҳибой айтди: — Етим.

— Нега келдинг?

Моҳи айтди:— Битта тоғора, бир пиёла беринг, бўза ичамиз. Анда Холбека: — Бўза ичмакни ким қўйибди сизларга. Шаҳримизнинг янги бўлган хони бор, бўзанинг таҳқиқи қаттиқ, — деб бир сўз деди:

Мусофир боласан Зангар элига,
Қулоқ солгин Холбеканинг тилига,
Бўза ичмакни ким қўйибди сизларга.
Етим деган юрар етим йўлига.

Қулоқ солгин алвон-алвон сўзларга,
Қарвон юрар элсиз қуло тузларга,
Етим деган юрар етим йўлига,
Бўза ичмакни ким қўйибди сизларга.

Мард ўғлоннинг танда омонат жони бор,
Ода бўлмас кўнглида армони бор,
Бўзанинг таҳқиқи қаттиқ, фарзандим,
Юртимизнинг янги бўлган хони бор.

Бўза ичганинг нега шабгард билмасин,
Эрта билан шоҳига аён қилмасин,
Бўзанинг таҳқиқи қаттиқ, фарзандим,
[Шабгард билса], элтиб дорга илмасин,—

деб эди, Моҳибойнинг кўкрагидан отгандан ҳам қаттиқ тегди. Во деб йиғлаб, қайтиб сола берди, тикка

Гуркининг олдига келиб, Моҳибой бир сўз деб ту
рибди:

Наркас-наркас хумор кўзлар сузилди,
Ҳасратидан юрак-бағрим эзилди,
Эрта билан бу Зангардан кетайик,
Жон Гуркибой, туз-насибам узилди.

Мени ўзин боласидай кўрмади,
Шона билан зулфим тоблаб ўрмади,
Илоҳи еtimi қурсин дунёда,
Бир тоғора, пиёласин бермади.

Энам бўлса чиқариб бермасмиди,
Айтганимда ма болам демасмиди,
Илоҳи еtimi қурсин, Гуркибой,
Бошимдан минг йўла ўргулмасмиди.

Оҳ десам тўкилар кўздан селоб ёш,
Жон оғажон, туғмаганинг туби тош,
Илоҳи еtimi қурсин, Гуркибой,
Бу етимлик сирим қилди элга фoш.

Алқисса, Моҳибойнинг бояги йиғлаб қайтгани Холбека оймга кўп таъсир қилиб эди. «Ҳай аттанг, аввал пайравлигимнинг барини бекор қилдимми, шу етим кўнгли қолиб йиғлаб кетди», — деб жойидан туриб, бир тоғора билан пиёлани қўлига олиб болаларнинг орқасидан олиб борди. Болалар тоғора билан пиёлани кўрди, димоғи чоғ бўлиб, кайфлари тўғри бўлди. Жимишиб кулишиб ўйнашолмади, Холбекадан ийманди. Холбека буни фаҳмлаб: «Менинг олдимда булар ёзиллолмайди экан» — деб астагина чиқиб кетди. Баччаларга билдирмай, томнинг устига чиқиб, баччаларни томоша қилиб, мўридан қаради-да турди. Анда Моҳибой Гуркибойга: — У бий бова, чўккалаб ўтиринг, катта одамнинг ётгани уят бўлади, — деб тургизиб ўтқизди. Ўзи билакни шимариб, этакни қайтариб, Гуркибойнинг телпагини ўнг оталиқ қилиб, ўнг тарафига чалқайтириб ўлтирғизиб қўйди. Ўзининг телпагини чап оталиқ қилиб, чап тарафга чалқайтириб ўтқизиб қўйди. — Ов оғалиқ телпакбойлар, дуруст ўтиринглар. Агар саҳройидай бўлиб, суҳбат тута олмасанглар, ураман, менинг аччиғим

жуда ёмон,— деб телпакларга ҳам дўқ-ваҳшат қилаётибди. Косагул бўлиб бир сўз деди:

Сарғаймасин ранги рўйим,
Улуғимсан дуоғўйим,
Аввал бошланг улкан бийим,
Бийим, аллаёр-аллаёр.

Барчани яратган холиқ,
Луқманинг ҳалоли балиқ,
Икки ёнда икки оталиқ
Телпак, аллаёр-аллаёр.

Коса бердим қўлим толиб,
Ҳар косага бўза солиб,
Нозик белларим буралиб,
Тез ичгин қўлимдан олиб,
Ҳушёр, аллаёр-аллаёр.

Букун қурайик суҳбатди,
Бу суҳбат ҳам ғаниматди(р),
Адаштирманглар навбатди,
Суҳбат, аллаёр-аллаёр.

Гапга етар ақли расо,
Ўнг қўлимда бордир асо,
Тоз ичган навбатман коса,
Коса, аллаёр-аллаёр.

Ғаним билан қасд бўлайик,
Бўза ичиб маст бўлайик,
Қайта бошдан дўст бўлайик,
Дўстим, аллаёр-аллаёр.

Бу ширин жондан кечинглар,
Қафан тўнини бичинглар,
Ўттиз косадан ичинглар
Шарбат, аллаёр-аллаёр.

Суҳбатни яхши тутинглар,
Баринг маҳсудга етинглар,
Ғам деганни унутинглар,
Шодлик, аллаёр-аллаёр.

Шулдир Моҳибойнинг сўзи,
Сарғаймасин гулдай юзи,
Шу суҳбатнинг азизи,
Бегим, аллаёр-аллаёр.

Моҳибой косани бир-икки айлантирди, телпакларнинг ичи тўлиб қолди. Моҳибой айтди:— Э, Гуркибой, мен шу саҳройиларни мажлисга қўшманг, деб айтиб эдим, сиз қўймадингиз. Боши қўшмайман, дедим, сиз кўнмадингиз. Буларнинг оғзи очилиб қолди. Ҳали ҳам бўлса, бир югуртириб олайик, дуруст бўлиб қолар. Иккови ҳам жойларидан ирғиб туриб, Гуркибой ўзининг телпагини томнинг бу ёғига қараб тепиб кетди. Моҳибой ҳам ўзининг телпагини томнинг бу ёғига қараб тепиб кетди.

— Энди дуруст бўлгансизлардир,— деб телпакларни яна жойига қўйиб, қайтадан бўзани сузиб ичди. Иккови икки телпакни ҳар тўлганда тепа-тепа, яна қайтиб ўтириб ичиб, икки телпак билан тўрттови бир кўза бўзани ичиб қўйди. Гуркибой асло бўза ичмаган эди, бу суҳбатни кўрмаган эди, шундай маст бўлдик, ўзидан ва сўзидан хабарсиз бўлди. Моҳибой ичиб юрган эди, лекин Гуркидай маст бўлиб ҳушидан кетмади. Ҳар нима бўлса, бу ҳам маст бўлди, ўзидан хабари бор эди.

Анда, Холбека ойим томнинг устида, шу икки боланинг бўзани ўйнаб-кулиб ичиб, телпакларни тепиб юмалатганига завқи-шавқи келиб, вақти хуш бўлиб, қараб кулиб ўтириб эди. Шунда Моҳибойнинг юраги тошиб, етимлигининг сабабидан, беқавму қариндошлигини, ватансиз-элатсизлигини Гуркибойга арз қилиб бир сўз деди:

Барчани яратган қудратли жаббор,
Ҳар кимни ҳар кўйга қилди гирифтар,
Илоҳи етимлик қурсин дунёда,
Қулоқ сол Гуркибой айтар арзим бор.

Оҳ десам тўкилди кўздан селоб ёш,
Гуркибойжон, туғмаганнинг туби тош,
Илоҳи еtimi қурсин, Гуркибой,
Кишида бўлмасми қавму қариндош.

Одамзоднинг ҳам авлоди бўлмасми,
Ичкуяри, жигарбанди бўлмасми?

Қишида бўлмасми қавму қариндош,
Униб-ўсган вилояти бўлмасми?

Етимликман ўт олгандир танамни,
Унутганман, қайтай, кулбахонамни,
Одамда бўлмасми хеши-табари,
Билмайман, Гуркибой, ота-энамни.

Мен бебахтни шоду хандон айласанг,
Не бўлар қувонтиб хурсанд айласанг,
Гуркибой, билмайман ота-энамни,
Агар билсанг, нетар баён айласанг?

Гуркибой арзимни эшит, ўйлагин,
Давлат берса, гулдай бўлиб жайнагин,
Мен билмайман, Гурки, асли зотимни,
Агар билсанг, менга баён айлагин.

Гурки бечора аввал айтар эди:—«Подшо халқининг душмани кўп, агар айтсам, бу ўзи енгил экан, бировга айтиб қўяр»,—деб айтмас эди. Бул вақтда ўзини тўхтатолмай, юраги тошиб, Моҳибойга:—Э гўдагим, кишининг зоти-зурёди, ота-энаси, эли-юрти бўлмасми? Сан гўдаксан. Юртинг Нўғойда, сан бедарак эмассан, — деб бир сўз деди:

Билмаганинг билдирайин, билмасанг,
Баякбор мақсадга етсанг, ўлмасанг,
Мен сенга зотингни баён айлайин,
Эртангман бировга айтиб солмасанг,

Тоза гулсан, офтоб тегиб сўлмасанг,
Мавж уриб дарёдай тошиб тўлмасанг,
Мен сенга зотингни баён айлайин,
Эртангман бировга баён қилмасанг.

Узоқда, Моҳибой, ўсган диёрим,
Бехабар қолгандир кўп ичкуярим,
Икковимиз сут эмишган ширхўра,
Мен акангман, сен бўласан жигарим.

Бу етимлик сени қилди саргардон,
Чўпчак териб, тилаб ейсан парча нон,

Зотингни айласам мен сенга баён,
Туб бобонгдир Авлиёйи Қорахон.

Етимлик қайтарди, бўтам, раъйингни,
Нўғой дейди униб-ўсган жойингни,
Туб бобонгдир Авлиёйи Қорахон,
Кунтуғмиш тўра дер қиблагойингни.

Майдон-майдон отам отин елгандир,
Мард ўғлондир ширин жонин бўлгандир,
Нўғойдан отамиз Зангар келгандир,
Нард ўйнаб энамни утиб олгандир.

Мусофирлик, шоҳга банди бўлгандир,
Танимай буларга зулм қилгандир,
Бир терига тикиб икки ошиқни,
Асовга судратиб чўлга солгандир.

Азобини тортиб иккови банди,
Шул асовдан чўлда булар қолгандир,
Неча кунлар йўл тополмай чўлларда,
Ҳориб-чарчаб Муғол тоққа келгандир,
Муғолнинг тоғига келиб эл топмай,
Ноилж шу тоғни ватан қилгандир.

Бизни деб зор-зор бўлган отамиз,
Балога гирифтор бўлган отамиз,
Икковимиз уч ёшларга кирганда,
Кўп карвонга дучор бўлган отамиз.

Отам шўрлик карвонга дод этгандир,
Бир нон учун, қайтсин, ўзин сотгандир,
Ўзин сотиб, аждарҳони ўлдириб,
Шу аждардин юртни озод этгандир,
Ароқ бериб отамизни маст қилиб,
Энамизни карвон олиб кетгандир.

Қулоқ солгин алвон-алвон тилларга,
Булбул ошно бўлар боғда гулларга,
Энамизни карвон олиб кетгандир,
Икковимиз қола берган чўлларга.

Отам шўрлик ҳушёр бўп дод этгандир,
Ҳай аттанг, деб дод-фарёд этгандир,

Икковимизни топиб олиб шу чўлдин,
Кўтариб Тажан дарёга етгандир,
Сен шўрлини шунда балиқ ютгандир,
Мен шўрлини бўри олиб кетгандир.

Шундай бўп айрилган икковгинамиз,
Ғам билан сарғайган гулдай танамиз,
Икковимиз сут эмишган ширхўра,
Шу бебахт Холбека бизнинг энамиз.

Отга минсак, айил пуштан тўқамиз,
Совут кийсак, киравкадан ёқамиз,
Шу бебахт Холбека бизнинг энамиз,
Холмўмин ясовулбоши—тоғамиз.

Айта берсам, сонсиз алам кўп бўлар,
Ҳар ерда чин сўзни айтсанг жуфт бўлар,
Бировга айтмагин Моҳи, зотингни,
Шоҳларнинг душмани, Моҳи, кўп бўлар.

Неча соат ўтар туққан ойдан,
Мард йигит обрў тилар худойидан,
Бу сўзларни айтиб эди Гуркибой,
Моҳибой чинқираб турди жойидан.

Моҳибой кўз ёши равона бўлиб,
Акам деб ақлидан бегона бўлиб,
Чирқираб, зор йиғлаб турди жойидан,
Гуркининг бошидан парвона бўлиб.

Бу сўзни Гуркибой Моҳига айтди,
Холбека хатосиз барин эшитди,
Болларини бу сўзини эшитиб,
Қувонгандан бебахт ўзидан кетди.

Алам тортиб банди бўғнин бўшлади,
Во ҳасрато, хумор кўзни ёшлади,
Бу сўзларни барин шўрли эшитиб,
Во болам, деб томдин отиб ташлади.

Сўз эшитинг суханварнинг сўзидан,
Еш қуйилиб икки қора кўзидан,

Во болам, деб томдан ўзин ташлади,
Болам, деди, шўрли кетди ўзидан...

Савдо тушди гўдакларнинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Икки гўдак зор йиғлашиб, эна, деб
Чопиб борди Холбеканинг қошига.

Булар лодон, душман юрган кейнига,
Булбул ошиқ тоза гулнинг қўйнига,
Икки гўдак йиғлаб борди, эна, деб
Қўлин солди болларининг бўйнига.

Искалайди, кўзин ёшин тиймайди.
Болларини қимирларга қўймайди,
Икковини босиб опти тўшига
Икки гўдак дидорига тўймайди.

Қолибинглар Зарчаманда иралмай,
Эрта билан оқ сутимни эмолмай,
Зор йиғлашиб қолибинглар чўлларда,
Энанг шўрнинг дидорини кўролмай.

Бир боғчада олма экан, нор экан,
Айрилган қул бир кўрмакка зор экан,
Энди ўлсам оламда йўқ армоним,
Ўлмай, тирик кўрар куним бор экан...

Ўлмай, кўрдим тирик, болам, сизларни,
Ҳақ йиғлатган, куйган дейди бизларни,
Энди ўлсам, худойимдан розиман,
Йиғловман оқартдим қора кўзларни

Сизларсиз эмранди тандаги жоним,
Сабил бўлди менинг давру давроним,
Ўлмай, тирик кўрар куним бор экан,
Энди ўлсам, оламда йўқ армоним.

Қулоқ солинг турли-туман намога,
Ўлим ҳақ буйруғи шоҳу гадога.

Етти йил бегона бўлган бебахтлар,
Нисби шаб топишди сайисхонага.

Алқисса, Холбека ойим болалари билан топишди. Айтди: — Э гўдақларим, мен сизларни ўлди, деб эдим, сира тирик демас эдим. Нима учунки, сизлар жуда ёш эдинглар, ҳеч мураббийларинг йўқ эди, ўлди демакка тилим бормас эди. Хаёлим билан тирик қилар эдим. Энди менга бола қаёқда, — деб умидимни узган эдим. Минг-минг шукур, сизлар тирик бор экансизлар, Отаннинг ўлганига энди хафа бўлмайман, — деб болалари билан топишиб, оғзи-бурнини ўпишиб, хумори тарқашиб, гаплашиб ўтирди. «Оғзи куйган ошни пуфлаб ичади» деган экан. Шунда Холбекани ваҳима босди, кўрқди. Холбеканинг хаёлида биров сирғалиб қараб тинглаб тургандай, буларнинг топишганини билгандай, эрта билан элга хабар қилгандай, балки подшога бориб айтгандай, янги бўлган подшо буларни дорга тортгандай бўла берди. Холбека бечора болаларига айтди: — Сизлардан кўнглим жой бўлди, илоҳи Зангари қурсин, оталарингга вафо қилмади, сизларга ҳам вафо қилмайди. Мени десанглар, тонг отмай кетинглар, мабодо биров кўрмасин, билмасин ҳам, — деб болаларига қараб бир сўз деди. Болалари Холбекага қараб, жавоб бериб бир сўз деди:

Холбека:

Бандадирсиз, оллони ёд этинглар,
Елбориб ҳаққа муножот этинглар,
Илойим Зангари қурсин, фарзандим,
Тонг отмайин бу Зангардан кетинглар.

Моҳибой:

Қирғий деган қушлар бўлар қиёда,
Ўлимча ёмон иш борми дунёда,
Ажаб-ажаб ишни айтдинг, энажон,
Тонг отмай қайга борамиз пиёда?

Холбека:

Эшитиб ол энанг шўрнинг додини,
Изланглар отангни Нўғой юртини,

Тонг отмай чиқинглар Зангар шаҳридан,
Эгарлаб мин ясовулнинг отини.

Моҳибой:

Сайр этар олқорли тоғим бўлмаса,
Нўғойда чорбоғим, боғим бўлмаса,
Отли чиқиб қайтиб элга етамиз,
Қилич-милтиқ, ёв-яроғим бўлмаса?

Холбека:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Эгарлаб мин ясовулнинг отини,
Энанг эсон, ёв-яроқдан ғам ема.

Моҳибой:

Нўғой элда бўлса манзили-жойи,
Қорахоншоҳ бўлса пуштипаноҳи,
Бизлар чиқиб кетсак Зангар элидан,
Дуо қил саҳарда холислиллоҳи.

Холбека:

Ҳар тарафга бедов отни чопинглар,
Бедовларга қоли зуллар ёпинглар,
Нўғой бориб Қорахонни топинглар,
Қайтиб келиб, энанг шўрни обкетгин.

Моҳибой:

Куйганларнинг иши оҳ билан вой-да,
Карвон ётар бандаргоҳли саройда,
Дуо қил, энажон холислиллоҳи,
Нўғойдан қайтиб келарман олти ойда.

Холбека:

Илғор қип, фарзандим, Нўғой борсанглар,
Қорахон бобонгни топиб олсанглар,

Энанг дуо қилар холислиллоҳи,
Лашкар қилиб бунда қайтиб келсанглар.

Моҳибой:

Заррин рӯмолингни бошга ўрагин,
Тушни кўрсанг яхшиликка йўрагин,
Лашкар қилиб мен келарман олти ойда,
Олти ойдан кай кунда йўлга қарагин.

Алқисса, Холбека ойим хазинадан шоҳона сарполарини кўтариб, қип-қизил тилла кийимларга болаларини ўраб ташлади. Ёв-яроғ, асбоб-олат, йўл харжисига давур олиб келиб берди. Баччаларнинг ўзлари боқиб ётган икки отнинг эгар, юган, айил, пуштан, давруга давр олиб келиб берди. Иккита бачча отларини эгарлаб, устига миниб, энаседан фотиҳа сўраб турди. Анда Холбека бечора болаларига қараб бир сўз деди:

Фалакнинг ишидан минг дод айлайн,
Ёлбориб ҳаққа муножот айлайн
Бир фаслга отни сақла, Моҳижон,
Тўхта болам, бир насиҳат айлайн.

Пайдо бўлдинг икки гавҳар дондан,
Парвоз қилиб учдинг манзил хонадан,
Амал айтган насиҳатим, гўдаклар,
Ҳар нафасда ғофил бўлманг худодан.

Эшитиб ол, энанг шўрнинг арзини,
Сарғайтмасин қизил гулдай тарзини,
Ҳар нафасда ғофил бўлма худодан,
Зинҳор қўйма суннатини, фарзини.

Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма,
Болам, айтган насиҳатим унутма,
Олдингдан ким чиқса, саломсиз ўтма,
Бир ғарибни кўрсанг зинҳор оғритма,
Насиҳатим қабул қилгин, Моҳижон,
Зинҳор манманликнинг йўлини тутма...

Остингда ўйнайди минган ҳайвонинг,
Тулпоринг остингда Моҳидир номинг,

Болам, насиҳатим бажо келтирсанг,
Қайга борсанг, дар қолсанг, мен зомин.

Тонг отмай Зангардан чиқиб кетарсан,
Сувсиз чўлда отингни ўйнатарсан,
Икковгинанг йўл тортсанглар, гўдаклар,
Сабил қолгур Зарчаманга етарсан.

Шоҳларга қурилган нуқрадан жой бор,
Ҳар ким куйса, шунда оҳ билан вой бор,
Шу ерда бизларга бўлган қиёмат,
Икки ёқда икки катта сарой бор.

Худоё ишингнинг бўлгай барори,
Нўғойдадир сендай марднинг диёри,
Бу сўзимга қулоқ солгин, Моҳижон,
Унг саройда отанг шўрнинг мозори.

Отдан тушиб икковинг дод этинглар,
Отам, деб йиғлашиб фарёд этинглар.
Унг саройда отанг шўрнинг мозори,
Туғ кўтариб белги қилиб кетинглар.

Эл кўчириб Ола тоғдан оширдим,
Улуғ дедим, остонага бош урдим,
Соғ бориб саломат келгин Зангарга,
Аввал ҳаққа, сўнгра пирга топширдим...

Баччалар энасидан фотиҳа-дуо олиб, дарвозадан чиқиб, кўчага тушиб, жўнади. Эрта саҳар шаҳарнинг дарвозасига бориб, қўрбошига айтди:— Оч дарвозангни, бизлар чиқиб янги бўлган подшога жой тузаймиз, зиёратга чиқадилар.

Қўрбоши айтди:— Қўлларингда иноятномаларинг борми?

Гуркибой содда эди:— Йўқ,— деди. Қўрбоши:— Номаъқул дебсан, ўғри, ҳароми. Сен бир ерни бузиб, қочиб бораётибсан. Сенинг анойинг ким дарвозани очиб берадиган. Кун чиққанча, отдан тушиб, шу ерда ўтирасан,— деди.

Анда Моҳибой айтди:— Ов қўрбоши бова, иноятнома менда, менга иноятномани олиб келиб берганда, бу

от эгарлаб юриб эди. Мана, келиб менинг қўлимдан иноятномани ол.

Қўрбоши олдига югуриб бориб: — Қани,—деди. Шунда аввал Моҳибой қилични қиндан суғириб олиб туриб эди, қўрбошининг устига отини ҳайдаб келиб: — Сенми бизларга дарвозани очмайдиган, — деб ҳўйиб юборди. Қўрбошини икки бўлди-ов. Жўраси қўрққанидан айтди: — Баракалла, ўғлим, хўб қилдинг-а, ўлдирдинг баччағарни, ҳар ким келса, дарвозани очмай керишар эди-да, турар эди. Мана калит менда,— деб дарвозани очиб, чиқариб юборди. Икки бола дарвозадан чиқиб кетди. Иккови кулишиб-ўйнашиб, бир-бирига: «Дарвозасини қонладик-ов. Олти ойда Нўғойдан лашкар қилиб келиб, знамизни буларнинг ичидан чиқариб олиб, Буврахон подшонинг ота-онамизга қилган зулмининг биттасини юзта қилиб, бурнидан чиқармасак...», — деб катта йўлда шердай ҳайқириб, йўлбарсдай чирпиниб, қоплондай юракланиб, Рустамдай ҳайбат қилиб кета берди:

Асли тўра Нўғой элнинг шаҳзоди,
Остида ўйнайди чин бедов оти,
Доно мавлон обрў бер, деб боради,
Авлиёйи Қорахоннинг авлоди.

Икковининг тилинда бор саноси,
Нўғойнинг юртининг гавҳар донаси,
Авлиёйи Қорахоннинг авлоди,
Икки гўдак — Кунтуғмишнинг боласи.

Остида ўйнайди минган тулпори,
Ёнида тут босган кескир ханжари,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Икки гўдак — Нўғой элнинг қўчқори.

Отга йўл бермайди тоғнинг ўраси.
Ҳар кимнинг бор беш кун кун кўраси,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради.
Икки гўдак — Нўғой элнинг тўраси.

Остида ўйнайди минган ул оти,
Тоғча бўлиб гўдакларнинг ғайрати,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Кунтуғмишнинг ўғли — Нўғой жаллоди.

Бошида бор ҳашам тилладан тожи,
Мусофирлик дарднинг йўқдир иложи,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Икки гўдак — ўзи йигит меърожи.

Нўғойда буларнинг даври даврони,
Буларсиз бузилган манзил-макони,
Доно мавлон, обрў бер, деб боради,
Шу замоннинг бир тарафсиз полвони...

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Саккиз кеча-кундуз юриб гўдаклар,
Бориб қолди Олатоғнинг остига.

Алқисса, иккита гўдак саккиз кун йўл юриб Олатоққа етди. Моҳибой кўзини очиб қараса, минг бир, икки минг бир, уч минг бир, тўрт минг бир — ўн мингча йилқи ёйилиб юрибди. Подшонинг йилқиси Олатоғда юрар эди. Ўн минг қулни ёв-яроғи билан, хотин, болачақаси билан шу йилқиларга қарайсан, деб ўтқизиб қўйган эди. Шу ўн минг уйли қулга икки қул сардор эди. Шундай баҳодир полвон қуллар эди: ҳар вақт тўқайдан шер чиқиб, йилқиларга чопмоқчи бўлса, шу икки қул шерларнинг бўйнига қўриқ солиб, бўғиб ўлдираар эди. Бировининг отини Айрисоқол Ахтақул дер эди, бировининг отини Ғудолқул дер эди.

Қуллар қимизини ичиб, кайф қилиб, маст бўлиб, кўкаламда ағнаб ётиб эди, шу баччалар йилқиларнинг ус-тидан бориб қолди. Моҳибой йилқиларни кўриб, полвонлик томирлари уйғониб, мана бу йилқиларни кўрдингми? — деб Гуркибойга бир сўз айтади. Гуркибой Моҳининг раъйини қайтариб бир сўз айтади:

Моҳибой:

Худо очсин кўнгилларнинг қулфини,
Йигит излар чин сулувнинг зулфини,
Оч, кўзинг, атрофга қара, Гуркибой,
Кўрдингми Оқсувда ётган йилқини?

Гуркибой:

Баланд-баланд тоғда адир бел борми,
Сўнасиб, суқсурсиб ойдин кўл борми,

Хаёлингни ҳар тарафга бузмагин,
Бу ерда эгасиз ётган мол борми?

Моҳибой:

Юрган йўлинг эл Хизирнинг дашидир,
Нима бўлса бир худонинг ишидир,
Қўрдингми Оқсувда ётган йилқини,
Эгаси ҳам ўзимиздай кишидир.

Гуркибой:

Ҳар тарафга солма, Моҳи, кўзингни,
Менга айтма тузсиз, ёмон сўзингни,
Бу ерда эгасиз ётган мол борми,
Бир иш қилиб койитмагин ўзингни.

Моҳибой:

Миришкорлар чиқар ойдин кўлларга,
Ботирлар югурар ясовли ёвга,
Шу йилқидан ҳайдаб кетсак, Гуркибой,
Қим чиқса берамиз Нўғойда совга.

Ўтар дунё қиёматни ўйлади,
Эр Моҳибой турфа-турфа сўйлади,
Гурки шунча қўйгин, деди, қўймади,
Чопиб бориб бир тўпини ҳайдади.

Моҳибой Гуркибойнинг сўзига қулоқ солмай, катта бир тўп йилқини олдига солиб ҳайдаб юра берди. Анда ўн минг уйли қуллар қарашиб: — Э-ҳа, во-ҳа, у-ҳу. Ҳазил қилма, ҳов бола, нобуд бўласан, — дейишаётибди. Моҳибой йилқиларни тўплаб, чинқираб ҳайдаб юра берди. Шунда Гўдол билан Айрисоқол қуллар қозоқи отларга миниб, қўриқларини қулларига олиб, соқоли тирқираб, довуши варқираб: — Молни қаёққа олиб борасан, деб чирқираб, оғзига келганини айтиб, сўкиб келаётибди:

Юрган йўлим бўта кўзли жўнағар,
Найза текса оқ бадандан қон оқар,
Йилқим семиз, қоратерли бўлмасин,
Молларни жойига қўйгин, энағар.

Беклар ми нар бедов отнинг толмасин,
Мард йигит белига бойлар олмосин,
Молларни жойига ташла, энағар,
Йилқим семиз, қоратерли бўлмасин.

Йиғлатиб чашмингни гирён айларман,
Оламни бошинга зиндон айларман,
Молларни жойига қўйгин, энағар,
Етиб оп ер билан яксон айларман.

Оқизарман кўздан қонли ёшингни,
Қиёмат савдога қўйиб ишингни,
Йилқим семиз, қоратерли бўлмасин,
Кесарман, ҳароми, тандан бошингни.

Энди сенга юрмакликка йўл қайда,
Бормоққа паноҳ бўп турар эл қайда,
Кесарман, ҳароми тандан бошингни,
Тўхта, ўғри, сенга текин мол қайда?

Анда Моҳибой қараса, икки қул сўкиб келаётибди.
Моҳибой айтди:

— Эй нокас, қизилбош, мол ҳайдаган одам сенга бермайди-да. «Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил»,— деган экан. Ажалинг етган бўлса, кела қол. Сендан қўрқдикми? Биз ҳам сендай зўрни излаб юрган. Кел, Алининг майдони,— деб икки қулга қараб, Моҳибой бир сўз айтиб турибди:

Зоти йўқ нокаслар, сўзимни дур бил,
Ўзингдан катгани учратсанг, пир бил,
Сендан қўрққан бу ерларга келмайди,
Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил.

Бефарзанднинг кўрган куни зояма,
Йўқчилик жўмарднинг кўзин ўяма,
Сендан қўрққан бу ерларга келмайди,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма.

Сендай нокас бу ерларда юрами,
Кенг дарада мард бўп даврон сурами,
Қўлингдан келганин қилгин аяма,
Мард ўғлон қўлидан молин берами?!

Тўкилар сенигдай нокасинг қони,
Қизилбош, номард деб айтма-да, мени,
Сендан қўрққан бу ерларга келмайди,
Қўнглинг бўлса, кел, Алининг майдони.

Энди кўринг боллар майдон бошлади,
Тараф келди деди, вақтин ҳушлади,
Чирқираб, варқираб икки қизилбош,
Болларнинг бўйнига қўриқ ташлади...

Қалима қайтар гўдакларнинг тилидан,
Булар чиққан ўзи Зангар элидан,
Ё пирим, деб икки қўллаб ушлади,
Бир юлқувман тортиб олди қўлидан.

Энди кўринг боллар ўйин бошлади,
Майдон бўлди деди, вақтин ҳушлади,
Бир юлқувман тортиб олиб қўлидан,
Қўриғини ўз бўйнига ташлади.

Армон билан билмаганин билдирди,
Зўрлик қилиб ичин ғамга тўлдирди,
Қўриғиман йиқиб отдан ағдариб,
Иккови қулларни судраб ўлдирди,
Икки қулнинг оғзин қумга тўлдирди,
Кел-ҳо-кел, деб бедов отин елдирди.

Қулоқ солинг куйганларнинг додига,
Найза тегар мард йигитнинг этига,
Икки қулнинг ўлганини кўргандан,
Етган қуллар ёппа минди отига.

Шу ерда ётган ўн минг уйли қул иккита сардори-
нинг ўлганини кўриб, бирдан отига миниб, баччалар-
нинг устига ўн туғ, йигирма байроғи билан, тўп-жазойи-
ли билан, қилич-найзаси билан, карнай-сурнай тортиб,
майдон-уруш бўла берди. Шунда икки бачча: «Қайтган
хотин, тойган тўқол. Бу ерда бир яхши ҳангама бор
экан»,— деб отидан тушиб, айил-пуштонини маҳкам-
маҳкам тортиб, совут-қалқонини кийиб, учар қушдай
бўлиб, отга миниб, добилни туйиб, қилични қиндан
суғуриб, талабгоринг кела бер,— деб от кўйиб турипти:

Кел, Гуркибой, кечгин жондан,
Умидинг бўлса имондан,
Сен бир ёндан, мен бир ёндан,
От қўй ғанимнинг устига.
Қалла кесиб, қон тўкилсин,
Олатоғининг остига...

Олло дейди, хўжа, сайид,
Шул майдон бизгадир ҳайит,
Чопсанг ғози, ўлсанг шаҳид,
От қўй ғанимнинг устига,
Қалла кесиб, қон тўкилсин,
Шу Олатоғнинг остига.

Душманнинг ақлин шоширинг,
Улигин тошга тўқширинг,
Қирғинни ёвдан оширинг,
От қўй ғанимнинг устига,
Қалла кесиб, қон тўкилсин,
Олатоғнинг остига...

Қуллар билан гўдаклар майдонга аралашиб қолди:

Ҳар тарафдан ол-ҳа дейишиб,
Ол-ҳа, ханжар сол-ҳа дейишиб,
Майлинг бўлса, кел-ҳа дейишиб,
Унинг олдин ол-ҳа дейишиб.
Қўлингда ханжар яланғоч.
Силтаб ханжар сол-ҳа дейишиб,
Ярқиллашиб қиличлари,
Ой туққандай ярқиллашиб,
Қармашди майдон ичинда.

Гоҳ ул қувиб, гоҳ бул қувиб,
Олмосин қон билан ювиб,
Майдонда бедовлар сувиб,
Душман бошига кун тувиб,
Қувишди майдон ичинда.

Ҳар бедовлар шовшиллашиб,
Узангилар шарқиллашиб,
Ўликлар қолди айқашиб,

Ҳар ўликлар қопдай шишиб,
Улигига қузғун тушиб,
Ғажир қўниб тортқиллашиб,
Тортишди майдон ичинда.

Оқ-қорабош туғ сўлқиллаб,
Тикилди майдон ичинда;
Умировли не гўзаллар,
Йиқилди майдон ичинда.

Бўз тупроққа қирмизи қон,
Сепилди майдон ичинда,
Не улларнинг қадди ёйдай,
Букилди майдон ичинда.

Оғзи катта ашрафилар,
Отилди майдон ичинда.
Бағри тортиқ сари ёйлар,
Тортилди майдон ичинда.

Олмос қилич мард қўлида,
Қатилди майдон ичинда,
Мард йигитнинг ширин жони,
Сотилди майдон ичинда.

Бўз тупроққа қирмизи қон,
Қотилди майдон ичинда,
Майдонда калла шолғамдай,
Отилди майдон ичинда.

Дутор бўйин араби от,
Қутулди майдон ичинда.
Чополмаган қозоқилар,
Тутилди майдон ичинда.

Саф тутиб сатта бўйдоқлар,
Остида оти ўйноқлар,
Қизил, яшил, оқ байдоқлар,
Ёзилди майдон ичинда.

Ясов тортиб сатта ботир,
Сафни тўзиб келаётир,
Қора милтиқ патир-патир,
Отилди майдон ичинда.

Бўлиб ғазога мойиллар,
Душманни қилиб қойиллар,
Кўп замбарак, жазойиллар,
Гумбурлаб майдон ичинда.

Кўп ғаним тутгандир сафлар,
Қирғин топиб ўнгу чаплар,
Аждарҳодай катта тўплар,
Ишқирди майдон ичинда.

Қилич келар алаб-ялаб,
Ғариб кўнгли истар талаб,
Олтин коса, гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда;
Ажаллининг кафан тўни,
Бичилди майдон ичинда.

От қўяди тўплаб-тўплаб,
Фарангининг оғзин қоплаб,
Қўш жиловни қўлга жуплаб,
Чарх урди майдон ичинда.

Қўшин келди даста-даста,
Ясов тортди баланд-пастда,
Уруш бўлди аста-аста,
Сўнг бўп қолди чапараста,
Ким ўлди, ким бўлди хаста,
Қулларни кўрсанг шикаста,
Ўлдирмакка боллар уста,
Қиришди майдон ичинда...

Айтганингча бор эди,
Урушга ҳумор эди,
Ясов тортган қулларга,
Оч бўридай дориди.

Отнинг боши бурилди,
Ажаб мажлис қурилди,
Тил билмаган сатта қул,
Ўмма бўлиб қирилди.

Кўринг энди мовқуми,
Санчмай чопмай зовқуми,

Ҳай-ҳайлади Моҳибек,
Берибди аччиқ шовқуми.

Юлдуз учгандай бўлди,
Қундуз кўчгандай бўлди,
Баччаларнинг отлари,
Парқин сочгандай бўлди.
Остидаги бедовлар,
Қонни кечгандай бўлди,
Қизиқ жангда гўдаклар,
Қизни қучгандай бўлди.
Арвоҳ урди қулларни,
Тура қочгандай бўлди.

Оғзидан кўпик сочди,
Туриб бузила қочди,
«Қочган ёвда қорув йўқ»,
Улканин сайлаб санчди.

Терак бутагандай бўлди,
Лайлак ютагандай бўлди,
Дала ўт олгандай бўлди,
Қуллар қатагандай бўлди,

Боллар дарёдай тошди,
Қувиб кетига тушди,
Нокас қуллар йиғлашди,
Бир хили ўлдик дейишди.
Ярали қолдик дейишди,
Молга қарамай қочишди,
Оқсувга бориб болалар,
Энди отидан тушди.

Икки гўдак отидан тушиб, совут-қалқонин ечиб, қон бўлган кийимларини ювиб, шу ердаги йилқиларнинг биттасини қўймай қувиб, олдига солиб, йўлга равона бўлиб, Нўғойнинг юрти қайдасан, деб ҳайдадикетди. Боз беш кун йўл юрди. Баччалар кўп молни ҳайдаб чарчади. Ҳайдов кўрмаган хом йилқилар, моллар ҳам терлаб, чарчаб қолди. Шунда бир кўлнинг лабига бориб қолди. Моҳибой айтди:— Э, Гуркибой, кўп чарчадик-ку, шу ерда ётиб, бир дамимизни олиб ўтиб кетсак.

Гуркибой ҳам: — Хайр, — деди. Шунда иккови от-дан тушди. Ҳайдов емаган йилқилар ҳам тўп бўлиб ётди. Икки шаҳзода: «Отлар тепсиниб, чибинлаб, чангитиб бизларни ухлатмас», — деб отларини узоққа бойлади. Иккови ҳам кийимларини ечиб, бир чопонларини тўшаб, бир чопонларини устларига ойқора ёпи-ниб ётди. Иккови ҳам ёш баччалар эмасми, бошини қўйгандан таррадай бўлиб, қаттиқ ухлаб қолди. Бу-ларни уйқуда қўйинг, энди гапни Зангар подшоси Қа-ландархондан эшитинг.

Шу бачча дарвозадан чиқарда, дарвозабон қўрбо-шини ўлдириб чиқиб эди. У бирови бориб, бўлган сўз-ларни подшога айтиб арз қилиб эди. Шунда янги бўлган подшо эмасми, олти минг лашкарни қўру қўрхонаси билан, тўпу тўпхонаси билан, ёв-яроғи билан «шу ўғ-риларни топасан-да, келасан, бўлмаса келмайсан», — деб жўнатиб юбориб эди. Шунда лашкар кўчанинг юзи билан, болаларнинг изи билан келаётиб эди, олдидан олти минг қочқинчи қуллар чиқди, ўн минг қулнинг тўрт минги ўлиб, олти минг қочиб эди. У ҳам қайтиб, қўшилиб, ўн икки минг бўлиб, кеча-кундуз йўл тортиб, болалар билан изорма-изор келаётиб эди. Шу кўлга ке-либ қараса, йилқилар шу ерда, болалар икковгинаси ҳам ухлаб ётибди. Келган душманлар таппа-таппа от-дан ташлаб, икки гўдакнинг уйқуда икки қўлини маҳ-кам боғлаб, ғуллаб-зуллаб, маҳкам бўлгандан кейин, бошига қор-ёмғирдай қамчини ёғдирди. Шунда қамчи-нинг аччиқлиғидан кўзини очди. Кўрди, ўзлари душ-маннинг қўлида банди бўлиб, кўп душманнинг ўртаси-да қолибди. Шунда Моҳибой қор-ёмғирдай қамчи ёғиб турганини ўзи назар-гузар қилмай, акаси Гуркибойнинг қамчи еганига ичи ачиб: — Менинг ёмонлигим учун сен таёқ единг, — деб Гуркибой акасига қараб бир сўз деди:

Узоқда қолгандир манзилим — жойим,
Кўкрагимда кетди қайғуман войим,
Сабил бўп гул кескан нақшин саройим,
Банди бўлиб чиқар осмонга оҳим.

Гуркибой, олмадим сенинг тилингни,
Аттанг-а, кўрмадим Нўғой элингни,
Уйқуда боғлади нозик қўлимни,
Менинг учун сен ҳам кўрдинг зулмни.

Гурки, сенинг айтган тилингни олмадим,
Қазо бундай экан, аввал билмадим,
Насихатинг асло бовар қилмадим,
Қиличлашиб майдон ичра ўлмадим,

Ҳар тарафдан ол-ҳа, ол деб келмадим,
Майдон-майдон бедовимни елмадим,
Али савошинда калла олмадим,
Беармон бўп қиличлашиб ўлмадим.

Етолмадим Нўғой мамлакатима,
Қайтайин, етмай ўлдим мақсадима,
Бир минолмай қолдим тулпор отима,
Қўлим етмай кетди-да, пўлатима.

Ҳай аттанг-а, ўзим нодон, ўзим ёш,
Душман билан бўлма бирор дам йўлдош,
Уйқуда қоп, сирим бўлди элга фош,
Қўлга тушармикан то кесмайин бош?!

Майдонга мард излаб танҳо кирмадим,
Шу душманнинг барин бирдан қирмадим,
Қилич билан жазосини бермадим,
Нўғой бориб, даври-даврон сурмадим.

Уйқуда қоп икки қўлим бойлади,
Пиёдалаб, олдига соп ҳайдади,
Осойишта азиз жоним қийнади,
Менинг учун Гуркига жабр айлади.

Банди бўлдим армон билан душманга,
Ичим тўлди қайғу билан армонга,
Мард бўлиб кирмадим, қайтай, майдонга,
Қасофатим тегди Гуркибой сенга.

Янги туққан ойдаи ботиб бораман,
Ажал ёқасидан тутиб бораман,
Борса келмас йўлга кетиб бораман,
Армонман дунёдан ўтиб бораман.

Тоза гулдай сўлар бўлдим мен эмди,
Дарёдай бўп тўлар бўлдим мен эмди,
Армон билан ўлар бўлдим мен эмди,
Ғариб мозор бўлар бўлдим мен эмди.

Қавмим йўқ, қайтайин, қариндошим йўқ,
Қўлим тутар бу кунда қўлдошим йўқ,
Мусофирман, тенгим билан тўшим йўқ,
Сендан бошқа бир мураббий кишим йўқ...

Мосуводай кўкка учдим мен эмди,
Бу фоний дунёдан кечдим мен эмди,
Уйқуда қоп қўлга тушдим мен эмди,
Банди бўп ақлимдан шошдим мен эмди...

Булар тушган кўп душманнинг қўлига,
Пиёдалаб солди сувсиз чўлига,
Сатта золим раҳм айламай болларга,
Банди қип ҳайдади Зангар элига.

Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Икки нодон, ҳеч кими йўқ қошига,
Ура-ур деб, юра-юр деб чўлларда,
Қор-ёмғирдай қамчи ёғиб бошига.

Қамчи билан солади,
Боллар жонин олади,
Тез юргин, деб душманлар,
Қаттиқ зулм қилади.

Қирғий ётар қияда,
Лочин ётар уяда,
Икки гўдак ҳайдалиб,
Отдай бўлиб пиёда,
Тез юргин, деб қувади,
Балки отдан зиёда.

Қамчи билан солади,
Ҳадсиз зулм қилади,
Икки гўдак чўлларда,
Отнинг йўлин олади,
Ҳай, аттанг, деб Моҳибой,
Кўп ҳам армон қилади.

Чўлда елар отдай бўп,
Ичи куяр ўтдай бўп,
Оғзидан чиққан дами,
Баччаларнинг дуддай бўп.

Кўздан ёши жўшилиб,
Кўп душманга кўшилиб,
Юролмайди гўдаклар,
Оёқлари тешилиб,

Бандилиги билиниб,
Кокиллари юлиниб,
Юролмайди икки гўдак,
Юрак-бағри тилиниб.

Армон билан ўлдик, деб,
Тоза гулдай сўлдик, деб,
Икки гўдак зор йиғлаб,
Сувсиз чўлда қолдик, деб.

Қайда Нўғой элим, деб,
Душман қилди зулм, деб,
Юролмайди икки гўдак,
Зор қақшайди белим, деб.

Сарғайгандир сиёғи,
Бир аслнинг туёғи,
Зор йиғлайди гўдаклар,
Бостирмайди оёғи.

Ол-ҳа юрди, ол юрди,
Озгина эмас, мўл юрди,
От ҳукмида гўдаклар,
Айни ўн кун йўл юрди.

От чидамас аччиқ қамчи заҳрига,
Куйсин ўлим, ким чидайдди жабрига,
Қўли бойли, зор йиғлашиб гўдаклар,
Банди бўлиб, борди Зангар шаҳрига.

Бу икки гўдакни банди қилиб, ўн кун йўл юриб, ўн кун деганда, Зангар шаҳрига олиб борди. Гуркибой таваккал қилиб кетиб бораётибди. Моҳибой сўзлаб, йиғлаб бораётибди. Шунда буларнинг келаётгани Зангар шаҳрига овоза бўлди. Ҳеч бир эшитмаган одам қолмади. «Янги бўлган подшо янги бўлган бандисини тўхтовсиз дорга тортади», — деб овоза бўлиб, яхши-ёмон, югрук-чобон, хурду калон, қизу-жувон кўча-кўйларда

томларнинг устига чиқиб, кўрмаган одам қолмади. Бу икковини кўриб, йиғламаган одам бўлмади. «Ҳай аттанг, дунёси курсин, шундай ёш баччалар, ўлиб кетса. «Хон ғазоби — худо ғазоби», — деган, чиқмасак бўлар экан, чиқиб аламимиз зиёда бўлди», — деб мардуми шаҳар йиғлашиб, орқасидан эргаша бердилар. Энди янги бўлган подшодан эшитинг.

Аркини давлат, умаро, вазир-вузаро, қози-фузало, муфти-уламо, маҳрам, ясовул, ўгачи, шиговул — жамий сипоҳлари билан ўтириб эди. Иккита гўдакни олиб бориб, манзур қилди. Икки бандига икки янги дор тузаб, қурдириб туриб эди. Подшо кўргандан меҳри тоблаб, оталик меҳри қайнаб, баччаларни кўргандан увуз эти ув бўлиб, тўла бадани сув бўлиб, кўнгли бузилиб, бағри эзилиб, кўзининг ёши тизилиб, аввалги айтиб ўтирган гапларига пушаймон еб: «Кел-е, бу баччаларнинг оғзига бир луқма солай, агар бизлар қилганимиз йўқ деса, озод қилай, бу болалар ўлдирадиган бола эмас экан-ку», — деб икки боласига қараб бир сўз деди:

Юрган еринг баландмиди, пастмиди,
Кўп одам банди қип сенга қасдмиди,
Оқсувдан не деб ҳайдадинг йилқимни.
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?

Олатоғ аввалдан қолган мулкимди (р),
Агар билсанг, ода бўлмас кўлкимди⁴⁰,
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди,
Оқсувдан нега ҳайдадинг йилқимди?

Қизил гул очилар гунчадан-гунча,
Тоқатим йўқ тағи гул очилгунча,
Рост-да десам, икковгинанг ёш бачча,
Ёлғон десам, бунда шоҳид бир неча,
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?

Ёш баччалар, кўнглингни шод айлайин,
Бу фони дунёдан фарёд айлайин,
Мункир келсанг, боллар озод айлайин,
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?

⁴⁰ Кўлигим.

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,
Қулоқ солгин гапимнинг пайвастидан,
Елғон дема, бола, айтгин ростидан,
Ҳайдаганинг ёлғонмиди, ростмиди?

Баччалар подшонинг бу сўзини эшитди. «Мункир келса озод бўлар экан, лекин мардлик қўлдан кетади»,— деб Моҳибой:— Э подшойим, мардлар ўламан деб сўзидан қайтмабди,— деб отасига қараб бир сўз деди:

Уламан, деб мард қавлидан тояма,
Йўқчилик жўмарднинг кўзин ўяма,
Оқсувдан йилқингни ўзим ҳайдадим,
Қўлингдан келганин қилгин, аяма.

Бўта ўлса бўзлаб қолган мояма,
Бефарзанднинг кўрган куни зояма,
Оқсувдан йилқингни ўзим ҳайдадим,
Уламан, деб мард сўзидан тояма.

Уйқуда бойлади Моҳи қўлини,
Босиб келдим элсиз, сувсиз чўлини,
Улимдан қўрқмоқлик номарднинг иши,
Уламан, деб мард қайтармас тилини.

Мардларнинг парвойи бўлмас ўлимдан,
Мусулмонман калма келар тилимдан,
Уламан, деб мард ҳам икки сўзларми,
Мункир келсам, мардлик кетар қўлимдан.

Мард бўлиб белима ханжар бойладим,
Кўп қулингни қора ерга жойладим,
Уламан, деб мард ишидан тонмайди,
Оқсувдан йилқингни ўзим ҳайдадим.

Шу болаларни ҳайдаб борган ўн икки минг лашкар бирдан чувлаб арз қилди:— Тақсир подшойим, бундай бўйни йўғон бола ернинг юзида йўқ; тақсир, ўн кундан бери ҳайдаб келаяпмиз-а, эртадан-кечга довур бизлар билан ўрлашиб, ўр ёғини бизларга бермай келаётибди. Бундай бўйни йўғон болани бизлар сира кўрмай келаётибмиз. Бунинг бўйинини подшо ингичкартсин,— деб олиб келдик.



Шунда подшо ҳайрон бўлиб, нима деярини билмай қолди. Аввалдан ҳукм бўлган эмасми, жаллод-мирғазаблар уриб-сўкиб янги тикилган дорга қаратиб олиб кета берди. Шунда Холбека бечора ҳам аёллар билан дорнинг олдидаги томнинг устига чиққан экан, шундай тиклаб қараса, икки боласини ҳам жаллод-мирғазаблар олиб келаётибди. Болаларини таниб, ичи ўтдай ёниб, чирқираб, томдан ўзини ташлади:

Алам тортиб банди бўғнин бўшлади,
Зор йиғлади, икки кўзин ёшлади,
Икки боласини кўриб Холбека,
Во болам, деб томдан ўзин ташлади,

Савдо тушди Холбеканинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Во болам, деб томдан ўзин ташлади,
Бўзлаб борди болларининг қошига.

Холбеканинг кўкайлари кесилиб,
Булар йўли душманларга тўсилиб,
Во болам, деб бўзлаб борди қошига,
Зор йиғлайди болларига осилиб:

— Во гўдаклар, можарога учрадинг,
Қайтиб мен бахти қарога учрадинг,
Не сабабдан нозик қўлинг бойланди,
Нодонларим, не балога учрадинг?

Ёмғир ёғса ҳалқоб ерлар лойланди,
Фалокат бошима ёмон айланди,
Гўдакларим, не балога учрадинг,
Не сабабдан нозик қўлинг бойланди?

Шунда Холбека жаллодларга эланиб, бир сўз айтаётибди:

Барчани яратган қудратли жаббор,
Ҳар кимни бир ўйга қилди гирифтор,
Қўлинг дард кўрмагур жаллод-мирғазаб,
Қулоқ солинг, айтадиган арзим бор.

Сизларга буюриб Зангарнинг шоҳи,
Кўкка чиқар мендай куйганнинг оҳи,

Раҳм айла, гўдакни урма, жаллодлар,
Қанча эди болларимнинг гуноҳи.

Мен бебахтнинг хотирин шод айланглар,
Мўминсизлар, дин уйин обод айланглар,
Қўлинг дард кўрмагур, жаллод-мирғазаб,
Мени ўлдир, боламни озод айланглар.

Армон билан билмаганим билдиринг,
Ханжар чекинг, қора бағрим тилдиринг,
Арзима қулоқ сол, жаллод-мирғазаб,
Болларни озод қип, мени ўлдиринг.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қанча жаллод икки гўдак қасдига,
Ҳар бирига эланади Холбека,
Бўзлаб борди золим дорнинг остига.

Алқисса, Холбеканинг ақли шошиб қолган эди.
Жаллодлардан кўп таёқ еб, нима дерини билмай, дор-
ни кўргандан, аёл эмасми, жони чиқиб қўрқиб, ҳа
дерга ҳоли, юрарга мажоли бўлмай, дорга қараб бир
сўз деди:

Қаладин қалампир юклар қалачи,
Дурдонадан анбар тоғнинг оғочи,
Аналҳақ деб Мансур сенга осилди,
Ассалом алайкум, дорнинг оғочи.

Шонаман таралар қизларнинг сочи,
Мадад қилинг Бобо Занги подачи,
Аналҳақ деб Мансур сенга осилди,
Ассалом айлайкум, дорнинг оғочи.

Узоқда болларнинг манзил-диёри,
Зор йиғлайди энаси, ичқуяри,
Аналҳақ деб Мансур сенга осилди,
Ассалом алайкум, Мансурнинг дори.

Нўғойда буларнинг манзили-жойи,
Бу савдони солган қодир худойи,
Бирдан йиқила кўр дорнинг оғочи,
Қанча эди болларимнинг гуноҳи?!
Қанча эди болларимнинг гуноҳи?!

Энасининг бу сўзларига Гуркибойнинг аччиғи келиб, энасига қараб: — Э шўрли, қисмати қаттиқ энам. Бу дунёга келиб бирор шод бўлмай йиғлаб ўтган энам, тақдирингга кўн-да, бу оғочнинг қўлидан нима келади,— деб бир сўз деди:

Бизлар чиқдик, эна Зангар элидан,
Боғбон узар боғнинг тоза гулидан,
Йиғласанг худога йиғла, энажон,
Нима келар қув оғочнинг қўлидан...

Подшолар толибдир тахт билан тожга,
Кўнгли кетар дойим закотман божга,
Нима келар қув оғочнинг қўлидан,
Қофирмидинг эланасан оғочга?..

Гуркибой қараса, жаллодлар Моҳининг бошида, Моҳини ўлдирмоқчи бўлаётибди. Шунда энасига айтаётган сўзини қўйиб: — У, жаллодлар, аввал мени ўлдиришлар, менинг олдимда Моҳи ўлмасин, менинг кўзим кўрмасин. Менинг ёшим катта, йўл меники,— деб жаллодларга қараб, бир сўз айтаётибди:

Беклар минар бедов отнинг толмасин,
Ҳеч кимса дунёда биздай бўлмасин,
Мендан бурун Моҳи бебахт ўлмасин,
Моҳининг ўлигин кўзим кўрмасин.

Бу етимлик мени қилди саргардон,
Вайрон бўлди, қайтай, манзилман макон,
Мендан бурун мард Моҳини ўлдирма,
Йўлим улуғ, менинг ёшим каттакон.

Золим жаллод, билмаганим билдиргин,
Йиғлатма Моҳини, ўйнаб-кулдиргин,
Мени ўлди, Моҳини қўй, жаллодлар,
Ёшим улуғ, аввал мени ўлдиргин.

Жаллодлар айтди: — Ёши катта бўлса, аввал шуни ўлдирайлик.

Шунда Моҳи зор йиғлаб: — Э, жаллодлар, гуноҳни мен қилганман, Гуркибой мени шунча қайтарди, айтганини қилмадим. Гуркининг гуноҳи йўқ, мени ўлдириш-

лар, Гуркини озод қилинлар, мен Гуркининг қонига зомин бўлмайин,—деб жаллодларга қараб, бир сўз деди:

Қонлар оқсин менинг икки кўзимдан,
Янгилмадим асло айтган сўзимдан,
Бу ишда Гуркининг йўқдир гуноҳи,
Қанча гуноҳ бўлса ёлғиз ўзимдан.
Қулоқ сол, жаллодлар, қилган додима,
Қайтай, ўлдим етмайим мақсадима,
Бу ишда Гуркининг йўқдир гуноҳи,
Гуркибой ўлмасин касофатима.
Беклар минар бедов отнинг толмасин,
Мард йигит белига бойлар олмасин,
Қасодимга Гурки нобуд бўлмасин,
Уволи менинг бўйнима қолмасин.
Қулоқ солинг мендай Моҳи тилига,
Булбул ошно бўлар богнинг гулига,
Мени ўлдир, Гуркини озод айланглар,
Масофирдир, эсон кетсин элига.
Мен бебахтнинг хотирин шод айланглар,
Илгариги азизларни ёд айланглар,
Бу ишда Гуркининг йўқдир гуноси,
Мени ўлдир, Гуркини озод айланглар.
Ҳеч одам дунёда биздай бўлмасин,
Биздай бўлса, бу дунёга келмасин,
Мени ўлдир, Гуркини озод айланглар,
Қорахоннинг юрти сабил қолмасин;
Нўғойнинг юрти бесоҳиб бўлмасин,
Менинг касодимга Гурки ўлмасин.
Бекларнинг белинда олмос қиёғи,
Ғам билан сарғайган гулдай сиёғи,
Қорахоннинг юрти сабил қолмасин,
Қуримасин Кунтуғмишнинг туёғи.
Бу сўзни Моҳибой шу ерда айтди,
Хатосиз барини тўра эшитди,
Фарзандининг бу сўзини эшитиб,
Во болам, деб тўра бирдан оҳ тортди.
Энди кўринг, тўра кўзин ёшлади,
Қувонгандан ёқасини ушлади,
Во болам, деб майиблардай инграниб,
Кунтуғмиш тахтидан ўзин ташлади...

Анда Кунтуғмиш тўра тахтидан тушиб, ақлидан ада-
шиб, нима қиларини билмай шошиб, чопиб дорнинг ости-
тига келса, томошабин зич-тўп бўлиб турибди, йўл бер-
майди. Шунда тўра зор йиғлаб, томошабинларга қа-
раб, қоч, деб бир сўз деди:

Болам кепти неча тоғлардан оша,
Икки зулфи гарданига яраша,
Пўшт-а, пўшт, томошабин жонларим,
Улганнинг несин қиласизлар томоша.
Қўлдан кетиб давр илан давронларим,
Вайрон бўлиб кўшк илан айвонларим,
Улганнинг несин қиласизлар томоша,
Йўл беринглар, томошабин жонларим.
Боламнинг олдида мен дод айлайин,
Ўз ҳолима неча фарёд айлайин,
Улганнинг несин қиласизлар томоша,
Қочинглар, боламини озод айлайин.
Турган халққа анча ташвиш тушдилар,
Бир-бирига подшо келди дейишдилар,
Томошабин, қанча турган халойиқ,
Бош-бошига, тура-тура қочдилар.
От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг, гапимнинг пайвастига,
Майиблардай ингранади Кунтуғмиш,
Бўзлаб борди золим дорнинг остига.

Одамлар подшо келди деганига жаллодлар шошиб:
«Шу вақтга давур ўлдирмабсан, деб бизларни ўлдир-
ди. Шунинг учун келган-да подшо»,— деб Моҳибойга
пичоқ солмоққа шошиб, бўйнидан арқон билан курмак
бойлаб, мирғазабларга «торт» деб юборди. Тортиб юбор-
ди. Кунтуғмиш тўра чопиб келиб, Моҳибойни суяб, жал-
лодларга:— Қўйиб юбор ипни,— деди. Жаллодлар,
ипни қўйиб юборди. Моҳининг дами тутилиб, дами
ичига тушиб қолди. Кунтуғмиш тўра Моҳини кўкрагига
олиб:— Шамолни очинглар,— деб ҳар кўзидан етмиш
қатра ёшини тўкиб, қадди букилиб, Моҳининг бетига
тиклаб турибди. Гуркибой ҳам йиғлаб, укасининг олди-
га бориб: «Воҳ, укамдан айрилдим», — деб йиғлаб тур-
ган маҳалда, Холбека шўр ҳам «Воҳ, болам», — деб қа-
раса, Кунтуғмиш тўра Моҳини кўкрагига олиб, кўтариб

йиғлаб турибди. Шунда Холбека ойим тўрасини юлма-
лаб, эрини қарғаб:— Подшо бўлмай бўлувсиз қол-
гур,— деб эрини муштраб қолди. Холбека бечора бил-
са, Зангарга янги бўлган подшо Кунтуғмиш тўра экан.
Шунда эрини таниб, бир сўз деди:

Мен сени шаҳзода дедим, мард дедим,
Сен қандай сийнамга қўйган дард эдинг,
Чиқсин кўзинг, танимадинг болангни,
Не тилингман буни дорга торт, дединг.
Аввал охир мени мунча куйдирдинг,
Ғам билан кўзингнинг ёшин қуйдирдинг,
Чиқсин кўзинг, танимадинг болангни,
Подшо бўлиб, ўз болангни сўйдирдинг.
Армон билан билмаганим билдирдинг,
Зор йиғлатиб, кўзим ёшга тўлдирдинг,
Не тилингман буни дорга торт дединг,
Подшо бўлиб, ўз болангни ўлдирдинг.
Юра билмай юрар йўлдан тойрилдим,
Уча билмай қанотимдан қайрилдим,
Чиқсин кўзинг, танимадинг болангни,
Армон билан мен боламдан айрилдим.
Мен сени шаҳзода дедим, мард дедим,
Сен қандай сийнамга қўйган дард эдинг.

Холбека бечоранинг «Воҳ, Моҳи»,— деб йиғлаганига ҳеч кимда тоб-тоқат қолмади. Кунтуғмиш тўранинг «Болам»,— деб наъра тортган довуши осмонга етди. Гуркибойнинг «Воҳ, укам»,— деб йиғлаганига ҳеч ким тоқат қилолмади...

Алқисса, шу турган халойиқлар қарасалар, шу қалан-дархон Кунтуғмиш тўра экан, ўғри бўлиб қўлга тушган баччалар қумда қолган гўдаклар экан. Аркони давлат, Холмўмин бош бўлиб келиб, Моҳибойни суяб кўтариб, аркка олиб чиқиб кетдилар. Бир соатдан кейин Моҳибой кўзини очиб, ўзига келди. Холбека бечора Моҳини бағрига олиб, қувониб, юраги ёрилиб қолай деди. Моҳибойнинг бошидан товоқ-товоқ тилла кумушларни садақа, деб чоча берди.

Энди турган катта-кичиклар, умаролар, амалдорлар, подшонинг олдида турган инъомли кишилар Кунтуғмиш тўра билан қайта бошдан кўришиб, ихлос-эътиқоди зиёда бўлиб, Гуркибой билан Моҳибойни иззат-

ҳурмат қилиб, шоҳона кийимлар кийгизиб, тожи хисравни бошига қўйиб, қайта бошдан муборакбод қилдилар. Кунтуғмиш тўра ҳам кўҳна хазиналарини очириб, тилла-кумушни элатиясига инъом-эҳсон қила берди. Энди Зангар элига подшоҳ қирқ кун тўй берди.

Зангарнинг катта-кичигини йигиб, ҳаммасини ўзидан рози қилиб турган вақтида, аркони давлат туриб арз қилди:— Бўғраҳон подшо Азбархўжани зиндон қилган эди, ҳали ўлгани йўқ, зиндонда ётибди. Фармойишлари нима? Кунтуғмиш тўра буюрди:— Олиб чиқинглар!

Азбархўжани зиндондан олиб чиқдилар. Кунтуғмиш икки ўғлига буюрди:— Менинг «дўстимдан» ўчларингни олинглар. Мен дўстлик отини тутганман, қошига бормайман, юзини кўрмайман...

Шунда Моҳибой билан Гуркибой қўлларига ханжарни олиб, Азбархўжанинг қошига борди. Айтди:— Ҳув отамнинг «дўсти», бизларни танийсанми? Бизлар Зарчаманнинг чўлида эмаклаб йиғлаб қолган болалар бўламиз. Сенинг шу қилган «яхшилигингни» қайтармоқчи бўлиб келдик, деб... икки бола Азбархўжани босиб олди. Бақиртиб, тилини кўмакайдан кесиб олди. Азбархўжа гапирслмай, ҳўкиздай бўкириб-бўкириб, итдай бўлиб ўлиб қолди. Гавдасини ўтга куйдириб, кулини шамолга учириб юборди. Азбархўжанинг иши тамом бўлди.

Кунтуғмиш тўра қирқ кун, қирқ тун тўй бериб, тўйи тамом бўладиган куни жамий аркон давлатини йигиб, Холмўминни Зангарга подшо қилди. Зангар шаҳрининг жамий бек, умаролари Холмўминга дасти байъат берди.

Энди Кунтуғмиш тўра Нўғой элга бормоқчи бўлиб, йўл жабдуғини тайёрлай берди. Қаторда нори билан, хазинада зари билан, иккита боласи қошида, Холбека ёри билан, қанча хизматкор, қул, чўри, канизаклари билан жўнади. Шунда Холмўмин Зангарнинг улуғ, ақобирлари билан ўн кунлик ерга билла келиб, Кунтуғмиш тўра билан хўшлашиб, жиянлари билан кўришиб, йиғлашиб Зангарга қараб қайтди.

Кунтуғмиш тўра омон-эсон, сихат ва саломат юртига бориб, қавму қариндошлари билан, ўзининг ёру жўралари билан, элининг улуғ, катталари билан кўришиб, ўйнаб-кулишиб, отаси Қорахоннинг тожи-тахтига эга бўлиб, даврини сура берди.

Лекин Қорахон подшо неча йиллардан бери ўзининг ўрнига қушбегисини қўйиб, Кунтуғмишнинг ўтига ку-

йиб, тагизаминга кириб, тоат-ибодатга машғул бўлиб
ётиб эди. Бечора ибодатхонасидан чиқиб, ёлғиз фарзан-
дини кўриб, кўришиб, набираларини кўриб, Холбека
билан кўришиб, жамий элини йиғиб, кўҳна хазиналари-
ни очиб, қирқ кеча-қирқ кундуз подшоҳона тўй қилиб
бериб, ўзининг тахтига Кунтуғмиш тўрани чиқариб,
ўзи бошидан муборакбод қилиб, подшо қилди. Кунтуғ-
миш тўра шундай қилиб мурод-мақсадига етди.

Яхши етсин муредга,
Ёмон қолсин уятга,
Ёмон фақир не қипти,
У ҳам етсин муродга⁴¹.

41 «Кунтуғмиш» достони 1926 йилнинг 5 апрелидан 8 майгача Самарқанд область, Булунғур район, Қувондиқ даҳасининг Қирқшо-
ди қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган. Ўзбекист-
он ССР Халқ Маориф комиссариати Илмий марказининг Ўзбеклар-
ни ўрганиш комитети топшириғи билан ёзиб олувчи — шу қишлоқ-
лик Муҳаммад Иса Эрназар ўғли.

Орзигул



Айтувчи
ИСЛОМ НАЗАР ЎҒЛИ

Нашрга тайёрловчи /

М. АФЗАЛОВ



Утган замонда Хосхона мамлакатининг султони Қорахон подшо: — Худо менга пойтахтимга эгалик қиладиган, душмандан ўчимни оладиган бир ўғил берса — кеча-кундуз мақсадим шу, — деб ўйлаб юрар эди. Кунлардан бир куни ўрдадан Омон деган бир каниз чиқиб: — Хотинингиз ҳомиладор бўлди, — деб суюнчи олди. Подшо сабр қилиб, бир қанча вақтларни ўткарди.

Кунлардан бир куни подшонинг шикорга ҳаваси келди. Бекларни чорлатди. Сипоҳлар етиб келиб, бари қўл қовуштириб салом бериб, одоб билан ўзини кўрсатди. Қорахон подшо бекларига қараб айтди:

Кўп йиғилган ер бўлади халойиқ,
Сидқидил бекларим, шикор қилайиқ,
Пироқлар¹ белига бу кун минайиқ,
Ғайрат қинглар, биз шикорга борайиқ.

Беклар от-анжомларини тайёрлаб, бари шикорга тайёр бўлиб турди.

Омон канизнинг айтган гапи подшонинг ёдига келди, беклардан хуфия қилиб, ҳарамга борди. Барногул ойимнинг қўлидан ушлаб:

— Мен букун шикорга кетиб бораман,
Қайтиб келиб ўғил юзин кўраман,

¹ Пироқлар — яхши отлар.

Шундай ваъда, нозим, сенга қиламан,
Қиз туғсанг, бошингни дорга иламан.
Ўғил туғсанг, Хосхонага қўяман.
Қорахон подшо, дер менинг отимни,
Олгин қулоғингга айтган сўзимни,
Ўғил туғсанг, берай Хосхона юртни —
Қулоғингга олгин шу насиҳатимни,—

деб подшо беклари билан овга чиқиб кета берди.

Тўққиз ой, тўққиз соат, тўққиз дақиқаси ҳам битиб,
канизлар Барногулнинг ҳоли танг бўлганини билиб,
момаларга хабар қилди. Энагалар ичида бир мастон бор
эди. Отири Паттигул мома дегич эди. Омоной каниз Пат-
тигулни Барногул ойимнинг қошига элтди.

Оқ йўл берди, Барно туғди фарзандни,
Ўғилмикан, қизмикан, деб қаради,
Қараб Барно, қизлигини билади,
Қизлигини билиб, «дод!» деб йиғлади.
Билди энди ҳақиқатда ўлади,
— Бўлмай кетгур, бу бошимга етди,— деб,
Туриб ўрнидан, бошини уради.
— Нечун йиғладинг?— деб мома сўради,
Фарзанд кўрса, киши хурсанд бўлади!
Сенга фарзанд берса нима учун йиғлайсан?—

деди.

Шунда Барногул момага айтди:— Амри подшо во-
жиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди.— Қиз туғсанг
сўяман,— деб кетган эди, қиз бўлди, ҳеч ким воситачи
бўлолмайди. Қиз бўлмай кетгур, бошимга етди.

Паттигул момаси айтди:— Уч кун бўлди, Эрназар
боғбоннинг хотини ўғил туғди. Менга яширинча бир оз
тилла бергин, қизингни ҳам бергин. Боғбон кўп камба-
ғал, тилла билан қизингни элтиб берсак, ўғлини берар.
Подшо келиб ўғлини кўргач, сени сўймас,— деди.

Барногул, канизларидан яшириб, бир лаган тиллани
ва қизини ҳам моманинг қўлига берди. Мома кўшкдан
чиқиб кетди, канизлар билмай қолди. Мома боғбонни-
кига борди. Боғбоннинг хотини, момам келибди, деб ос-
тига кўрпачалар ташлаб, иззат-икром айлаб, момасини
ёнига жойлаб, олдига дастурхон ташлаб, меҳмон қилди.

Мома таомни еб бўлиб:— Болам, мен сизлардан бир нарса тилагани келдим,— деди.

— Момажон, бизда нима бўлар эди, нима тилайсиз?

— Бор нарсаңи тилайман сиздан.

— Ҳа, бўлса, аямайик, берайик.

Мома Эрназар боғбонни ҳам чақириб, қўлтиғидаги Барногулнинг қизини ва лагандаги тиллани эр ва хотинга кўрсатди. Шунда мома бир сўз айтиб турган экан:

Боғбон бўлиб тергин тоза гулингни,
Камбағалсан, хўб биламан ҳолингни,
Савоб учун бергин энди ўғлингни,
Сенга берса бу лаганда пулини,
Эру хотин икковингдан тилайман,
Худо берган қўлингдаги ўғлингни,
Хафа бўлиб, қилма тағин нолангни.
Кўзингдан тўкмагин жўйбор жалангни,
Эй, садақа тилаб келдим болангни.
Эрназар дер, болам, сенинг отингни,
Хўб биламан элатингни, юртингни,
Бир неча кун қилдим хизматларингни,
Паттигулга бер шу фарзандингни.

Эрназар боғбон момасига бир сўз айтди:

Мома, билдим пухта яхши кўрасиз,
Кун ошириб бу кулбамга келасиз.
Мома, сиздан сўрар Эрназар боғбон,
Элтиб бу боламини кимга берасиз?

Мен учмайман лагандаги пулига,
Босган изин бермам шоҳнинг элига.
Боғбон ўғлин, мома, сиздан сўрайди:
Элтиб берасиз қандай номард, қўлига?

Киши қувонади ўғлон ёшига,
Қойил эмасман, момам, қилган ишингга,
Оғиз урма Эрназарнинг ёшига,
Элтиб бермоқчисан қандай кишига?

Эрназар дер, олов кирди танама,
Бош фарзандим, пулга берсам бўлама?
Букун келдинг, эрта боққа йўлама.

Эрназар боғбоннинг хотини эрига бир сўз деди:

— Фарзанднинг, давлатнинг эрга-кечи бўлмаё. Бу тиллани олайик, қўйли, эчкили бўлайик, мардумдан кам эдик, бизлар ҳам эл қаторига кирайик. Қишилардан кам эдик, эл қатори бўлайик. Бизларга тағи ўғил берар, келинг, шу ўғилни момамизга берайик.

Боғбоннинг хотини ўғилни моманинг қўлига бериб, қиз билан тиллани олиб қолди.

Эрназар боғбон:— Кейин пушаймон қиларсан,— деб қолди.

Эр-хотин маслаҳат қилиб, қизнинг отини Орзигул қўйди.

Орзигул саккизга кирди, мактабга борди, ўн саккиз ёшида мулла бўлди.

Бир кун Орзигул боғда, гуллар орасида сочини ўриб, экилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёғини босиб, мушку анбар—ипор сочиб, тилла ҳайкалларни¹ осиб, гул юзига улар муносиб, боғнинг ичида юрган вақтида Қорахон подшо салтанатли беклар билан тилла жигаси бошида, жонкуяр беклар қошида, подшолик юзи хотири билан, соя пардали чотири билан, неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди.

Боғдан бир ажойиб гулнинг иси подшонинг димоғига урди. Оёғини узангига тираб, отнинг устида турди. Боғ ичида бир гул юзли дилбарни кўрди. Ишқининг туби бориб юракка урди. Ақли-ҳуши кетиб, подшо йиқилди. Беклар от қўйишиб хон қошига келди, отдан тушиб, аҳволини кўрди: подшо сира билмас ҳушини, «Во ҳасрато» деб тўкди кўзидан ёшини:— Султоним, сизга на бўлди?— деди. Ҳайдар номли ўнг қўл жиловдори сўради:— Жин урдими, ё бир нарса ақлингизни олдим, ё девлар сизга соя солдим, ё бирор нарса сизга зиён қилдим?

Отда туриб қад-бошингиз букилди,
На хислат бор, сиздай хоним йиқилди,
Ҳайдар, дейди йиқилганинг сўрайман,
Нима савдо бордир, ҳозир билмайман,
Айтсангиз, эшитаман, англайман,
Йиқилган маъносин сиздан сўрайман.

¹ Ҳайкал — буйинга тақадиган безак.

Подшонинг ақли-хуши ўзига келиб, ўрнидан туриб бир сўз айтиб турган экан:

Ошиқ киши қон йиглайди зору зор,
Боқиб кўрдим, боғ ичида бир дилбар,
Ёр ишқига хонинг бўлди гирифтор,
Ун тўрт кунлик ой каби хусндор.
Қорахон дер:— Энди тингланглар, беклар,

Шунинг ишқига мен бўлдим гирифтор,
Сидқидил беклар, қўлга қилич олинглар.
Хонлигимни бугун маълум қилинглар,
Қамчи тортиб ушбу боққа кириглар,
Шу дилбарни менга олиб беринглар.

Шунда Ҳайдар жиловдор айтди:— Э султоним, шаҳарга — салтанатли пойтахтга борайик, элу қўрғоннинг омонлигини кўрайик, қайтиб бизлар совчиликка келайик. Ораликка хўб донакор¹ бўлайик. Бу ерда талов солганингиз ярашмас. Совчи бўлмаса, ўғил-қиз то пишмас, донакор бўлмаса, темир ёпишмас. Икки бегинг совчи бўлиб бормаса, тортиб олмоқ боғбонга ҳам хуш келмас,—деб подшони пойтахтга олиб кетди. Подшо давлатига бориб, сабр-тоқатсиз, ошиқлик дардида бедорлик билан тонг оттирди. Икки бегини отга миндирди. Ҳайдарбекка Қосимбекни ҳамроҳ қилиб:— Боғбонни кига совчи бўлиб боринглар!— деб жўнатди. Қосимбек, Ҳайдарбек хон қошидан чиқиб, йўл юриб, отга тозиёна² уриб, кайфини суриб, чошқа вақтида Эрназар боғбонни кига кириб келди.

Эрназар боғбон уларни кўриб, ўрнидан туриб салом бериб, қўлини дастилом қилиб, алифдай қоматини ҳам қилиб, бир салому ўн саккиз таъзим билан беклар қошига келди. Бекларнинг отини бойлади, хоннинг одами деб уларни сийлади, тутилмаган кўрпаларни тайлади, қўзини сўйиб, уйига патир нон буюрди.

— Хотин, бизни кига подшоликдан меҳмон келди, патир ёп, шўрва қил!— деди. Ўзи бекларнинг қошига келиб, олисдан-яқиндан гапириб ўтирди. Беклар совчилигини билдирмай, хуфия қилиб ўтирди. Боғбон бекларни яхши меҳмон қилди.

¹ Бириктирувчи, уловчи.

² Қамчи.

Беклар фотиҳасини бетга тортди. Эрназар:— Подшонинг одамлари беиш юрмас, сўраганинг айби бўлмас,— деб бекларга қараб бир сўз деди:

Сўрагани беклар йўқдир айби,
Қорахондир Хосхонанинг сойиби,
Хизматкор беклар, йўл бўлсин?
Ярашиққа мен салламни ўрайман,
Келган бери мен сизларга қарайман,
Хуш келибсиз, беклар, мақсад нимадир?
Келган беклар, йўл бўлсин деб сўрайман.
Юрган еринг Хосхонадай ер бўлсин,
Ғазналаринг, беклар, тўла пул бўлсин,
Боғбон аканг, беклар, сиздан сўрайди,
Салтанатли беклар, сизга йўл бўлсин?

Шунда Ҳайдарбек Эрназар боғбонга қараб, совчилигини маълум қилиб, бир сўз деди:

Булбул яхши кўрар тоза гулингни,
Хосхона дер пойтахтли элингни,
Подшомиз бизларни сенга юборди,
Хонимизга бергин Орзигулингни.

Фуқаросан, ночор билгин ҳолингни,
Билиб-билиб айтгин, боғбон, сўзингни,
Бермасанг, шоҳимиз ўяр кўзингни,
Иззат билан хонга бергин қизингни.

Ҳеч ким эшитмайди сенинг нолангни,
Султонимга бергин ёлғиз болангни,
Хон азобин кўрган киши йиғлайди,
Гуноҳингни Ҳайдар оғанг тилайди,

Бу ишларни сендай боғбон билмайди,
Гул юзингни хоним сендан сўрайди,
Султонимга бергин Орзигулингни.

Оғзинг тўлганича сол қалинингни,
Бисёр қилгин қариганда молингни,
Яхши ерга саъи қилди бек Ҳайдар,
Подшомизга бергин Орзигулингни.

Эрназар боғбон бу сўзларни эшитиб, фикрга кетиб, кўп гаплар кўнглидан ўтиб, ғамларга ботиб, ёнбошлаб ётиб, кўз ёшини артиб, ҳеч илож тополмай, хўрлиги тутиб, индамай, ухлаган, десин деб хуррагини тортиб ётди.

Қосимбек Эрназар боғбоннинг қўлидан тортиб, манглайига туртиб, ғазаб қамчисини кўрсатиб: — Бизларга жавоб бер! — деди.

Эрназар боғбон ночор туриб, ҳар ердан тимсол келтириб, «Нима десам буларга маъқул бўлар экан?» деб ниҳоятда қўрқиб, ранги ўчиб, хаёли қочиб, бир сўз деди:

Ажал етса, паймонамиз тўлами?
Ситам билан камбағаллар ўлами?
Отадан қизига совчи келами?
Билиб туриб, хонга берсам бўлами?

Подшо киши бўлар элнинг каттаси,
Эрназарнинг кўйди ичи-танаси.
Ҳеч қизига раво бўлурми отаси?
Подшо деган эл отаси бўлади.

Бу ишларга боғбон ғамгин бўлади.
Отасидан қизга совчи келади.
Бу фақиринг шу сабабдан йиғлади,
Ўз отаси қайтиб қизин олади?

Эрназар дер, энди ўйнаб-кулмайман,
На бўлишин, келган беклар, билмайман,
Хонинг ҳарна қилса, энди розиман
Мен қизимни султонингга бермайман.

Шунда Ҳайдарбек бош кўтариб, қамчисига суяниб: — Бу сўзларингнинг ҳеч бир фойдаси йўқ, зарари бор, «Хонга бермайман» деган гапингнинг бизга анча малоли бор. Хоннинг ҳукмдорлигини биласан. Албатта унинг амрини қиларсан,— деб боғбонга қараб бир сўз деди:

Подшо киши ҳукуматдор бўлади,
Ҳар йўл билан, билгин қизинг олади,
Қиёмат кун бу бошингга солади,
Бошинг кесиб, тилла дорга илади.

Ўзингни ўлдириб, қизинг олади,
Донолар хоннинг амрини қилади,
Ҳар ким тентак, хон амрига кулади,
Бошинг кесиб, билгин, қизинг олади.

Билиб-билиб айтгин, боғбон, сўзингни,
Бермоғинг керакдир ёлғиз қизингни,
Шаҳаншоҳлик амал бериб ўзингга,
Бир қўрғонга бек қилади ўзингни.

Менинг гапим фойдасини билсанг-чи,
Беш кунлик дунёда ўйнаб-кулсанг-чи,
Султонимга бериб Орзигулингни,
Бир ўтар дунёда кайфин сурсанг-чи.

Қулоқ солгин мендай беги Ҳайдарга,
Гўё мисли подшо қилай шаҳарга.
Дилбар қизинг бергин шу ҳукмдорга,
Бўлмаса қисса шу — осиласан дорга.

Эрназар боғбон:— Орзигул бир меники эмас, шеригим ҳам бордир, бориб, шеригим билан маслаҳат қилиб, сўнгра сизларга жавоб бераман, — деди. Боғбон белини икки еридан тугиб, юрак-бағри куйиб, босган изи кейинга кетиб, кўп гаплар кўнглидан ўтиб, хотинига қараб қовоғини уйиб, уйига кириб борди. Хотинини ўчоқ бошида кўриб, бери кел, деб чақириб олди. Хотини: — Тобингиз қочдимми, мунча рангингиз ўчибди? — деб сўради. Боғбон хотинига: — Тобим қочганини энди биласан, — деб бир сўз деди:

Хосхонадан икки бегзот келганди,
Тўғри кўзлаб, бу ерга тушганди,
Унга сўйиб бердик ширвоз қўзингни,
Ўз отаси олар бўпти қизингни.

Сенга маълум, менга маълум, биламиз.
Қайтай, туғмасайди падар, онамиз.
Қиёмат савдони, ёрим, кўрамиз,
Қайтиб отасига Орзим берамиз?

Орзигул ҳам ўғлингди, ҳам қизингди,
Сарғайтирар бўлди қизил юзингди,

Берсанг, берганинг хони султонга,
Бўлмаса, у сўйдирмоқчи бизларни.

Икковимизни бирга дорга илади,
Шунда ҳам у Орзигулни олади.
Шу савдони биладиган иккимиз —
Подшонинг қизидир Орзигулимиз.
Бу савдони қандай қабул қиламиз,
Йўқ десак, иккимиз ҳам ўламиз.
Тубсиз ерга қайтиб, ёрим, кирамиз,
Қорахондир Орзигулнинг отаси,
Кўра-била қайтиб, нетиб берамиз?!

Ана энди иккови мотам тутиб, йиғлашиб, сен пулга алишган эдинг, деб Эрназар хотинини уришиб турганда, Орзигул мактабдан келди. Орзигул энди ўн саккизга кирган эди.

Заррин қалпоқ хўб ярашар бошига,
Қиммат баҳо мунчоқлари тўшига,
Ташқаридан кириб келса Орзигул,
Кўзи тушди иккаласин ёшига.

Орзигул буларнинг кўз ёшларини кўриб, бир оз пойгакда туриб, уларнинг йиғлаганининг маъносини сўраб, ота-онасига қараб бир сўз деди:

Икковингиз менга бўлиб меҳрибон,
Жонимни айлайин сизларга қурбон.
Бир гап бўлса, йиғлайсизлар минг фиғон?
Фарзанд ўстирмаклик — оламда даврон.

На сабабдан бўлди сизларга армон,
Иккингизга садақадир хаста жон,
Сабаб надир, қон йиғлайсиз, энажон?
Тўти билан булбул сайрайди хуррам,
Нима бўлди иккингизга, энажон?
Орзигул дер, мен сизларга қарайман,
Хизматингга кеча-кундуз ярайман.
Ойна олиб, сунбул сочим тарайман,
Йиғлаганинг, икки раҳбар, сўрайман.

Шунда Эрназар боғбон айтди:

Эрназар ҳам бирламчи боғбон,
Ўтди деб, қўлимдан даврон,
Аввалги ишлардан бўлди пушаймон,
Мен гапирай, қулоқ солгин, Орзижон,
Қорахондир Хосхонага соябон,
У қўлида тахти билан ҳам даврон.
Ўғил туғса, тахтига қўймоқчи бўлган,
Қиз туғса энангни сўймоқчи бўлган.
Бу ғам билан юрган ўша нотавон,
Охир сени берди қудратли мавлон.
Сени кўриб энанг қилди пушаймон,
Бўлмай кетгур, бошимга етди, деб,
Энаганга қилди неча бир жавлон.
Мома айтган: — Фарзанд кўрган севи нар.
Сен нимага қон йиғлайсан, Барножон?
Худойим қиз берди, ҳусни хиромон,
Кўрганда бўлибди ақлимиз ҳайрон.

Барногул айтган: — Ёрим тахт эгаси,
Юртингизда юрур карамли султон.
Бир кун у бормоқчи бўлиб шикорга,
Жўнар вақти келиб кирди рўзғорга,

Мен тура кеб салом бердим ўзига,
Бир насиҳат айтди мендай дилбарга,
Хоним айтди: — Ўғил керак шаҳарга,
Ўғилсиз ваҳмидан юрак куяди.

Мен дунёнинг ўтарини биламан,
Ўғил туғсанг, сени иззат қиламан,
Қиз туғсанг, тилла дорга иламан!
Барногул дер, пухта билгин, момажон,
Ёрим келса, қутулмайман, ўламан.

Паттигул олиб келди сени кўтариб,
Шунда уч кунлик ўғлимиз бор эди,
Олиб келди Барногулнинг қизини.

Эшитсанг, Эрназар отанг тилини,
Лаганда ташлади уйга пулини.
Ҳам сени бизларга бериб, Орзижон.
Олиб кетди бу отангнинг ўғлини.

У фирибгар мома орага тушди,
У пулга энангни хаёли қочди,
Энанг қургур, шунда нафсга адашди,
Сени олди — ўз ўғлига алишди.

Эрназар отангни хаёли қочди,
Пушаймони борди охири ишди,
Шу кечган савдолар бошимга тушди,
Қорахондан сен бўлувдинг, Орзигул.

Ҳозир Қорахондан совчи етишди,
Пухта, сенинг Қорахон отанг бўлади,
Билиб туриб, боғбон Эрназар отанг,
Ўз отангга қайтиб сени беради?

Бу сўзларини эшитиб Орзигул, оҳ-вой деб йиғлади,
Орзигул мактабда ўқиган, оқи-қорани таниган, усто-
зининг хизматини қилган қиз. — Қандай қилиб мени
отамга раво кўрасиз, — деб бир сўз айтди:

Жасадимда жоним бўлганди, ғариб,
Ўлганим авлодир четларга бориб,
Ушбу савдоларга жонимни бериб,
Кетарман юртимдан, отадан кечиб,

Пухта билгин, ота-эна, кетарман,
Ўзга элдан бориб, макон тутарман.
Қайтиб отам билан бирга турарман?

Қулоқ солинг Орзигулнинг зорига,
Турғилик қилмади ушбу шаҳрига,
Қайтиб ота лозим қизнинг бағрига?

Ота дейман, мен сизларга ёлвориб,
Бошимни олиб кетай мен ғариб,
Қиз отага сира раво бўлмайди,
Орзигул ҳайронди китобда кўриб.

— Ота, ундай бўлса, қирқ кун муҳлат сўранг, ё Қо-
рахон подшога бир гап бўлар, ё менга бир гап бўлар.
Қирқ кун муҳлат тиланг, отажон, ё у ўлар, ё мен ўлар-
ман, — деди.

Эрназар боғбон ўрнидан туриб, Орзигулнинг гапла-

рини кўнглига жойлаб, ўзини мардона тутиб борди, совчилар қошига етиб, совчиларга қараб муҳлат сўраб бир сўз деди:

Келган беклар, қаранг, менинг тарзимга,
Подшо ошиқ бўлган бўлса қизимга,
Қирқ кун энди муҳлат берсин ўзимга,
Бемаслаҳат, беклар, бир иш бўлами?

Тўсатдан қизимга совчи келарми?
Хонинг ошиқ бўлган бўлса қизимга,
Бемаслаҳат босиб-янчиб оларми?
Қирқ кун муҳлат мен султондан сўрайин,
Эли юртни мен уйимга йиғайин,
Улар билан бир маслаҳат қилайин.

Қабул бўлса, келган эли юртимга,
Мени ҳам раъйим бор сўнгра берарга.
Эрназар дер, тақдиримдан кўрарман,
Юрт берса, шоҳга сўнгра кўнарман.

Боғбон беклардан муҳлат сўрагандан кейин, улар маъқул сўзга жавоб топа олмади. Совчилар ҳар қанча гапирдилар, боғбон маъқул кўрмади.

Гавҳардай сўз айтди, ўрин топмади,
Гап тополмай, маъқул деди совчилар,
Қирқ кунгача муҳлат берсак берайик.
Халқни йиғиб қутулганин кўрайик.

Энди бизлар Хосхонага жўнайик,
Бири тўриқ, бири саман минайик,
То кўргунча хуш қол энди, боғбон,
Қирқ кунни тўлдириб бизлар келайик.

Подшо гапи икки бўлмас, буни бил,
Биз келгунча тоза ўйлаб, фикр қил,
Подшо агар қизинг олса, шукур қил!

Ҳайдар дейди, боғбон, сиздан фидога,
Вафо айлаб, ўйлаб туринг ваъдага,
Энди бизлар кетдик шаҳар орага,
Боғбон, сизни топширамиз худога.

Боғбон уйига кириб, хотини билан Орзигул қизига
бир сўз деди:

Қирқ кун яна эл-фарзандга тўймайми?
Ваъда берган совчи қайтиб келмайми?
Вафосиз бўлса киши ўлмайми?
Қирқ кун тўлса на қиламиз, фарзандим?

Бу дунёнинг ўтарини билайик,
Бир яхши маслаҳат, ёрим, қилайик,
Бу сўз беқарорди, қандай қиламиз?
Қирқ кун тўлса, нима жавоб берамиз?

Эрназар дер маслаҳат шу иккинга,
Бу савдони ўйла иккинг фикринга,
Жавоб бергин шу гапимга, Орзигул,
Қирқ кун тўлса, биз ўлармиз, буни бил.

Шунда Орзигул хафалигини ота-энасига билдирмай,
кеча-куднузлар йиғлаб, бир кам қирқ кунни ўтказди.
Боғбоннинг хотини айтди:— Эрта қирқ кун тўлар, Орзи-
гул, сенга бир қатор шойи кийимлар тикдим, бир қалан-
дар телпагини ҳам олдим, ўз отасига бергунча, кишилар
танимасин деб, қаландар бола қилиб, шаҳардан чиқа-
риб юборамиз,— деди. Орзигул хафа бўлиб:— Оромсиз
дардга учрадим,— деб йиғлаб боққа кирди.

Чашма бўйига, чинор тагига келиб ўтирди. Кўзидан
ёшлар қатор-қатор оқиб, бир сўз деди:

Боғимда очилган гул билан гулзор,
Уларнинг ичида бўлдим беқарор.
От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Мардларни ингратар найза яраси.

Раҳм айланг, бу ҳолда қўйманг йиғлатиб,
Хафа фалак айланади юз алвон.
Мен сизларга қилай жонимни қурбон.
Тўтидай айладим беқарор жавлон.

Раҳм айлангиз, қўйманг, мени бу ҳола,
Менинг ҳолимдан бўлинг хабардор.
Отим Орзигулдир, гул юзли дилбар,
Бу бошима раҳбарсиздир, муқаррар.

Шу сўзларни айтиб, юрагига ғамли савдолар тушиб, шундай фикрлар билан Орзигул ухлаб қолди. Тушида бир мўйсафид киши пайдо бўлди. У:— Эй, Орзигул, ғам ема, мен бахт ва давлат еткарурман,— деди.

Сенга мазгил қилдим бир Қушқанотни,
Тақдирингга солиб Сувондек мардни,
Сенга ҳозир қилдим Қорақулоқ отни,
Қушқанот бориб қил истиқоматни,
Насиб бўлса, тўрт ойдан сўнг кўрасан,
Оқтошнинг тўраси — Сувондек мардни,—

деб,—кўздан ғойиб бўлди.

Орзигул сачраб ўрнидан турди. Қараса, боғда бир Қорақулоқ от эгарланган, югалланган. Иккига яроқ: бири қилич, бири милтиқ қанжиғага илинган. Ихлос билан Орзигул турди жойидан, бориб отнинг сағрисини силади. Етаклаб уй қошига келди.

Ота-энаси кўриб:— Э қизим, совчиларнинг олди келдими?—деб ғамгин бўлиб, отаси Эрназар боғбон қизига қараб бир сўз деди:

Совчиларнинг олди, қизим келдими!
Бу отангга берган муҳлат тўлдими?
Яхши билгил, энди отанг ўлади,
Пешин бўлди, эрта совчи келади.
У подшо, мен фуқаро, Орзигул,
Бошим кесиб, тилла дорга илади.
Бир қиёмат кунга қолдим, болам, деб,
Орзигулга боқиб, боғбон йиғлади.

Орзигул отасига бир сўз деди:

Фарзандингга пирнинг раҳми келганди,
Ғойибидан пирлар менга берганди,
Мазгил қилди Қушқанотдай қўрғонни.
«Миниб олгин Қорақулоқ ҳайвонни,
Йўлга тушса, ўн уч кунда борасан»,
Мен айтмайман, ҳеч бир сўзнинг ёлғонин.

Ғойибдан бу от ҳозир бўлганди,
Тақдирима собди Сувон ўғлонни.
Агар минсам ушбу келган ҳайвонни,

Ун уч кунда мен кўраман қўрғонни.
Душманники деманг ушбу отимни,
Бу еткирар жуфтию йўлдошима.

Орзигул дер, қулоқ сонг нолишима,
Ёлғиз бош сиғмади эли хешима.
Энди турмасман тенгу тўшима.

Шунда энаси:— Боққин менинг дийдорима, тўй, болам. Мен сени Шоқаландар қилайин, эркак либослар кийдирай, сочингни бошга туйдирай, бизлар бу савдони кўрдик, жон болам, энди ўзгаси кўрмасин,—деб эркакча либосларни кийдириб, қундуз сочини бошига туйдириб, бир қаландар телпагини кийдириб, отини Шоқаландар қўйдириб, тунгача йиғлашиб ўтирди.

Хуфтондан кейин Орзигулни Қорақулоқ отга миндириб, юганлаб, пухталаб, ота-энаси отнинг жиловидан ушлаб, етаклаб, қоровулсиз жойлардан ўтиб, шаҳардан ташқарига чиқдилар.

Ота-энаси: «Йўлинг бўлсин, қизим» деб тўхташдилар. Орзигул ота-энасидан йироқ тушувига кўнгли вайрон бўлиб, йиғлаб бир сўз деди:

Алишгансан мени ўғлон болангга,
Аламим кўп эзик юракларимда.
Қўл қовуштириб турмадим хизматингда,
Энажон, рози бўл, берган сутингга.

Орзигулнинг онаси:—Болам, қизим, кўрар кўзим, сендан бошқа фарзанд кўрмадим ўзим, ўғлимнинг ўрнига олган ёлғизим, қаҳрабодай сарғайди ойдаи юзим, бу жаҳонда мен суянган фарзандим,—деб йиғлади. Ота-онаси Орзигулни кузатиб қолдилар.

Орзигул чон-кулчасини ортиб, ўн икки кеча-кундуз йўл тортиб, яккаман деб кўз ёшин артиб, Асқар тоққа борди. Бу ернинг бир ёғи Хосхонага, у ёғи Қўшқанотга тобе эди. Бу қорли тоғдан тоққа бир кеча-кундуз йўл юриб, бир булоқ бўйига етди. Орзигул Қинғир бобога учради ва бир сўз деди:

Шоқаландар келдим етиб,
Бу қорли тоғдан ўтиб,
Чошқа вақти сизга етиб.

Сўз сўзлайин от тўхтатиб:
Қушқанотни биласизми?
Адашди мендай гумроҳ,
Шоқаландар, ўзим мулла,
Қаерда Қушқанот қалъа,
Шу қалъани биласизми?

Қушқанотда борди дўстим,
Кўрмакка орзу-ҳавасим,
Чўлдан чўлга овораман,
Бобо, Қушқанот бораман.
Сувонхон билан жўраман,
Қачон дийдорин кўраман,
Ўша жойни биласизми?
Биласизми шундай мардни?

Қинғир бобонинг ҳаваси кетиб, кўзи ўйнаб, шумлиги тутиб:

— Ўғлим, ўнг юзингдан бўса берсанг, йўлни кўрсатиб қўяман,— деб бир сўз деди:

Мен кўрсатай Қушқанотнинг қалъасин,
Қушқанотга бедовингни эндиргин.
Сен билмасанг Қушқанотнинг йўлини.
Ё олдинга, ё орқанга миндиргин.
Қинғир бобонг кўрсатади қалъани,
Аввал кўнгил мақсадини тиандиргин.

Шунда Шоқаландар қиличини дастасидан ушлаб, бобонинг сўзига қаҳри келиб, ғазаб қилиб бир сўз деди:

Ўзинга қарайман кўп сўфи тарзли,
Ингичкадан келган новча дарозли,
Мўйсафид бўлибсан ҳам ўғил-қизли;
Энди, бобо, ташла бундайин сўзни.
Ташламасанг, ушбу ёмон феълингни,
Ўткир қўл-ла кесайинми бўйнингни?

Қинғир бобо:— Шошма, болам, отингдан тушма!— деб қўрққанидан тоққа Шоқаландарни бошлаб кета берди. Тоғнинг тепасига чиқиб, Қушқанотни кўрсатиб, бобоси бир сўз деди:

Шу баланд кўринган Асқарнинг тули¹
Юрганда сўлқиллар хушрўйнинг бели,
Чопмоққа қойимдир Асқарнинг чўли.
Хув олидан туман ичра кўринган,
Ана шулдир Қушқанотнинг мазгили.

Асқар дейди баланд тоғнинг отини,
Ойча кўрдим сен йигитнинг бетини,
Олида чувиллаб ётган, қарагин,
Шудир болам Қушқанотнинг элати.

Қинғир дейди, болам, менинг ўзимни,
Сарғайтирма қаҳрабодай тарзимни,
Йўл кўрсатиб сендай меҳмон қўзига,
Кўп кечиксанг, икки кунда борасан,
Кириб, болам, Қушқанотнинг ўзига.
Адашганлар қилар доим оҳу вой,
Қушқанотдир биёбонда яхши жой,
Кўп овора бўлма, болам, хору зор,
Ушбу йўлдан тўғри болам, шунга бор,
Кўраманми, кўрмайманми юзингни,
То кўргунча, энди болам, яхши бор.

Орзигул бобога қараб, унинг сўзларини хуш кўриб,
бир сўз деди:

Кўраманми, кўрмайманми, жон бобо,
Йўл ўнгарган, жоним бобо, хўш энди,

Шоқаландар дейди менинг отимни,
Хосхона дер ўйнаб-ўсган юртимни,
Кўрасанми, кўрмайсанми бетимни,
То кўришгунча, Қинғир бобо, рози бўл
Энди ҳайдар бўлдим бобо отимни.

Орзигул бир неча кунлар паст-баландлаб, от тортди.
Шунда ҳам Қушқанотнинг қорасини кўрмай, бир қир-
нинг тепасига чиқиб, отни тўхтатди. У соғ-сўлига қара-
ди. Бир кунжак тарафда чашмазор кўринди. Чашмазор-
га отини буриб, етиб келди. У чашмазорда ўн тўрт чў-
пон қўй суғорарди. Ўн тўрт чўпон қўш-қўтон бўлиб тур-

¹ Тули — тоғнинг баланд чўққиси.

ган чоқда. Шоқаландар кириб борди. Чўпонлар ўридан туриб, қўлини дасти лом қилиб, ҳаммаси бирдай салом бериб, Хидирбойнинг чўпони Доно деган бир чўпон:— Бегижон, отдан тушиб, бизга меҳмон бўлинг! Сизники қаердан?— деб сўраб тургани:

Дол гарданга ярашадир ҳайдаринг,
Уткир келган, э бегижон, кўзларинг,
Сўраганнинг айби йўқ, тўражон,
Қаердадир ўйнаб-ўсган жойларинг?

Белингга ярашар тилла камаринг,
Бизларга номаълум ҳолу аҳволинг,
Э, бегижон, сиздан бугун сўрайман,
Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг?

Турқингиз ўхшайди сизни муллага,
Нечук сафар қилдинг тоғлар орага?
Бир даҳмарда чўпон сиздан садаға,
Тўрам, бино бўлдингиз қайси қалага.
Отдан тушиб, бўлинг бизларга меҳмон,
Отим Доно — Хидирбойнинг чўпони.
Сиздай бўлсин ҳар кишининг меҳмони,
Қаддингдан садаға Дононинг жони,
Туш, қаддингдан, от устидан, тўражон.

Орзигул отдан тушиб, ўн тўрт чўпонга меҳмон бўлди. Чўпонлар ўзаро шивирлашиб, бундай тўрани туширганимизга ўн тўртимиз бир қўйдан солиқ солайик, бунга муносиб зиёфатлар қилайик. Юзига ярашиқли қора қўй қўзи, кечаликка бўлса шу ёнимда, худди кечаси бўлар кундузи, гул юзини хўп кўриб қолайик. Шунда Доно чўпон:— Солиғинг ҳам керак эмас. Мен бир катта қўчқорни сўяман,— деб сурукдан бир қўчқорни олиб келиб сўйди. Кўкаламзордан ўчоқни ўйди. Шўрвани пиширди, ўн беш киши шўрвага тўйиб, энди Доно чўпон:— Сизга йўл бўлсин,— деб Шоқаландарга қараб бир сўз деди:

Ўн тўрт киши бўлса халқи халойиқ,
Ҳар куни бир қўчқорни, сўяйик.
Ўн тўрт кун бизга меҳмон бўнг, қаландар,
Бизлар мискин, жамолингга тўяйик.
Хизматингда белни бойлаб турайик,

Доно дейди доим юрдим пиёда
Сенинг умринг худо қилсин зиёда,

Даврон сурган мана фоний дунёда.
Кетаман деманг бугун мабода,
Сурукларим қолди баланд дарада,
Бориб келгунча қараб туринг, садаға.

Чўпонлар қўйларини камарларга суриб, бир-бирови билан маслаҳат қилишиб, Доно айтди: — Мен қўчқорни сўйдим, бу кеча мен меҳмон қиламан,— деди. Бошқалари ҳам талашиб қотдилар. Шоқаландар:— Э азаматлар, нима учун талашасизлар? — деди. Доно: — Сизнинг устингизда бўлаётир талашлар. Энди ихтиёр ўзингизда, меҳмоним, — деди.

Шоқаландар айтди:— Унинг учун талашманглар, ҳеч фойдаси йўқ. Менинг икки шартим бор, кимки шу шартни бажарса, ўшанинг уйида меҳмон бўламан,— деди.

— Уст-бошларингизни ечинг, чаққон бўлинглар, ярим тош йўлдан пиёда пойга қиламан, қайсинг илгари келсанг, бир қўлимда нигин-узук бор, бу тарафга отаман, қайсинг илгари бориб олиб келсанг, шу икки шартимни бажарган кишига меҳмон бўламан, — деди.

Бир баланд қирни кўрсатди: — Олдин қелганни қурбони бўлай. Ҳамманг бирдай кўрипасан кўзима, қўй сўйди, деб буни яхши кўрмайман, — деди. Бариси Шоқаландарнинг кўрсатган қирига кетди. Чўпонлар қирга бориб, баландга чиқиб турди. Орзигул нон, гўшти хуржунга солиб, ўзини панага олиб, буларни алдаб, ўйнаб-кулиб, Қорақулоқ отига миниб, қоча бошлади. Самандар чўпон Орзигулнинг кетидан қувиб кетди:

— Шоқаландар вафочиллик қилмади,
Ушлаб олиб билганимни қилмасам,
У фирибгар юрагимга доғ қўйди,
Ғазаб билан энди югуриб елганда,
Ушлардим кўкдаги қарчиғайни.
Ғазаб билан чопганимда майдонда,
Ҳеч билмасдим қир билан сойни.

— Ол, мен кетдим, — деб қаландар Орзигулнинг орқасидан қувиб жўнайди. Аср вақти эди, кун ботди. Қо-

ронгилик оламни тутди. Шоқаландар дангирлатиб қочди, баланд ҳам пастни, тоғи дарбандни бошқа қирлардан ўтиб ғойиб бўлиб кетди. Самандар чўпон Орзигулни йўқотиб, орқасига қайтди. Орзигул кун чиқар вақтида Қушқанотдай қўрғонни, у равоти пўлатни, қуш ўтолмас баландни кўрди.

Қушқанот олдида бир аждарҳо бор эди, Орзигулни дамига тортар бўлди. Орзигул ёйини қўлига олиб, аждарҳога ўқталди:

Орзигулга кўзи тушиб аждарҳо,
Билди шулдир шу шаҳарнинг эгаси,
Думини ўйнатиб индамай ётди,
Орзигул саломат аждардан ўтди.

Қушқанот тилсимли жой эди. Орзигул Қушқанотнинг дарвозасига қараса, бир хат ёзилган, бу қўрғон уч юз олтмиш йилдан бери одамсиз қолган. Қим келса, аждарҳо хароб қилган. Орзигул дарвозадан ичкари кирди. Дарвоза ўз-ўзидан бекилди.

Одам борини билмай, ҳеч кимни кўрмай, кетаверди тинмай, мевазорлар оралаб бораверди. Бу боғнинг меваси қишин-ёзин пишиб турар эди. «Бу боғнинг эгаси менмикан?»—деб меваларга ҳаваси келди. Орзигул боғни айланиб юрди, боғда гулларни, ўртада икки ҳовуз кўрди. Теваракда гуллар очилган, тўтилар, булбуллар сайраб турган. Орзигул отдан тушиб, беодам боғ, қўрғон ҳам бўлар экан, деб ҳайрон бўлди. Отни дарахтга бойлади. Орзигулнинг кўзига тилла минбар кўринди. У ерда булбулигўё номли бир қуш бор эди. Шу қуш Орзигулга қараб бир сўз деди:

Таралган, очилган бу тоза гуллар,
Сайраб турган чаман узра булбуллар,
Баландда кўринган бу наққош жойлар,
Хафа бўлманг, ойим, бари сизники.

Қишин-ёзин бирдай пишар меваси,
Боғ Ирамдир бу булбулнинг уяси.
Тилла ғиштдан бўлган баланд супаси,
Ўтиринг, Орзигул, булар сизники.

Қирқ кундан сўнг келар Оқтош тўраси,
Бу савдони билар булбулигўёси,
Фамгин бўлманг, сизникидир ҳаммаси,

Орзигул отини олмазорга қўйиб юборди, ўзи қирқ зиналик кўшкига равона бўлди.

Қирқ зинага қадам ташлаб, «золимдан қутулдим» деб вақтини хушлаб, ўз димоғини ўзи чоғлаб, кўнглидаги гиналарини ташлаб, «эссиз жой, одамсиз экан», деб лабини тишлаб, зулфини гарданига ташлаб, булбулигўёнинг гапига чунон вақтини хушлаб, вақти хушлик билан бир уйга борди, эшигини очиб ичкари боқди, қараса, у жойда етти давлатда йўқ нарсалар, кимхоб кўрпалар атрофга ташланган, ўрталикда дастурхон ёйилган. Ун тўққиз хил таом тайёр бўлиб, ҳар бири биттадан тилла товоққа солинган.

Орзигул беодам жойда ҳам шундай нарсалар бўладими, деб ҳайрон бўлиб, ҳар ёққа қараб, эгаси бордир, деб ҳавотир олди. Бирор киши бостириб келиб қолса, нима қиламан, деб, ранги ўчиб, хаёли қочди. Бир соат шу жойда турди. Орзигул, хавф қилиб тургандан кўра, бояги қушдан сўрай-чи, деб булбулигўёнинг қошига бориб, бир сўз деди:

Сен экансан яхши қушлар гўёси,
Отим Орзигулдир, Тўтигулнинг боласи,
Эрназардир мен шўрлининг отаси.
Борми, йўқми бу ватаннинг эгаси?

Не сабабдан бу безга қолганди,
Илгари соҳиби кимлар бўлганди?
Мен сўрайман, ақли расо жонивор,
Одамдан кўрмадим битта нишонди.

Орзигулман, бошга рўмол ўрайман,
Мусофирман, сендан мен гап сўрайман:

Эгаси бўлса, мен бу жойда турмайман,
Душманники, дўстникими билмайман,
Эгаси бўлса, айтгин, э жонивор,
Отим миниб, мен бу жойдан жўнайман.

Шунда булбулигўё Орзигулга қараб айтди: — Орзигул, сен хафа бўлма, бу ажойиб гуллар, мевалар Боғи Ирамдан келтирилган. Асли эгасини сўрасанг, Гулрухсор паридан қолган. Бу боғ ва қўрғоннинг бино бўлга-

нига уч юз олтмиш йил бўлган. Энди боғни оралаб, кайфу сафо қилиб юра бер. Бу мазгил-жой сеники, кийсанг кийимлар, есанг турли овқатлар тайёр, ҳеч нарсага бўлмассан интизор. Уйнаб-кулиб юра бер энди, — деди.

Орзигул ўзидан бошқа одам йўқлигини билиб, хурсанд бўлиб, кўнгли қарор топиб, кўшкига чиқиб ўтира берди.

Эндиги сўзни Оқтош шаҳридан эшитинг. Оқтошнинг хони — Султонхон олтмиш ёшга кирганда бир ўғил кўрди. Исмини Сувонхон қўйди. Бола мактаб ёшига чиқди. Отаси: — Қатордаги норим, хазинадаги зарим, суянган боғу бўстоним сеники бўлсин Оқтош шаҳрим, — деб ўғлини мактабга берди.

Бола мактабда ўқиб юрди. Бир кун отаси Султонхон ўғли Сувонхонни чақириб: — Э Сувонхон ўғлим, мен қариб қолдим. Бу тахти-давлатимга сени эга қилсам, шу маслаҳатга нима дейсан? — деди. Шунда Сувонхон отасига қараб: — Э ота, мен сизнинг қулингиздирман, чаманда очилган гулингиздирман, бир ёлғиз ўғлингиздирман. Ўлгунимча сизнинг хизматингиздаман, — деди.

Отаси ўғлини Доно вазир қўлига топширди. — Уч ойда саводини чиқаринглар, — деб вазир, муллаларга топширди. Сувонхон энди йигирма ёшга чиқди. Бир кун ҳужрада ухлаб қолибди. Ярим оқшом ўтгандан кейин бир гул юзли дилбар унинг тушига кирибди. Сочини майдалаб ўриб, шойи-шалпарларини кийиб, қиммат баҳо рўмолини бошига желвагай ташлаб, чап биқинини ушлаб, Сувонхоннинг вақтини хушлаб, бармогини тишлаб, салом бериб, Сувонхон қошига келди. Сувонхоннинг ақлини олди. Шунда Сувонхон: — Сен кимсан, бемаҳалда йўқладинг, нима арзинг бор? — деди. Шунда Орзигул бир сўз деди:

Мен нозли кирганман сенинг тушингга,
Мен муносиб сенинг қордай тўшингга.
Бир ошиқи беқарорман, Сувонхон,
Ун олти кун йўл юрдим кенг дашингда.

Йиғлаб қолди ота-энам меҳрибон,
Уларни кўрмаги мен шўрга гумон.
Иштиёқли ёрингдирман, Сувонхон,
Орзигул дер мени тушда кўргансан.

Менинг билан ёр бўп даврон сурасан,
Ҳали тушда мени кўриб турасан,
Мен тураин бу жойимда, Сувонжон,
Менинг билан энди бирга юрасан.

Орзигул ойим ўрнидан туриб, сумбул сочини атроф-га ташлаб, тушми-ўнгми деб, кулги бошлаб, ташқари сарига қадам ташлаб чиқди. Сувонхон сачраб ўрнидан туриб, ушламоқчи бўлди. Кўзини очиб қараса, туши экан. «Вой, тушим экан-ку», — деб ҳалиги парининг ишқи юрагидан жой олди, тонг отгунча ухлай олмай чиқди. Тонг отар чоқда далага чиқиб қараса, сўфи азон айтаётган экан. Сувонхон ўртоқларининг олдига бориб, тушини айтиб турган экан:

Тугалмас савдолар тушди бошима,
Қулоқ солинг, дўстлар, бу нолишима,
Саҳар вақти ноз уйқуда ётувдим,
Бир қаламқош келиб кирди қошима...

Оқтош элда эрка ўсган тўраман,
Улмасам, оламда даврон сураман,
Тушимда кўрганим, қачон кўраман?

Мен ақлимни ўша ёрга бераман.
Биродарлар, жўйингизлар тушимни,
Ё Сувонхон шундан хурсанд бўларми?

Сувонхон гапига дўстлари ҳайрон бўлиб: — Бу подшонинг ўғли бўлса, отаси Оқтошнинг эгаси бўлса, бунинг тушини жўймоқлик ҳазил эмас, — деб турган эдилар, Сувонхоннинг Саримирахўр деган ўртоғи келиб қолди. — Менга ҳам бекларнинг қаторидан ўрин берсалар, бекларнинг савлатига муяссар қилсалар, ушбу кўрган тушларини таъбир қилар эдим, — деди. Сувонхон ўрнидан туриб, Сарининг қўлидан ушлаб тўрга ўтқазиб, ўнг тарафидан жой берди. — Сўйла, дўстим, — деб қўлига бир олтин косада май берди. — Кўрган тушингизни менга айтинг, — деди Саримирахўр.

Шунда Сувонхон: — Тушимда бир дилбар келиб менга боқди. Бир ой бошимга келиб тўхтаб, бир чўлпон юлдуз ёқамдан кирди, этакдан тушди, билмаганга бу кўп мушкул ишдир. Шу кўрган тушимга хаёлим қочди.

Ошиқ дунё менга ваҳм солами?
Туш васлига киши гулдек сўлами?
Ошиқлик савдоси бошимга тушди,
Ҳасратидан энди тўранг ўлами?
Бу тушинг деб менга далолат айтди,
Ушласанг ёрингман деди-да кетди,
Ушлайман деб мен қўлимни чўзаман,
Шу замон тутолмай уйқулар қочди.

Шунда Саримирахўр Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Мен ҳам саҳар ётиб эдим у замон,
Пирлар бўлиб келди сизга меҳрибон,
Билмас эдим, у чол менга ўргатди,
Кўрганингни тақдирин сизга битди:

Барбод айлаб чиққан Хосхона юртди,
Ҳозирги мазгили бўлган Қушқанот.
Шу мазгилда ул қилар истиқомат,
Тез тарадди қилгин дейман, тўражон!

Қушқанотда йиғлаб ўша нотавон,
Йигирма кун бўлди элга келгани,
Ҳар эрта туриб сизга кўз тикди,
Отангиздан тиланг, Олмакўз отни.

Ҳамро қилинг ўзингизга қирқин йигитни,
Сўраб боринг энди Қушқанотни,
Отангиздан тиланг беш кун муҳлатни.
Бешингизда турган кўринган ул ой,
Ҳеч туганмас у бир сизга давлатдир.

Олдингга келган, ҳақиқат, ёрингиз,
Этагиндан тушган — ўғил фарзанди.
Омон бўлса, беклар ўйнаб-кулади,
Сизнинг кўрган тушингизни, тўражон,
Сари деган мирохўрингиз жўяди.
Тушингнинг таъбири шудир, тўражон.

Саримирахўр Сувонхоннинг тушини айтиб берди.
Сувонхон мамлакатнинг тўраси, олдида қирқин жўраси,
«Саримирахўрнинг тушни жўйгани ҳақдир», деб дўст-
ларига қараб бир сўз деди:

Белга камар, бошга салла ўрайик,
Бу дунёга келиб, ўйнаб-кулайик.
Мироҳўрнинг гапи бизга маъқулдир,
Улуғимдан бориб муҳлат тилайик.
Агар берса султон беш кун муҳлатни,
Гуруллашиб беклар отни минайик,
От қўйишиб Қушқанотга борайик.

Аввал бормоқ керак хоннинг қошига,
Беш кунлик шикорни хондан тилайик,
Отам жавоб берса агар бизларга,
Ёр йўлида ҳар на бўлса кўрайик.

Қирқ дўсти билан Сувон ўйнашиб-кулишиб, кўчага тушиб, қадам ташлаб, ёронларнинг қўлини ушлаб, қирқ дўсти билан пойтахт борди. Қирқ йигит Султонхонни кўриб, қўлини даста ләм қилиб, ўн саккиз марта салом бериб, Сувонхон отасига қаради: Султонхон йигирма яшар ўғлини кўриб, рангининг ўчганини билди. «Бу якка фарзандимнинг тоби қочдимикан, касал бўлдимикан?» деб кўнглига олди. Подшо ўғлидан аҳвол сўраб бир сўз деди:

Бошингда турганда хоннинг сояси,
Кўзимнинг равшани, Оқтош тўраси,
Юзларинг ой бўлса, қошларинг ёйди,
Сабаб надир, бунча рангинг сарғайди?

Қулоқ солгин, ўғлим, энди Сувонхон,
Аввал-охир бу дўстларинг меҳрибон,
Кўрган, билганингни айтгин, тўражон,
На учун ақлинг бўлди паришон?

Тожни тақиб, хос саллани ўрайман,
Иккам тўқсон қўрғонни мен сўрайман,
Қимлар сенинг гул сийнангга дор қўйди,
Султон отанг, ғам чекканинг билмайман.

Шунда Сувонхон гулдай очилиб, отасининг меҳрибонлигини билиб, ёронларига қараб кулиб, отасидан беш кун муҳлат сўраб турган экан:

Олдимда от чопиб юрса дўстларим,
Ғам чекишнинг на эканин билмайман.

Беш кунлик муҳлатни сиздан сўрайман,
Майдон сари отни чопиб жўнайман.
Беш кунлик шикорга бормоқ истайман,
Майдоннинг ҳавосин яхши биламан,
Беклар билан от чопишиб куламан,
Олти кунгача у майдонда қолмайин,
Беш кун тўлса олдингизга келаман.

Ўзимга беринг Олмакўз отни,
Қирқ улфатга яна беринг қирқ отни,
Хафалик савдоси дилимдан ўтди,
Бир қидириб келай элатни, юртни,
Беш кун кейин кўринг мендай фарзандни.

Мен бир якка ўғлингизман, биламан,
Сиз орқали мамлакатда тўраман.
Кетди деб ғамгин бўлманг, отажон,
Омон бўлсам, беш кундан сўнг келамай.

Шунда подшо ўғлига: — Қўш кокилим, суянганда Асқардай белим, қатордаги норим, Сувонхон аждаҳорим, сеникидир ушбу шаҳрим. Сен мени қариган чоғимда унутма. Беш кун муҳлат берсам берайин, беш кундан сўнг дийдорингни кўрайин. Сен муштипар энанг қошига бориб кел! Сен келгунча, дўстларингга ўтқир яроғ-аслаҳаларни тайёр қилиб берайин, буларга қирқ от бериб, сенга ҳамроҳ қилайин. Энангнинг Олмакўз деган оти бор, ўзинг билан тенг. У ҳам йигирмага кирган. Олмакўзни ҳеч ким минмаган. Энанг ичкари таблада боқиб юради. Ларзон каниз сайислигин қилгандир. Энанг Сувонжонга миндирай, деб бахмал тўрвада кишмиш емин бергандир.

Сувонхон энасининг олдига жўнади. Энаси каниз қизлар билан кўшида ўтириб эди. Сувонхон бориб қолди. Энаси: «Э, кўрар кўзим», деб бир сўз деди:

Баъзи чоқлар зор қиласан изингга,
Оғзим қўйсам, болам, гулдай юзингга,
Мен ғарибнинг қошига тез-тез келмайсан,
Нима бўлди, э, Сувонжон, ўзингга?

Ҳар ҳафтада келиб тургин қошима,
Чақалоқда кўтарганман тўшима.

Кўп интизор қилма мени, фарзандим,
Айланай, розиман, берган сутима.

Сувонхон дасти алиф лом қилиб, энасининг вақти-
ни хушлаб, отасига айтган гапларини энасига ҳам айт-
ди ва Олмакўз отини сўраб, бир сўз деди:

Эна, мен ҳам бир меҳрли қаотинг,
Ҳафтада кўрмасанг йўқди тоқатинг.
Менга даркор бўлди Олмакўз отинг,
Олмакўз отингни сендан сўрайман.

Кўп йил бўлди мен ўқидим хатимни,
Устозга кўп қилдим мен хизматимни,
Оқтош элда хафа бўлдим, энажон,
Менга бергин шу Олмакўз отингни.

Олмакўзнинг дол белига минайин,
Чиқиб саҳроларда сайр қилайин.
Сувон ўғлинг бедовингни минади,
Бу ишларга хафа бўлма, энажон.

От минганда тошар унинг юраги,
Ғариб бўлса йўқдир унинг сўроғи,
Сувонхон дол белига минганда,
Яқин бўлар бу йўлларнинг йироғи.

Шунда энаси:— Хўп, ўғлим, асли шу отни катта қи-
либ, сени миндирсам, деб умид қилиб юрар эдим,— деб
Ларзон канизга Олмакўз отни эгарлашга буюрди.

Олмакўзга эгар босиб келинглар,
Канизларим, хурсандчилик қилинглар,
Сувонхоннинг сира кўнгли чўкмасин,
Олмакўзни бориб олиб келинглар!

Олис чиққанлар кўрар дарани,
Хурсанд қинглар, ойимчалар, тўрани.
Бир мақеади борга ўхшар фарзандим,
Эгарлаб келинглар бедов тойчани.

Бир оти бедовдир бир оти пироқ,
Минмоқчи бўлганди бу бизнинг чироқ,
Пиёда юргандан бу отли беҳроқ
Узига берайин беҳад кўп яроқ.

Тикиб қўйган сардоларни кийдирай,
Кўрмаган ерларни унга кўрдирай,
Эли-юртга тўралигин билдирай,
Душманини ушлаб дорга илдирай.

Ларзон каниз икки канизнинг қўлидан ушлаб, учов бўлиб, отни эгарлаш учун таблага бордилар. Сувонхоннинг ҳусну жамолига ойимчаларнинг хаёли қочди. Хазиначидан бориб от абзалини олди. Учови Олмакўз отнинг қошига борди.

Олмакўз тош таблада. Бир охурда суви, бир охурда ўти, бир охурда еми тайёр экан. Сувсаганда сувини ичиб, оч қолганда ўтини еб, «Қачон шамоллагани чиқар эканман» деб маст бўлиб ётган экан. Шунда Оққиз деган каниз отнинг бошига борди. Оққиз қобирғалари қоқ қиз, ўрта бўйли чаққон қиз, мучаси ўн тўққиз. Оққиз юганни қўлига олиб, Олмакўзни юганлайн деб қичқириб, бир сўз деди:

Чопилар бўлдинг майдонда,
Даркор бўлдинг Сувонга,
Бекнинг оти, кел юганга!
Тилла эгарни солайик,
Ҳам сени кўрсин халойиқ,
Хоннинг оти, кел юганга!
Чопмоқликка бўлдинг лойиқ.
Тўрт оёғинг — тўртта қозиқ,
Сиртинг сулув, сағринг ёзиқ.
Баданинг қизлардан нозик,
Жонивор, келгин бу юганга.

Шунда от бурилиб келиб, оғзини очди. Икки каниз қочди. Оққизнинг белидан тишлаб отиб юборди. Бечора Оққиз думалаб, уч қадам жойга бориб, икки юмалаб, этаги бошига қопланиб қолди. Икки каниз Оққизнинг бу ҳолига кулди. Оққиз уялиб ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини тузатиб, отни қарғаб, бир сўз деди:

Ёмонлаб ўлгир, жайнағир¹
Қозонда гўштинг қайнағир.
Беклар гўштингни чайнағир,
Нима қилди Оққиз сенга?

¹ Яшамагур.

Ўзим хушрўй, белим хипча,
Азоб бердинг менга бунча?
Гўштинг бўлсин парча-парча,
Нима қилди Оққиз сенга?

Олмақўз ҳайвони қурсин,
Қассоблар каллангни чолсин,
Парча-парча гўштингни,
Беклар хомталаш қилсин.

Шуми менга қилган нозинг,
Қатта қилиб очган оғзинг,
Уйнаб олдиما етдинг.

Тишлаб дол белимдан отдинг,
Хипча белимни оғритдинг,
Нима қилдим, танноз, сенга,
Сувон тўрам сени минсин.

Чопганда оёғинг синсин,
Йиқилганда бўйнинг синсин.
Гўштинг нимта-нимта бўлсин,
Бегижоним, хафа қилсин.

Оққизнинг белин оғритган,
Тирик қолмасин-да, ўлсин,
Сувонжон омон бўлсин!

У тўрамга от топилар,
Оққизнинг белин оғритдинг,
Сендай одамхўр от бўлса,
Жаҳонда қолмайин ўлсин!

Оққиздан бу гапни эшитиб, Ларзон канизнинг аччиғи келди.— Оғзингдан чиққан гапни биласанми? Агар бу сўзларингни бувушим эшитиб қолса, ўн жонингдан бир жонингни қўймас,— деб қўлидан юганини тортиб олди. Узи отга қараб-бир сўз деди:

Солсам ярашсин тилла эгар,
Минади Сувон-аждаҳор,
Бегим мени юборди,
Кел юганга, э жонивор!

Олиб кел дедилар зинҳор,
Одамдан яхши ақлинг бор,
Хаста кўнглим қилма ҳазар,
Минмоқчи Сувон аждаҳор.

Қайси элга тушса гузар,
Шу тарафга сени чопар,
Истаган ерини топар,
Отим Ларзон, ўзим дилбар,
Маҳтал бўлди шу кокилдор,
Тез кел юганга, жонивор!

От Ларзон канизнинг сўзига кириб, сувлиқни тишлади. Каниз отнинг ўнг жиловидан ушлаб, эгарлай бошлади. Отни эгарлаб, юганлаб, нўхталаб, пухталаб, табладан чиқиб ўрталаб, икки каниз етаклаб, бувушининг олдига олиб келди.

Ўғлига шойи-шалпар кийдириб, совут-қалқонлар бериб, тўққиз қават тўн кийдириб, Сувонхонни отга миндириб, ўғлини қаёққа кетарини билолмай, борар элини сўраб, гулдай юзига қараб, энаси бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, жоним болам, ол бўлсин,
Бу дунёда сенинг кунинг мўл бўлсин,
Кетиш чоқда, болам, сендан сўрайман,
Оқтошнинг эгаси, болам, йўл бўлсин?
Сўзлар сенга бу кун, болам, тил бўлсин,
Харажатинг ғазнадаги пул бўлсин.

Севиб олган нозли ёринг гул бўлсин,
Душман киши бу дунёда йўқ бўлсин,
Ғариб энанг гул бўйингдан садаға,
Оқтошнинг соҳиби, болам, йўл бўлсин?

Кўп олислаб мени қилма девона,
Неча вақтда қайтасан биз томона?
Бориш жойинг айтиб кетгин, Сувонжон,
Оқилойдир энанг сендан парвона...
Мададим, қувватим, сенга йўл бўлсин?

Шунда Сувонжон:— «Отамга билдирмадим, муштипар энамга билдириб кетай»,— деб энасига қараб бир сўз деди:

Отни миниб югураман-еламан,
Мен билмайман, неча кунда келаман,
Мен тушимда бир дилбарни кўрганман,
Рухсат берсанг, эна, шунга бораман.

Ёр ишқида, эна, дили яраман,
Қачон унинг жамолини кўраман.
Оқтош элда маст бўп юрган тўраман,
Улмасам дунёда даврон сураман.

Мен тушимда бир нозлини кўрганман,
Рухсат беринг, эна, шунга бораман.
Ул ишқида эна, дили яраман,
Қачон унинг жамолини кўраман?

Боғларда сайраган тўти-булбулди,
Бу кўнгил истайди сочи сумбулди,
Хафа бўлманг, эна, шунга бораман!
Тушда кўрганни, энажон,
Ўнгда бориб топиб олмоқ мушкулди.

Шунда энаси:— Бор, ўғлим, соғ бориб, саломат кел, кечикмай ёрингни топиб, давр сур!— деди. Сувонхон энасининг розилигини олиб, дўстларининг қошига борди. Султонхон Сувонхоннинг қирқ дўстини ҳам отга миндириб, қалқон ва совутлар кийдириб, дастгир қиличлар бойлатиб қўйган экан. Сувонхон дўстларининг димоғи чоғлигини кўриб, оёғини тилла узангига тираб, отасига қараб, оқ фотиҳа тилаб, бир сўз деди:

Беш кунлик шикорга Сувонинг кетар,
Тикилган душманга.бу зарбинг етар,
Кеча-кундуз дастурхонлар қошида,
Умид билан, ота, қўлингни кўтар!
Ушбу йўлда ўғлинг бўлди беқарор,
Очиқ бўлсин, йўлим, бўлмасин хатар.
Неча ишлар менинг кўнглимдан ўтар,
Кеча-кундуз бунда бўлдим беқарор.

Отаси айтди:— Беш кунлик ваъдада тургин, болам, қариган чоғимда бошимни букма, кўздан ёшимни тўкма, аввал-охир сен Оқтошнинг эгаси, эр-йигитнинг шундай бўлар ваъдаси, эшитиб ол, Оқтош элнинг тўраси:

Кетсанг мен қолмайин муғойиб,
Сендирсан бу тахтимга сойиб.
Беш кундан олти кунга ўтган сўнг,
Мардликнинг шаънига бўлмасин айб.
Султон дейди Оқтош элнинг эгаси
Беш кун муҳлат берди унинг отаси.

Отасидан оқ фотиҳа олиб, дўстлар бир-бирига қарашиб, кийган сарполари ярашиб, ўйнаб-кулиб, чин рухсат деганини билиб, довуллари қанжиғасига илиб, шаҳарнинг дарвозасидан чиқдилар.

Дўстлар қилди бир тарафга юришди,
От гарданга тақиб олтин-кумушди,
Белга осиб тилла дастгир қилишди,
Мард йигитлар ҳам ўйнашиб-кулишди.
Кун чиқиб, чошка вақти бўлганда,
Кўп бир текис майдон чўлга етишди.
Бир отларин чопмоқ бўлди бу дўстлар,
Биёбонни кўриб ҳавас қилишди.

Шунда Сувонхон дўстларига қараб, отини чоптириб бораётир.

Ёв деганда ёвланади,
Эл деганда қувонади,
Ер деб гулгул ёнади,
Майдон чўлда бирдай бўлиб,

Қирқ азаматлар жўнади.
Отлар жўнади ариллаб,
Тилла қалқонлар шариллаб,
Қор бадан гулдай пириллаб,

Чўлларда беклар жўнади.
Сувоннинг минган оти,
Майдонда кўпикка ботди,
Майдон, чўлда қирқ азамат,
Остидаги тулпор отди.
Бари бирдай қамчи чотди,
Беклар отни жўнатди.

Аргимоқ отларни чопгани,
Даштни, чўлни сўлқиллатди,
Олти қулочдан найзаси,
Ағдарилиб от қўйганда,
Найза, қалқон ширқиллатди.

Рўпара қилди шиддатди.
Шипирма қамчини тутди,
От тезиккандан сўнг,
Билмас паст билан баландди.
Чўлнинг танобини тортди.

От устида қирқ йигит ҳам,
Кеча-кундуз бирдай кетди,
Уйқулар қовоққа қотиб,
Кеча-кундуз шабгир тортди,
Олдидан бир тоғ пайдо бўлди.
Қараса, ниҳоят баландди,

Қир келганда қиялатди,
Жар келганда ёналатди,
Остида яхши бедовлар,
Чилгиликдан терга қотди.

Сувонхоннинг минган оти,
Умирови зўр дарадай,
Совриси қўрғон қалъадай
Қуббасини ярқиллатди.

Жўнай берди кеча-кундуз,
Кечалари санаб юлдуз,
Жўнай берди дўстлариман,
Гоҳ тўла бўп, гоҳи ёлғиз.

Кейинда қолишни ор билиб,
Беш кеча-кундуз йўл тортди,
Бир кун оқшом бўлган чоқда,
Сувонхон отни тўхтатди.
Дўстлариман жам бўлганча,
Қоронғи бўлиб кун ботди.

Сувонхон дўстлари билан отдан тушиб, айил-пуштанини бўшатиб, отларнинг қотган терини ушатиб, шу кеча

ётиб, эрта билан яна йўлга равона бўлдилар. Кўзига бир баланд тепа кўринди. Шу тепанинг устига чиқиб, узоқ-яқинни кўрайин, деб дўстларига қараб Сувонхон бир сўз деди:

Ҳайданг, дўстлар, шу тепага бораёйик,
Дурбин билан теваракка қарайик
Яқинмикан, узоқмикан Қушқанот,
Қисқа-йироқлигини шунда билайик.

Чошка эди, қадам қўйди тепага,
Кун қиёмда чиқиб олди устига,
Дурбин олиб Сувон ботир қўлига,
Боқиб қарай берди даштнинг чўлига,
Ҳеч яқинда эл кўринмас кўзига.

Кечқурун Сувонхоннинг кўзига бир ёввойи кийик кўринди. Беклар ушламоқчи бўлиб ҳар қайсиси отига қамчи урди. Бояги кийик неча кеча ва кундуз бирдай қочиб, Асқар тоғнинг белидан ўтди.

Беклар кийикдан адашди,
Олҳалашиб йўлга тушди,
Отлар совиб, қувуғин тортди,
Тоғ орасин донггирлатди,
Кеча-кундуз бирдай кетди,
Қисқа қилсин Ислом шоир.
Ҳар бир жойда қўна-туша,
Йигирма уч кун деганда,
Аввалги қочган бош кийик
Бошлаб кетди Сувон мардни.

Йигитлар тўда-тўда бўлиб Сувоннинг кетидан от қўйдилар, етолмадилар. У кийик қочиб бориб, тўғри Қушқанот кўрғонига етди. Қушқанот кунгирасин паналаб, кийик жўнаб кетди. Сувонхон эса, Қушқанотга шу кийикни қувиб кирди.

Пўлат дарвозасин қамаб ташлайман,
Бу овимни энди осон ушлайман,
Ушлаб олиб жониворни мен сўйиб,
Қирқ йигитман ўз вақтимни хушлайман.—

деб, дарвозани кўкраклар суриб, очиб бора берди.

Дўстлари Сувонхонни қидириб тополмай, адашиб қолдилар.

Сувонхон Қушқанот боққа кириб, атрофини томоша қилиб, бир ҳовузнинг бўйига келди. Сувон қараса ҳовузнинг бўйида бир ниқобли дилбар қиблага қараб, сунбул сочини тараб, учар қушлардан сўраб. Сувонхонни кўнглига олиб, яккалик ўтиб, сувни ўйнаб ўтирибди. Сувонхоннинг эсидан кийик ва дўстлари чиқиб кетди. Отни буриб, тушимнинг таъбири бу ерда топилди деб, ҳовуз лабига борди.

Орзигул зарафшон кокилин тишлаб, чап қўли билан кокилин ушлаб, ўз-ўзининг вақтини хушлаб, ота-энасининг қошидагидай, неча ғамза ўйин бошлаб турибди. Сувонхон Орзигул ойимга қараб бир коса сув сўраб, бир сўз деди:

Отлар чопиб келдим майдон, чўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан,
Шу дунёда бир армоним бор эди,
Ўйнасам дер эдим сендай гул билан.

Бир коса сув олиб бергин, гул юзли,
Сувни ўйнаб туриб нозик қўл билан
Сирдан¹ карвон ўтар сол билан,
Лабингнинг шакари борди бол билан.

Бу дунёда бир армоним шу эди,
Ўйнасам дер эдим сендай гул билан.

Эрларнинг номуси бордир ор билан,
Ўйнасам дер эдим сендай ёр билан.

Ишим йўқдир давлат билан, зар билан
Бу дунёда бир армоним шу эди,
Ўйнасам дер эдим сендай ёр билан.
Менинг отим яхши билгин — Сувонхон,
Саҳар вақти ўйнар эдим гул билан.
Жом косангни қўлга олгин, гул юзли,
Олиб келгин сувни ўйнар қўл билан.

Орзигул бу сўзни эшитиб, Сувонхон шумикан, мен ундан ўсган мамлакатини сўрай деб, бир сўз деди:

¹ Сирдарё.

Боққанда одам жонин оласан,
Қайси чўлдан эниб етиб келасан?
Мусофир ўғлон, қайдан бўласан?

Ярашур бошингда сенинг ҳайдаринг,
Одамхушга ўхшар сенинг кўзларинг.
Ким дейди элингда отанг, раҳбаринг,
Ростин айтгин, ўзим бўлайин ёринг.

Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг,
Белинга бойлабсан тилла камаринг,
Ҳеч кўнглинга йўққа ўхшар ғуборинг,
Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг,

Сенинг юзинг, билдим, ўхшар муллага,
Кўзим тушди сендай доно тўрага,
Бино бўлдинг, жоним, қандай ўлжада.
Ёлғон солма эй, қаддингдан орага,
Шаҳарда бўлдингми, ё бир саҳрода?

Хушрўйдир юзларинг, қошинг қорадир,
Ҳасратли ишқингдан бағрим ярадир,
Оқтош элда бир танишим бор эди,
Баайни қошингни шунга жўради,
Сув бўйида ўйнаб турган бу жонон
Шу сабабдан мамлакатинг сўради.

Киргандирсан, тўрам, неча ёшинга,
Салтанатли жиға тақиб бошинга,
Мен сўрайман сендан энди, тўражон,
Мендан бошқа ёринг борми бошингда?

Орзигулман, қаердансан, билмайман,
Бир ерда кўргандай сени англайман,
Шу сабабдан эл, қўрғонинг сўрайман,
Тўғрисини айтмасанг, тўражон,
Тайёр сувни сенга олиб бермайман.

Сувонхон элини баён қилиб, бир сўз деди:

Саҳар вақти, нозим, бир туш кўрганман,
Туш васлини излаб бунда келганман,
Йигирма уч кун отим чопиб елганман,
Юртим Оқтош, Сувон деган тўраман,

Ёшим сўрсанг, йигирмага кираман,
Ўз элимда салтанатли тўраман.
Ҳақиқат отимни сенга айтайин,
Султоннинг боласи, Сувон бўламан.

Орзигул ойим бир коса сувни қўлига олиб, меҳмоннинг сўзига қувониб, Сувоннинг сўзига ишониб, ўрнидан туриб, рўмолини бошига желвагай ташлаб, бир қўли билан белини ушлаб, бол лабини тишлаб, Сувонхонга қараб қадам ташлаб, Олмақўзни жиловидан ушлаб, косани узатар вақтида шамол Орзигулнинг юзидаги ниқобини учирди. Шунда Сувонхоннинг кўзи Орзигулнинг жоду кўзини, ойдайн юзини кўриб, ҳуши кетиб, «оҳ!» деб йиқилди.

— Тушимда кўрган кишим шулдир,— деб Орзигул Сувоннинг бошини кўтариб, тиззасига қўйиб, косадаги сувни Сувоннинг оғзига тутиб, бир сўз деди:

Тор очилган гулзор боғим,
Сувлидир сероб булоғим,
Ҳасратда куйди юрагим.
Ҳам кучайди ишқи доғим,
Ичинг сувимни, тўражон.

Кўринмай баланд-паси,
Дилбарга кетди ҳаваси,
Менинг дардим давоси,
Олиб ичинг, бу сувимни.

Бўлмасин сизга хатар,
Сувим бол ўрнига тотар,
Ахир мақсад бирга етар,
Раво кўрдим шу сувимни.

Орзигул дейди отимни,
Хосхона дер юртимни,
Ўпарсиз нурли бетимни.
Бемалол ичинг сувимни.

Сувонхон сувни ичиб, ақли-ҳуши ўзига келиб, нозли дилбарнинг меҳрибончилигини билди. Сувонхон дарров Орзигулнинг тиззасидан бошини кўтарди. Орзигул Сувонни кўшки томонга бошлаб кетди. Орзигул ўнг супага

етиб орқасига қараса, Сувонхон ҳам келаётир. Шунда Орзигул Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Бу кулбада ёлғиз бошли билмагин,
Сен ўзингни кўрина ўққа солмагин,
Сувонхонни танийдиган аммам бор
Бошқа бўлсанг золим қўлда ўлмагин.
Сувон бўлсанг омон-эсон қоласан,
Ўзга бўлсанг, золим қўлда ўласан.

Орзигул кўшкининг зинасига қадам ташлаб, шоҳи-шалпарни кийиб, тилла пўпақлар товонига тегиб, Сувонга қараб қовоғини уйиб, кўшкига кириб кетди. Сувонхон фикр қилиб, манглайига қўлини қўйиб, дунёнинг бор гапи кўнглидан ўтди. «Юртим Оқтош бўлса, у ерда мендан бошқа Сувон бўлмаса, бу қизнинг айтгани мендирман», деб, кўшкига қараб чиқиб борди. Сувон кўшкининг эшигидан қараса, Орзигул бир бурчакда ўтирибди. Сувон ҳам бориб, бир ёстиққа ёнбошлади. Бир оздан кейин Орзигул ўрнидан туриб, қиммат баҳо дастурхонларни ёзди. Тўққиз хил овқатни Сувоннинг олдига қўйди. Сувонхон овқатга қарамай, икки кўзини Орзигулдан олмади. Орзигул Сувонхоннинг чин ошиқ эканини билиб, устози берган созини қўлига олиб, ҳар куйга солиб, бир сўз деди:

Ошиқлигин билиб созин олганди,
Ҳар нағмага букун куйин солганди,
Бўйингдан айланай, сен навжувонди,
Энди билдим, сенинг отинг Сувонди.

Шу кўрганда яккалигим билдиринг,
Улфатлар топиб, об ўйнаб кулдиринг,
Кўплашиб борингиз Оқтошга,
Отангизга яккалигим билдиринг.

Ҳозир мен сен билан ўйнаб-кулмайман,
Оқтош элга бориб келгин, тўражон,
Рухсат этса, ота-энанг меҳрибон,
Жавоб берса, келгин, қабул қиламан.

Шунда Сувонхон Орзигулга қараб:— Мени элимга қуруқ жўнатма!— деб бир сўз деди:

Алифдай қоматинг, хипча белингдан,
Балли, сенинг соз қайирган қўлингдан,
Жоним баҳра топди сучук тилингдан,
Нозим, қуруқ юбормагин элингдан.

Оқтош элга бориб келсам келайин,
Сенинг билан сўнгра бирга бўлайин,
Икки бўса бергин гулдай юзингдан,
Отим миниб, сўнгра йўлга кирайин.

Орзигул қабул қилмади. Сўнгра Сувонхон саҳар туриб отини эгарлаб, юганлаб, совут-қалқонларини кийиниб, отининг устига миниб, Орзигулга қараб бир сўз деди:

Дўстларим қолди дарада,
Чўлларда, майдон орада,
Хафа бўлмасин мабодо,
Жавоб бер, шуларга борай.

Бормасам хаёли қочар,
Ҳар бириси шердай бўлиб
Бирни кўзлаб ўнин санчар.
Ҳайбатини крўган ёвлар,
Ўз юртига қараб қочар,
Дўстларимни топиб олай.

Ҳар бириси шердай бўлиб,
Меци кўрса, қўлин очар,
Танҳо деманг Сувонбекни,
Майдонда дўстлари кутар.

Фотиҳа бер, гулим бизга,
Йигирма уч кун деганда,
Етиб келарман сизга.

Орзигул ойим Сувоннинг жўнарини кўриб, душман келиб қолса, қайтарман¹, орқамда юрган душманларимни тўрамга билдирайин, деб Сувонга қараб бир сўз деди:

¹ Қайтарман — қандай қиларман.

Бир гул эдим, тушдим ёрнинг қўлига,
Омон-эсон бориб келгин элингга.
Жоним тасаддуқдир сенинг ўзингга,
То келгунча, кўз тикаман йўлингга.

Мабодо ,кетимдан келмасин душман,
Келиб қолса, ёвим менинг — Қорахон,
Келса олиб кетар мени, бегумон,
Кўп кечикмай, тезроқ келинг, тўражон.

Ошиқ гул бўлмасин йўлингга ҳайрон,
Дол бўйингга садақадир хаста жон,
Орзигул дер сизга қараб жўш урдим,
То кўргунча, саломат бўнг, тўражон.

Сувон ботир жўнаб кетди. Сувонхоннинг қирқ дўсти чодир-чаман тикиб, тоғнинг устида ўтирган эди. Қушқанотнинг дарвозасига навбатма-навбат қарашар эди:— Бу девнинг мазгилими экан? Агар девнинг жойи бўлса, биз Сувонхондан айрилибмиз-да,— деб хафа бўлиб ўтиришган эди. Шунда Сувонхон етиб келиб қолди. Дўстлари Сувон билан сўрашиб, омон-эсон кўришиб:— Отангдан беш кунга муҳлат олган эдик, энди ваъдадан қирқ кун ўтиб кетди,— дедилар. Сувонхон дўстларига қараб бир сўз деди:

Дўстларим, ҳаммамиз бирдай сарамиз,
Султонимдан можарога қолганмиз,
Беш кунлик муҳлатда келмадинг деса,
У Султонга нима жавоб берамиз?

Энди тўғри Оқтош элга юрамиз,
Ҳайданг, беклар, тезроқ Оқтош борамиз.
Омон-эсон бўлса Оқтошнинг хони,
У киши билмас, мендан ўтган савдони,
Кўзига кўринмас ошиқнинг жони,
Борсам нима дейди элнинг султони,
От қўйишиб қамчи уринг, бегларим.—

деб, Сувонхон дўстлари билан йўлга тушди. Ун саккиз кеча-кундуз йўл тортдилар.

Энди сўзни Оқтош хони Султонхондан эшитинг! Уғли Сувонхон марддан дарак бўлмагач, бутун мам-

лакатларга хабар қилди.— Энди ўғлим оламдан ўтган экан-да,— деб мотам тутиб, шаҳардан ташқарига ўз одамлари билан чиқиб, чодир тикиб ўтираверди.

Султонхон ўз фуқаросига бир эшакдан ўтин буюрди. Шулар қаторида Сувоннинг дўсти Саримирахўрга ҳам бир эшак ўтин тушди. Подшонинг амрини бажармасак бўлмас экан, деб Саримирахўр биёбонга ўтин термоққа кетди. Биёбонда ўтин териб юриб, атрофга қараса, даштнинг бир томонидан бир тўда одам кўринди. Улар яқинлашаверди. Уларнинг ичида дўсти Сувон мардни кўрди. Отига миниб, Сувоннинг олдига чопди. Сувонхоннинг олдига бориб отидан тушиб:— Оламда бормисиз, тўражон? Сиз кетганингиздан буён Оқтош мотам ичида,— деди. Сувонхон отидан тушиб, дўсти Саримирахўр билан қучоқлашиб кўришди. Дўстлари билан ҳам кўришиб бўлди. Шунда Сувонхон дўсти Саримирахўрга бир сўз деди:

Оқтош элдир менинг катта давлатим,
Отланиб зиёда бўлди меҳнатим,
Отамдан кўп бўлди юзда уятим,
Юрт эгаси менинг отам омонми?

Иўлида тасаддуқ тандаги жоним,
Оқ сут берган менинг у меҳрибоним,
Кетар чоқда кўрган эдим мен уни,
Меҳрибоним — онажоним омонми?

Сувон дейди келган экан ғайратим,
Қирқ ёроним, менинг дўстим, улфатим,
Оқтош элдир менинг ўсган маконим,
Омон-эсон келиб етдим, улфатим,
Биродарлар, қариндошлар омонми?

Шунда Саримирахўр:— Ҳаммаси эсон-омон, бироқ сиз узоқ вақт дараксиз кетганингиз учун ота-энангиз, қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз мотамда. Тўшингизда кўрганингиз тўғри чиқиб, ўнгингизда топган бўлсангиз, менга бирорта суюнчи беринг, сизнинг хабарингизни отангизга етказай, султонимдан кўп суюнчи олайин,— деди. Шунда Сувон мард:— Шу ишларга сабабчи бўлган дўстим Саримирахўрга икки чорак танга беринглар,— деб одамларига буюрди. Саримирахўр

хўр «қирқ ҳовуч икки чорак келар» деб хуржунининг кўзини ғазначига тутди. Ғазначи сандиқни очди. Сарими-рохўр йигирма ҳовучдан қирқ ҳовуч тангани хуржу-нининг икки кўзига солди. Отига миниб:— Сиз секин-роқ боринг, отангиздан ҳам бориб бирор инъом олай,— деб жўнаб кетди. Саримирохўр чопганича, шошиб, ҳовлиқиб, подшонинг чодирига билмай бостириб кирди. Чодирнинг таноби узилиб, от ўралашиб, ўзи отдан йиқилди. Подшонинг аччиғи келиб:— Ҳали мени оёқ ос-ти қилдиларингми?! Жаллод!— деди. Жаллодлар:— Сиз адолатда, бизлар хизматда турганда кимнинг ажа-ли етди, тақсир, кимнинг куни битди,— деб одамнинг бошини чумчуқнинг бошидай кесган, қулоқ, бурнини ҳайкал қилиб ёнбошига осган беҳад жаллодлар подшо-нинг олдига келди. Подшо Саримирохўрни ўлимга бую-риб бир сўз деди:

Мирохўрни тутинглар, жаллодлар,
Сўйиб осинглар тилла доримга,
Ўғлимнинг йўқлигин бу ҳам билгандир,
От миниб устимга чопиб келгандир,
Шу сабабдан олдим буни қаҳримга,
Ол, золимлар, қўлин босиб бойланглар,
Сўйиб, осингизлар буни доримга.

—Элу юртга намуна бўлсин. Бундай беадаб менинг шаҳримда топилмас,— деди.

Жаллодлар Саримирохўрнинг оёқ-қўлини бойлаб, ҳайдаб олиб кетдилар. Бечора Саримирохўр подшонинг сиёсатидан кўрқиб, Сувонхонни кўрдим ҳам дея олма-ди, кўрмадим ҳам дея олмади, тили тутилиб қолди, қи-зариб-бўзариб, жаллодларнинг олдига тушиб кетавер-ди. Бир оздан сўнг Саримирохўр ўзини ростлаб ол-ди ва жаллодларга қараб бир сўз деди:

Борган ерим дашти-майдон далами?
Уй бошига хоним ўтин солами?
Майдонаро кўриб келдим ёлғизин,
Суюнчига келиб ўлсам бўлами?

Э золимлар, қулоқ солинг зоримга,
Даштда кўзим тушди Сувонхонимга,

Отасига уни хабар берай деб,
Айтмай туриб, мени буюрди ўлимга.

Кўзимдан оққани ёшу жалами,
Суюнчига келган шуйтиб ўлами?
Мен тўрамни кўриб келдим, золимлар,
Султонимга икки оғиз арзим бор,—

деди. Бу сўзни эшитган жаллодлар Саримирахўрни подшо-нинг қошига олиб келдилар. Подшо дарғазаб бўлди:—Нима учун амримни қайтариб, буни олиб келдингизлар?!—деди. Шунда жаллодлар бошчиси:—Арзим бор деди, тақсир! Агар менинг шу арзимни айтдирмай ўлдирсаларингиз, менинг қўлим сизларнинг ёқаларингизда,—деди. Подшо Саримирахўрга қараб:—Хўш, менга нима арзинг бор?—деди.

Саримирахўр нафасини ростлаб, подшога бир сўз деди:

Ўтин учун чиқиб эдим далага,
Хизматкорман тақсир, сиздаин хонга,
Кўзим тушди, хоним, Сувон тўрангга.
Майдонаро ўтин териб юрувдим,
Ўлган деб, мен ҳам ғамгин бўлувдим,
Сувонхон ўғлингни тирик кўрувдим
Ростин айтсам: суюнчига келувдим.

Шунда подшо:—Бу ўз жонини сақлаб қолиш учун ёлғон сўзлаяпти,—деб икки бегини отга миндириб, Саримирахўр тайинлаган жойга жўнатди.—Агар Сувоннинг келаётгани рост бўлса, қонингдан кечдим, оғзи тўлганича айтсин, инъом берай, от миндириб, тўнлар кийгизиб, сарпароз қилмоқ керак, ёлғон бўлса, бошини танасини жудо қилинглари!—деди. Иккови от чоптириб майдонга борди. Улар тепа устига чиқиб қарасалар, ҳақиқатан, саратон юлдузли, ўткир кўзли, йўлбарс билакли, шер юракли, бошида яллуғи ярақлаб Сувонхон кўринди. Беклар Сувонхонни таниб, орқага — шаҳарга келдилар ва подшога қараб бир сўз айтиб тургани:

Мирохўрнинг айтганлари рост экан,
Душман эмас, бу Мирохўр дўст экан,

Сувонжоннинг келганлиги рост экан,
Озод қилинг, Мирохўрни, султоним!

Бу Мирохўр обод қилмоқчи элингни,
Хурсанд қилмоқчи мулки дилингни,
Кўргани чин экан кетган ўғлингни,
Қўлин ешиб, озод қилгин, султоним!
Мирохўрнинг деганини бер энди,
Омон-эсон келди бекларинг энди.

Остида ўйнайди минган пирогои,
Маст бўлиб тошганди унинг юраги,
Сиздайин шоҳимнинг ёнган чироғи,
Очилди битиб қолган булоғи.

Шунда Султонхон Саримирахўрга қараб:— Тила, тилагингни бераман,— деди, Мирохўр кўзини очиб, ўлимдан озод бўлганини билиб, терини артиб, мийиғида кулиб, подшога қаради. Қараса отдан йиқилган жойида хуржуни бўш ётибди.— Бизнинг хуржундаги тангаларни ким олди?— деб подшога қараб бир сўз деди:

Келганларга шуйтиб талов солами,
Ўлимга буюриб, молин олами,
Ўз пулини олиб, ўзига берами?
Кўзим тушди майдон ичра тўрама,
Киши ўлмай, сизга молин берами?

Аввал беринг хуржундаги пулимни,
Бойлатдингиз менинг икки қўлимни,
Фириб қилиб сиз олгансиз пулимни,
Аввал беринг хуржундаги пулимни.

— Ё пулимни беринг, ёки қозига юринг,— деди. Подшо:

—Э Саримирахўр, сен бу тухматингни менга қилма, ҳозир ўлимдан қутулиб, подшолик билан ҳазил қилма, мен берган инъомимни олиб кета бер. Ўтин учун борган кишида пул нима қилсин! Мен ғазначига амр қилай, бориб кўтарганингча нуқра, тилладан олиб келгин. Аввал пулинг йўқ эди, бўлса ҳам баҳридан ўтгин,— деди. Донохон вазир Саримирахўрга:— Аввал ўз пулингча ол, сўнгра подшонинг инъомини ол, Сувоннинг хабарини етказдинг, бўлганингча бўлдинг, бор, ўғил-қизингга

бюрсин, — деб ғазначи олдиға юборди. Доно вазир подшога: — Бу мотамингиз севинчли кунларга айланди, энди вақтичоғлик қилмоқ керак. Халқни йиғиб, уч кечаю, уч кундуз тўй қиламиз, — деб, бутун эл-юртга маълум қилди. Яхши ўйин-кулги, чалғи қўйдириб, Сувонхон келганча бутун бекларни жиловхонага қатор қилиб, ҳаммаси йўлга қараб турди.

Сувонхон беклари билан отларини ўйнатиб, жиловхонага етишди. Донохон вазир Сувонхонни от устидан қучоқлаб олиб, бетидан ўпди. Бошқалар ҳам кўришиб, подшонинг қошига олиб бордилар. Подшо ўрнидан туриб: — Жони-дилим, дунёда ёлғиз ўғлим, сени тирик кўрдим, энди армоним йўқ, — деб қоматини букиб, кўздан ёш тўкиб, Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Куйган қулга кенг мамлакат тор экан,
Адашганлар бир-бирига зор экан,
Ҳамма жойда йўқ, деб келди хабаринг,
Шукур, сени кўрар куним бор экан,
Ўғлидан айрилган қари хор экан,
Ўғил қатордаги бир маст нор экан,
Борган-келган ўлган девди ўзингни,
Шукур, сени кўрар куним бор экан,
Сеникидир Оқтош элнинг қўрғони,
Танимнинг қуввати, жисмимнинг жони,
Қайси элга бординг, Оқтош полвони?
Интизор бўлдим сени кўргани,
Қариликда отанг кўрди юзингни,
Энди ўлсам, болам, йўқдир армоним,
Топширай қўлингга элу юртимни,
Кўрар кўзим, бир нарғисим сен эдинг,
Бу йўлингда сарғайтирдинг бетимни,
Қўлингга топширай давлат-тахтимни,
Сен қўлингга ол адолатимни,
Қариганда, қартайганда бу отанг,
Катта-кичик турган оғалик додҳо,
Сувон мардга бердим мамлакатимни,

Шунда Доно вазир подшога қараб бир сўз деди:

Фикри бор кишининг ақли тўлади (р),
Бу сўзинг бизларга маъқул келади (р),

Адолатни бергин Сувон тўрама.
Энди давлат Сувонхонга қаради,
Хотин-қизлар сумбул сочин таради,
Сувонхонни ҳамма бирдай кўради.

Бу сўзларни эшитиб, Сувонхон:— Отам тирик чоғида мен тахтга чиқсам, адабсизлик бўлади,—деб бир сўз деди:

Улмасин яхшилар, ҳаргиз ўлмасин,
Яхши киши ҳеч ёмонлик кўрмасин.
Отам тирик, мен тахтга минмайман,
Бу иш кўп адабсизлик бўлмасин.
Очилганда қизил ғунча сўлмасин,
Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин,
Номард мард бўлай деб умид қилмасин,
Отам тирик, мен тахтга минмайман,
Бир вақт мардумга уят бўлмасин,
Қулоқ солинг, халойиқлар, Сувонга,
Ота пастда, ўғил чиқар баландга,
Ҳуш келмас бу савдо ҳаммага,
Ўзига буюрсин отамнинг тахти,
Моли дунё керак эмасдир менга.

Сувонхон отасига қараб яна бир сўз деди:

Энди менга жавоб беринг, отажон,
Кўзимга кўринсин Қушқанот қўрғон,
Йигирма уч кун эди ёрнинг ваъдаси,
Шу ваъдага борар Оқтош тўраси.
Қайта бошдан сиздан савол сўрайман,
Э улуғим, Оқтош элнинг эгаси,
Сиз тирик, мен элимга тўраман,
Рухсат беринг, Қушқанотга бораман.
Келмади деб, ёрим йиғлаб юрмасин,
Оқ фотиҳа берсанг менга султоним,
Ёрим олиб Оқтошингга келаман.
Менга агар чиндан жавоб бўлмаса,
Қушқанот қўрғонин мазгил қиламан,
Уйнаб-кулиб жавоб беринг, отажон,
Ёрим олиб мен Оқтошга келаман.

Шунда Султонхон ўғлига қараб бир сўз деди:

Қушқанот деганинг ёлғиз қўрғонди,
Ул ёринг кўрганди неча карвонди,
Ҳам яна кўрганди неча чўпонди,
Сени алдаб менга у юборганди,
Мен биламан ўша чўлда ётганди,
Мени десанг, олма элдан қочганди,
У келса бузади Оқтош шаҳарди.
Бир ўзининг қирқта ўйнаши борди,
Ўғлим бўлсанг, шуни олма, Сувонжон.
Ул келса, Оқтош шаҳринг ғуборди,
Менга қўйсанг, Сувонжон, ихтиёрди,
Ўнта об берайин гул юзли ёрди,
Ҳар шаҳарга қилай хати хабарди,
Орзигул деб эдинг, кўнглим қабарди.
Аввалдан мен уни билиб юрганман,
Олма, болам, шундай бетайинларди.

Шунда Сувонхоннинг аччиғи келиб, отасига:

На бўларин энди, ота билмайман,
Жавоб берсанг-бермасанг ҳам кетаман.

Ошиқлик сийнасига зўрлик қилиб, Сувон мард ўрнидан туриб, жўнамоқчи бўлиб, отасига бир сўз деди:

Мен сизга суянган ўғил боламан,
Ёр йўлида ҳар на бўлса бўламан.
Ўйнаб-кулиб жавоб беринг, отажон,
Мусофир ёримга ўзим бораман.
Қол деганда қонлар ютиб қолмайман,
Отам берган насиҳатни олмайман,
Оқ фотиҳа беринг менга, султоним,
Кўп кечикмай бундан тезда жўнайман,
Об бермоқчи бўлдингиз ўнта ёрни,
У ёримнинг тирноғига олмайман.
•
Хоҳи жавоб беринг-берманг, отажон!
Ваъда қилган дилбаримга бераман,—

деб, Сувонхон отини эгарлай бошлади. Совут-қалқонини олиб, ғайрат камарини белига бойлаб, отига минди. Шу вақтда Доно вазир: —Эй султоним, оқ фотиҳа беринг, Сувонхон оғир шартни ўртага ташлабди, —деди. Шунда отаси бориб, ўғлининг отининг жиловидан ушлаб, бир сўз деди:

Доим мен кўзимга қонли ёш урдим,
Улуғ кўрсам ман уларга бош урдим,
Ёринг билан бирга қайтиб кел, ўғлим,
Боргин сени комил пирга топширдим.
Ҳар ерда бўлсанг ҳам сен бўлгин омон,
Саломат келгин-да, ўйнаб Сувонжон,
Ғамгин бўлиб, Қушқанотда қолмагин,
Салтанат тахтимни келгин, берайин,
Подшо бўлиб сургин элингда даврон,—

деб,— ол доим — олдирмагин, тўл доим — тўкилмагин,
номардга ялвориб сиғинмагин, ичингдаги сириггни но-
мардга билдирмагин. Мабодо бошингга душман ёвлаб
келса, номардни ўлдир, аямагин. Насиҳатим шу, Сувон-
хон. Ҳар ерда юрсанг, омон бўл!—деб жавоб берди.
Сувонхон отига миниб шаҳардан чиқиб бораётганидаги
сўзи:

Жўнар бўлдим бунда ёлғиз,
Кетар бўлдим кеча-кундуз,
Сувинг шарбат, еминг новвот,
Агар бўлса, ёзгин қанот!
Менда ҳеч йўқ энди фурсат,
Йўллагин отамнинг оти,
Биёбон пасти-баландни.
Учардай қилгин ғайратни,
Тез кўрсатгин Қушқанотни
Мақсади шулдир мардди.
Отини қамчига тутди,
От тез юриб билмайди,
Жару чуқур, баландди,
Кеча-кундуз бирдай кетди,
Отга тўкиб ғайратди,
Ун бир кеча-кундузда
Қоралаб Қушқанот етди.
Суқсурдай бўйнин узатди,
Икки кун ўтгандан сўнгра
Совиб қувуғин тортди,
Сувон кийган ёқаси олтин совутди.

Эндиги сўзни Орзигул оймидан эшитинг. Орзигул
баланд пештоққа чиқиб, ҳар тарафига қараб, ёрини йўқ-
лаб, бир сўз деди:

Мен найларам, кетган ёрим келмади,
Ваъдасида ул Сувонхон турмади,
Умидим кўп эди, меҳрим шундади,
Қўлимда қолганди ёрнинг санаси,
Жавоб бермадими ота-энаси?
Ёлғизликда мени фалак хўрлади,
Умидим кўп эди, кўзим йўлдади.
Боғ ичра йиғлаб қолдим мен ночор,
Душманга қилмагин мен шўрни дучор.
Орзигул дёр жамолидан умидвор,
Кела қолса эди кетган аждаҳор, —

деб турган чоқда, узоқдан Сувонхон кўрди. Сувонхон бир баланд дарага чиқиб келаётган эди. Қушқанот дарахтлари кўзига кўриниб, шабгир тортиб келаётган оти кишнаб юборди, тоғлар гумбурлаб кетди. Отнинг товушини эшитган Орзигул келаётган ёрини ҳам кўрди. Орзигул пештоқдан тушди ёрини отдан туширай деб, ҳовуз лабига келди. Сувонхон Қушқанот боққа кириб келди. Орзигул отнинг қошига бориб, Сувонхонни отдан тушириб, бол лабини тишлаб, зулфини оқ юзига ташлаб, Сувоннинг ўнг қўлидан ушлаб, ошиқнинг кўнглини хушлаб, кўшкига қадам ташлаб, Сувонга бир сўз деди:

Бу кўринган қатор тоғлар тумандир,
Айрилмоқ дунёда жуда ёмондир,
Мен сўрайин, ўйнаб-кулган тўражон,
Элу юртинг, Оқтош шаҳринг омонми?
Юлдузни кўзлайди минган бу отинг,
Сен кетган сўнг мен қилганман сўроғинг,
Салтанатли тахтинг, адолатли пештоғинг,
Кўрган кўзлар, танишларинг омонми?
Чин дўстларинг, танишларинг омонми?
Гул юзлигим, сарви санобар қомат,
Ота-энанг сенга бердими рухсат?
Дуогўйинг ота-энанг омонми?

Иккови кўшкига чиқиб ўтирди. Шунда Сувонхон Орзигулга қараб бир сўз деди:

Отни чопдим тинмай дала-саҳрога,
Мен сўз атай сиздай қоши қорага,

Етиб келдим ўзим берган ваъдага,
Жасадимда жоним бўлсин садага,
Жавоб бергин Сувонхондай тўрага,
Нима дейсан ўзинг берган ваъдага?

Шунда Орзигул айтди: — Ота-энангиз рухсат берган бўлса, мен сизники, сиз меники, — деб иккиси ўтирди.

Ана энди бир сўзни Қорахон подшодан эшитинг: Қирқ йигитни Эрназар боғбонникига юборди. Қирқ йигит Эрназар боғбонникига бориб, боғбон билан хотинининг қўлини боғлаб, бошини ўлимга чоғлаб, ҳар қадамда бошига бир қамчи ташлаб. «Орзигул қайга кетди?» деб, қон йиғлатиб, Қорахоннинг қошига уларни олиб келди.

Қорахон Эрназар билан хотинидан Орзигулни сўраб, бир сўз деди:

Бизнинг элда ёмон шумлик айладинг,
Қутқармоққа маҳкам белни бойладинг.
Мен сендан сўрайман, Эрназар боғбон,
Гулистондай Орзижонни найладинг?
Таёқ есанг, сўнгра зарбин кўрарсан,
Зарб есанг, ўзинг олиб келарсан.
У қаламқош нотавонни найладинг?
Бошқа элга кетганини айтмасанг,
Тилла дорга осиласан, ўласан.

Шунда Эрназар боғбон: — Эй тақсир, мен билмайман, Орзигул ўзини қудуққа ёки дарёга ташладими? Икки ойдан бери кўзимдан ғойиб бўлди. Сиз Орзигул ишқида куйган бўлсангиз, мен болам дардида куйганман, — деди. Боғбоннинг хотини ҳам: — Ҳа, тўғри тақсир! — деб турди.

Шунда Қорахон подшо сиёсат қилиб, ҳар бирини қирқ бир таёқдан уришга буюрди. «Бу таёқнинг зарби билан айтмаса, ўлдирганим билан Орзигулнинг қаёққа кетганини билолмасман» деб, ҳар иккаласини жаллодлар қирқ бир таёқдан урди. Баданида кўк бўлмаган ери қолмади. Оғир аҳволда қолган Эрназар боғбон ўзича: «Орзигулни олган кишининг ўзига яраша куч-қуввати бўлса керак, уддасидан чиқиб, ёр қилиб олгандир. Энди мен подшога айтай», — деб қўрқиб, йиғлаб, Орзигулнинг кетган қўрғонини баён қилиб, бир сўз деб турган экан:

Қулоқ солинг Эрназарнинг сўзига,
Ота куйган фарзандининг доғига,
Мен бандиман бир номарднинг қўлига,
Орзи кетган Қушқанотнинг чўлига.
Золим раҳм этмайди мискин ҳолига,
Теккан эмиш мен эшитдим Орзигул,
Оқтош элли Султонхоннинг ўғлига.
Доим бирдай эмиш қиш билан ёзи,
Зўр подшо деб, менга келди овози,
Отага ярашмас қизининг нози,
Қушқанотда турар шу биби Орзи
— Менга-ку гутинган Орзижон ўзи,
Ҳеч ердан қайтмайди ботирнинг сўзи,
Орзини олганди Сувоннинг ўзи.
Билдим, мени сўйиб, дорга иласан,
Фуқароман зўрлигингни қиласан,
Қушқанотга борсанг, Орзинг кўрасан,
Эрназар айтади сенга ҳақиқат,
Эрназарга нечук тараф¹ бўласан
Фуқаронинг сўзлашгидай ҳоли йўқ,
Қушқанотга борсанг уни кўрасан.

Шунда Доно вазир Қорахонга: — Эрназар боғбоннинг айтган гапи тўғри. Орзигул бир қарчиғайнинг қўлига тушган экан, унинг чангалидан сиздай йўлбарс айирмаса, бу иш боғбоннинг қўлидан келмас, — деди. Шунда Қорахон: — Мен Қушқанотга бориб келганимча, ҳар иккаласини зиндонга ташланглар, — деди.

Қатта-кичик бекларига: — Ёвни қора қўрқитар деб, элдан етти ёшдан етмиш ёшгача лашкар олинглар. Қушқанотга бориб, Орзигулни кўриб, Сувонхонни олиб келиб, кун чиқар дарвозага бошини илмасам, Қорахон отим ўчсин, — деб лашкар йиғиб, тўп-тўпхонасини судратиб, байроғини ярқиллатиб, ҳар ўн тошда бир лашкарни тўхтатиб, Қинғир чол қошига етиб келдилар.

Қорахон подшо бир сўз деди:

Ошиқлик савдоси мендан ўтдими?
Бу юришлар тақдирима битдими?
Чўлда юрган улуғ ёшли бобожон,
Шу майдондан пўпакли нор ўтдими?

¹ Тараф — душман.

Улуғ ёшли бобо, сендан сўрайман,
Шу майдондан пўпакли нор ўтдими?
Ўзгаларга чол Эрназар сотдими,
Унинг ажали менинг қўлимдан ўтдими?
Улуғ ёшли бобо, сендан сўрайман,
Оламда хушрўйни кўрса дийдорин,
Бир ясанган нор шу ердан ўтдими?
Уч ой бўлди мен йитирдим норимни,
Излаб топарманми гулузоримни?
Қорахон дер менинг отимни,
Хосхона дер мамлакатимни,
Бобожон, билдингми менинг зоримни,
Кўрган бўлсанг, билган бўлсанг, бобожон,
Кетган ёгин менга айтгин норимни.

Шунда Қинғир бобо Қорахонга қараб бир сўз деди:

Мен биламан кўнглингдаги борингни,
Пўпакли ёр дейсан севган ёрингни,
Уч ой бўлди, ўтиб кетди қаландар,
Йўқларсан, билдим, шу қаландарингни,
Хусни жамолин кўрдим қиздан зиёдди,
Одамни нор демаклик жуда уятди.
Ақлидан ўргилай, соҳиб давлатди,
Айтган норинг Шоқаландар бўлмасин,
Ўтган муддат уч ойдан ҳам зиёдди,
Бориб Қушқанотдан мазгилни тутди,
Дўстим деб эди Сувондай азаматни,
Ул қаландар эмас экан, қиз экан.
Йўқловчиси, эй султоним, сиз экан,
Ҳозир ёри бўпти Сувондай мардди.
Қулоқ солинг, мендай бобо тилига,
Сиз ҳам ошиқмисиз шу тоза гулга?
Қушқанотни сиз сўроқлаб борсангиз,
Кўзингиз тушар шундай сочи сумбулга.
Бўш бўлсанг қўлдан кетар давлатинг,
Агар бўлмаса сенинг ғайратинг.
Ҳам гулистонни кўролмассан, султоним,
Ҳам қўлингдан кетар тахти элатинг
Билмам нечага киргандир ёшинг,
Йўқлайсан ул ўтган қалам қошинг.
Сувон деган эр йигитдир, полвондир,

Ғайрат қилса, узар жасаддан бошинг,
Удда қилсанг, унга боргин, Қорахон,
Фойдаси йўқ ияртирган кўп кишинг.
Сувоннинг феълини Қинғир билади,
Йигирма ёшида қўзчоқ тўради,
Тараф излаб Қушқанотга келади.
Отин минса, учар қушдай олади,
Чаққонлигин мендай бобо билади.
Ҳар ким унга дучор бўлса ўлади.
Мени десанг, қайт элингга, султоним.

Шунда Қорахон подшо: ажали етса киши кўнгли тўлади, паймона етгандан сўнг одам ўлади, деб Қинғирнинг сўзига қулоқ солмай, жўнади. Беш кеча-кундуздан сўнг Қушқанотга кириб борди. Қушқанотни ўраб олди. Тўпларни Қушқанотга тўғри қилди.

Сувонхон ва Орзигул бу ишлардан беҳабар эди. Орзигул тонг саҳарда туриб, юз-қўлини ювиб, каштасини қўлига олиб, Сувонхоннинг жамолига боқиб, ўзига хуш кўриб, мийғида кулиб, Сувонхоннинг кокилидан ушлаб уйғотайин деб, юзидан бир бўса олди. Орзигул ўрnidан туриб, тилла эшикка юриб, ўнг ва сўлига қараса, сонсиз лашкарлар Қушқанотни ўраб олибди. Шунда у Қорахон подшонинг лашкар тортиб устига келганини билди.

Орзигул «Елғиз ёримга қиёмат савдосини солди»,— деб Сувонхоннинг қошига келиб, уни ўз бағрига тортиб, юзларига юзини суртиб, кўз ёшини тўкиб, ғамгин бўлиб турган эди. Сувонхон ирғиб ўрnidан туриб, ёрига қараб, кўнглини сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Нега бунча, ёрим, фикр қиласан.
Туриб бориб ташқарига қарайсан?
Не сабабдан аввал кулдинг гул юзли,
Қайтиб келиб, менга боқиб йиғлайсан?
Қандай гапни ташқарида англайсан,
Бир ой бўлди жамолимга тўймайсан,
Ташқарига чиқай десам, қўймайсан,
Ёки менга ҳазил билан қарайсан?
Не сабабдан аввал кулдинг, гул юзли,
Ҳозир нега хафа бўлиб йиғлайсан?
Жоним фидо бўлсин сенинг қаддингдан,
Йиғлаганинг маъносини сўрайман.

Шунда Орзигулнинг кўнгли бузилиб, кўзидан ёшлари тизилиб, юрак-бағри эзилиб, ёмон савдо бўлди, деб Сувонхонга қараб, душманларнинг келганини маълум қилиб, бир сўз деди:

Ташқарига боқиб, кўрдим лашкарни,
У душманлар қамаганди бизларни,
Аввалига сизни кўриб кулудим,
Душман кўриб, ёшли қилдим кўзларни.
Дол бўйингдан айланайин, тўражон,
Сиз якка бўлсангиз-чун сўрайман,
Ташқарига якка чиқманг, тўражон,
Бу келишдан бир ёмонлик англайман.
Мен учун уларга бўлдинг гирифтор,
Мусофир ёр, якка қолдинг, найлайин,
Сиз учун йиғлайман мендайин ночор,
Бедов миниб, мен уларга борайин,
Нима учун келганини билайин.
Душман бўлса, у келгандир бизларга,
Сиздан аввал мен жонимни берайин,
Орзигулнинг аввал тўлсин паймони,
Мен бўлайин яхши ёрнинг қурбони.
Омон боргин ўз элингга, тўражон.
Мен бораман ёвнинг жонин олгани.
Жавоб беринг сарғайтирмай тарзимни.

Шунда Сувонхон атрофдаги душманларни кўриб: «Мен бор жойда қандай қилиб Орзигулга жавоб берай, бу марднинг иши бўлмас», деб индамай далага чиқиб, бориб отни эгарлай бошлади. Кўшкнинг олдига келиб, ғайрат камарини боғлаб, қалқон, қиличини қўлига олиб, отга миниб, оёғини узангига тираб, Орзигул ойимга қараб бир сўз деди:

Ўзим чиқиб кимлигини билайин,
Душман бўлса, бағрини қон қилайин,
Қайтиб келиб, сенман ўйнаб-кулайин,
Жавоб бер, дилбарим, шунга борайин.

Мардга ярашмас уйда турмоқлик,
Қирағай найзали олтин сачақлик,
Жавоб бер, дилбарим, ўзим бораман,
Ғазаб қилсам, қанотли қушни оламан,
Ғаним бўлса унга ғавғо соламан,

Душманга қиёмат кунни соламан,
Бирини кўзлаб, ўнин бошин оламан,
Жавоб бер, гул юзли, ўзим бораман.

Шунда Орзигул кўнгли бузилиб, ғамгин бўлиб, ёрига қараб жавоб бериб, бир сўз деди:

Тилла эгар ярашади тулпарга,
Якка бўлиб, тенг келмайсиз уларга,
Бир насихат айтай сизга, тўражон,
Лочин бўлса, келолмайди бу ерга,
Рухсат этдим, боринг энди, тўражон,
Кўринган душманни қўймаг ҳеч омон!

Сувонхон от ўйнатиб, дарвозадан чиқиб кетди. Ёвнинг кўзи Сувонга тушди. Сувонхоннинг қадди шер ҳайбатли бўлиб, Қорахонга кўринди. Шунда Қорахон: «У қандай бало экан?»— деб, Толмас полвонни юборди. Толмас Сувонхоннинг қошига келди. Толмас Сувонга:— Сен ким бўласан?— деди. Сувон:— Кимни танийсан? Толмас:— Оқтошдан келган Сувонхонни танийман,— деди. Сувон:— Мен ўша Сувоннинг шогирди бўламан,— деди. Толмас:— Агар шогирди бўлсанг, қандай-қандай ҳунарларни биласан? Сувон:— Қандай ҳунарларни сенга ўргатай, отнинг устида туриб курашиб бўларми? Отдан туш,— деди. Толмас ҳам отдан тушди. Сувон:— Аввал сен ҳунарингни кўрсат, сўягра мен, Сувондан ўрганган ҳунарларимни кўрсатаман,— деди. Толмас:— Агар сен Сувоннинг шогирди бўлмаганинга, сени кўкка отар эдим,— деди. Икки полвон бир-бирининг белидан тутишди, чошқадан то пешингача олишишди.

Сувон билмай у Толмаснинг тилини
Маҳкам ушлаб олди унинг белини.
Шу ерда келгандир Сувоннинг кучи,
Толмаснинг қўлини суғуриб олди.
Баланд товуш билан Толмас қичқирди:
— Сувоннинг шогирди мендан ҳам зўрди.
Чопинг лашкарлар, полвон қўлим суғирди,
Бир ўзидан кўрдим шунча жабрди.

Шунда Сувонхон:— Мен ҳали Сувоннинг шогирди-ман, сен мендан нима жабр кўрдинг! То менинг устозим

қўрғондан чиққунча, султонингга бориб Сувонни таъриф қилгин,— деб Толмаснинг қулоқ-бурнини кесиб, отига тескари миндириб, ёв тарафга ҳайдаб юборди.

Оқ чодирнинг ичидан Қорахон подшо қараса, элчи полвони келаётир: бир қўли, қулоқ, бурни йўқ. Лашкар-бошиларини чақирди. Ёвни сўроқлаб, тўққиз минг қарғанинг кўзидан урадиган мерганларини танлаб олди. Шу тўққиз мингини олдига солди. Сувонхон ҳам тоғнинг белига келди. Лашкарларга қараб, Сувон бир сўз деди:

Сизлар кўпсиз, мен бир якка,
Кел, полвонлар, берироққа,
Кўнглинг бўлса урушмоққа,
Сочилмагин якка-дукка.
Талаб қилган бўлсанг бекка,
Даралар тўлсин ўликка,
Менинг раъйим шундай бўлди,
Сизлар билан савашмоққа.
Қиличимни қўлга олай,
Етиб олиб калланг чолай,
Ишим бўлса мана қулай,
Келганингни ўзим билай.
Мани Сувон аждарҳо дер,
Каллангга испиҳон чолай,
Мардни кўрган у лашкарлар,
Номардлар дамидан тушар.
Ҳай-ҳайдашиб бундан қочар,
Арғумоқнинг соб белига
Ботир минса, хўб ярашар.
Душманидан ўч олганлар,
Асло ўлмай, минг-минг яшар,
Кўнгли чўкмай тоғлар ошар,
Сенинг билан қувалашар,
Тошдай калланг ерга тушар.
Мардликка шу иш ярашар
Манглайингга шу иш битар.
Бугун бўлди сенга хатар,
Силтаганда испиҳоним,
Ҳеч қўймайин қириб ташлар.
Баринг агар қўлга тушсанг,
Оқтош элга олиб қочар.
Сувон ботир дейди мени,
Қутулганинг кўрай, қани?

Оқилар душманнинг қони,
Қутулганинг кўрай қани?
Орзигулнинг ўзим ёри,
Келавергин бек Сувонга,
Еппа-ёвлик душман бари.

Бирдан душман Сувон устига юриш қилди. Улар у
ёқдан, Сувон бу ёқдан от қўйди.

Терак бутагандай қилиб,
Бир-бирига яқинлашди,
Ўқ отиб, қилич чопишди.
Дўржи лашкар бир-бирига
Ҳайқиришиб қичқиришди.
Сувонхон отин ўйнатиб,
Тўп-тўпига бориб етди.
Паранги милтиқ тапира-тупур
Сувонга лашкар бўшатди.
Сувонхоннинг минган оти
Хўп жонивор ҳунарвандди,
Отган ўққа қилиб радди,
Омон-эсон асрайди.
Устидаги валламати,
Кўнгли ойдин, беғуборди.
Қочганини қувиб етди,
Дуч бўлганни куни битди.
Уч кеча чошка бўлди,
Уч кун муҳлат тилаб Қорахон
Сувонхонга арза берди.
Элчиларга ўлим йўқ деб,
Яловин кейинга ётқизиб,
Хатини кўрсатиб келди.
Сувон қилич солмай турди,
Қўрқиб-писиб қўлига берди.
Муҳлат бермаган номард бўлар,
Тағи уч кунда кушанданг келар,
Тараддудингни тутгин лашкар.
Уч кундан кейин қолмайман,
Икки кунда мен келмайман,
Уч кундан сўнг ўйин бошлайман.
Келибсан Қушқанот элига,
Келиб Сувоннинг қўлига,
Сувон йигирмада, ёшди,

Ғайратидан булар шошди,
Қирмиз қонга бўятганман
Сой ичида қора тошди.
Бекор муҳлат тиладинглар,
Ғайратим ҳаддидан ошди.
Мендан таълим ол савашди!
Отим миниб чиқсам майдон,
Мен билмайман эрта-кечди.

Орзигул беқарор бўлиб, кўшкидан қараб турган эди. Қирнинг тепасида Сувонхон кўринди. «Омон-эсон келаётир», деб рўмолини бошига желвагай ташлаб, хурсандлигидан ёрининг олдига чопди. Отнинг ўнг жиловидан ушлаб, бир сўз деди:

Бу ердир Қушқанот жойим.
Ҳеч йўқдир зарра гунойим,
Омон бориб келдингизми?
Бегижон, анжум сипойим,
Яхши ёр боқади ёрга,
Хўп талашиб номус-орга,
Қойил бўлдим остингдаги
Учқур қушдай мард бедовга.
Қайтадан саломат келдингиз,
Тули гулзор бу диёрга.
Қойил бўлдим учар қушга.
Раҳбар бўлди сиздай ёшга.
Саломат оп келдинг, ёрим,
Тирноғинг тойган тошдан.
Балли минган такобари,
Тирноғингни қўй жонивор,
Мен ётайин кўксинг сари,
Жоним фидо бўлсин сенга.
Соғ бориб, саломат келди,
Қойил бўлдим отим сенга.
Кўп ўйлади Орзи пари,
Омон-эсон келди ёри.
Қушқанотга душман келди,
Мард қўлидан кўпи ўлди,
Душман йиғлаб, дўстим кулди.

Иккови бир-бирин вақтин хушлаб, дол белидан Сувонхон ушлаб, Орзигулой зулфини тишлаб, кўшки сари

борди. Орадан уч кечаю кундуз ўтди. «Уч кун муҳлат битди»,— деб, Сувонхон Орзигулга қараб, бир сўз деди:

Бекларнинг ичида ўзим сараман,
Оқтош элда маст бўп юрган тўраман,
Улмасам жаҳонда даврон сураман,
Жавоб бер, қаддингдан, гул юзли дилбар.
От ёлини салтанатга ўрайин,
Тақдирда борини бориб кўрайин,
Обру берса, майдонро кирайин,
Душманларни олдимга солиб сурайин,
Оқ фотиҳа бергин менга, гул юзли.
Қилган ваъдасига етиб борайин.
Дунёда яхшилар ҳаргиз ўлмасин,
Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин,
Э нозлигим, рухсат бергин сен менга,
Қочди деган носоқ менга бўлмасин.
Ишончим зўр билагим, кучима,
Сувон дейди талашаман орима,
Уч кундан сўнг яна қайтиб келаман,
Мен сендайин кўзлари хуморима.

Сувонхон отнинг эгар-юганларини тайёрлаб, ғайрат камарини белига бойлаб, ўйнаб-кулиб, жанг довулини эгарнинг қошига илиб қўйди. Сувонхон Орзигул билан хайрлашиб, уруш майдонига чиқиб кетди.

Тоғнинг тепасида Доно отли бир камбағал чўпон бор эди, Сувоннинг аввалги урушини кўриб, мардлигига қойил қолган эди. Чўпон душманнинг уч жойда чуқур қазиб пистирма қилганидан хабардор эди. Ҳар бир чуқурда юзтадан уч юзта лашкар Сувонни пойлаб ётган эди.

Сувоннинг оти бу сирни англаб, Сувонни қирга олиб қочди. Шунда Сувон аччиғланиб, отига: «Бугун сенинг урушга раъйинг йўққа ўхшайди?»— деб қамчининг ўримидан ушлаб, отнинг бошига бир қамчи урди. Шунда чўпон Сувонга қараб бир сўз деди:

Қирмагин, тўражон, шайтон гапига,
Отни чопиб баланд билан пастига,
Уч юз киши бордир марднинг қасдида,
Нодон Сувон, урма отнинг бошига.

Сен билмаган сирни отинг билади,
У ҳайвон кўп сенга раҳм қилади,
Ҳамроҳини урган номард бўлади.
Уч юз лашкар ушбу йўлга қаради.
Номард бўлма, урма отнинг бошига
Сен билмайсан, Доно буни билганди,
Уч ердан лаҳимни душман қазганди.
Булар пойлаб, шу йўлингда турганди,
Сен билмайсан, назаркарданг билганди,
Шу сабабдан отинг қирга сурганди,
Аччиқланма, сақла, Сувон, ўзингни.

Бу сўзларни эшитиб, Сувон чўпоннинг олдига келди.
Чўпон ўзини танитди

Сувон ёвнинг устига юриш қилди. У қиличини қўлига олиб, душман ичига кирди. Унинг урушаётганда айтган сўзи:

Ўз-ўзингга бўл меҳрибон,
Муҳлат тўлди — келди Сувон
Бошингга соларман тўпон?
Ҳаргиз қолма, мендан омон.
Танти бўлинглар бу замон,
Қутулсанглар бўлиб омон,
Мен соларман бугун туман,
Қолмайсан қўлимдан омон.
Бугун сизга охир замон,
Омон қолиб, сурсам даврон,
Мен билмайман эрта-кеч,
Хабардор бўл, хон етишди.
Қўлида дастгир қиличди,
Ғайрат келди, юрак тошди,
Зарбин кўргин, Сувон ёшди.
Тараф борми букун менга,
Бу гапимни билиб сўзлай,
Тўпир-тупурингни излай,
От қўйинглар, душман, менга.
Сувон дейди азаматди,
Билмайман пасти-баландди.
Ғам чекишсин энди душман,
Кушанданг бошингга егди,
Ун минг киши буни эшитиб,
Паранги милтиқ қўлларида,

Тапира-тупур ўққа тутди.
Ақлли от кўп ҳунарманд
Ўққа қилди неча радди.
Ўқ қатор бўп келганда,
Тўрғайдай бўп писиб ётди,
Йиқилди деб, у душманлар,
Устига ҳайдади отди.

Лаҳимда ётган уч юз мерган лашкарлари ўқидан сак-
кизтаси Сувонга тегди. Сувон марднинг ҳаёли қочди.
Мардга кўп яккалик ўтиб, от ёлига Сувон ётиб, қаноти
синган лочиндай бўлиб, Қушқанотга қайтди.

Орзигул Қушқанотнинг дарвозасидан чиқиб, тоғ те-
пасида душман томонга қараб турган эди. Қараса, оти
Сувонсиз келаётир. Шунда Орзигул тоғнинг устидан
пастга қараб йиғлаб, отга бир сўз айтиб турибди:

Дод ёронлар, Қорахон золим дастидан,
Ҳеч ким якка бўлмасин ўз элидан,
Дарак йўқдир Султонхоннинг ўғлидан,
Кўзим ёшлаб, муштипарман қарайман,
Мен айрилдим ширин сўзли мардимдан,
Қийин савдо тушди унинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.
От устида ётар экан Сувонхон,
Етиб келди Орзигулнинг қошига.
От устида ётар экан тўраси
Қучоқ очиб тортиб олди тўшига,
От устидан кўтариб об Сувонни,
На бўлди деб, Орзи олди тизига.
Телмуриб қарайди гулдай юзига,
Сочин ёзиб, гул юзини ўйганди,
Гул юзига юзин элтиб қўйганди.

Орзигул ойим Сувоннинг камарини ечиб, совуғларини
олиб, ўқни тўшидан, икки ўқни қўлидан, ҳаммаси бўлиб
душманнинг саккиз ўқини баданидан олди. Жароҳат ер-
ларини яхшилаб боғлади. Шунда Орзигул орқасига қа-
раса, бир қанча душман от қўйиб келаётир. Шунда Ор-
зигул ярадор Сувонни қолдириб, унинг уруш кийим ва
қурулларини олиб, уст-бошларини кийди, ёр камарини
белига бойлаб, уруш асбобларини тақди, сочини бошига
туғиб, телпакни бостириб кийиб олди. Сувоннинг отини

миниб, ёвга қараб жўнади. Орзигул ўзича шу гапларни айтиб бораётган экан:

Ёмон кунда қизлар ёяр сочини,
Қаттиқ кунда сарф қилмайми кучини?
Яхши ёр олмасми ёрнинг ўчини,
Душман қарға, мен бўлайин лочини.
Қайнатайин душманларнинг қонини,
Мен олайин, Сувон марднинг ўчини,
Сувондан бўлайин доим хабардор,
Ёримнинг ҳуши йўқ, мен бўлай ҳушёр,
Душманлар қўлимда бўлсин хору зор.
Бу майдонда эркак-аёл баробар,
Ёринг учун ғайрат қилгин, диловар.
Орқамдан келибди душман — жодугар,
Оларман деб мендан бўлиб умидвор.
Қорахонга мен бўлгунча суяр ёр,
Отишиб, чопишиб ўлмагим даркор,—

деб, Орзигул, қўлида қилич, ёвга аралаша берди.

Остидаги минган оти
Душманига олиб кетди.
Оралагиб дол бедовни,
Етганини у қийратди.
Сувон тирик экан деб,
Душман қилди ғайратни,
Фаранги милтиқ тапир-тупур
Орзигул ойимга етди.
Орзигул ҳам қилич силтаб,
Қанчасининг бошин кесди.
Либоси ўғил, ўзи қизди
Ота-энадан ёлғизди.
Кўринг бу чўпон юлдузи.
Душманнинг бағрин эзди.
Уч кеча-кундуз урушди.
Қанча яроғ ўлжа бўлди,
Қўлида дастгир қиличи,
Етганин бошин олди,
Уч кечаю кундузда
Орзигул душманни қирди,
Олди душманидан ўчди.

Душман яна уч кун муҳлат сўради, Орзигулнинг аччиғи келиб, аввал рози бўлмади. Бироқ ярадор ёри унинг эсидан бир минут ҳам кўтарилган эмас эди. «Мен учун азоб чеккан ёрим ҳолидан хабар олишим керак» деб, душманга уч кун муҳлат берди. Душманлар орқага қайтди.

Орзигул Сувоннинг олдига бораётганида, Доно чўпон учради. Доно чўпон Орзигулга қараб бир сўз деди:

Уч кун бўлди мен ўйнаб-кулмайман,
Шундан бери мен тўрамни кўрмайман,
Сувонжонни букун сиздан сўрайман,
Мард йигитнинг ҳасратида йиғлайман.

Шунда Орзигул чўпонга қараб бир сўз деди:

Югурик эдим, тирноғимдан айрилдим,
Учар эдим, қанотимдан қайрилдим.
Бу ҳолимни сўрамагин, чўпонжон,
Бош эгаси, раҳбаримдан айрилдим.
Орзигул дер, дилда қолди армоним,
Усиз керак эмас жасадда жоним.
Оқтошнинг эгаси, беги, арслоним,
Бир суянган раҳбаримдан айрилдим.

Шунда Доно чўпон:—Менга Сувонжонни кўрсатинг,— деди.

Таёғини қўлидан ташлаб, биродари учун кўзини ёш-лаб, катта-катта қадам ташлаб, Орзигул билан Қушқанотга борди. Сувонжоннинг ҳолини кўрди. Доно Сувоннинг яраларини турли гиёлардан дори қилиб, бойлаб қўйди. Ўзи Сувоннинг ҳолини сўраб, қучоқлашиб кўришиб, бир сўз деди:

Бу ҳолатда мен бўлибман меҳмонинг,
Менинг жоним бўлсин сенинг қурбонинг.
Уч кун ёвга уруш қилди бу ёринг,
Жасадингда борми, тўражон, жонинг?
Бу савдога мен бўлибман ҳайронинг.
Ўз элингда сургин энди давронинг,
Тура келгин, дол бўйнингдан айланай,
Агар жасадингда бўлса жонинг.
Ойдаи юзинг тутди сени хуморинг.
Тургин, тўрам, от белига минайик,

Мардлик гайратини дилга олайик,
Ёв бошига балолар ёғдирайик,
Бирин кўзлаб, ўнин бошин олайик.

Шунда Орзигул чўпонга:—Оқтош элини биласизми?— деди. Чўпон:— Мен Оқтошни кўрган эмасман,— деди. Орзигул:— Шу минган отда ўн кишининг ақли бордир, деб хат ёзди ва отнинг эгарига бойлаб:— Бор, Оқтош элига, Султонхонга ушбу хатни олиб боргин,— деди. Орзигул ва чўпон иккиси отни дарвозага етаклаб, сўнгра қўйиб юборди. От Сувонхон олдига келиб тиз чўкиб, уни искаб, кўзидан ёш тўкиб турди. Чўпон отнинг кўнглидагисини билди ва Орзигулга:— Султонхон бу отга ўз ўғлини топширган, шу сабабдан бу ёлғиз ўзи Оқтошга қайтмайди,— деди. Шунда Орзигул:— Ундай бўлса, менда бир от бор, икковимиз минайик, душманларга урушгава солайик,— деди.

Чўпон «хўп» деб, таблага кириб, отни эгарлади, қилчини қўлига олди. Боғбоннинг отини Доно чўпон минди, Олмакўзни Орзигул минди. Орзигул Сувон ёрига қараб бир сўз деди:

Қайгу-алам букун тушди бошимга
Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшимга.
Ким соябон бўлар муштипар бошимга.
Шу ҳолингиз кирган эди тушимга,
Мен сизни ўхшатдим жиғадор қушга,
Худди шундай бўлиб келдинг, тўражон.

Қонингга бўялиб келдинг, қошимга,
Ҳеч қулоқ солмайсиз беқарор ишимга,
Ёмон савдо тушди менинг бошимга,
Оқ юзим ювилди кўздан оққан ёшимга,
Охиридан чўпон келди қошимга,—

деб, Орзигул чўпон билан биргалашиб, ёри билан ризолашиб, Сувонга тасалли бериб, иккови отга қамчи уриб, дарвозадан чиқиб жўнади. Иккови бирдай ёвга от қўйди. Душман буларнинг келаётганини билди.

Икки от дупирин қўшди,
Энкайишиб қамчилашди,
Тоғнинг данғирлагани,

Душман қулоғига етишди,
Улар ҳам жам бўлиб,
Шовқин солиб бақиршди.
Келди деб хаёли қочди.
Яқинлашиб икки тараф,
Жавобсиз қилди урушди,
Орзигул қамчилаб отди,
Қилични қинидан тортди.
Полвондай қиб санталатди.
Қочган душманига етди,
Боғ буғдойдай тиратти
Тўхтамайин югурик отти,
Ҳар ким дучор бўлса мардга,
Унинг ҳам ажали етди.
Қочган душманга оти етди.
Чўпон эса кўп ёрлашди,
Бир тарафдан кесиб бошди,
Иккови икки тараф сурди,
Душманнинг жазосини берди.
Кундуз бўлди, кеч бўлди,
Душман бир ерга зич бўлди,
Байроғини ярқиллатди,
Шоҳдор тигини бўшатди,
Тоғни жуда гумбурлатди.
Улардан чиққан дуд,
Қуёшнинг бетини тутди.
Дуч келганнинг куни битди.
Қиличнинг дамидан ўтди.
Икки кун чошка бўлган сўнг,
Сувонхон кўзини очиб,
Ақл-ҳуши жойига етиб,
Баландга чиқиб қаради.

Икки кун жуда қаттиқ уруш бўлди. Сўнгра, Сувонхоннинг ҳуши ўзига келиб, кўзини очди. Баландга чиқиб қараса, икки йўлбарс душманлар билан олишаётир. Бировининг — ёри Орзигул эканини билди. Иккинчисини танимади. Сувоннинг ғайратига ғайрат қўшилиб, пиёда жўнай, деб баландликдан қўлини кўтариб, ишорат қилди. Шунда Орзигулнинг кўзи Сувонхонга тушди ва отини қамчилаб Сувонхонга қараб жўнай берди. Орзигулнинг орқасидан бир тўда душман лашқари қувди. Чўпон қараса, Орзигул от қўйиб кетиб бораётир. «Муштипарнинг

ҳоли танг бўлгандир»,— деб Доно чўпон ўйлади. Орзи-гул ёрининг қошига бориб, бир сўз деди:

Сиз бир менинг қатордаги норимми,
Қир устида турган қора кўзимми,
Қоматингдан мендай ёринг айлансин,
Ҳам йскарга менинг тоза гулимми?
Майдонда от чопган менинг ёримми?
Худо қўшган менинг жуфти пойимми?
Мен айланай сенинг нарғиз кўзингдан,
Ҳам гавҳарим, ҳам бир менинг меҳримми?—

деб, кейинга қараса, тоғнинг остида жуда кўп лашкар пайдо бўлиб қолибди. Сувонхон отига миниб, Орзигулга:—Энди сен дамнингни ол!— деди.

Ғазаб билан миниб отнинг белига,
Илон тилли қиличин об қўлига,
Сира боқмай соғи билан сўлига,
Томоша қиб турди нозли гулига.
Ҳайдади киш-кишлаб ёвнинг зўрига.
Бу орада уруш бўлди,
Қирдан пастда юриш бўлди,
Ул тарафдан Доно келди —
Урталикда душман қолди.
Қиёмат кун у кун бўлди.
Етганини Сувон қирди.
Чўпон билан икковлашди,
Душман туриб қоча берди,
Олдига соб барин қувди.
Марднинг мақсади шулди,
Ёвнинг қочганин билди.

Ёвнинг лашкарбошлиқлари қочиб, Қорахон подшо-нинг чодирига бориб:— Тақсир, тез тараддуд қилинг, қочмоғимиз керак,— деб бир сўз деди:

Кўп сонсиз лашкар ўлди,
Бигта эди иккита бўлди,
Тура келинг, етиб келди.
Тирмашиб тоғнинг белига,
Кетмоқ керак бугун, тақсир,
Эй подшоҳим, тезроқ туринг,

Тушмай Сувоннинг қўлига,
Тезроқ отга мининг, тақсир,
Аъло билинг қутулмоқни.

Ана келиб қолди деб, тоққа қараб қоча беришди.
Подшо ҳам чодирини ташлаб, белини маҳкам бойлаб,
«Оҳ, ўлдим» деб юрагини доғлаб, кўзлари тепасига би-
тиб, отига шошилинич миниб, ёв бекларига араллашиб, бу
ҳам қоча бошлади.

Маст йигитлар аралашди,
Ядовлари пириллашди,
Ун икки минги қолган сўнг
Ҳар қайсиси ҳар ён қочди.

Икки ботир лочиндай бўп,
Уларнинг изидан тушди,
Қоронғи зулмат бўлиб,
Қувган ёвидан адашди.

Қочганини қувиб ўлдирмоқ мардликка тўғри келмас,
майдонда курашга чиққанини енгмоқ керак, деб Сувон
орқасига қайтди. Чўпон билан аҳвол сўрашиб келаётган
эди. Душман лашкаридан уч юз киши тоғ орасида қол-
ган экан. Чўпон ва Сувон булар қошидан чиқди.—Эл-
мисан, ёвмисан?—деб Сувон сўради.

Улар:—Эл турурмиз,—дедилар. Чўпон ва Сувон
буларни Орзигулнинг олдига олиб келди. Орзигул уч
юз кишининг ичида Ҳайдар совчини таниди, Сувонга
қараб бир сўз деди:

Шодмон кўнглим ғамгин бўлиб куймайман.
Муштипарман, шаҳар кезиб юрмайман.
Совчи Ҳайдар—Қорахоннинг иноғи,
Бошқасини танимайман, билмайман.
Қасдимизга келган сиз билан бизни,
Омон қўйманг бу юзлари қонсизни,
Тирик қўйманг, қўлин боғланг, тўражон,
Бу бизларга келган жосус—жонсизни,
Ҳушёр бўлинг, Оқтош элнинг полвони,
Дўст эмасдир Қорахоннинг шайтони.

Шунда булар:—Товба қилдик, бизлар то ўлгунча
сизларнинг хизматларингизда бўлайлик,—деб ёлборди-

лар. Шунда Сувон Ҳайдарбекни ўлдириб ташлади. Бутун ўлжа бўлган от, асбоо, уруш қуроқларини Қушқанотга йиғдирди.

Шундан сўнг Сувон, чўпон, Орзигуллар ёвни енгганликлари, соғ ва саломат қолганликлари учун, чўли-биёбондаги камбағалларни чақиртириб, уч кечаю-уч кундуз тўй бердилар. Келган камбағалларни от ва тўнли қилдилар. Сувонхон Доно чўпонни чақириб:— Сенинг отингни Бахтиёр қўйдим,— деб бир сўз деди:

Топширдим қўлингга Қушқанотимни,
Ёдингдан чиқарма менинг отимни,
Тўпхона анжомни сенга топширдим,
Доим олиб юрдинг ўнг қанотимни.
Осон қилдинг, менинг мушкул ишимни,
Мард йигитга тўғри қилмас ўлимни,
Сенга сўзим шудир, эшит Бахтиёр,
Мен топширдим Қушқанотдай юртимни.
Энди сеники Қушқанот қалъаси,
Энди ўзинг шу шаҳарнинг эгаси.

Сувон ёв-яроғини созлади, боғбоннинг отига Орзигул минди. Олмакўзга Сувонхон минди. Икки отнинг ўртасига Бахтиёр кириб, икки отнинг жоловидан ушлаб, пўлат дарвозагача етаклаб келди. Шу ерда Бахтиёр дўсти Сувонга қараб бир сўз деди:

Яккаликдан бутун кўзим ёш энди,
Кўраманми, кўрмайманми бўйингни,
То кўргунча, Сувон тўра, хўш энди!
Қорахон золимнинг бағри тош экан,
Неча қонхўр золимларга бош экан,
Охир бир кун золим Қора енгилар,
Ажал тўни қоматига тенг келар.
Ерга кириб, осмон чиқиб қутулмас,
Бир кун улар тузоғингга илинар.
Қоматингга фидо бўлсин танда жон,
Жондан ортиқ, азиз дўстим, хўш энди!
Қорахон золимнинг бағри тош энди,
Жондан ортиқ, азиз дўстим, хўш энди.

Сувонхон, Орзигул Бахтиёр чўпон билан хайр-хўшлашиб, бир-бири билан хабарлашиб туришга ваъда қи-

лишиб,— бу қўрғон, уй-жойларини сенга топширдим,
дўстим,—деб, Сувон ва Орзигул Оқтошга жўнаб кет-
дилар. Бахтиёр уларнинг орқасидан кузатиб анча вақт-
гача қараб қолди.

Орзигул ойим бир байт айтиб, от чопишиб бораётир;

Боқмадинг соғу сўлингга,
Мен ошиқман кокилингга,
Бир гулман, тушдим қўлингга,
Ҳайда, айланай элингга.
Димоғим чоғдир баҳрингга,
Душман чидамас заҳрингга,
Бир ойим сиздан садаға,
Ҳайда, садаға, шаҳрингга.
Қойилман қилган ишингга,
Муносиб қордай тўшингга,
Нозли дилбар парвонадир,
Ҳайда, тўрам, Оқтошингга.
Озод бўлдик ёв қўлидан,
Ўргулсин ёрнинг тилидан,
Умидвор қизи, ўғлидан,
Қутулдим золим қўлидан,
Ҳайда, айланай, юртингга.
Орзигул дер, гул юзлигим,
Менман кўзлари сузлигим
Қўлингга таққан узугим,
Қойилман бурро тилингга,
Орзигул сиздан ўргулсин.
Энди отнинг жиловини,
Бориб тўхтатгин элингга.
Ўзини билган доноди,
Ёр гапига гул-гул ёнади,
Ишқ ўтидан девонади,
Ол-ҳалаб бегижон жўнади.
Остида иккови дилгирди,
Сойи-қир балқиб ирғирди,
Ҳамройи Орзигулди.
Пирим, деб, мардлар жўнади,
Қир келганда қиялатиб,
Жар келганда жаналатиб,
Баландга ўмганлатиб,
Кечаси бўлди, тонг отди,
Уйқуси қобоққа қотди,

Иккови ҳам тиндирмайди
Остида арғимоқ отди.
Узанги асл тилладан,
Кечаси бўлганда,
Ойдай қилиб ярқиллатди.

Орзигул ва Сувонхон йигирма уч кеча-кундуз йўл тортиб, Қушқанот қўрғонидан Оқтош элига келиб етдилар. Сувон ўзига: «Кетар чоқда отам мендан кўп хафа бўлган эди. Энди тўсатдан кириб борсам, яхши бўлма-са керак», деди, сўнгра Орзигул билан бирга Ҳамро дарвозабонниқига борди. Дарвозабонниқида бир кеча қўнди. Эртаси бутун камбағалларни йиғиб, меҳмон қилди. Сўнгра, шу жойда бир ҳовли бино қилмоқчи бўлиб, дуррадор, усталарни йиғдирди. Икки ойда қирқ зинали бино солдирди. Шаҳардан энг яхши молларни келтириб, уйни тузади. Орзигул ва Сувон шу бинода яшай бердилар.

Эндиги сўзни Қорахон подшодан эшитинг: Орзигул ва Сувонхон билан бўлган урушдан енгилиб, зўрға қочиб қолгандан сўнг Қорахон подшо бошқатдан лашкар тузиб, Қушқанотга ҳужум қилмоқчи бўлди. Бундан хабардор бўлган Қорахоннинг бош вазири:— Эшитишимга қараганда, Сувон ва Орзигулларнинг Қушқанотдан кетганларига бир йил бўлибди. Бекорга лашкар тортиб, овора бўласиз. Агар менинг сўзимга юрсангиз, бошқа бир макр-ҳийла йўлини тутинг!— деди. Шунда Қорахон:— Қани ҳийлангни айт-чи, эштай, маъқул бўлса қилайлик,— деди. Бош вазир сўз бошлади.— Ғазнадан қирқ хачир тилла оласиз; хуржунга солиб, хачирга ортасиз, юртингизнинг отини Қайрағоч, ўз исмингизни Оллоёр қўясиз ва Оқтош элига бориб, бир амаллаб саройга кириб оласиз.

— Зангар мамлакатидан душман келиб, Қайрағоч шаҳримни қўлимдан олди. Кўп халқим урушдан ўлди. Ярим оқшомда мен зўрға қирқ хачир тилламни олиб қочиб қолдим. Сизлардан ёрдам сўраб, Оқтош элига келдим, дейсиз,— деди.

Шунда вазирнинг гапи Қорахонга маъқул тушди. Ғазнадан тилла олиб, қирқ хачирга ортди. Ўзига ўн бир кишини ҳамроҳ қилиб, қирқ бир кун йўл тортди. Ни-

ҳоят, қирқ биринчи куни Оқтошга етди. Хачирларни тўж-
татди. Шу вақтда обгардон, капгир кўтариб, бир ош-
паз келиб қолди. Қорахон ошпаздан қаерга, нима учун
кетаётганини сўради. Шунда ошпаз:— Сувонхон тўрамирз
бир ўғил кўрган экан, шунинг тўйига кетаётирман деди:

Қорахондан олган экан ўчини,
Қушқанотдан олган тили чучини,
Сувоннинг таърифини айлайин,
Бисёр билгин унинг қатор норини.
Бешиктўйи қилиб, энди сўярмиш.
Саксон нору, уч минг қўй-эчкини,—
Чақиртирармиш элнинг барини,
Оқтош элда шундай тўйи бор,
Сувон отли мард аждаҳорини.

Шунинг тўйига боряпман деб, отига бир қамчи уриб жў-
наб кетди. Оллоёр ўзича: «Орзигулнинг Оқтошга келга-
ни рост экан. Менинг севганимни олган йигитнинг номи
Сувонхон эди»,— деб ранги ўчиб, хаёли қочиб, Оқтош-
нинг подшолик салтанатидан қўрқиб, шаҳарга кириб
борди. Шаҳар ичидаги бир саройга тушди. Саройбонга
қараб Қорахон бир сўз деди:

Ғарибнинг кўнглида неча ўй борми?
Бир мусофир савдогар келди элингга
Савдогарлар қўнадиган жой борми?
Фирибгарнинг қўлда бўлар ҳийласи
Қайрағочнинг менман ақли расоси
Сўзни қисқа қилай отим Оллоёр
Қирқ хачирга ортилгандир тилласи,
Бу шаҳарга паноҳ тилаб келдим ман,
Хизматга олурми элнинг эгаси?

Саройбон жой кўрсатди:— Ҳар нима истасангиз бу
ердан топилади, хизматга олиш-олмаслик ихтиёри сул-
тонда, қўнсангиз, бу жойнинг ихтиёри мендадир,— деди.

Қорахон қирқ хачир тиллани гул супанинг устига ту-
ширди. Саройбондан икки қоровул сўради.— Менинг
келганимни ўғрилар билмасин,— деди.

Саройбон бу юзида қони йўқ савдогарни подшога
маълум қилай, мабодо қопларида тилла бўлмай, тухмат-
чи бўлиб чиқмасин деб, икки ўғлини султонга юборди.

Болалар чошиб келиб, подшога рўпара бўдилар. Подшо:— Нима арзинг бор?— деб болалардан сўради. Катгаси:— Отам сизга юборди. Бир тарафдан бир савдогар келиб, бизнинг саройга тушди,— деб подшога қараб бир сўз деди:

Арзимни эшитинг, элнинг султони,
Яхши одам бўлур элнинг қурбони,
Бу саройга келиб қўнди бир киши,
Отамизнинг бўлиб келди меҳмони.
Шу сабабдан отам сизга юборди,
Тағин бўлмасин, деб хоннинг душмани,
Юзига қараса отам — саройбон,
Оқариб кетибдир, ҳеч йўқдир қони.
Гумонсираб шу сабабдан келгандир,
Саройбоннинг икки чаққон ўғлони.
Душман бўлса унинг корин қиласиз,
Қошингизга чақиртириб келасиз,
Агар ғаним бўлса, дорга иласиз,—

деб, болалар таъзим билан чиқиб кетдилар. Шунда Султонхон икки ясовулбошини қошига чақириб деди:

Боринг, беклар, тўғри Гулбан саройга,
Бир савдогар келган эмиш у жойга.
Ҳар на ортганини бориб биласиз,
Маълум қилиб, менга хабар қиласиз.
Ортганини дарҳол, менга билдиринг,
Душман бўлса, молин талов қилдиринг,
Дўстим бўлса, ўз қошимга келтиринг.

Ясовулбошилар тезда Гулбан саройга етиб келдилар. Саройбондан чақириб келган савдогарнинг ким эканини сўрадилар. Саройбон Оллоёрни кўрсатди:— Шу киши қирқ хачирга тилла ортиб келди,— деди. Ясовуллар Оллоёр олдига бориб:— Сиз қаердан келдингиз? Қайга борасиз? Биз ҳозир сиздан бож олгани келдик,— дедилар. Шунда Оллоёр:— Бу тиллаларнинг ҳаммаси менга керак эмас. Агар бу тиллаларни подшо ғазнасига солиб, менга бир хизматни лойиқ кўрсалар, яхши бўлар эди,— деди. Шунда ясовулларнинг бож солишга ҳақлари бўлмай қолди. Тилланинг атрофига тўрт қоровул қўйиб:— Бу ишлар подшонинг фармони билан бўлади,— деб Ол-

лоёрни подшонинг қошига олиб келдилар. Подшо Оллоёрга қаради ва ўзига муносиб кўрмади.— Сен қаерли бўласан?— деди.— Тақсир, мен Қайрағоч элидан келдим. Зангардан душман келиб, Қайрағочни олди. Мен зўрға қочиб қолдим. Сиздан ёрдам истайман.

Ўз элимда менинг кўнглим қабарди,
Қўлимдан бой бердим шундай шаҳарди.
Паноҳ тилаб энди келдим сизларга,
Отим Оллоёрдир, ортганим зарди.

Ҳеч билмайман макр билан ҳийлани,
Энди мендан сиз эшитинг қалмани,
Оллоёрнинг кетди қўлдан даврони,
Шу сабабдан ўчди рангимнинг қони.

Султонхон Оллоёрнинг сўзига инонди. «Мени раҳбар билиб, паноҳ тортиб келган экан», деб суюнди. Султонхон бутун амалдорларини чақирди. Ун тўққиз муҳрдор ҳам ҳозир бўлди.— Энди Оллоёрнинг тилласини газнага солмоқ керак. Бизларга бўйин эгиб келган кишини дўст билмоқ керак. Ўзига бир яхши амал бериш керак,— деди. Султонхон Оллоёрга:— Мендан паноҳ тилаб келган бўлсанг, қани, бир амал танла!— деди. Шунда Оллоёр:— Э, тақсир, мени мирохўр қилинг. Мен шу отингиз остида ўлай,— деди. Султонхон:— Бу иш сенга лозим эмас,— деди. Оллоёр:— Агар менга яхши ишни лойиқ кўрсангиз, у вақтда шу ўн тўққизта муҳрдор тепасидан бошлиқ қилиб қўйинг,— деди. Подшо рози бўлди. Ун тўққизта муҳрдор тепасидан бошлиқ қилиб қўйди. Шундай қилиб, Оллоёр саройда ишлаб юраверди. Ахтариб излаган кишисини тополмади. Орзигулдан бир нишон кўрмади. «Бу юришимдан фойда йўқ. Орзигулнинг турган жойини билмоқ керак», деб Султонхон олдига салом бериб кирди. Султонхонга қараб Оллоёр бир сўз деди:

Ободдир, зебодир Оқтош элингиз,
Ажойиб гўзалдир бу мазгилингиз,
Бемалол бўлса, сиздан сўрайин,
Борми сизда ўринбосар ўглингиз?
Урушда панд берар отнинг майиби,
Мен бўлганман сиздай шоҳнинг нойиби,
Ўглингиз борми, сиздан сўрайман,

Сўраганнинг сира йўқдир айиби.
Эшитаман тўқсонча бор қалъангиз,
Пеш хизматга тайёр турар тўрангиз,
Э, султоним, бир кун кетсанг Оқтошдан,
Борми сизда ўринбосар болангиз?

Бунда Султонхон:— Бор боламни йўқ демай! Ҳам ўғлим, ҳам қизим, бирдан-бир ёлғизим, сув тагидан чиққан қундузим — Сувон деган чўлпон юлдузим бордир. Мен шунга суянгандирман,— деди. Шунда Оллоёр айтди:— Э Султоним, менинг келганимга бир қанча вақтлар бўлди, шундан бери бирор марта сизнинг олдингизга келиб салом берганини кўрганим йўқ-ку? Қандай беадаб бола,— деди. Шунда Султонхон:— Қушқанотдан бир ёр олган. Шу билан бир бўлиб кетган,— деб бир сўз деди:

Қушқанотга беш кун муҳлат олганди,
Қирқ олти кун мендан пана бўлганди.
Шу дилбарнинг гапига у кирганди,
Бу йил, билгин, бир ярим йил бўлганди.
Шундан бери болам келмас саломга,
Мен, олма, деган ёрни олганди.
Билмам шунда мендан кўнгли қолганди
Никоҳига жилва дардни солганди,
Қушқанотдан Орзигулни олганди,
Шундан бери кўзнинг ости қилганди.
Унинг билан ўз кайфини сурганди.
Худо менга шу Сувонни берганди,
Ун олти ой бўлди ёрин олгани,
Интизор отаси юзин кўргани,
Шундан бери ҳеч саломга келмайди.
Қариганда доғлар қўйиб танамга,
Кўп вақт бўлди ташнадирман боламга.
Ҳеч кўрмадим Сувон отли боламни,
Қариганда Султонга бу иш қабоҳат,
Қабоҳатдан ўтиб бўлдим мен диққат.
Ун олти ойдан бери қўймади,
Сувонхонга теккан ўша паризод.
Интизорман мен уни бир кўргани,
Борма деб ўргатган, севиб олгани,
Гапига киргандир Орзигул ёрин,
Сабаб шу, кўрмайман Сувон тўрани.

Бу сўзни эшитиб Оллоёр:— Э султоним, элингизда бирорта ақллироқ одам чиқиб, сизни Сувон ўғлингиз билан яраштириб қўймабди-да. Сувонхоннинг турадиган жойини биладиган бир кишини менга ҳамроҳ қилинг. Мен Сувонни олиб келаман,— деди. Бу сўздан Султонхон хурсанд бўлди. Бир кишини Оллоёрга ҳамроҳ қилди. Оллоёр Сувонхонникига борди. Сувонхон ёронлари билан ўтирган эди. Тилла камарли бекларга кўзи тушди. Ёронлари келган бекларнинг отини бойлади. Отамнинг хизматчилари келди деб, кўпдан-кўп сийлаб, тагига кўрпачалар ташлаб, олдига дастурхон ёзиб, тўққиз хил таом қўйиб, яхши меҳмон қилди. Сувонхон Оллоёрга қараб бир сўз деди:

Бугун беклар, алай бўлсин, ол бўлсин,
Икковингнинг ризқи-рўзинг мўл бўлсин,
Салтанатли беклар, сиздан сўрайман,
Доно беклар, сипойилар, йўл бўлсин?
Кўкариб лолалар фасли гул бўлсин,
Суйганларинг қўш кокилли ул бўлсин.
Оқтошнинг эгаси, сиздан сўрайман,
Пеш хизматли беклар, сизга йўл бўлсин.
Баҳор бўлса, чайқалганлар кўл бўлсин,
Чечанликда сўйлар бурро тил бўлсин,
Сувон ботир, мен сизлардан сўрайман,
Хос салла ўраган хонлар, йўл бўлсин?

Шунда Оллоёр қамчисига суяниб, Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Оқтошнинг эгаси мени юборди,
Сизни кўрмоққа кўп интизорди,
Нима учун бу кўнглингиз қабарди?
Юринг, тўрам, хоним сизни чорлади,
Ўғлим, дебон хуноб бўлиб йиғлади,
Қайтиб сизга хон гуноҳкор бўлади?
Ҳар ким нодон, ота қадрин билмаса,
Доно отасидан бўлак бўлмайди.
Ота фарзандини ёмон кўрмайди,
Оралиққа тушиб келдим Оллоёр.
Отга мининг, дол бўйингдан аждаҳор,
Ўғилга бўлмайди ота гуноҳкор,
Орага тушибман бўлиб донакор.

Бу сўзларни эшитиб, Сувон фикрга кетди. «Ақли бор экан, кўп чечан киши экан».— Гапингиз маъқул,— деб Сувон ўрнидан турди. Отини эгарлаб, Оллоёр билан бирга отаси Султонхон қошига салом бериб келиб кирди. Султонхон ўғлининг бўйнидан қучоқлаб: «Бир ёлғиз фарзанд ҳам кишини шунча ўзига интизор қиларми?»— деб бир сўз деди:

Не сабабдан менинг қадрим билмадинг?
Кенг давлатда, Сувон, ўйнаб-кулмадинг,
Ўн олти ой бўлди, қўзим, кетганинг,
Бирор кун ҳам ҳеч саломга келмадинг.
Қариганда менинг қаддимни буктирдинг,
Қомат, бошим мени бунча чўктирдинг,
Кўздан ёшим мени доим тўқдирдинг,
Сабаб надир, бир саломга келмадинг?
Бундан буёқ кунда келиб кета бер,
Султонхон отангни қилма интизор,—

деб, Султонхон ўғлини бағрига босди. Сувонхон отасининг соғинганини билиб бир сўз деди:

Ота сен, улуғим, яхши биламан,
Босган изинг мен зиёрат қиламан.
Улуғим, раҳбарим, энди йиғламанг,
Ҳар кун сизнинг олдингизда бўламан.
Сувон дейди, орқангиздан тўраман,
Ўлмасам жаҳонда даврон сураман,
Менинг учун ғам тортманг, отажон,
Ҳар кун саломга келиб тураман.

Энди сўзни Оллоёрдан эшитинг. Оллоёр бир кун Султонхон қошига кириб:— Эй тақсир, сизнинг шундай баркамол ўғлингиз бор экан. Менга Қайрағоч шаҳримни зангарли душманлар қўлидан олиб берсангиз. Ўз шаҳримга эга бўлгач, сизга тобе бўлиб, ўлпон, бож-хирожни сизга етказиб тураман,— деди.

Шунда Султонхон ўғлига:— Бор, ўғлим, «элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат»,— деганлар. Қайрағоч элини душманлардан қутқариб келайлик. Эртага эрта билан от-яроғингни олиб кел,— деди. Сувон-

хон: «Хўп» деб қайтиб, бу воқеани ёрига билдирмади. -
Эртаси эрталаб тонг отарда совут-қалқонини тараддуд
қилиб эди, Орзигул хавфсираб, бир сўз деди:

Гул юзима мен рўмолни ўрайман,
Ошиқликка аввал-охир ярайман,
Ҳозир боқиб тарзингизга қарайман,
Бориш жойингизни сиздан сўрайман.
Булбулнинг ошиғи қизил гул бўлар,
Меҳр тортиб икки ошиқ бир бўлар,
Букун боқсам, тараддингиз зўр бўлди,
Дол бўйингдан мендай ойим ўргилур.
Аждаҳосифатли сизга йўл бўлсин?
Йўл бўлсин, раҳбарим, бегижон,
Орзигул дер, кетиш ёғиз билмайман.
Букун сиздан хафа бўлиб сўрайман,
Гапирсангиз, қулоқ солиб англайман,
Оқтошнинг тўраси қайга борасиз?

Шунда Сувонхон:—Мен Қайрагоч шаҳрига бора-
ман,—деди. Шунда бешикда ётган, тўққиз ойлик боласи
Дилмурад чинқариб йиғлади.

Сувонхон тўхтаб:—Фарзанд қандай яхши! Юракнинг
мойидан, кишининг меҳри жойидан бўлур. Кўрар кўзим-
ни йиғлатма,—деб Орзигулга қараб бир сўз деди:

Менинг билан мунча сўзни қилгунча,
Бешикдан ўғлингни олсанг бўлмайми?
Бешикда у қон бўлиб йиғлайди,
Ёш гўдакка сенинг раҳминг келмайми?
Тез боргин сен бешикка суяниб
Оғзига маммангни сосанг бўлмайми?
Қўл-оёғин ҳеч бўлмаса ешиб қўй,
Уни сен бағрингга олсанг бўлмайми?
Шудир сенинг бу жаҳонда эрмагинг,
Лозим турур мендан олдин кўрмагинг,
У йиғласа, сутга тўлар кўкрагинг,
Қор сутингни раво кўрсанг бўлмайми?

Орзигул ўғлини бешикдан ешиб олди. Духоба кўрпа-
чага ўраб, гулдай юзига қараб, бағрига босди. Бола сира
эммади. Йиғлайверди. Шунда Сувон ўғли билан ёрининг

қошига келди. «Киши фарзанд кўрмагунча, ота-энанинг қадрини билмас экан. Бунинг йиғлагани учун юрагимга олов тушди. Отам менга ҳам шундай куйгандир», деб ўғлини қўлига олиб, бир сўз деди:

Отам қадрин энди мен ҳам биламан,
Босган изин мен зиёрат қиламан,
Бола бўлар жондан азиз кишига,
Йиғлама, Дилмурод, дарров келаман.
Сутинг эммай, гул юзимга қарайсан,
Не савдони, болам, ёмон англайсан?
Кўзда ёшинг, болам, мунча йиғлайсан?
Не гап бўлди, чириллайсан, тинмайсан?
Йиғлама, Дилмурод, дарров келаман.
Бўса олиб сенинг қизил юзингдан...

деб, Дилмуроднинг юзидан ўпиб, хотинига тайинлаб: учарга қанотим, менинг бу қувватимни йиғлатмагин,— деб, ўрнидан туриб кетаверди. Шу вақт отасига қараб Дилмурод бир сўз деди:

Болам дейсиз, ота, ширин тил билан,
Ўйнашасиз доим нозли гул билан,
Ишингиз йўқ, хотин билан, ўғил билан,
Кетмоқчисиз қаёққа сиз йўл билан?
Биз қоламиз бу кулбада ким билан?
Кеча чошка вақти келган меҳмонинг,
Ота, аниқ билгин, сенинг душманинг,
Бу шикорга кетсанг энди, отажон,
Қўлдан кетар мана суйиб олганинг,
Бу тўғрида мен қиларман ноламни,
Қаттиқ кун бор учун тўқдим жаламни,
Сиз кетсангиз, мени душман йиғлатиб,
Олиб кетар менинг туққан онамни.

Йиғлагани бежиз эмас ўғлингни,
Жосус келиб оралади элимни,
Қулай келса, ташлаб мендай ўғлингни,
Қон йиғлатиб олиб кетар гулингни.
Ҳеч ким эшитмайди бундай зорини,
Киши ташлаб кетмас сира ёрини.

Қон йиғлатиб ташлаб кетсанг, отажон,
Сизни тутар ўғил, ёрнинг куяси,

Мени десанг, зинҳор кетма, отажон,
Ғариб бўлмасин Оқтош элида
Сиздайин тўранинг эрка боласи.

Бу сўзни эшитиб, Сувоннинг ранги ўчиб, хаёли қочиб, отаси қошига борди. Султонхон ўглининг ранги ўчиб, қони қочганини билиб:—Қандай хафалик сенга рўй берди? Нега юзинг сарғайди? Нега ғамгин кўринасан?—деб сўради. Шунда Сувонхон:—Э ота, тўққиз ойлик неварангиз менга кўп гапларни айтди, —деб Дилмуроднинг сўзларини бир-бир баён қилди. Шунда Султонхон:—Бўлмаса, ўғлим, сен қолақол, мен ўзим лашкар тортиб бориб, душманнинг додини бериб келай,—деди. Шу вақт Оллоёр ўрнидан тура келиб, подшога бир сўз деди:

Аёлнинг кўп бўлар макр-ҳийласи,
Ҳеч сўзларми тўққиз ойлик боласи?!
Ақл билан ўйланг, юртнинг эгаси,
Бу фирибни ўргатган сочли мулласи.
Яхшининг кўнглида бўлмас ғубори.
Бовар этманг бу Сувоннинг сўзини,
Гапирди деб шу нораста қўзини,
Боргиси келмаган хоннинг ўзини,
Борса борар эди Сувонхон ўғил,
Кўзи қиймас ўрдадаги Орзини.
Ўгайми сизга, ё тувғон болами?
Тувғон бўлса, шунча шумлик қилами?
Фаросат қинг, қулоқ солиб, Султоним,
Тўққиз ойлик бола тилга кирами?

Подшо фикрга чўмиб, Оллоёрнинг сўзини ростга чиқарди. Султон Сувонхонга қараб:—Мен сенинг ёрининг гапига кирганингни биламан. Тез бориб сафарга тайёрланиб кел! Сен ва мен лашкар тортиб Қайрағочга борамиз,—деди. Сувонхон хафа бўлиб, уйга қайтди. Оллоёр:—Тавба, ўғил ўстириб, ота хизматда бўлса, бу қандай гап?—деб қўйди. Оллоёр:—Сувонхон билан мени ҳамроҳ қилсангиз қандай бўлар экан?—деди. Султонхон:—Илон чаққан киши ола арқондан қўрқар, сен ўша юртингни олган душманларни кўрсанг, юрагинг ёрилиб ўласан,—деди-да, лашкарларни тўп-тўпхонаси билан йиғишга буюрди. «Сувонхон билан бориб, сенинг юртингни душман қўлидан олиб берай», деб ваъда қил-

ди. Султонхон Оқтошнинг вақтинча подшолик ихтиёрини Оллоёрга топширди.— То мен келгунча, Оллоёрни ўз элимга эга қилдим, халойиқ ва беклар бунинг амридан чиқмасин,—деб подшо тайинлади. Булар уч кун тайёрлик кўриб, сўнгра Султонхон, Сувонхон неча минг лашкар тортиб, Қайрағоч элига жўнаб кетдилар.

Оллоёр ўша кун бозорга бориб, кишини беҳуш қи адиган дори ва уч чорак чакчак олди. Бир дурадгор устага қирқ зинали нарвон ишлатди. Сўнгра, устани ўлдириб, қудуққа ташлади. Ўз қўли билан хамир қилиб, беҳуш қиладиган дориларни мой ва хамирга қўшиб, пишириб олди. Тунда, ҳамма ухлаган чоқда шаҳардан ташқари чиқиб, Орзигулнинг кўшига келди. Бу нақшли иморат тепасига нарвонни тикка қилиб қўйди. Ҳар зинада пойлаб, оёғини авайлаб, шумликни ўйлаб, томнинг устига чиқди. Томнинг мўрисида қаради. Орзигул бешикка суяниб, боласини эмизиб ўтирганини кўрди. Бояги дорили овқатдан бирини ташлади. Орзигул, бу нима экан деб, қўлига олди. Овқат эканини билиб, оғзига солди. Ажаб таом экан, деб еяберди. Шу билан Орзигул ҳушидан кетди. Оллоёр эшик тарафдан Орзигул ётган ерга келди. Шу вақт Дилмурод ола кўзли кишини кўрди, қўрқиб тепиниб, йиғлайверди. Орзигул ўзини билмай, боласини қўлига олиб, эси кирарли-чиқарли бўлиб, Дилмуродни аллалаб бир сўз деди:

Ораласам, чарвоғим, алла,
Бўйнимдаги мунчоғим, алла,
Ўйнасам, овунчоғим, алла.
Сен-ку, боғу чарвоғим, алла,
Қўлимдаги қўзичоғим, алла,
Ўйнасам, суйгунчоғим, алла.

Алла, дейман, Дилмурод,
Жоним олсин фароғат,
Ором олиб бир соат,
Алла, қўзим, аллаё-алла.
Алла, болам, алла,
Жоним, болам, алла.
Икки кўзим, алла,
Ширин сўзим, алла.
Юм, кўзингни, юлдузим,
Юмгин, кўзингни, юлдузим.

Алла, алла деганда,
Йиғлаб ўтар кундузим,
Алла болам, бахти бор,
Ҳар нарсанинг вақти бор.
Жоним болам, алла,
Ширин болам, алла,
Икки кўзим, алла.

Алла қилсин болам-а,
Уйқудан ором олсин-а,
Алла болам деганда,
Жимгина ухлаб қолсин-а.
Алла болам, аллаё,
Икки кўзим, аллаё.
Келаётган шалпангқулоқли, алла,
Куйдирмагин димоқни, алла,
Шалпангқулоқ келса агар, алла,
Тишламасин оёқди, алла.
Келган бобонг эшакди, алла,
Душманинг бобонг билмасин, алла,
Довушингни ул англаб,
Тиллакорга келмасин, алла.
Отанг кетганди ташлаб, алла,
Мунча йиғлайсан янғшаб¹, алла.
Банди бўвним бўшатма, алла,
Алла, дейман, Дилмурад,
Йиғламагин бир соат,
Хосхоналик бобонг келса,
Бўлар менга қиёмат.
Орзигулдир, жон фарзанд,
Ухла, болам, бир соат
Жоним олсин фароғат.
Алла кўзим, аллаё, алла!

Шу алла билан Дилмурад энасининг кўкрагига оо-
шини қўйиб, ухлаб қолди. Уйнинг ичи тинчлангандан
синг, Оллоёр ичкари кирди. Дилмурад уйғониб, золим
Оллоёрға қараб бир сўз деди:

Булбул каби бугун сенга сўйлайин,
Ётган боланг—мен набиранг бўламан.

¹ Янғшаб — дод деб, чириллаб йиғлагани.

Қиз туғса момамни сўймоқчи бўлдинг,
Шунда момам туққан эди шу қизни,
Ҳақиқат фарзандинг, бобо, бу сизни.
Хўп биламан мени қўлга оласан,
Маълум менга, билганингча қиласан,
Ахир сен ҳам шу ҳасратда ўласан,
Ётган боланг, мен набиранг бўламан.
Момам сарф айлади шунда пулини,
Эрназар боғбонга берди қизингни,
Ўғил туғдим деб, алдаганди ўзингни,
Мен тирик, энамга урма қўлингни.
Ишқ ўтида ташлаб келдинг элингни,
Қайтиб раво кўрдинг жону дилингни,
Менинг отим булар қўйди Дилмурод
Ўйла, бобо билгин бордир қиёмат
Ул қизингдир, мен набиранг бўламан.
Аввал кесгин элтиб менинг бошимни,
Олис ерга ташла элтиб лошимни.
Мен тирикман қўлинг урма энамга,
Оқизмагин, бобо, кўздан ёшимни,
Ётган—боланг, мен набиранг бўламан.

Шунда Оллоёр боланинг тирсагидан ушлаб, қўйнига босиб, товуши чиқмасин деб, бўйнидан бўғиб, пастга олиб тушиб кетди. Оллоёр Дилмуродни чорраҳа жойга, чуқур бўйида ерга ташлади. Бола товуш чиқариб йиғламоқчи бўлган эди, оғзини ушлаб, пичоқни қинидан суғуриб, икки қўлини оёғи орасига олиб қисиб, пичоқ билан бошини қаттиқ ярадор қилди. Мушки-анбар кокилини қизил қонга бўяди. Дилмуродни қўлидан ушлаб, чуқурга ташлади. Беш панжасини Дилмуроднинг қонига бўяб олди. Орзигул қошига чиқди. Ёстиқнинг тагига пичоқни қўйди. Қонли қўлини Орзигулнинг баданига нишона қилди. Ўзи пойтахтга жўнади. Дилмурод энасини ёдига олиб қичқириб, шу сўзларни айтаёттир:

Эна эдинг менга бўлиб меҳрибон,
Гарданимдан келиб душман олди қон,
Ташлаб кетди, отам мени Сувонхон,
Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.
Қўтарардинг, жамолимга тўймасдинг,
Қўзичоқ деб, юзларимга тўймасдинг,
Учунар деб, ёлғиз уйга қўймасдинг.

Мени ташлаб ҳеч бир ёққа кетмасдинг.
Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.
Ҳушга келиб, сўнгра мени биласан,
Йиғлаб келиб жасадимни топасан,
Ғанимат деб, гул бетимдан ўпасан,
Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.
Истасанг мени қайдан топарсан,
Яккаликда Оқтош элда йиғларсан,
Ҳар тарафга энди чопиб борарсан,
Қимни кўрсанг ҳам эланиб йиғларсан,
Оқ сутингни қора ерга соғарсан,
Отам келса, не жавобни берарсан?
Дилмуродни энди қайдан топарсан?
Бу ҳолимдан хабар олгин, энажон!

Ўйнатардинг, кўтарардинг қўлингга
Қиёмат савдолар бўлди ўғлингга,
Якка бошим мусофир бу элингга,
Мусофирдан хабар олгин, энажон.

Қилолмадим сизминан кенгашим,
Қулоғингизга борармикан нолишим,
Хасталикдан кўп чиқмади довушим
Энамсиз раҳбарим муштипар
Ҳозир-ку ярадир жасатда бошим,
Дилмуродни энди қайдан топарсан?!
Бу ҳолимдан хабар олгин, энажон!

Дилмуроднинг товуши Орзигулнинг қулоғига кириб, ўрнидан туриб, чироқни ёқиб, уй ичи ва атрофни қаради, боласини тополмади. Чироқни қўлига олиб, қирқ зинадан тушиб, кўшкенинг тегларини ҳам қаради. Ҳеч нишон толмади. Орзигул ўз кўнглида «қайнанам канизларини юбориб, Дилмуродни олиб кетгаймикан?», деб шаҳарга чопди. Орзигул сарой дарвозасини қоқди. Қайнанаси канизакларига буюрди:—Боринглар, дарвозадан хабар олинглар, бемаҳалда келган ким экан? Канизаклар дарвозага келдилар. Орзигул канизакларни кўриб, уларга қараб боласини сўради:—Агар ҳазиллашиб ўғлимни олган бўлсаларингиз, чиқариб беринглар. Канизлар:—Э, Орзигул, ҳазилингни, чинингни? Термулиб кўшкига қарайсан, хафа бўлиб йиғлайсан, бу ерга келмаган фар-

зандингни биздан сўрайсан. Узингни ўзинг бевақт мушт-
лайсан .Фарзандингни сўраб, мунча кўзингни ёшлайсан?

Бу саволни бориб айтай бувима.
Дилмуроддан айрилганга ўхшайсан,—

деб, канизлар чопишиб, кўшкига кириб, Сувоннинг эна-
сига маълум қилдилар. Шунда Омоной каниз бир сўз
деди:

Орзигулинг ташқарида йиғлайди,
Кўзида ёши қатор бўлиб тизилди,
Йитирибди ўглингизнинг ўғлини,
Кўчаларда боласини излайди.
Омоной дер қулоқ солинг зорима,
Раҳмим келди шу муштипар кўнглина,
Ёмон савдо тушди дейди сарима.
Келса нима дейман,—дейди ёрима?
Боласидан айрилганга ўхшайди,
Ўксиниб йиғлайди келиб ёнима,
Тез жойингдан тургин дейман, ой бувим.

Шунда Омоной бувиси билан Орзигул қошига кел-
ди. Йиғлаб турган Орзигулга қараб қайнараси бир сўз
деди:

На шумликни, қизим, бундай ўйладинг?
Кўчаларда на деб, кимга сўйладинг?
Бу бошингдан рўмолингни ташладинг,
Бизга келиб тўхмат қилиб, йиғладинг,
Канизлардан йўқ болангни сўрадинг,
Боламнинг боласи чироққинамни,
Айтгин, қизим, Дилмуродни найладинг?
Дилмурод кўзимни қайга ташладинг?
Мен турурман у гўдакнинг момаси,
Сен турарсан норастанинг энаси,
Нима бўлди кўзичоғим гуноси,
Дилимнинг қуввати, жонни найладинг?
Сувонхоннинг қадди-бошин букдириб,
Ҳасрат билан кўздан ёшин тўкдириб,
Ёш ўғлоннинг кўнглин пастга чўкдириб,
У кокилдор мададкорни найладинг?

Бу сўзни эшитиб, Орзигул қайнарасига қараб бир сўз
деди:

Қиёмат савдолар тушди бошима,
Кулоқ солинг бу менинг нолишима,
Бир душман келгандир шу Оқтошима,
Ошиқ эди у бир қалам қошима,
Толпинган боламни шунга олдирдим.
Раҳминг келсин кўздан оққан ёшима,
Бир душман келгандир менинг қошима,
Толпинган боламни шунга олдирдим.
Ухлаганда ғафлат ичра келганди,
Мендай гумроҳ уйқу билан бўлганди,
Ул қўйнимдан норастамни олганди,
Мен қўзичоқ, қўчқоримдан айрилдим.
Қўнглим айтди:— «Қизлар ҳазил қилганди,
Уйин қилиб, уни олиб келганди»
Шу фикрда келиб эдим кўшкига,
Ҳам бу ердан тополмайин ўғлонни,
Юрт сўраган Оллоёр менга душманди,
Ёлғизимни шу душманним олганди.
Орзи деди: мен айтмайман ёлғонди,
Худо берган қўзичоқдан айрилдим.

Шунда қайнараси канизакларига:— Боринглар, Оллоёрни банди қилиб олиб келинглар!— деди. Канизлар Оллоёрнинг қошига келдилар. Омоной каниз аччиғи келиб, Оллоёрга:— Э, лаънати, Дилмуродни нима қилдинг?— деди. Шунда Оллоёр кўзини лўқ қилиб:— Мен ундай савдонни билганим йўқ!— деди. Канизаклар йўқ деганига қарамай, Оллоёрнинг қўл ва оёғини бойлаб, банди қилиб, Сувоннинг энаси қошига олиб келдилар. Қайнараси Орзигулга:— Айтган кишинг шуми?— деди. Орзигул:— Шу киши — менинг душманним. Шунда қайнараси Оллоёрга қараб бир сўз деди:

Сендан сўрар мендай муштипар,
Қаердадир у Дилмурод кокилдор?
Подшонинг ёриман, элга мўътабар,
Сувонхоннинг энасиман, мен ночор
Ҳар ишга қилурман сени гирифтор.
Қаердадир Дилмурод қўзим кокилдор,
Найладинг, Оллоёр, у қанотимни?
Ҳозирча эгасиман юртимни
Мен муштипар сендан бу кун сўрайман,
Дарров топиб бергин Дилмуродимни.

Бу сўзни эшитиб Оллоёр:— Менинг бу ишлардан ҳеч бир хабарим йўқ. Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Урфиятда, гумон имондан айирар, деган гап бор. Бундай ишларни кечасининг миршаби билмаса, мен хабарсизман,— деди.— Эй бувим, менинг бир ода-тим бордир, фолчилик қиламан. Дилмурод учун бир фол очай, фолим тўғри чиқса, мени озод этасизлар, агар нотўғри чиқса, ўлдирсаларингиз ҳам майли,— деди. Су-воннинг энаси тўрт тиллани олдига ташлади. Қанизлар ҳам унинг гапига ишондилар. Энди Оллоёрнинг фол очиб аёлларга тушунтириб тургани:

Орзигулинг бировларга ёр экан,
Шу феъли ёшлигидан бор экан,
Қушқанотда қирқ ўйнаши бор экан.
Худоё жувонмарг бўлсин, Орзигул!
Қирқ ўйнаши Оқтош элга келибди,
Ўйнашини улар топиб олибди,
Йигирмаси ичкарига кирибди.
Қайфи сафо Орзи билан сурибди,
Худоё жувонмарг бўлсин, Орзигул!
Йигирмаси бу савдони кўрибди,
Босиб-янчиб ичкарига кирибди,
Фарзандини қўлидан тортиб олибди,
Умид қилманг, набирангиз ўлибди,
Худоё жувонмарг бўлсин, Орзигул!
Чорраҳага элтиб, уни сўйибди,
Орзигулнинг ястиғининг тагига,
Сўйган пичоғини элтиб қўйибди.
Худоё жувонмарг бўлсин, Орзигул!
Қулоқ солинг бу сўзларди маънига,
Жабр бўпти Дилмуроднинг жонига,
Беш бармоқни бўяб кепти қонига,
Орзигулнинг тўши билан қорнига,
Босиб суртган Орзигулнинг танига
Худоё жувонмарг бўлсин, Орзигул!
Аввал сизга, сўнгра бизга, бувижон,
Келинингиз шу тухматни қилибди,
Бу орада Дилмуроджон ўлибди.
Юртим Қайрағочдир, отим Оллоёр,
Эли талов бўлган бўлар хори-зор,
Тирик деманг ўлғон, билинг, муқаррар,

Кайгуга чулганди Сувон зўравор,
Худоё жувонмарг бўлсин, Орзигул!

Шунда Сувоннинг энаси Оллоёрнинг бу сўзларига ишонди. Канизларга Орзигулнинг баданини кўришга буюрди. Қизлар Орзигулнинг баданида қонли беш бармоқ изини кўрдилар. Сўнгра бориб, Орзигулнинг ёстиғи тагидан пичоқ топиб келтирдилар. Шундан кейин Оллоёрни душман эмас, дўст билдилар. Қайнанаси:—Орзигулни йигирма бир таёқ сингунча уринглар, сўнгра зиндонга ташланглар!— деди.

Канизлар Орзигулнинг қўлини бойлаб, тирсакнинг юқорисидан ушлаб:—Сен бизнинг Оқтошга қайси гўрдан келдинг?—деб, бошига муштлаб, олиб кетдилар. Қизлар Орзигулни етаклаб боравердилар. Орзигул кўз ёшини тўкиб кетаверди. Шунда булар яқинлашган сари, хандақнинг ичидан Орзигулга таниш ёш бола йиғиси қулоғига кирди. Орзигул Дилмуроднинг товуши эканини билди.

Шунда Орзигул қизларга қараб бир сўз деди:

Ростга чиқармикан ушбу ёлғони,
Эй қизлар, урингизлар ўлайин,
Бетоқатман, мен шўр қандай қилайин?
Мотам билан қаддим букиб йиғладим,
Тўхтанг, қизлар, мен боламини кўрайин.
Хазон қилган боғда ғунча гулимни,
Кўрмоқчиман ўзим жону дилимни,
Олдирганман қўлдан қўш кокилимни.
Ёш қўзимга обло солди ўлимни,
Йўл бўшатиног, ойимчалар, садақа,
Мен кўрайин, қўзичоғим—ўғлимни.
Орзигул деб, урингизлар ўзимни,
Фалак сарғайтирди қизил тарзимни.

Канизакларнинг раҳми келди. Унг билагидан тутиб. Орзигулни хандақ ичидаги Дилмурод устига олиб бордилар. Шунда Орзигул хумор кўзини ёшлаб, боласининг устига ўзини ташлаб, қонли юзига қўлини қўйиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Эна эдим, болам, сенга меҳрибон,
Қўш кокилинг бўялибди қирмиз қон.

Бу савдога бўлди энанг шўр ҳайрон,
Жасадингда борми, болам, сучук жон.
Гул юзингга мен рўмолни ўрайман,
Отанг келса, на деб унга сўйлайман,
Бу ҳасратда кўрдим сенинг юзингни
Ҳеч чорасиз мен тепангда йиғлайман.
Қимга етар Орзигулнинг фиғони,
Қачон келар Оқтош элнинг хоқони,
Мен кўрганман бу тугалмас савдони,
Энангда кўп қолди, болам, армони,
Эй қизлар, қўл солишиб кўринглар?
Бормикин жасадда боламнинг жони?

Шунда Омоной каниз Дилмуроднинг оғзига қўлини тутиб кўрди.— Ҳали оғзида иссиқ бор. Хаёлимда жасадида жони борга ўхшайди,— деб йиғлади. «Ҳаялласак, бувим уришади», деб Орзигулнинг қўлидан тортди. Шунда Орзигул ойим, қўли бойланган, мирғазаб-миршабга буюрилган боласини ташлаб кетишга кўзи қиймай: — Боламни рўмолга ўраб, тишимга олиб беринглар!— деб бир сўз деди:

Қулоқ солинг оймчалар, сўзимга,
Қон аралаш ёшим бордир кўзимда.
Орзигулга раҳм этинг, оймлар,
Фарзандимни об беринглар оғзимга.
Мен сизмаган шўрман элу хешимга,
Туганмас савдолар тушди бошимга.
Раҳм этинглар ётган ўғлон ёшимга,
Фарзандимни об беринглар тишимга.
Қулоқ сонглар айтган менинг ноламга,
Қайнанам буюрди мени ўлимга,
Ҳеч ким раҳм айламас менинг ҳолимга,
Об боринглар сўнгра миршаб золимга,
Фарзандимни об беринглар қўлимга;
Орзигул дер қулоқ солинг зоримга,
Бир нотавон мендай кўнгли яримга,
Энди келса, нима дейман ёримга,
Қараб турган сатта жамоат қизлар,
Фарзандимни об беринглар бағримга.

Шунда канизлар: — Сен фарзанд қадрини билганингда, шу ишга йўл қўярмидинг!— деб ҳар ёқдан муштлай

кетдилар. Омоной канизнинг раҳми келиб, қизларнинг қўлини ушлаб, Дилмуродни кўтариб рўмолга ўраб, Орзигулнинг оғзига ўмиридан тишлатди. Орзигулни ҳайдаб боравердлар. Орзигулнинг боласи оғзида, ёши қора кўзида, ёқалари ҳўл бўлиб, аламини мўл қилиб кетаверди. Канизлар Орзигулни мирғазаб-миршабга топшириб, хатни ҳам бериб қайтдилар. Миршаб Орзигулга: «Амри подшо вожиб», деб йигирма бир таёқ синганча урди. Орзигул ҳушидан кетди. Канизлар Дилмуроднинг тана-сида жони борлигини Сувоннинг энасига бориб айтди-лар. Сувоннинг энаси бир табибни Дилмуродни боқизиш учун юборди. Ўзи хат ёзиб: — Оқтошда қиёмат бўлди, тезроқ келинглари! — деб арзачи орқали Султонхон ва Сувонхонларга маълумот юборди. Табиб турли дори-дармонлар билан Дилмуродни боқиб, бир неча кунда тузатди. Табиб боланинг яраларига дори суртди. Оқ дока билан бойлаб қўйди. Икки шишада дори берди. — Уч кундан сўнг бу шишадаги дорини бурнига тутсанг, жони бўлса, ҳушига келар, мана бунисини тутсанг, ўлик тусига киради,— деди.

Энди сўзни кетган арзачилардан эшитинг. Арзачи уч кечаю кундуз йўл тортиб, Оқшотир, Кўкшотир, Султонхон турган ерга етди. Султонхонга хатни топширди. Султонхон хатни олиб ўқиб, Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Келиб эди янги, болам, ғайратинг,
Остингда ўйнайди дол бедов отинг,
Энди билдим, синган ўхшар қанотинг
Мен ҳасратда, сен ҳам ғамга чулғандинг,
Улган ўхшар Дилмуроджон фарзандинг.
Билмадим ким экан сенинг душманинг?
Сенинг учун куйганди ул меҳрибонинг,
Аввалдан бузиқди севиб олганинг,
Султон айтар бу қандайин ҳасрат,
Улган эмиш ёлғиз тилаб олганинг.

Сувонхон отасининг сўзига қулоқ солмай, Оқтош та-рафга қараб, отига аччиқ қамчи уриб жўнаб кетди. Подшо унинг амалдорлари ҳайрон бўлиб, орқасидан қараб қолдилар. Сувон уч кечаю кундуз йўл юриб, Оқ-тош шаҳрига етиб келди. Сувон дарвозабондан: — Ша-ҳарда нима гап бор?— деб, ичкари кирди. Дарвоза-

бон:— Эй, шаҳарни нимасини сўрайсиз. Қушқанотдан тўрамизнинг олган ёри бузуқ чиқибди. Мен-ку кўрганим йўқ. Бир ўғил берган экан, ўйнашлари талашиб, ўртада шу ўғил ўлган эмиш, деган гаплар юради, — деди.

Шу вақт тонг отар чоқ эди. Орзигулни зиндондан чиқариб, йигирма бир таёқ ураётган эди. Сувонхон кўриб: — Уре, миршаб, қаттиқроқ ур! — деб ўтиб кетаверди. Икки кундан сўнг Султонхон ҳам лашкарлари билан етиб келди.

Подшо пойтахтга келиб, Орзигулни жаллодга буюрмоқчи бўлди. Бу воқеани Оллоёр эшитиб, подшонинг олдига келди. Подшога бир салом, ўн тўққиз таъзим билан: — Тақсир, Орзигулни сўйдирманг, кашмирликда оламда бир ўзидир. Агар жаллодингиз сўйса, ҳар сачраган қонидан бир аждарҳо пайдо бўлиб, шаҳар халқингизни ўз дамига тортади. Бу кашмирни менинг қўлимга топширинг. Асқар тоғдан ошириб, тоғларнинг кама-рида йўқ қилиб келарман, — деди. Подшо ёнида турган Доно вазир:— Тақсир, Орзигул кашмир эмас, Оллоёр кашмир, келинни ўлдирмай, тириклай элга ошириб юборсангиз, дейман. Агар Оллоёрнинг айтганини қилсангиз: бир мусофир ҳийлайи-найранг билан подшо келинини олиб кетибди, деган айбга қоласиз!— деди. Шунда подшо: — Ундай бўлса, ёнига уч юз муллани қўшиб, Асқар тоғидан ошириб келинлар. Оллоёр йўқ қилиб келсин, — деди. Орзигулни зиндондан чиқариб, қўлига «ўлган» боласини бериб, уч юз мулла билан Оллоёр Асқар тоққа ҳайдаб кетди. Уч кун деганда тоққа етдилар. Шунда Оллоёр муллаларга қараб:— Энди сизлар кетаверинлар. Асқардан ўтиб, ўзим саранжомлаб бораман, — деди. Муллалар: — Йўқ, биз сенга ташлаб кетмасмиз, ўзимиз ўлдириб, ўзимиз кўмиб кетамиз,— дедилар. Муллаларнинг бермаслигини билиб, Оллоёр Оқтошга қайтди. Йўлда ўз бошини тош билан уриб ярадор қилди. Ҳамма жойини қонга бўяб, от устида Оқтошга яриб келди. Подшога арз қилди. Подшо: — Сенга нима бўлди, қонингга бўялиб келибсан? Орзигулнинг қонидан бўлган аждарҳо уч юз муллани ютдими? Сенга ҳам шунинг зарари етдими?— деди. Шунда Оллоёр:— Ҳали Орзигул тирикдир, тақсир, уч юз мулланинг бир каттаси бор экан. Уша Орзигулга хуштор экан. Орзигул ҳам ўшанга тегмоқчи бўлиб юрган экан. Уша ерда иккиси топишди, мени сўймоқчи бўлиш-

ди. Уч юз мулла бир бўлиб, мени уришди. Шу ҳолда олдингизга келдим,— деди. Подшонинг олдида Доно ва зир йўқ эди. Подшо муллаларга хат ёзди. «Муллалар Оллоёрнинг қўлига Орзигулни топширсин ва орқага қайтсин!»— деб ёзиб, муҳрини босди. Оллоёр хатни катта мулла қўлига олиб бориб берди. Сўнгра, бутун муллалар, «амри подшо вожиб» деб Орзигулни Оллоёр қўлига топшириб, катта мулла шу сўзларни айтиб қайтаверди.

Оқтош элдир менинг жойим,
Аҳмоқдир, беклар, сипойим,
Бизлардан энди рози бўлгин,
Қоларсан Орзигул оийм.
Муллалар қайтар элига,
Қон йиғлаб ночор ҳолига.

Қолдинг золимнинг қўлига,
Раҳмим келар ўғлонингга,
Қийналган гулдай жонингга,
Бизлар кетамиз қайтиб,
Қолдинг, қизим, душманингга.

Оллоёр Орзигулнинг қўлидан ушлаб, етаклаб олиб кетди ва муллалар кўзидан ғойиб бўлди. Оллоёр Орзигулга бир сўз деб бораётир:

Мени десанг доим даврон сурасан,
Ушбу кўрган ғамдан озод бўласан.
Қора сочинг сен шоналаб ўрасан,
Ташлагин қўлингдаги мурдани.
Омон бўлсанг, неча бирин кўрасан.
Олти кундан бери сен фиғон айлаб,
Қўлингда мурдани олиб юрасан.

Орзигул Оллоёр олдида йиғлаб бораётир. Булар Асқар тоғдан ошиб, бир ғорга келдилар. Оллоёр:— Эй Орзигул, Хосхонага борсанг, боғбон ота-энангни кўрсанг, беш кун мен билан даврон сурсанг, қўлингдаги мурдани ташла, ташламасанг ажалинг етиб, кунинг битди. Мени дейсанми ёки бошингни кесайми?— деб, ғазаб қилди.

Орзигул: — Мен дунёга бир келдим, иккинчи кел-

масман. Қўлингдан келганини қил. Улсам ўларман, лекин сени демасман,— деди. Оллоёр қиличини қинидан суғурди ва Орзигулнинг қўл-оёғини ярадор қилди. Орзигул:— Менинг сўзим бир, икки бўлмас,— деб Оллоёрга қараб бир сўз деди:

Отам десам, сен бир қонхўр жаллодми?
Дунёда бор зулм бундан зиёдми?
Олис ерда қолган эди меҳрибон
Оқтош элда ғамда қолди бек Сувон,
Қўл урмагин, қилич силта, отажон!

Орзигулнинг бўйин эгмаслигини билиб, Оллоёр уни ўлдирмоқчи бўлди. Шу вақт узоқдан карвонларнинг товуши келди. Орзигул товуш қилса ўткинчи карвонлар билмасин, деб Оллоёр ёнбошлаб ётди. Карвонлар товуши ўчгунча сабр қилди. Унгача жуда қоронғилик бўлиб, Оллоёр ухлаб қолди. Орзигул ҳушига келиб қараса, қоп-қоронғи бўлиб қолибди. Теварагини қўли билан пайпаслаб кўрди. Қўлига бир нарса илинмади. Боласини қўлига олиб, секин ўрнидан туриб, ҳар тарафга қараб аста-секин юриб, бир чуқур сойга тушди. Орқасига қараб қулоқ солди. Ҳеч товуш келмади. Соининг ичи билан кетаверди. Тонг отди, ёруғ бўлиб, қуёшнинг нури ҳар томонга ёйилди. Орзигул бир баландликка чиқди. Оллоёр уйғониб қараса, Орзигул йўқ, қидириб тополмай: «Оқтошга кетгандир» деб изига қайтди.

Асқар тоғининг нарёғида Холёр чол деган бир камбағал яшар эди. Холёр чолнинг бир ориқ туяси бўлиб, шуни йўқотиб қўйиб, уч кундан бери қидириб юрган эди. Бир вақт Холёр чол туя қидириб, Орзигулнинг олдидан чиқиб қолди. Орзигул дам олиб ўтирган эди. Холёрни кўриб, дарров ўрнидан туриб салом берди. Бобо эшагини тўхтатиб: — Бу чўлларда нима қилиб юрибсан?— деб, бир сўз деди:

Хушрўй қизим, сен қаерли бўласан?
Бу ҳолатда, қизим, қайга борасан?
Машаққатлар билан қайдан келасан?
Хўб билибман: олис йўлдан келибсан,
Азоб кўрган, ночор, қайдан келасан?
Айлаган ўхшайсан жаҳонда фиғон,
Оламда кўрмаган ўхшайсан даврон.

Юрагингда бордир ғам билан армон,
Бу ҳолатда, қизим, қайга борасан?
Қандай подшо сени бадарға қилган?
Ғам чеккан ёлғизим, қайга борасан?
Уч кун бўлди мен туяга қарайман,
Шаҳри ёринг айтгин, билиб, англайман,
Қон йиғлама қизим, қайга борасан?

Бобога қараб Орзигул бир сўз деди:

Мен билмайман ўйнаб-ўсган элимни,
Золимлар бойлаган икки қўлимни.
Ушбу чўлда сарсон бўлиб юраман,
Мен билмайман қайга борар жойимни.

Шунда Орзигул ҳушига келтирадиган дорини ҳидла-
тиб, ўглини эмизиб ўтираверди. Бобо қараса, ўгли ҳам
бор экан. — Ўғлингнинг ва ўзингнинг отинг нимадир?
— деб сўради. Орзигул:— Ўғлимнинг оти Элга сиғмас,
ўзимнинг отим Юртга сиғмас, — деди. Бобо ҳайрон бў-
либ:— Шундай ҳам от бўладими?— деганда, Орзигул
бобосига қараб бир сўз деди:

Яхши одам сўзни яхши англайди,
Эшитгани қулоқ солиб тинглайди,
Шу гапимга чин ишонинг, бобожон,
Элга сиққан ўз элида турмайми?
Мен энаси қўлимдаги боламнинг,
Мен билмайман ўйнаб-ўсган қалъамни,
Куйдирма, бобожон, ёнган танамни,
Юртим тайини йўқ мендай санамнинг.

Бобо: — Бу майдонда кимни истаб юрибсан, қайга
борасан?— деди. Орзигул:— Ўғилсизга ўғил, қизсизга
қиз бўламан, — деди. Шунда бобо: — Ундай бўлса,
ўзинг менга қиз, ўғлинг менга ўғил бўлсин, мен сенга
тутинган ота бўлайин. Тувған отангдан аълороқ бўлай,
юр, сени ўз уйимга олиб борай, — деб, Дилмуродни
кўтариб олди. Орзигулни олдиға солиб, тоғлараро йўл
бошлаб кетаверди. Бобо Орзигулни уйига олиб келди.
Орзигул бобонинг кампири билан танишди. Шундай қи-
либ, Орзигул Холёр бобонинг тарбиясида яшайверди.

Энди бир оғиз сўз Сувондан, Оқтош шаҳридан эшитинг, Сувонхон шу воқеадан кейин бир уйга кириб, кўкрагини захга бериб ётган эди. Отаси Султонхон бу ҳолни эшитиб, Сувоннинг олдига қирқ йигит-ёронларини юборди. — Боринглар, ёр деса, мен Оқтошдан бир эмас, ўнини олиб бераман,— деди. Сувоннинг ҳолидан хабар олгани келган ўртоқларидан бири Сувонга қараб бир сўз деди:

Нима бўлди бегим, сиздай тўрага,
Ётган билан ёр тирилик келарми?
Тура келгин, хон Сувонхон, жойингдан,
Банди бўлиб кетган ёринг келарми?
Отангиз об бермоқчи ўнта дилбарни,
Оламда йўқ моҳи дилбар қизларни.
Бизни десанг, тура келгин, тўражон,
Хафа қилманг отангиздай раҳбарни.
Орзини кўрмоқлик бўлди даргумон
Мардга ёр топишлик дунёда осон,
Тақдир қўшган бўлса ўзи меҳрибон,
Инграниб ётмагин, жоним Сувонжон,
Бир жононни сизга олиб берайик,—

деб, Сувоннинг қўлидан тортиди. Сувон жўраларига қараб бир сўз деди:

Бошқа ёрнинг ким эканин билмайман,
Ўзга билан аҳдим шудир, кулмайман,
Ўнта дейсан, мингта ёрни об берсанг,
Ўз ёримнинг тирноғига олмайман.

Буларнинг сўзини қабул қилмай, Сувон ёта берди. Отаси Султонхон ҳам келиб, бир-икки оғиз сўз айтди:

Ёв келганда бедов отлар чопилар,
Терлаб келса, бахмал жуллар ёпилар,
Тура келгин, дол бўйингдан, Сувонжон
Омон бўлсанг ёр-ку сенга топилар.
Султон деди, нечук бахти қораман,
Теваракни суриштириб кўраман,
Хафа қилма, қариганда отангни,
Бир ёр десанг ўнта олиб бераман.

Шунда Сувонхон бошини кўтариб: — Энди менга ҳеч бир сўз кор қилмас,— деб кўзига ёш олди ва яна ётди. Подшо ғамгин бўлиб ҳужрадан чиқиб, қаёққа кетарини билмай турган эди, бирдан Сувоннинг дўсти Саримирахўр келиб қолди. Подшога салом берди. Подшо Сарини йўлнинг четроғига обориб: — Аввал неварамдан айрилиб ҳасратда эдим, энди Сувоннинг бу ҳолда ётиши дард устига чипқон бўлди, — деди. Шунда Саримирахўр:— Эй султоним, нима бўлди?— деди. Подшо: — Сувон бир неча кундан бери ҳужрага кириб, кўкрагини захга бериб, ўғли билан хотинининг ғамида ётибди. Неча кундан бери дўстлари билан келиб эланамиз, ҳеч бир жойидан турмайди, — деди.

Саримирахўр: — Ундай бўлса, тақсир, ҳазилми, чинми, ишқилиб бир амаллаб Сувонни бу ҳолдан қутқараман. Агар мен шу ишнинг уддасидан чиқсам, ўрдадаги ғазнани берасизми?— деди. Подшо: «Сувон бўлмаса юртни ким идора қилади?» деб ўйлаб: — Ҳа, майли, — деди. Бу хизмат биздан бўлсин, — деб Сари Сувон ётган ҳужрага кирди. Салом бериб, Сувоннинг ўнг томонига ўтди. Сувонга қараб Саримирахўр бир сўз деди:

Бу шаҳарнинг айланаси тор экан,
Адашганлар бир-бирига зор экан,
Борган-келган ўлган девди гулингни,
Ўлган эмас, Орзигулинг бор экан.
Қарвонларга берибди арза хатини,
Хатга солиб сиз валлакат отини,
Қўлида ўйнатиб турган Орзигул,
Фарзанди, жонажон Дилмуродини.
Тулинг, тўрам, кечикмайин жўнайик,
От чопишиб дараларга чиқайик
Келар деб, сиздан умид бор эмиш,
Суриштириб икковини топайик,
Сари дейди йўйганман тушимни,
Юлинг, топиб берай қочган қушингни,
Орзигулинг тирик, тўрам, бор экан
Жур, ахтариб топиб берай гулингни.

Шунда Сувон ўрнидан ирғиб туриб:— Эй, Саримирахўр!— деб дўстига қараб бир сўз деди:

Баҳра олдим сенинг айтган сўзингдан,
Ёш оқмасин сенинг наргис кўзийгдан,

Қайга борсанг мен ҳам кетай изингдан,
Келгин ўпай «ёринг» деган оғзингдан.
Дўст деб тутай сенинг икки қўлингни,
Ёр бор ерга ўнгғар дарров йўлингни.

Сувонхон Саримирахўр дўстига:— Бўлмаса, отингни эгарлаб кел, ўғилсиз юртимни нима қилайин. Ёрни топсам, Оқтош элига келайин,— деди. Саримирахўр суюниб, чопқиллаб подшонинг қошига борди.— Тақсир, қирқ йигит ва қирқ от беринг. Бир майдонни шикор қилиб, Сувонхоннинг кўнглидаги хафаликларини чиқармасак, ўғли билан ёрининг ғамида тўрам оғир ҳолга тушган,— деди. Подшо қирқ йигит ва қирқ отни берди. Саримирахўр билан қирқ бир йигит бўлиб, Сувон олдига келдилар. Сувонхон ҳам отланиб чиқди ва Саридан:— Қарвон берган хат ҳали ҳам сиздами?— деб сўради. Сари қирқ йигитга қараб, кўзини қисиб, «ҳали отангизга бериб эдим», деб жўнай берди.

Арғимоққа қилиб қасдни,
Беклар билмай баланд-пастни,
Кўринг қирқта шоғолмасни
Оқтошдан чиқиб жўнади,
Жўнади, беклар жўнади.
Бари хонга хизматкорди,
Хоҳлаб минган арғимоқни.
Ҳайданг, тўрам, тезроқ, деб
Кейин ташлаб Оқтош элни,
Жўнади, беклар жўнади.
Топиб олай кокилдорни,
Деб Сувонхон жўнади.
Фарзанднинг меҳри юракда,
Кучини йиғиб билакка,
Қамчи уриб арғимоққа,
Жўнади, Сувон жўнади.
Эл деганда қувонади,
Ёв деганда ёвланади,
Ёри, ўглидан айрилган
Ол-ҳолаб кетиб боради,
Жўнади, Сувон жўнади.

Эртадан кечгача йўл тортишиб, кечқурун адашма-
йиқ деб, Сувонхон от жиловини тортди. Тоғнинг тагига

келиб, об-ёвғонини қилиб ётишди. Эртаси яна отларига минишиб, тоғ бетига қараб жўнаб кетишди. Шунда Сувонхон бир сўз деб бораётир:

Чуқур тепа, қумли сойлар,
Ғамли қул белини бойлар,
Йигитнинг ғамин ўйлар,
Қишнашади ғунон тойлар,
Шу ердан ёрим ўтдимиди?
Ҳар ким ўз фикрини ўйлар,
Кўз кўрмаган баланд жойлар,
Усти қорли баланд тоғлар,
Шу ердан ёрим ўтдимиди?
Кўкда юрган учар қушлар,
Айрилиқ сийнамни доғлар,
Булбул каби бу нолишлар,
Қўлидами бизнинг ёшлар,
Болани онаси қайтиб ташлар,
Шу ердан ёрим ўтдимиди?
Сувоннинг кўпдир армони,
Топарманми излаб они,
Топилса бўлсам қурбони,
Қийнаб уриб у душмани,
Азоб кўрганим ўтдимиди?
Мен келурман ёрни йўқлаб,
Алам билан дилим доғлаб,
Ушбу йўлда белим боғлаб,
Қон йиғлаб, ёрни сўроқлаб,
Шу ердан ёрим ўтдимиди?

Сувонхон йигитларини эргаштириб тоғдан ўтди. Бир текис майдонда отларини чопишиб бораётир эдилар, бир чангалзорга кўзлари тушди. Чангалзорни айланиб, «қадимгидан қолган жой экан» деб гаплашиб кета туриб эдилар, бир кийик кўринди. Ушламоқчи бўлиб қувдилар. Кийик бир тарафга қараб қочди. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас, ҳайданг, беклар!»— деб Сувонхон кийикнинг кетидан қувиб кета берди. Қува-қува кийикни тутолмадилар. Кийик бир дарахтзор ичига кириб йўқ бўлди. Йигитлар чарчаб, тўхтадилар. Сувонхон ҳам:— Келинлар, шу ер салқин жой экан, дам оламиз,— деди. Ҳаммалари, «хўп салқин жой экан-да», деб отдан тушиб, ҳовуз бўйида салқинлашавердилар. Буларнинг товушларини эшитиб, бир чол уйдан чиқиб келди. Бу

Холёр бобо эди. Бу бекларнинг олдига келиб сўрашди. Беклар ҳам бобони худди илгари кўргандай муомалада бўлдилар. Шунда Сувон:— Э бобо, бизга яхшилаб бир қўй сўйиб, шўрва қилиб бермайсизми?— деб пул берди. У рози бўлди, ичкарига кириб, Орзигул қизи ва хотинига қараб бир сўз деди:

Бу дунёнинг ўтарини билгандир,
Бу жойларга бир кўп меҳмон келгандир,
Мен бир кўрдим ақли расо ўғлонни,
Яхшилаб пиширинглар ширмойи нонни.
Белларига осган садоқ камарни,
Бир тарафдан меҳмон оғиб келганди.
Ақлингиз жойига қўйинг, оймлар,
Яхшилаб пиширинглар ширин таомни.

Шунда Орзигул рўмолини бошига желвагай ташлаб, бир учини тишлаб, «менинг ҳам сўраб келадиган кишим бормикин?» деб кўзини ёшлаб, эшикнинг тирқишидан қаради. Қараса, бирови ўша аҳди-паймон қилган Сувон ёрига ўхшайди.

Ун етти патирни яхшилаб тандирга ёпди. Шўрвани тайёрлади. Бобо эса теваракка чопиб, ҳамсоялариникидан товоқлар топиб, ҳамма анжомларини элтиб, бекларнинг қўлига берди. «Шўрва тайёр, нонни олиб келинглари!» деб бобо буйруқ қилди. Орзигул уч қатор қилиб эшик олдига шўрваларни тайёр қилди. Бобо дастурхон ёзди. Беклар ўйнашиб-кулишиб, дастурхоннинг атрофини ўраб олдилар.

Бобо бекларга уч оварадан шўрвани сузиб бераверди. Сўнгра бобо ичкари кириб, Дилмуродни кўтариб чиқди ва бир четда ўтираверди. Шунда Сувонхон:— Биздан беадаблик ўтмасин, бобони қаторимизга ўтқазиб, «Аввал таомни бошланг» дейишимиз керак,— деди. Бобони таклиф қилди. Сувон бобонинг қўлидаги болани кўрди. Кўнгли бир хил бўлиб, ичай деб турган шўрвасини томоғидан ўтказолмади. Шўрвани ерта қўйиб, бобонинг қошига келди ва бобога қараб бир сўз деди:

Бисёр бўлур ақлдорнинг давлати,
Баъзиларнинг зиёдадир меҳнати,
Қизил гулни, бобо, сиздан сўрайман,
Қўлингдаги бола кимнинг фарзанди?

Мен бошимга хос салламни ўрайман,
Мен термулиб гул юзига қарайман,
Қўлингдаги турган кимнинг ўғлони?
Буни кўриб, зарра таом емайман.
Мен турурман Оқтош элнинг полвони,
Ўғил суйган кишининг йўқдир армони,
Ҳақиқатни сўйла менга, жон бобо,
Қўлингдаги турган кимнинг ўғлони?

Бобо Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Бировнинг боласин биров олами?
Сизлардай беклар тўхмат қилами,
Кишининг боласи бунда турами?
Буни сўрсанг, менинг севган фарзандим,
Сиздай бек ҳам бунга ҳайрон қоларми?
Бу майдонда эрмагимдир ўзима,
Ҳеч бир давлат кўринмайди кўзима,
Буни берган турур менинг қизима,
Доим кўтараман бағри-тизима:
Қулоқ солгин, сўйлай сенга, эр-йигит,
Бу ҳақиқат, неварадир ўзима.

Бу сўзларни айтиб, бобо болани кўтариб, ичкарига қараб жўнади. Сувон ўрнидан туриб, бобонинг қўлидан маҳкам ушлаб, тўхтатиб, ўртоқларига қараб бир сўз деди:

Ҳамроҳларим, қулоқ сонглар сўзима,
Қаҳрабодай бу сарғайган юзима,
Қараб сизлар тўғрисини сўзланглар,
Энди етдим мен йитирган қўзима,
Неча марта олган ўхшар қўлина,
Қулоқ сонглар азаматлар тилима,
Худди қоши ўхшар Орзигулима.
Мен шуни ўхшатдим жони дилима,
Фарзанд бўлар кишининг меҳр гиёси,
Айрилганнинг чиқар экан чияси,
Биродарлар, тоза шунга қаранглар,
Мабодо, бўлмасин тўранг боласи.

Беклар ҳайрон бўлишиб, болага қарадилар, Сарими-роҳўр, ўрнидан туриб, боланинг юзларидан ўпиб, бобога қараб бир сўз деди:

Ушбу ишга энди белим бойлайин,
Тўрам билан димоғимни чоғлайин,
Тусмол билан ёлғон гапни сўйласам,
У гапларнинг чин эканин англайин.
Улган девди ҳамма беклар ўғлингни,
Устун қилган Мирохўрнинг қўлини,
Дўстим топди бир йитирган ўғлини
Бурро қилгин Мирохўрнинг тилини,
Топса эди, энди нозли гулини.
Оқтош элдан бекни олиб келаман,
Туйғунимни мен ияртиб юраман.
Энасининг жойин айтинг, жон бобо,
Энасининг мен оғаси бўламан.

Шунда бобонинг қаҳри келиб, Мирохўрнинг қўлидан болани юлиб олиб:— Мен сизларни салтанатли одамлар десам, ифвогар, туҳматчига ўхшайсизлар,— деб кетига қарамай, уйига жўнайверди. Сувонхон ҳам боланинг орқасидан бораверди. Бобо ичкари эшикнинг қошига бориб, кетига қараса, Сувонхон ҳам келаётир экан. Бобо Дилмуродни қўйиб, ичкарига кириб кетди. Сувонхон ташқарида қолди. Бобо ичкарига киргач, бутун воқеани хотинига сўзлади. Хотини бобони койиди. Шунда Орзигул бу воқеадан хабардор бўлиб, Холёр бобо ва энасини юпатди.— Мен бир далага қарай-чи, кимлар келган экан,— деб рўмолини желвагай ташлаб, бир учини қайтариб оғзига тишлаб, аста-секин қадам ташлаб, ичкари эшикдан ташқарига қараса, Сувонхонни кўрди. Сувонхон тилла камарини бойлаб, ипак кўйлак эгнида, Дилмуродни ўйнатмоқда экан. Бу ҳолни кўрган Орзигул Дилмуродни чақириб, кўзига ёш олиб, бошидан ўтган воқеаларни эслаб, бир сўз деб турган жойи:

Оворалар қилди майдон, дашига,
Ёқа ҳўл бўп кўздан оққан ёшига,
Сигдирмади бизни Оқтош элига,
Борма, болам, бевафонинг қошига!
Қулоқ солгин, бу энангни зорига,
Энди сени на деб олар қўлига,
Мушкул ишлар солган мендай гулига,
Борма, болам, бевафонинг қошига!
Жабр қилди сендай якка ўғлига,
Нега миндинг, болам, унинг белига,

Ғариб бўлдик, биз сигмадик элига,
Кел, Дилмурод, куйган энанг қошига,
Ғариб бўлдик, сигмайин Оқтошига.
Орзигул дер мен бўлайин парвона,
Ҳозир менга ватан чўли вайрона.
Чин қулоқ сол, болам, энанг тилина
Мунда келгин, севган энанг ўргулсин.

Дилмурод эса «Ҳайт!» деб отасининг кўкрагига уриб, ўйнашиб ўтираверди. Орзигул йиғлаб, изига қайтди. Бобосига: — Боринг, Дилмуродни олиб келинг. Мен илгари ўша йигитнинг ёри эдим, у йигит бевафолик қилди. Мен кўп оғир кунларни, азобларни бошимдан кечирдим. Энди мендан умид қилса, бошқатдан тўй-тамошалар билан, қалин-қисмат бериб олсин. Ўзига муносиб кўрса, совчи юборсин. Оғзим тўлгунча қалин солай. Айтганимни олай, берса қайтадан ёр бўламан, — деди. Бобо ташқарига чопиб чиқди. Дилмуродни Сувоннинг қўлидан олди. Сувонга қараб:—Агар кўнглинг бўлса, совчи қўярмишсан,—деб, ичкарига кириб кетди. Сувонхон бекларининг қошига келиб:— Орзигулнинг қилган фиғонлари юрагимга ўт солди, бирор киши совчи бўлсин! — деди. Шунда Саримирахўр: — Ўзим совчи бўламан,— деди. Сувонхон руҳсат этди. Саримирахўр қадам ташлаб, нима десам кўнглини топарман, деб манглайини ушлаб, фикр қилиб, оламда йўқ савдо дилидан ўтиб, бобонинг дарвозасига борди. Бобони чақирди. У чиқиб, «Хўш?» деди. Шунда Саримирахўр унга қараб бир сўз деди:

Бошдан ўтган воқеасин биламан,
Эшикни оч, ичкарига кираман,
Ҳар на қисмат айтса, ўзим биламан,
Қизингизга келган совчи бўламан.
Совчи-элчи зарра кўрмас ўлимни,
Орзигулой ақлли, доно келинни,
Ҳам кўрайин Дилмуродхон қўзимни,
Совчи бўлиб мендан келмоқ лозимдир,
Қалин-молин мен эшитиб кетаман.
Орзигулой ақлли, доно келинни,
Ул айтса оғзи тўлганча қисматни,
Айтганини биздан бермоқ лозимдир,
Саримирахўр келди десангиз,
Балки танир Орзигулой ўзимни.

Бобоси Орзигулга:— Саримирахўр деган киши совчиликка келибди. Энди нима қилмоқ керак? Мен ташқари чиқиб турай. Кўп қалин-қисматини солайлик, кучи етса олар, етмаса ўзидан кўнгли қолар, қиз бор ерда расм шу, совчи келар,—деди. Орзигул:—Мен билмайман, бо-бо тақдирим билар. Мирохўрни олиб келинг,—деди. Шунда бобоси бориб Саримирахўрга ичкарига ишора қилди. Орзигул эшикнинг ёнбошини олиб ўтириб:—Мақсадингизни айтинг,—деди. Шунда Саримирахўр:—«Қизи борнинг нози бор», Сувонхон мени қалин-қисматни билиб келиш учун юборди. Қалин-қисматни бобонг соладими ёки сен ўзингми?—деди. Бобом бир чўлнинг одами. Шаҳарнинг қондасини билмас. Мен ўз қалинимни ўзим соламан,—деб Орзигул Саримирахўрга қараб бир сўз деди:

Эшитибон Орзигулнинг тилини,
Соябони бўлса мендай гулини,
Ҳам бағрига олар бўлса ўғлини,
Қалинимни даставвал айтсам мен,
Ярмини берсин Оқтош элини.
Булбуллар соғинар Ирам гулини,
Жўр қилади гул шохида тилини,
Олай деса у йўқотган ёрини,
Бориб айтгин ул тўрангга Мирохўр,
Бераверсин кўнгилдаги борини.
Энди Орзи билар номус-орини,
Катта қилсин энди ёрнинг тўйини,
Олай деса Сувонхонга айта бер,
Ўғлонима берсин тўрт юз норини.
Сенга айтай Орзигулнинг раъйини
Кўрай деса Орзигулнинг бўйини,
Катта қилсин энди ёрнинг тўйини,
Тўрт юз аравага ортиб юборсин,
Ипак гилам, кимхоб, атлас, шойини.
Топай деса мендай шўрнинг раъйини,
Шунда кўрай бориб Оқтош жойини,
Айтганимни тўрангга айта бер,
Ҳеч ким ҳам кўрмасин бундаин ишни.
Оғир, мушкул савдо бошимга тушди,
Доимо тўкканман, кўзимдан ёшни,
Ахтарганим кеб бу ердан топишди.
Қайта бошдан мени деса тўрангиз,
Ола берсин душманимдан ўчини.

Бу сўзларни эшитиб, Мирохўр Сувонхоннинг қошига борди. Сувонхон:— Орзигулнинг сўраган нарсалари нима экан?— деди. Шунда Мирохўр бир сўз деди:

Келинг беклар, мен ўйнатиб-кулдирай,
Ойбувининг айтган гапиң билдирай,
Менга айтди сўйлаб сучук тилини,
Олса тўрам, қучар бўлса белимни,
Берсин деб юборди ниспи элини,
Келтирган Оллоёр кўп қаҳрини,
Ўзи кўрган газанданинг заҳрини.
Орзигулнинг айтган гапи шу бўлди,
Янчиб ташла, газанданинг танини.
Ярмин тилайди Оқтош шаҳрини,
Аёл бўлса билди номус-орини,
Айтди менга кўнглидаги борини,
Яна, яна тўрамиздан тилади,
Тирковда тиркалган тўрт юз норини.
Қўлга олса деди мендай гулини,
Қатта қилсин энди бунда тўйини,
Ҳам қўлига олса дейди ўғлини,
Берсин менга, дейди Орзигулойим,
Ўн тўққиз хазина тўла пулини.

Шунда Сувонхон рози бўлди. Ҳазначини Оқтошга юборди. Тўққиз кунда ҳамма нарсаларни тайёр қилди. Ярим эл, тўрт юз норни хат қилдириб, отасидан муҳр бостириб келтирди. Оқтошнинг отлиқ пиёдалари Сувонхоннинг айтган жойига етиб келди. Уч кунлик тўй эълон қилдилар. Созандалар созни чалиб, ёш йигитлар ўйнаб, жувонларни ўйнатиб, човкилар қурдириб, ҳар кимнинг кайфи чоғ бўлиб, тўй бошлаб юбордилар. Бир кундан сўнг Султонхон ҳам ўз одамлари билан етиб келди. Подшо кўп хурсанд бўлди ва «Ўлганга худойи, тирикка тўй ярашар», деди. Шунда Сувонхон Холёр бобонинг қўлидан Дилмурод ўғлини олди, Сувонхон отаси қошига келиб, бир сўз деди:

Тамошо қил, ота, ушбу қўзингга,
Айтсам, кўп уятлар бўлар юзингга,

Ақл билан бунга боққин, отажон,
Ухшарми, Сувонхон, ёлғиз қўзингга?
Неварам деб олганинг йўқ қўлингга,
Бу шўрлар сигмади Оқтош элингга,
Ақл билан таниб қара, отажон,
Юзи ўхшар мендай куйган ўғлингга,
Оллоёр ҳайдаган дашти-далангга
Жабр қилди шу норапта болангга.
Сертамиз бекларим, бунга қарангиз,
Ухшар ўзи ёлғиз куйган болангга.

Бекларнинг ҳаммаси келиб, Дилмуродга қаради.—
Худди Сувон тўрамининг ўзига ўхшайди. Тўрамининг
айтган сўзлари ростдир, Оқтошда ҳамма ўлган деб эди.
Орзигулни ўйнашлари сўйган деган эдилар. Бу тухмат,
ҳақиқатда булар ўлган эмас экан,— дедилар. Султон-
хон Дилмуродни қўлига олиб, бир сўз деди:

Қайси боғнинг, қўзим, тоза гулисан,
Чаманда сайраган сен булбулисан,
Зотингни сўрайман, кимнинг хилисан?
Бу ўлкада сен кимнинг ўғлисан?
Мен бугун юзингга боқиб қарайман,
Ҳам отангни, ҳам энангни сўрайман,
Сўйласанг, эшитиб сени англайман,
Улуғ йўлда, болам, кимнинг ўғлисан?
Бўлган жойинг бугун сендан сўрайман,
Турқинг ўхшар бизнинг Сувон тўрага,
Рост гапиргин, ёлғон солма орага.
Султондирман ўз элимда валламат,
Бормисан оламда соғу саломат.

Дилмурод уч ёшга кирган эди. Бобосига қараб бир
сўз деди:

Жавоб шудир: мен Оқтошда қолганман,
Оллоёрнинг мен қўлида бўлганман,
Маълум бўлса керак, бобо ўзингга,
Оллоёрди мен қўлида «ўлганман»,

Азоб чекиб яна тирик қолганман,
Сабаб надир кетдингиз Қайрағочга?
Мен қолдим шу илоннинг заҳрига.
Ошиқ бўлган у Орзигул парига,
Энамни маст қилиб ишонган кишинг,
Пичоқ урди неварангнинг бошига.
Бино бўлдим мен Оқтош шаҳрингда,
Момам буюрганди ҳаким кишига.
Сабаб бўлди тирикликнинг ишига,
Оқтош деган боғнинг ўзим гулиман,
Сўйлашга сатмнинг сучук тилиман,
Қуйган ҳолда ти мендан сўраманг,
Сизга невараман, Сувон ўғлиман,
Оқтошдан адашган ёлғиз кўзиман.

Султонхон бу сўзларнинг ҳаммасига ишонди ва
Дилмуродга қараб бир сўз деди:

Маълум бўлди, сен ўғлимнинг ўғлисан,
Оқтошдан йитирган жону дилисан,
Энди билдик бу сирларнинг ҳаммасин,
Буюр ўғлим, душман дорга осилсин!

— Уғлим Дилмурод, Оллоёрнинг жазосини айт, се-
нинг айтганингча қилайик,— деди.

Дилмурод:— Мен боргунимча Оллоёрни зиндон
қилингиз. Шумлилигига яраша борганимдан сўнг жазо-
сини ўзим бераман,— деди. Уч яшар боланинг гапига
одамлар ҳайрон қолдилар. Навбатма-навбат келиб,
боланинг бетидан ўпдилар. Доно вазир бир сўз деди:

Ҳар гап келар ақлдорнинг тилидан,
Омон қолган Оллоёрнинг қўлидан,
Келган экан Хосхонанинг элидан.
Қирқ хачирга ортиб келиб зарини,
Билдингизми, Оллоёрдай ҳийлагар
Ишлатибди фирибининг барини.
Ана энди билдингизлар, халойиқ,
Сувонхоннинг ул душманини.
Билдингизми, Дилмуроднинг сўзини?

Душман тўккан ёш гўдакнинг қонини,
Шу чоққача нодон беклар билмади,
Фириб қилиб юрган у душманини.
У олмоқчи Сувонхоннинг ёрини,
Олиб бермоқ керак эди, ёр дўстлар,
Оллоёрдан Дилмуроднинг ўчини.

Беклар чулонларини тарқатиб, Султон билан бирга Оқтошга қайтдилар. Неча мазгил йўл юриб, беш кечаю-беш кундуз йўл тортиб, қорли тоғлардан ўтиб, Оқтош шаҳрига етиб, вақтихушлик билан кириб келдилар. Султонхон ўз тахтига чиқиб, Оллоёрни топиб келишга буюрди. Саримирахўр:— Шу хизматни менга тоишинг!— деб бир сўз деди:

Оллоёр фирибни кўриб келайин,
Бу ҳийлагарни билиб келайин,
Бўйнига ола чилвирни солиб,
Олдингизга, тақсир суриб келайин.
Ичимизда юрган у жосусни,
Арқон билан қўлин бойлаб,
Юрак-бағрини доғлаб,
То келгунча уриб келайин.
Бизлар унинг ҳар ишидан беҳабар,
Қулоқ солинг, гапимга қилинг бовар:
Ёмон ит қутурса, эгасин қопар,
Саримирахўрдир у итни топар.
Жазосини бериб у Оллоёрни,
Мотам соб бошига бойлаб келайин.
Сиздан бир амр бўлса, султоним,
Қамчилаб бошига уриб келайин.

Подшо:— Нима қилсанг, ихтиёр ўзингда, Оллоёрни бу ерга келтир!— деди. Саримирахўр кетди. Оллоёр катта-кичиклар билан суҳбатлашиб ўтирган эди. Мирохўр ичкарига кирди.— Сен, баччағар, қилган ҳамма ишларингни ўзинг биласан,— деб қўлини боғлаб олди. Ёқасидан ушлаб, тумшуғига муштлаб, ташқарига олиб чиқди. Мирохўр аччиғланиб, Оллоёрни ура берди. Халқнинг ҳаммаси бунни кўриб, ҳайрон қолди. Подшонинг қо-

шига боргунча қамчининг ўримидан ушлаб савай берди.— Сенингдай муғомбир жосусни энди топдим,— деб қоп-қора қонга бўяб, подшога рўпара қилди. Подшо Оллоёрга қараб бир сўз деди:

Орзигулга ошиқ бўлган,
Хосхонадан яширин келган,
Бор фирибни менга қилган,
Душман бўлган сенмидинг?
Олай деб боғбон қизини,
Душман бўп келган сенмидинг?
Олиб кеб бу ерга тиллани
Ишлатиб қанча ҳийлани
Тўкиб қанча ёшини,
Ёш боланинг тўкиб қонини.
Азоб берган сенмидинг?
Сувонга қиб дарду алам,
Азоб чекди ёлғиз болам,
Юртимда сонсиз одам,
Гуноҳкорим сенмидинг?
Топиб берди ёлғончини,
Олай неварам ўчини,
Подшонинг бил кучини,
Душман жосус сенмидинг?

Жаллодлар:— Кимнинг қони тортди, тақсир. Кимнинг кунни битди?— деб Султояхон қошида тайёр бўлдилар. Шунда подшо:— Дилмуроднинг гапи икки бўлмасин, кўп урманглар, тағи бу ҳийлагар ўлиб қолмасин. Дилмуродхон келиб, душманнинг жазосини берар. Бу ифвогарни зиндонга ташланглар. Бўйнига ғул, оёқларига кишан уриб қўйинглар,— деди. Саримирахўрнинг аччиғи келган эди, олдига солиб уриб-суриб, зиндонга олиб келди. Қоровулларга:— Бу қонсизни зиндонда сақланглар, бизнинг элга келган, кўп макр-ҳийлани қилган фирибгарнинг жазоси шу,— деди.

Эндиги сўзни Сувонхондан эшитинг. Тўй ўтгандан сўнг Оқтошга кетгиси келди ва Орзигулга қараб бир сўз деди:

Бобонг жойи, билдим, энди даштидир,
Ушбу майдон чўпонларга яхшидир,

Оллоёр душман Сувоннинг гашидир.
Бу ерларда ғамгин бўлиб юргандан
Оқтош элга энди кетмоқ яхшидир.
Сўзи яхши олимларнинг тилидан,
Ошиб бориб манов тоғнинг белидан.
Йиғламасса Оллоёрнинг қўлида,
Душманнинг қонин тўкмоқ яхшидир.
Бориб тўкай зарбим билан кучимни,
Олай бориб у жосусдан ўчимни.

Шунда Орзигулга Сувоннинг сўзи маъқул тушиб,
Орзигул Холёр чолни чақириб, бир сўз деди:

Сабаб бўлдинг Дилмуродхон ўғлингга,
Биз тутинган фарзанд бўлдинг ўзингга.
Жавоб беринг энди, ота, кетамиз,
Жон ота, рози бўл берган тузингга.
Болам деб асрадинг гулдай кўзингни,
Қойилдирман раҳбар бўлган ўзингга,
Еш олмагин бобо, мунча кўзингга,
Кўрсатмадинг бўйим ҳеч бир кишига
Ҳеч бўлмади, бобо, менга гуноҳинг,
Обод бўлсин ўтирган маскан жойинг.
Қизил юзли, улуғ ёшли жон бобо,
Рози бўнг, бобожон, берган тузингга.

Шунда бобо:— Э болам, келган одам хурсанд қилар,
кетганлик ёмон, — деб кўзига ёш олди. Орзигул:
— Насиб қилса, мен яна келарман, сизни унутмасман,
— деб хайр-хўшлашиб жўнаб кетдилар. Кеча-кундуз
йўл юриб, икки мазгил қўниш билан шаҳарга келиб кирдилар.
Миршабхона кўзига кўриниб, боласини оғзига
тишлаб юрганлари, таёқ еганлари, миршаблар уриб,
йиглаб турган пайтлари кўз олдига келди.

Юрагимда қолиб доғлар,
Улдирмоққа мени чоғлар,
Ҳар эрта мени таёқлаган,
Азобли кунлар ўтиб кетди.

Булар тўғри ўз ватанларига тушдилар. Халқ буларни кутиб олди. Йўқолганлар топилди, вақтихушлик бошланди. Уч кундан сўнг Султонхон, «болаларим келсин!» деб одам юборди. Сувонхон Дилмуродни етаклаб, Орзигул билан бирликда отасининг қошига бордилар. Бобоси Дилмуродни ўз ёнига олиб:— Энди Оллоёрнинг жазоси недур?— деб бир сўз деди:

Омон-эсон узоқ йўлдан келурсан,
Ақл билан улуғ гапни билурсан,
Ақли роса қўзим, сендан сўрайман:
Оллоёрнинг ишин қандай қилурсан?
У кун айтдинг, «ихтиёрин қўй менга»,
Сабаб шудир, солиб қўйдим зиндонга,
Кўп азобни берган сену энангга,
Оллоёрнинг кўрадиган жазосин,
Энди ҳар иш қилсанг ихтиёр сенда:
Султон деди менинг ўзим валламат,
Шаҳарга кўп солди у бир аросат,
Фисқу фасод гаплар бўлди, маломат,
Бу Оллоёр гуноҳкорни топширдим,
Хоҳи сўйгин, хоҳи уни бойлаб от!
Бор, болам, олабер ундан ўчингни.

Шунда Дилмурод:— Ҳукми кушга менинг қурбим етмас. Агар кўнглингизга малоллик келмаса, уч соатга подшоликни менга берсангиз. Ўлдирмоқ, жазоламоқ ихтиёри пойтахтнинг эгасидадир. Уч соат бўлсам Оқтош элнинг эгаси, сўнг берайин Оллоёрнинг жазосин. Сиз турганда, менга подшо бўлиш уятдир. Подшолик душманга жазо бериш учун лозимдир, — деди. Подшо рози бўлиб, уч соатлик подшолик ҳуқуқини Дилмуродга топширди. Дилмурод Оқтошнинг уч соатлик подшолигини сўраб, хос саллани ўраб, жаллодларга қараб:— Боринг, Оллоёрни олиб келинглар!— деб бир сўз деди:

Ажал етиб, паймонаси тўлганди,
У душмандан хонинг азоб кўрганди.
Қорахондир отин қўйган Оллоёр,
Келтиринглар, бугун бўлди у даркор,
Подшо бўлди тўрт яшарли кокилдор,
Бобом Султон, отам Сувон аждаҳор.

Оллоёрга қурингизлар тилла дор.
Ё сўйиб осинглар уни муқаррар,
Буюрса тахт устида ҳукмдор,
Ҳукмдорнинг букун амрин тутинглар.
Бу замонда ҳам ўйнанглар, кулинглар,
Ҳақиқатчи, сидқидилли бўлинглар,
Дарвозага элтиб парчин қилингллар.
Тошбўронга ҳукм қилдим, урингллар!

Беклар бориб Оллоёрни зиндондан олиб келдилар.
Дилмурад қошига келиб, Оллоёр бир сўз деди:

Ҳеч ким мендай дунёда,
Бундай расво бўлмасин,
Бўйнида гул, қўлда кишан,
Халқ оралаб юрмасин.
Ўлмасин Дилмураджоним,
Ёмонлар жазосин кўрсин,
Ким ёмонлик қилар бўлса,
Мендай расво бўлиб ўлсин.

Шунда Дилмурад: — Энди тирик қолмаслигини ўзи ҳам билди, ҳайданг, беклар, — деди. Бўйнида гул, кишани билан ҳайдай бердилар. — Тез-тез юр! — деб Саримирахўр гоҳ қамчи, гоҳ мушти билан Оллоёрнинг гарданига урар эди. Дарвозага етиб,— хоннинг амри шудир, деб, тиззасидан ерга кўмдилар. Ёмонликнинг жазоси шу, — деб, дарвозга икки қўлини қулочлаб кафтига мих қоқдилар. «Бир кишининг суйган ёрига кўз олайтирган кишининг жазоси шу бўлар», деб тепасига хат битиб қўйдилар.

Оқтош элига: — Ҳар ким Оқтош шаҳрига кирса, икки қўлида тош олиб кирсин. Шаҳарга киришда бир тош билан, чиқишда бир тош билан Оллоёрни урсин,— деб хабар қилди. Шундай қилиб, Оллоёрни ўлдирдилар. Дилмурад бобосига подшолик ихтиёрини берди. Орадан уч йил ўтди. Дилмурад етти ёшга чиқди. Бир кун Орзигул ўз бошидан ўтган воқеаларни ўғлига сўзлаб берди. Дилмурад: — Ундай бўлса, зиндонда азоб чекиб ётган бобомизни, бувимизни, Қорахон подшо зулмидан азоб чекиб ётган халқларни озод қилиб келайин, — деб ўн минг лашкар билан Султонхондан рухсат олиб, Хосхонага жўнаб кетди. Кеча-кундуз йўл тортиб, уч тоғдан ўтиб, Хосхонага кириб бордилар. —

Урушар жойини кўрсатсин, — деб Дилмурод хат юборди. Хосхонада Орзигулнинг туққан онаси Барногул подшо эди. Барногул савдогарлардан: — Орзигул Дилмурод номли ўғил туққан эмиш,— деб эшитар эди. Барногул хатни ўқиб, шу — Дилмурод бўлмасин тагин, деб ўйлади.

Барногул элчидан хат ёзиб юборди. Элчилар хатни Дилмуродга етказдилар. Дилмурод хатни ўқиб, бекларга маълум қилди, Барногул момаси хатда шуларни ёзган:

Ҳасратим кўп, менда йўқдир ўғломим,
Қўлимдадир Хосхонадай маконим,
Бир Орзигул бу дунёда кўрганим,
Кўп йил бўлди мен айрилиб қолганим.
Дилмурод, деб хатга солган отини,
Отасининг номи Сувонхон бўлса,
Дилмуродга ҳадя бўлсин бу жоним.
Келган бўлса хуш келибди Дилмурод,
Шу қўзимнинг бўлсин элу маконим.
Шод бўлдим эшитиб Дилмуродимни.
Қариганда келиб сўрсин ҳолимни,
Дилмурод отингдан моманг айлансин,
Хосхонани энди сенга топширдим,

Беклар карнай-сурнай тортиб, Хосхонага келиб кирдилар. Барногул пешвоз чиқиб, кутиб олди. Халқ ўйнашиб-кулишиб, йигитлар кўчаларда от суриб, чопишиб, адашганлар топишиб ҳаммаси пойтахтга йиғилди. Саримирахўр Барногулга бир сўз деди:

Сарф бўлар урушда ботирнинг кучи,
Қизларнинг бўйига ярашар сочи,
Подшоҳим, биз келдик Оқтош элидан,
Эй султоним, бизга бергин суюнчи:
Олиб келиб таништирай ўғлингни.
Келтириб кўрсатай ёлғиз қизингни.
«От айланиб ахир топар қозиқни»,
Неча йиллар улар кўрди хўрликни.
Адашганлар бир-бирига бирикди.

Сари дейди, билинг, менинг отимни,
Суюнчини беринг; тезроқ султоним,
Олдингизга олиб келай Дилмуродни.

Шунда Барногул канизларини чопдириб, яхши сарполардан топдириб, Саримирахўрнинг устига тўн ёпдириб, хурсанд қилди. Саримирахўр Дилмуродни бошлаб, вақтини хушлаб, Барногул қошига олиб келди. Ой юзли, ўткир кўзли, сертамизли, саратон юлдузли, ширин сўзли, йўлбарс билакли, қоплон юракли Дилмурод билан момаси кўришди. Барногул Дилмуродни Орзигулга ўхшатиб, бир сўз деди:

Умидвордим, унинг қизил юзидан,
Мен айланай унинг қоши-кўзидан,
Қатта бўлган Орзигулнинг сутидан,
Менинг кетган болам келган ўхшайди.
Неча йилдан бери беқарор ўзим,
Кетган эди бу ватандан ёлғизим,
Ҳозир келган ўхшар энди канизлар,
Бир қучоқлаб мен ўпайин юзидан.
Айланаман Дилмуроднинг ўзидан,
Энди кепти, ҳеч қолмади армоним,
Қайтадан қурилди давру давроним.
Барногул дер: бўлай бундан парвона
Соғинганда бўлиб эдим девона
Эсон-омонлигин сўрайин,
Етказди элимга якка-ягона,
Оқ сут берган энажонинг омонми?

Барногул Дилмуродни бағрига босиб, юзига юзини қўйиб:— Уғлим, мен Қорахоннинг ўлганини эшитдим, ростми? Тирик бўлса, унинг кўп зиёни тегар, ўлган бўлса, энди давру давронлар бизникидир,— деди.

Шунда Дилмурод:

Қўлимда тўкилди душманнынг қони,
Дарвозада бордир сурат нишони.
Унинг учун ғам емангиз, момажон.

Уч йил бўлди Қорахоннинг ўлгани.
Шундай қилиб олдим ундан ўчимни,
Солиб унга зарбим билан кучимни,
Дарвозага тиззасидан кўмдириб,
Элу халққа икки тошдан буюриб,
Дилмурод дер, шундан олдим ўчимни
Дилмурод дер, душманингиз ўлгандир,
Энам Орзи, отам Сувон полвондир;
Ростин айтсам, сизга бугун момажон,
Уч кишини излаб ўғлинг келгандир.

Шунда Барногул:— Йўқолган-истаганларингнинг бири мен, қолган иккиси ким турур?— деди. Дилмурод:— Бири бобом — Эрназар боғбон, иккинчиси — энамни эмизиб катта қилган Тўтигул момамдир. Улар ҳали ҳам зиндонда бўлсалар керак. Менга ҳамроҳ қўшинг, зиндонни кўрсатсинлар, уларни озод қилай,— деди. Барногул одам қўшди. Зиндонга бошлаб олиб бордилар. Зиндонни очиб, Дилмурод бир сўз деди:

Неча йилдан бери, бобо, бормисан?
Орзигулни кўрсанг, болам дермисан?
Шунинг ўғли, боланг келди сўроқлаб,
Зиндон ичра ётган, бобо, бормисан?
Ёруғ жаҳонни бир кўрмоққа зормисан?
Бобо, мома, мен сизларни сўрайман,
Икки раҳбар, ҳам улуғим, бормисан?
Орзигулдир, менинг энам юборди,
Оқтош элдан истаб келдим сизларди,
Тирик бўлсанг товуш бергин, бобожон:
Хосхона эгаси аҳвол сўрайди.

Орзигул номини эшитиб, Тўтигул момаси зор-зор йиғлаб бир сўз деди:

Мен азоб-ла тирикдирман зиндонда,
Уйнаб кулолмадим ёруғ жаҳонда,
«Орзи» деган мен тилингдан айланай,
Етти йилдир мен ётирман шу жойда,

Қорахон шоҳ бизни олди қасдига,
Лашкар тортиб кетди Орзи устига,
Умид қилдим, етолмадим васлига,
«Мома» деган мен тилингдан ўрилай.
Ғариб бўлиб қолдик ернинг остида,
Қаторда толпинган норим, бормисан?
Орзигулжон эсон-омон бормикин?
Таёқ еган баданларим жароҳат.
Раҳбар бўлсанг, болам, олгин зиндондан.

Шунда Дилмурод Эрназар бобоси билан Тўтигул момасини зиндондан озод қилиб олди. Боғбон Орзигул қизини кўргандай бўлиб, Дилмуроднинг юзига юзини қўйиб: «Энанг омонми?» деб сўраб бир сўз деди:

Қимлар, болам, бирга келган дўстларинг?
Ярашар бўйингга кийган тўнларинг?
Мендай бобонг сендан садаға,
Асли Оқтош элидирми жойларинг?
Қанча сенинг бизга келган сипойинг?

Дилмурод:— Агар мен саломат бўлсам, уларни кўриш осондир, — деб бобоси билан момасини Барногулнинг қошига олиб борди. Буларни таништирди. — Орзигул энамни сиз туққансиз. Булар тарбиялаб ўстириб катта қилганлар, — деди.

Барногул: — Болам, ҳар қандай меҳнатнинг роҳати бўлар, меҳнат роҳатсиз бўлмас. Етти йил тортган азоб етар, энди роҳатини кўрсинлар. Буларга бир қўрғон бермоқ керак, — деди.

Дилмурод Эрназар бобоси ва Тўтигул момасига янги сарполар берди. Бобосини хурсанд қилди. Булар учун махсус қўрғон ажратди. Замон — замон кимники, — эндиги замон — Дилмуродники, деб жарчи чақирди. Барногул уни ўз ўрнига подшо қилди. Саримирахўрни вазир қилиб, ўн минг лашкардан беш юзини Оқтошга қайтариб: «Тўтигул момамни, Эрназар бобомни озод қилдим. Уларга бир қўрғон бердим. Туққан энангининг ўрнига ўзим султон бўлдим. Икки энангиз ва бобом сизни кўришга интизор эканлар. Агар келишга раъингиз бўл-

са келинг. Бўлмаса, буларни мен Оқтошга олиб бораман», деб хат юборди.

Дилмурод подшо бўп Хосхона элига,
Мирзалар қаламин олса қўлига,
Қўшиқ адо бўлмас шоир тилида.
Ислом шоир бу дostonни айтгандир,
Мансур Афзал қалам билан битгандир.
Орзигул ҳам катта дostonдан бўлиб,
Қадим замонларда бу иш ўтгандир.
Ҳам отаси, ҳам ўзи элни сўраб,
Охир мурод-мақсадига етгандир.

МУНДАРИЖА

Ширин билан Шакер	5
Кунтуғмиш	131
Орзигул	265

На узбекском языке

НАРОДНОЕ ТВОРЧЕСТВО ОРЗИГУЛ

ДАСТАНЫ

Редакторлар Ҳ. Пулатова

Ҳ. Маҳмудова

Расомлар Е. Ведская, ва С. Малий

Расмлар редактори Н. Холиқов

Техн. редактор В. Барсукова

Корректор М. Холмедова

Босмахонага берилди 7/Х-1974 й. Босишга
рухсат этилди 13/І-1975 й. Формати
84×108¹/₃₂. Босма л. 12,0. Шартли босма л.
20,16. Нашр. л. 21,46+0,21 (4 вклейка).
Тиражи 60000. Рафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,
Навой кўчаси, 30. Шартнома № 100—74.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёт-
тининг босмахонасида 3-қоғозга босилди.
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.
Заказ № 1583, Ваҳси 86 т.

Йўлдош Фозил ўғли .

Ширин билан Шакар. Кунтуғмиш. Орзигул. Достонлар. [Редколлегия: И. Мўминов, Яшин, С. Азимов ва бошқ. Нашрга тайёрловчи М. Шайхзода]. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.

384 б. (Ўзбек халқ ижоди. УзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти).

Мазкур китобга халқ асрлар оша яратган дурдоналар «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар» ва «Орзигул» достонлари киритилди.

1. Фозил Йўлдош ўғли.
Юлдаш Ф. Достаны.

УзФ

Инд 7-4-3-24 122-74.
Н — М — 352-06-74